

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРАЛИ ҚОДИРОВ**

**ЁШЛАРНИ ДЕСТРУКТИВ  
ТАЪСИРЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2013**

**УЎК: 94 (075)**  
**КБК 74.500.50**  
**Қ-53**

**Қ-53**                      **Умарали Қодиров. Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари. –Т.: 2013, 236 бет.**

**ISBN 978–9943–10–889–9**

Монография ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг айрим масалаларига бағишланган бўлиб, унда давлатнинг барқарорлиги, ижтимоий, маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатадиган деструктив диний, маданий, экстремистик ва террористик оқимлар, гуруҳлар фаолияти назарий таҳлил этилган, деструктив гуруҳ, ғоя тушунчаларининг генезиси, моҳият ва мазмунига мавжуд илмий назарияларга суянган ҳолда таъриф берилган. Шу билан бирга ёшларнинг ушбу гуруҳлар, ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги юзасидан муайян хулосалар, тавсиялар келтирилган. Монография «Ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган ижтимоий-психологик, педагогик технологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги ИТД-166 рақамли амалий лойиҳа доирасида яратилган.

***Масъул муҳаррир:***

**Ғ.Б.Шоумаров** – психология фанлари доктори, профессор

***Тақризчилар:***

**Р.С.Самаров** – фалсафа фанлари доктори, профессор;

**Н.А.Соғинов** – психология фанлари номзоди, доцент.

**ISBN 978–9943–10–889–9**

**© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.**

---

---

## КИРИШ

Республикамызда ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти куриш борасида олиб борилаётган туб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар эртанги кунимиз, қолаверса, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёркин ифодасидир.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида шахс онгини эгаллашга қаратилган хуружлардан сақланиш, ҳар бир киши онгида мустаҳкам маънавиятни шакллантириш, ёшларни деструктив гуруҳлар таъсиридан асраш, жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро онгида миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда мафкуравий иммунитет, хавфсизликни таъминлашда антиманипулятив, асертив хулқ-атвори таркиб топтириш муҳим ва долзарб аҳамият касб этадиган масалалардан биридир. Бу эса келажакда шахс хавфсизлиги, қолаверса, жамият ҳамда давлатнинг хавфсизлигини таъминланишда гаров вазифасини ўтайдиган омиллардан ҳисобланади.

Деструктив ғоялардан ҳимояланишнинг илмий асосларини яратиш, деструктив гуруҳларнинг фаолият мазмуни, ишлаш услублари, тарғибот усул ва воситаларини илмий услублар ёрдамида ўрганиб, улардан ижтимоий-психологик ҳимояланиш механизмини ишлаб чиқишнинг зарурияти ушбу муаммонинг долзарблигини асослайди. Ўзбекистон Республикасининг барқарорлигига, аниқроғи унинг ижтимоий, маънавий юксалишига салбий таъсир кўрсатаётган деструктив диний, маданий, экстремистик ва террористик оқимлар, гуруҳлар фаолиятини назарий-амалий таҳлил этиб, деструктив гуруҳ, ғоя тушунчаларининг генезиси, моҳият ва мазмунига мавжуд илмий назарияларга суянган ҳолда таъриф бериш, таснифлаш, ёшларнинг ушбу ғоялар таъсирига тушиб қолмаслиги учун муайян ижтимоий-психологик асосни яратиш ҳозирги кунда психология, педагогика ва умуман барча ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган муҳим вазифалардандир. Мазкур масала, яъни ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиш муаммоси алоҳида тадқиқот объекти бўлмаган. Шу нуқтаи назардан ҳозирги вақтда деструктив ғоялар ва гуруҳларнинг вужудга

келиш сабаблари, фаолият доираси кенгайишининг ижтимоий-психологик тадқиқи долзарб назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Психологик-педагогик жиҳатдан деструктив гуруҳларга киришга мойиллик даражаси мавжуд ёшларни аниқлаш, улар билан тарбиявий ишларни олиб боришда ҳозирги кунда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бир қанчадир. Масаланинг яна бир долзарб жиҳати шундан иборатки, хавфсизликнинг асосий субъектларидан бирини ёшлар шахси ташкил этади. Улар шахсининг хавфсизлигини ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганилиши, хавфсизликни таъминлаш борасида қандай ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахборот-психологик, маданий, мафкуравий таъсирларга эътибор қаратиш зарурлигини белгилаб олиш учун имкон яратади. Ўз навбатида, булар мамлакатимизда қабул қилинган ёшларга оид Давлат сиёсати доирасида режалаштириладиган дастурий тадбирларни мазмунан бойитишга хизмат қилади.

Илмий тадқиқот ишида мамлакатимизда ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялашнинг ижтимоий-психологик, ёш ва индивидуал-психологик омиллари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ёшлик даврига хос психологик ҳимоянинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилган, психологик ҳимоянинг ўқув-касбий ва жинсий тафовутлари тадқиқ этилган, ташқи муҳитга ва психологик жиҳатдан деструктив таъсирга эга ахборотга қарши йўналтирилган (ички) психологик ҳимоянинг турлари ҳамда кўри-нишлари тасниф қилинган, психологик ҳимоя механизмларининг фаоллигини таъминловчи шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятлари ўрганилган, психологик ҳимоянинг етакчи механизмлари асосида шахснинг ёшлик даврига хос психологик портрети яратилган.

Ушбу монографиядан ёшлар билан ишлашда таълим муассасаларининг маънавий- маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари, амалий психолог ва педагоглар, ёшлар муаммоси билан шуғулланувчи ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари, миллий истиқлол ғояси таълимининг объект ва субъектлари бўлган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, магистрант ва бакалаврлар, шунингдек, маърифий тарғиботчилар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

---

# **I боб. ЁШЛАРНИ ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА**

## **1.1. Шахс деструктив фаолиятига оид биологик ва ижтимоий- психологик ёндашувлар**

Республикада таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, салоҳиятли, баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ёшлар билан боғлиқ турли давлат дастурларининг қабул қилиниши, ёшларнинг моддий, маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганидан далолат беради.

Бироқ, юртимизда ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топишлари учун амалга оширилаётган тадбирлар ва бу соҳага берилаётган катта эътиборга қарамадан ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, алкоголизм, жиноятчилик, турли деструктив ғоялар, диний-экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш каби жамиятимиз учун ёт бўлган иллатлар учраб турибди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз чиқишларида бир неча бор ушбу масалага эътибор қаратиб, ёшларимиз, халқимизни бундай таҳдидлардан асраш нақадар муҳим эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. «Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> И.Каримов. «Юсак маънавият – енгилмас куч». Тошкент, «Маънавият» нашриёти, 2008 йил, 118-бет.

Бугунги кунда бир қатор деструктив гуруҳлар бутун дунё мамлакатлари ҳудудларида фаолият юритиб, бу давлатлар сиёсий, ижтимоий-маданий, маърифий ҳаётида бир қанча муаммолар туғдириб келмоқда. Биргина Россия Федерациясида 400 дан ортиқ деструктив гуруҳ сифатида рўйхатга олинган ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, бизнинг мамлакатимизда ҳам айрим гуруҳлар ёшларни турли йўллар билан ўз таъсирларига жалб этишга интилиб, диний, маданий, маънавий, ижтимоий ҳамда сиёсий соҳада жамият ва давлат хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқдалар.

Баркамол авлод тарбиясини амалга ошириш муҳим стратегик масалалардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг демографик хусусиятларини инобатга олсак, бу нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади. Бугунги глобаллашув шароитида инсон онги ва қалби учун турли усул ва воситалар ёрдамида кескин олиб борилаётган курашлар давом этмоқда. Мазкур ҳаракатлар бевосита ёшларга йўналтирилган бўлиб, уларда миллий анъана ва қадриятларимизга, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатга нисбатан салбий муносабатларни шакллантиришга қаратилгандир. Бу муайян оммавий ахборот воситалари, оммавий санъат ва маданият ёрдамида керакли бўлган ғояларни шакллантириш, йўл-йўриқлар бериш орқали амалга оширилмоқда. Натижани жамиятнинг диний, маданий, ижтимоий, маънавий соҳаларида намоён бўлаётган экспансия ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин. Айни ҳолатларнинг ўз навбатида фожиали характерга эга бўлган, қуйидаги оқибатларга олиб келиши эҳтимоли бор:

- ёшлар ижтимоий алоқалар доирасининг торайиши;
- қадриятлар мазмунининг ўзгариши;
- ёшларнинг фақат бугунги кун учун яшаб, истиқболни ўйламаслиги;
- «Мен» сиймосининг деформациялашуви;
- психологик тушкунликнинг юзага келиши (ички беқарорлик, ички зиддият, ижтимоий кўрқув, салбий характер хислатларининг акцентуациялашуви);
- ўз ўрнини оила, иш, ўқув жамоасидан ўзга жойлардан топишга интилиш.

Умумжаҳон муаммоларидан бири ҳисобланган ёшларнинг деструктив гуруҳлар таъсирига тушишини тадқиқ қилиш борасида кўплаб хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида ва шу жумладан республикамизда бир қатор илмий изланишлар олиб борилган

бўлиб, уларда мазкур муаммонинг келиб чиқишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар, статистик, демографик, ҳукукий ва ҳудудий хусусиятлар ҳар томонлама илмий таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

Хориж ва собиқ иттифоқда бир қатор соҳа мутахассислари ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятчилик, гиёҳвандлик ва алкоголизм каби иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ижтимоий-психологик омиллар ва уларнинг олдини олиш, шахсда антиманипулятив, асертив хулқни шакллантириш борасида илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Э.Берн, Д.Карнеги, Э.Шостром, А.Маслоу, Р.М. Грановская, Ф.В. Бассин, А.И. Кочетов, И.А. Невский, З.А.Астемиров, В.Н.Мясищев, К.Е.Игошев, Л.М.Зюбин, А.Бурьяк, Е.Н.Волков, Е.В.Заика, Б.Т.Кондрашченко, Л.И.Долгова, Г.Г.Бочкарева, Э.Б.Мельникова каби бир қатор олимлар ўз тадқиқотларида деструктив гуруҳлар фаолияти натижасида юзага келаётган ижтимоий-психологик муаммоларни тадқиқ этишга ҳаракат қилганлар.

В.П.Шейнов, В.Б.Шапарь, И.Вагин, Н.Н.Козлов, С.Г.Кара-Мурза, Л.Михайлов, В.Соломин, Г.М.Андреева, Л.И.Божович, И.П.Башкатов, Б.Т.Кондрашченко, А.Н.Леонтьев, Н.Д.Левитов, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, В.М.Каримова, Н.С.Сафаев, Б.М.Умаров, Р.С.Самаров, З.Т.Нишонова, Н.А.Соғинов, Т.Маликова, А.Х.Югай, С.М.Тўйчиева, Д.Х.Қаршибаева, Г.К.Тўлаганова, Х.А.Қодирова, Х.А.Рухиева, З.Ф.Камалетдинова, Э.Кулжонов, Н.Комилова, К.Фарфиева, Ш.Ф.Мустафаева каби Россия ва Ўзбекистон психолог олимларининг таъкидлашларича, шахс онги, хулқи ҳамда фаолияти мазмунини уларни қуршаб олган муҳит белгилайди. Уларнинг фикрига кўра, киши онги, хулқи, характери микро ва макро муҳитдаги фаолияти орқали бошқарилади. Ижтимоий муҳитдаги носоғломлик эса киши онги ва хулқида турли оғишларни келтириб чиқаради. Шахсни манипулятив тарзда бошқаришда аввало, онг фаолиятининг ўрнини, механизм ва қонуниятларини назарий ва амалий талқин қилиб, сўнг антиманипулятив хулқни шакллантириш зарурдир. Бу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга аҳамият берилиши мақсадга мувофиқ:

- ёшларнинг таълим-тарбияси жараёнини турли ме-зонлар асосида ўрганиш, деструктив гуруҳлар билан алоқаларининг вужудга келиши сабабларини аниқлаш;

- деструктив гуруҳларнинг қандай пайдо бўлиши, фаолият доирасининг кенгайишини, ўз таркибига ёшларни жалб қилиш усул ва воситаларини ўрганиш;

- ёшларни деструктив ғоялар ва гуруҳлар таъсиридан сақлашнинг психологик услубларини аниқлаш, амалиётчи психолог ва педагоглар учун ишланмалар яратиш;

- ёшларнинг турли таъсирларга берилмаслиги юзасидан мафкуравий ҳимоя, иммунитет тизимини яратиш, асертив хулқ-атворни шакллантиришнинг психологик моделини ишлаб чиқиш;

- таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва маҳалла фаолларини мазкур масалалар юзасидан хабардорлик, саводхонлик даражасини ошириш ва улардан экспертлар танлаш;

- деструктив ғоялар таъсирига тушган ёшларнинг ҳудудий, демографик, статистик, ёш ва жинсий хусусиятларини ўрганиш;

- ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиши сабаб ва мотивларини ўрганиш;

- деструктив ғоялар таъсирига тушган ёшлар шахсининг индивидуал-психологик хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларнинг типологик тавсифномасини тузиш;

- жинс хусусиятлари билан боғлиқ равишда ёшлик давридаги психологик ҳимоя кўринишларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

- шахснинг ёшлик даврини тавсифловчи ҳиссий-иродавий, коммуникатив, интеллектуал хусусиятларини тадқиқ этиш;

- шахснинг индивидуал-психологик тавсифи ва турли ҳимоя механизмлари хусусиятлари ўртасидаги мутаносиблик, боғлиқликни ўрганиш.

Ҳозирги пайтга келиб жаҳонда бўлиб ўтаётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар илгари етарли даражада аҳамият берилмаган бир қатор феноменларга янгича назар билан қарашни тақозо этмоқда. Улардан бири инсонларнинг деструктив фаолиятидир. Инсон табиатининг вайронкор жиҳати айниқса XX аср бошлари ва XXI аср охирларида оммавий қотилликлар, инқилоблар, урушлар, террорчилик ҳаракатларида яққол намоён бўлди. Оммавий ахборот воситаларида жаҳоннинг энг тинч, осойишта ҳисобланган мамлакатларида ҳам содир этилаётган жиноятлар ҳақида хабар бериб борилмоқда. Ҳеч қандай ахлоқий, диний, ҳуқуқий меъёрлар



инсоннинг деструктив фаолиятини тўхтатиб қололмаяпти. Ҳатто яшаш учун яратиб берилган энг қулай шарт-шароитлар ҳам деструктив фаолиятни бартараф эта олмаяпти, айти пайтда у нафақат инсонларнинг бир-бирига, балки табиатга, маданий ёдгорликларга, оддий буюмларга нисбатан муносабатида ҳам акс этмоқда. Техника ва технологиянинг замонавий тараққиёти ҳисобга олинса, ҳозирги даврда деструктив фаолият нафақат алоҳида олинган шахс ёки ижтимоий гуруҳга, балки давлатлар, мамлакатлар ва бутун инсониятга хавф туғдирмоқда.

Деструктив фаолият феноменининг илм-фанда деярли тадқиқ этилмаганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ҳатто «деструкция», «деструктивлик», «деструктив фаолият» тушунчаларига изоҳ ҳам кўпчилик луғатларда учрамайди, учраган тақдирда ҳам уларнинг таржимасигина келтирилади (инглизча «*destructive*» – «емирувчи», «вайрон қиладиган», «ҳалокатли»). Аксарият адабиётларда деструкция «бирор нарсанинг тузилмасини вайрон қилиш» сифатида шарҳланади. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан инсоннинг вайронкорликка мойиллик табиати таъкидлаб ўтилган бўлса-да, бу мавзуга Эрих Фроммнинг йирик илмий иши - «Инсон деструктивлиги анатомияси» китобигина алоҳида бағишланган<sup>1</sup>. Шунга қарамай баъзи олимлар деструкциянинг хусусан, қотиллик, суицид, террорчилик фаолияти сингари турли кўринишларига эътибор қаратганлар. Бу ҳодисалар эса ойдинлаштирилиши лозим бўлган умумий хусусият, асосларга эгадир. Бундан ташқари деструктив фаолиятнинг айрим кўринишлари махсус ихтисосликка эга мутахассис (биолог, генетик, психолог, сексопатолог, тарихчи, ҳуқуқшунос)лар томонидан ўрганилган. Бироқ, маълумки, феноменни фақат бир бутун, яхлит ҳолда тадқиқ этиш унинг моҳиятини англашга ёрдам бериши мумкин. Шундай қилиб, деструкция муаммосининг, шу билан бирга инсон деструктив фаолиятининг етарли даражада таҳлил этилмаганлиги ушбу масаланинг долзарблигини асослайди. Мазкур мавзунини чуқур тадқиқ этиш, деструктив фаолият асосини ва турли жамиятларда унинг ҳар хил кўринишлари намоён бўлишини таҳлил қилиш, деструктивлик муаммосини ҳал этишнинг жаҳон тажрибасини умумлаштириш инсоннинг вайронкор табиатини жиловлаб туришга ва деструктив майлларни бошқа фаолият соҳаларига

---

<sup>1</sup> Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. М.: Республика, 1994.

йўналтиришга имкон берувчи ижтимоий-психологик механизмларни яратиш имконини бериши мумкин.

Узоқ ва яқин хориж олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотларда инсон деструктив фаолиятига ижтимоий-психологик феномен сифатида баҳо беришга ҳаракат қилинган. Хусусан, унинг биологик, нейрофизиологик, психологик ва ижтимоий асосларини таҳлил қилиш, инсоннинг табиатидан келиб чиқиб, бир бутун феномен ҳисобланувчи деструктив фаолият моҳиятини тушунтириб бериш мумкинлиги таъкидланади.

Махсус адабиётлар, манбаларда қайд этилишича, деструктив фаолият тушунчаси замирида инсоннинг ташқи оламга нисбатан йўналтирилган махсус фаоллиги шакли тушунилади. Бу фаолликнинг моҳияти эса турли объект ёки тизимларни вайрон қилиш ёхуд вайрон қилишга интилишда намоён бўлади. Деструктив фаолият бошқа инсонлар, жамият, давлат, табиий муҳит, маданий-тарихий ёдгорликлар, турли буюмларга, шунингдек, шахснинг ўз-ўзига (шахс тубанлашуви, инқирози, суицид) ҳам қаратилиши мумкин.

Бевосита инсоннинг табиатида мавжуд бўлган деструкция турли тартибсизликларни келтириб чиқариб, фаолиятнинг пировард мақсади ҳисобланиши ҳам, яратувчилик, ижодкорлик жараёнининг таркибий қисми бўлиши ҳам мумкин.

Инсоннинг деструктив фаолияти моҳиятини унинг биологик, нейрофизиологик ва психик асосини таҳлил қилмасдан тушуниб бўлмайди. Энг аввало, «деструктивлик соф инсоний феноменми ёки бошқа жонзотларга ҳам хосми?» деган саволга жавоб топиш зарур. Шунингдек, деструктив фаолиятнинг ирсий жиҳатдан шартланганлиги масаласини ҳам ўрганиш, деструкциянинг намоён бўлишида кишига гормонал ва асаб тизими сифатлари, психик хусусиятларнинг кўрсатадиган таъсирини тадқиқ этиш ҳам лозим.

Деструктив фаолият биологик ва нейрофизиологик асосларини таҳлил этишнинг мушкуллиги мазкур муаммога бағишланган алоҳида амалий ишнинг деярли йўқлиги билан изоҳланади, шунинг учун ушбу масалани кўриб чиқишда инсонлар ва ҳайвонларнинг тажовузкорлигини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар хулосаларига ҳамда қотиллар ва суицидал ҳаракатларни амалга оширишга уринган кишилар ўртасида ўтказилган тажрибалар натижаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳайвонлар хатти-ҳаракатини ўрганишга бағишланган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича<sup>1</sup>, инсон деструктив фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳайвонот оламида ҳам учрайди, бироқ бир бутун ҳолда деструктивлик бошқа жонзотларга хос эмас. Кўпчилик ҳайвонот олами вакилларидаги популяция, кўпайиш инстинкти ўз турига мансуб ҳайвонларни қирғин қилишга тўсқинлик қилади. Ҳайвонларнинг турлараро курашини деструкция деб қабул қилиш ўринли эмас, чунки бу кураш ўз турини сақлаб қолишга қаратилган бўлади. Тур ичидаги тажовузкорлик (бир турга мансуб вакиллар орасидаги рақобат) ҳам худди шу мақсадга қаратилади. У ҳайвонларнинг кенг географик ҳудудга тарқалишига ҳамда энг кучли индивидуумларнинг курашда ғолиб бўлиши туфайли генофонднинг яхшиланишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда кучли ҳайвонлар ўз насларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишнинг уддасидан чиқадилар<sup>2</sup>. Тур ичидаги тажовузкорликдан фарқли ўлароқ, деструктив фаолият турни сақлаб қолишга йўналтирилмайди. Ҳайвонлардаги деструктив фаолиятни эслатувчи ҳодисалар жуда сийрак кузатилиб, асосан ҳашаротларда учрайди. Мисол учун, асаларилар, чумолилар ва термитлар ўз тўдаларидаги аъзоларни ҳидидан фарқлайдилар ва бостириб келган ҳар қандай «бегона»ни дарҳол ўлдирадилар<sup>3</sup>.

Юксак даражада тараққий этган ҳайвонларда бегоналарга нисбатан тоқат, толерантлик нисбатан кучлироқ ривожланган. Улардаги иерархик ва ҳудудий муаммолар одатда намойишкорона хулқ-атвор ва яккама-якка жанглар воситасида ҳал этилади. Масалан, денгиз филлари бегона меҳмон тўда етакчисига ташлангандагина жангга киришадилар. Бунда эркак денгиз филлари бир-бирларига қудратли тишлари билан зарба берадилар, шунинг учун кекса филларнинг бўйнида катта-катта чандиқлар сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Лекин, улар камдан-кам ҳолларда жиддий ярадор бўладилар, чунки биринчидан, жанг жуда тез тугайди, иккинчидан мағлубни фақат чегарагача кузатиб кўядилар. Ҳудуд учун жанг қилувчи моржлар ва денгиз шерлари орасидаги жанг ҳам жуда қаттиқ давом этса-да, худди шундай тез тугайди<sup>4</sup>. К.Лоренц таъкидлаганидек, ҳайвонларда ўз турдошларига зарар етказиш

---

<sup>1</sup> Дьюсбери Д. Поведение животных. Сравнительные аспекты. -М.: Мир, 1981. С.97.

<sup>2</sup> Лоренц К. Обратная сторона зеркала. -М.: Республика, 1998. С.86;

<sup>3</sup> Меннинг О. Поведение животных. Вводный курс. -М.: Мир, 1982.

<sup>4</sup> Шовен Р. Поведение животных. -М.: Мир, 1972.

имкони қанчалик катта бўлса, уларда шунчалик ўз деструктив майллари жиловлаш хусусияти ривожланган бўлади<sup>1</sup>.

Деструктив фаолиятга ўхшаш ҳолатларни фақат каламушлар ва приматларнинг айрим турларида кузатиш мумкин. Фақат уларда бир жамоанинг бошқасига нисбатан ташкилий кўринишдаги кураши кўзга ташланади. Каламушлар муайян умумий ҳидга эга бўлган улкан оилалар шаклида ҳаёт кечирадилар. Бу Ф.Штейнигер ва Эйбл-Эйбесфельдт тадқиқотлари натижасида 1950 йилга келиб маълум бўлди. Ўз жамоадошларига нисбатан каламушлар жуда хайрихоҳ бўлиб, бегоналарга ашаддий душманона кайфиятни намоён қиладилар<sup>2</sup>.

Ф. Штейнигер каламушларнинг бошқа жамоа вакилларига бўлган муносабатини ёритиш жараёнида улар хулқ-атвори профессионал қотилларни эслатишини билдиради. «Каламушлар секин орқадан писиб келиб, ҳеч нарсадан шубҳаланмай, мисол учун бирор нарса еб турган қурбонига тўсатдан ташланишади ва ёнбошдан, кўпинча уйқу артериясининг устидан маҳкам тишлашади. Жанг кўпинча бир неча секунд давом этиб, тишланган каламушнинг ўлими билан тугайди<sup>3</sup>».

К. Лоренц каламушлар жамоалари орасидаги тажовузкорлик, кураш турни сақлаш функциясини бажармаслигини ёзади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари кўпроқ деструктив фаолиятни эслатади. Бу ҳолат приматларнинг айрим турларида ҳам кузатилади.

Масалан, М.Л. Бутовская эркак шимпанзеларнинг гуруҳлар ташкил этиб, қўшни ҳудудларни босиб олиш ва рақибларини ўлдиришга интилишларини таъкидлайди<sup>4</sup>. Бунда шимпанзелар ўз гуруҳидагиларга тегинмасдан, бошқа гуруҳ вакиллариини ўлдиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса инсонлар томонидан олиб бориладиган уруш ҳаракатларини эслатади.

Шундай қилиб, ҳашаротлар, каламуш ва приматларнинг айрим турларини истисно этганда ҳайвонларнинг популяция инстинктлари ўз жинсдошларини йўқ қилишга йўл қўймайди. Айни пайтда, бир-бирини ўлдириш қудратига эга ва бир хил ўлчамдаги ҳайвонлар, қушлар (масалан, қарға, бўри, шер)да ўз тури вакилларига нисбатан кучли тормозловчи механизм мавжуд. Бироқ,

---

<sup>1</sup> Лоренц К. Обратная сторона зеркала. -М.: Республика, 1998. С 94.

<sup>2</sup> Дьюсбери Д. Поведение животных. Сравнительные аспекты. -М.: Мир, 1981. С.109.

<sup>3</sup> Лоренц К. Обратная сторона зеркала. М.: Республика, 1998. С.168.

<sup>4</sup> Бутовская М.Л. Агрессия и примирение как проявление социальности у приматов и человека. // Общественные науки и современность. 1998. № 6. С. 152

бир худуддан бошқасига кўчганда популяция инстинкти сусаяди, популяциянинг кўпайишини ва тарқалишини мувофиқлаштириб турадиган тур ичидаги рақобат ҳисси кучаяди. Агар популяция сони озуқа миқдоридан кўп бўлса, йирик сут эмизувчилар ўлимга олиб келиши мумкин бўлган қаттиқ жангларга ҳам киришадилар. Масалан, баъзи тадқиқотчилар Танзаниядаги 32 км дарё бўйидаги 2087 нафар бегемот орасида ўлим билан тугайдиган жанглар бўлиб ўтганини кузатганлар<sup>1</sup>. Худди шу сингари ҳолатлар ибтидоий одамлар жамоаларида ҳам содир бўлган. Тараққиётнинг қуйи босқичидаги айрим халқлар гўдаклар ва кексаларни ўлдириш орқали ижтимоий гуруҳ аъзолари сонини мувофиқлаштириб турган. Бу ҳолат кўплаб этнографик тадқиқотларда тасдиқланган. Мисол учун Австралия аборигенлари очлик ёки қурғоқчилик вақтида туғилган гўдакларни ўлдиришган, қарияларни ўша ерда вафот этиши учун саҳрога олиб бориб ташлаганлар. Ер куррасининг айрим бошқа нуқталарида ҳам гўдакларни ўлдириш амалиёти кенг тарқалган. Полинезияликлар ҳар йили ўз болаларининг учдан икки қисмини қиришган, жанговар ангола йаглари ҳарбий сафарлар чоғида аёллар қийналмаслиги вазидан уларнинг болаларини, жанубий америкалик мбайалар эса ўзлари керак эмас, деб ҳисоблаган қабиладошларини ўлдирганлар. Бироқ, шу билан одамлар ва ҳайвонлар хулқи орасидаги ўхшашлик тугаб қолмайди. Фақат инсонларгина нафақат инсонларни ўлдириши, балки уларнинг этини истеъмол қилиши ҳам мумкин (хатто Уганда раҳбари бўлган Иди Амин, Африка давлатларидан бирининг раҳбари Бокассо каннибаллар ҳисобланганлар). Иссиқ қонли ҳайвонлар орасида бундай ҳолат жуда сийрак учрайди. Ўз турдошининг гўшти улар учун бемаза туюлади. Буни қутб экспедициялари қатнашчилари ярадор ёки ўлган итларнинг гўшти билан бошқа итларни овқатлантирмоқчи бўлганларида аниқлаганлар. Одамсимон маймунлар эса маймунларнинг гўштини қандай кўринишда бўлмасин, умуман емайди.

Хулоса қилинадиган бўлса, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳайвонларда ўз турига мансуб ҳайвонларни йўқ қилиш майли популяция инстинкти билан бостирилган. Юксак даражада тараққий этган сут эмизувчилар иерархик ёки худудий муаммоларни ўзаро

---

<sup>1</sup> Nishida T., Haraiwa-Hasegawa M., Takahata Y. Group Extinction and Female Transfer in Wild Chimpanzees in the Mahale National Park, Tanzania. // Zeitschrift fur Tierpsychologie. 1985. V. 67. P.284-301.

жанглр ёки намойишкорона хатти-харакат билан бартараф этишади. Маълум бир ҳудудда яшовчи ҳайвонлар орасидаги ўлим билан тугайдиган қонли жанглр ҳудуд яшаш учун торлик қилганда ёхуд озуқа етмай қолгандагина бўлиб ўтади. Деструктив фаолият кўринишлари ҳашаротлар ва ҳайвонларнинг баъзи турларида, каламушларда кузатилади.

Ҳайвонлар хулқи хусусиятларини кўриб ўтгач, инсон деструктив фаолиятининг нейрофизиологик асосларини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз. Адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, мазкур жиҳат инсондаги нейродинамик жараёнлар, эндокрин тизим хусусияти, шунингдек, бир қатор ирсий омиллар таъсирида рўй бериши мумкин. Улардан айримларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Барча фаолият турлари каби деструктив фаолиятнинг амалга оширилишида ҳам бош миёдаги икки марказ: лимбик тизим ва бош миё пўстлоғи (кулранг қатлам) иштирок этади. Лимбик тизим турли тузилмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг вазифаси инсон майл ва иштиёқлари, ҳиссиётларини юзага келтириш ҳамда бошқаришда намоён бўлади. Бош миё пўстлоғи (кулранг қатлам)нинг асосий функцияси эса билиш ва акс таъсир кўрсатиш билан боғлиқ когнитив жараёнларни мувофиқлаштириш ҳисобланади. Бош миё пешана қисми зарарланиши натижасида инсоннинг атроф-муҳит таъсирига кўрсатадиган реакция тезлиги кучайиши эҳтимоли мавжуд. Бу ҳолда оддий таъсирловчилар ноадекват реакция кўзғатади. Бош миё пешана қисми зарарланган шахслр турли фитнес, иғволарга тез ва тажовузкорона жавоб берадилар, шунингдек, кўпинча сержаҳл, асабий ва ёмон кайфиятда юрадилар.

Америкалик олимларнинг таъкидлашларича, миёси зарарланган маҳбуслр бошқа маҳбусларга қараганда кўпроқ зўравонлик, куч ишлатиш йўли билан жиноят қилишга мойил бўладилар. Шу билан бирга деструктив жиҳатга ирсий омиллар, жароҳат натижасидаги ва алкоголь туфайли миёдаги айрим тормозловчи марказлар фаолиятининг тўхташи ҳам сабаб бўлади. Англияда хатти-харакатлари мотивини англамайдиган 30 ёшгача бўлган қотиллар гуруҳини ўрганган тадқиқотчилар уларнинг учдан икки қисмида аномал электроэнцефалограмма (ЭЭГ) мавжудлигини таъкидлаганлар. Бош миёнинг чакка қисми фаолияти бузилиши натижасида келиб чиқадиган тутқаноқ (эпилепсия) касаллиги сабабли ҳам кишиларда жазавага тушиш, қаҳр-ғазабга миниш ҳолатлари куза-

тилиши аввалдан маълум. Масалан, адабиётларда 14 ёшида икки бора қотиллик қилган америкалик бир қизнинг хатти-ҳаракатлари ёзилади. У арзимаган сабаб билан ғазабланиб, дераза ойналарини, хонадаги барча мебелларни синдириб чиққан ва уни полиция ходимлари ёрдамида тинчлантиришган. Кейинчалик у доим йиғлайдиган ўғай сингилчасини бўғиб ўлдиради ва уйдан қочиб кетади. Қўлга олингач, ўпка шамоллашидан ўлган деб тахмин қилиб келинган иккинчи сингилсини ҳам ўлдирганлигини психиатрга айтади. Тиббий текширувлар унда бош мия чакка қисмида эпилептик зарарланиш марказлари мавжудлигини кўрсатган. Ёки Техас университети биносига милтиқ билан чиқиб олган Чарльз Уитмен деган шахс ўша ердан 41 кишини отган, улардан 17 таси вафот этган. Патологоанатомлар унда бош мия хавfli ўсмаси мавжудлигини аниқлашган. Чикагодаги талабалар ётоқхонасида Ричард Спек исмли шахс 8 нафар тиббиёт институти талабаларини ваҳшиёна тарзда ўлдирган. Текширувлар унинг ҳам миёсида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатган. Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бош миёдаги ўзгаришлар натижасида ўзини ўзи назорат қилишнинг йўқолиши синдромига эга кишилар турли деструктив хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мойил бўлиб, жамият учун хавф туғдиришлари мумкин экан.

Деструктив фаолият амалга оширилишига моноаминооксидаза (МАО) оксил ферментининг таъсири тўғрисидаги хабарлар кейинги вақтларда тез-тез пайдо бўлмоқда<sup>1</sup>. Бу фермент асаб хужайралари (нейронлар)нинг фаолиятини тормозловчи нейромедиаторлар молекулаларини зарарлаш таъсир хусусиятига эгадир. Меъёр даражасида нейромедиаторлар (ацетилхолин, норадреналин, серотонин, гамма-амино ёғ кислотаси) нейронга маълум вақт давомида таъсир кўрсатиб туради. Моноаминооксидаза ферменти янги импульс ўтиши учун макон, худудни гўё озод, эркин қилиб қўяди. Айнан МАО нинг миёда меъёр даражасида бўлмаслиги деструктив фаолият учун замин ҳозирлаши мумкин. Бу далил бошқа тадқиқотлар натижасида ҳам исботланган. Масалан, И.М.Кветнойнинг ёзишича, депрессия натижасида ўзини ўзи ўлдирган кишилар миёси ёриб текширилганда, унда серотонин миқдори бошқа шароитларда ўлган кишилар миёсидагига қараганда анча кам эканлиги кўзга ташланган<sup>2</sup>. Деструкцияга мойиллик ва серотонин моддаси миқдори

<sup>1</sup> Лалаянц И. Убийство начинается в нейроне.// Литературная газета. 1994. 31 августа (N35). С.12.

<sup>2</sup> Кветной И.М. Вездесущие гормоны. М.: Молодая гвардия, 1988. С.76.

орасидаги боғлиқликни Т.Бахур тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>. Мисол учун ҳаддан ортиқ даражадаги фаоллик, тажовузкорликка эга каламушларда ҳам серотонин миқдори бошқаларига нисбатан кам бўлади. Шундай қилиб, инсон миясида серотонин моддасининг камлиги ҳам деструктив фаолиятга сабаб бўлиши мумкин экан.

Аллан ва Барбара Пиз сингари олимлар ўз тадқиқотларида кишилар организмида кузатиладиган гормонал жараёнлар (аёллар ва эркеклардаги менструал ва монопауза ҳолатлари) ва шунга боғлиқ ҳолда уларда содир бўладиган ўзгаришлар инсонлар хулқида таъсир этиши, жумладан, жинсий хатти-ҳаракатлар ва жиноятларни амалга оширишга ундаши мумкинлиги хусусида кўплаб далилларни тўплаганлар<sup>2</sup>. Бу каби хулосалар республикаимиз олимлари ишларида ҳам келтириб ўтилади<sup>3456</sup>.

Айни пайтда инсон гормонал тизимининг хусусиятлари ва унинг деструктив фаолиятга мойиллиги ўртасида боғлиқлик бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминлар ҳам илгари сурилмоқда. Транзакт таҳлил назариясининг асосчиси Э.Берн таъкидлаганидек, биз кўпинча ички секреция безлари ёрдамида ишлаб чиқилган гормонларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаймиз, улар эса бирор нарсани яратиш ёки вайрон қилишга интилиш ҳиссини туғдиради<sup>7</sup>. Шунингдек, айрим этнологлар тадқиқотларида инсондаги тестостероннинг деструктивликка бевосита алоқаси борлиги хусусидаги фикрлар ҳам учрайди. Масалан, Бразилия ва Венесуэлада яшайдиган яномаме қабиласи эркеклари жуда жанговар бўлиб, қўшни қабилалар билан тўхтовсиз қонли урушлар олиб боришади. Бошқа қабилаларнинг нисбатан хотиржам, осойишта эркекларига қараганда уларнинг хотинлари сони икки ярим баравар, фарзандлари сони уч баравар кўпдир<sup>8</sup>.

Америкалик тадқиқотчилар Даббс ва Моррис 4 мингга яқин уруш фахрийларининг ҳужжатларини таҳлил қилиб, акселишти-

---

<sup>1</sup> Бахур В.Т. Это неповторимое «Я». М.: Знание, 1986. С.39.

<sup>2</sup> Пиз А., Пиз Б. Язык взаимоотношений: мужчина-женщина. – М.2005.

<sup>3</sup> Софинов Н.А. Аёлларни асранг, эркеклар// Оила ва жамият. 1996. 47-сон.

<sup>4</sup> Софинов Н.А. Инсон бахти ва психологик хизмат// Мактаб ва ҳаёт. -2002.№1, Б.8-10

<sup>5</sup> Софинов Н.А. Авлодни шакллантиришнинг баъзи ижтимоий-психологик жиҳатлари// Соғлом авлод учун. 2002. №8. Б.28-42.

<sup>6</sup> Шахс инкироз ҳолатининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш. –Т.1997. 39 б.

<sup>7</sup> Берн Э. Введение в психиатрию и психоанализ для непосвященных. СПб.: МФИН, 1992. С.36

<sup>8</sup> Bolton R. Aggression and Hypoglycemia among the Quolla: a Study in Psychobiological Anthropology// Ethnology. 1973.N 3. P.227-259 Wilder J. Sugar Metabolism in its Relation to Criminality// Handbook of Correctional Psychology. New York, 1947.



мой хатти-ҳаракатлар, тажовузкорона хулқ ҳамда тестостерон даражаси орасида боғлиқлик борлигини аниқлаганлар. Бирок гормонлар даражаси ва деструктив хулқ орасидаги боғлиқлик бевосита эмас, яъни тестостерон бошқа айрим индивидуал омилларга таъсир этади, улар эса ўз навбатида инсоннинг деструктив табиати намоён бўлишига сабаб бўлади. Христиансен, Кнуссмэн, Эренкранц, Блисс ва Шеард сингари тадқиқотчилар тестостерон миқдорининг қонда юқори бўлиши шахсда калондимоғлик, намоёйишкороналик, етакчиликка интилиш каби хусусиятларни ифодалашини билдирганлар. Деструктивликнинг юқори даражада намоён бўлиши учун гормонлар турли ижтимоий омилларга таъсир кўрсатиши лозим. Р.Болтон ва Д.Уилдер инсоннинг номақбул хатти-ҳаракат қилиши биокимё кўзғатувчиларидан бири гипогликемия (қонда қанд моддаси миқдорининг кескин тушиб кетиши) эканлигини таъкидлаганлар. Гипогликемия ҳолатида кишида ўзини ўзи ўлдириш, қотиллик, ўғирлик, ўт кўйишга интилиш каби ҳолатлар кучайиши кузатилган.

Олимлар турли ирсий хасталиклар (масалан, шизофрения) ҳам кишини деструктив хулққа ундашини исботлаганлар. Бирок, деструктив хатти-ҳаракатга мойиллик маълум даражада ирсий шартланганлигига қарамай, бу унинг авлоддан-авлодга ўтаверишини англатмайди. Айни пайтда инсоннинг деструктив фаолиятига таъсир кўрсатадиган нейрофизиологик омилларнинг аҳамиятини ҳам мутлоқлаштириб бўлмайди. Бу баҳсли фикр бўлиб, ҳали кўп тажрибавий тадқиқотлар ўтказилишини талаб этади. Чунки ҳеч қачон кишининг муайян хатти-ҳаракати характерини фақат биологик ёки физиологик омилларга боғлаб кўйиб бўлмайди. Инсон деструктив фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида асосий эътиборни ижтимоий-маданий контекстда содир бўладиган нейрофизиологик жиҳатларга қаратган маъқул. Шундай қилиб, деструкция биологик жиҳатдан асосий, детерминантлашган омил дейишдан кўра, биологик жиҳатдан аҳамиятли деган фикр ҳақиқатга яқиндир.

Юқоридаги мулоҳазаларда деструктив фаолиятнинг биологик ва нейрофизиологик асослари баён қилинган бўлиб, унинг психик негизларини ҳам ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Инсон психикасининг биологик ва ижтимоий табиатидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, шахс деструктив фаолиятининг психик даражадаги сабабчиси сифатида қондирилмаган эҳтиёжлар хизмат

қилади. Америкалик таниқли психолог олим Абрахам Маслоу эҳтиёжлар назариясида бу жиҳатни мукамал асослаб берган.

Ўз ишларида А.Маслоу эҳтиёжлар иерархиясини қуйидагича тавсифлайди – эҳтиёжларнинг энг қуйи поғонасига физиологик эҳтиёж (уйқу, очлик, ташналик ва ҳ.к.)ларни жойлаштиради<sup>1</sup>. Агар улар доимий равишда қондириб турилса, фаол хулқ-атвор детерминантлари сифатида хизмат қилмай қўяди, чунки қондирилмаган эҳтиёжларгина кишини фаол ҳаракатларни амалга оширишга ундайди. Физиологик эҳтиёжлар қондирилгандан сўнг хавфсизлик, ҳимояланишга бўлган эҳтиёж юзага чиқади. Ундан сўнг муайян ижтимоий гуруҳга мансуб бўлиш ва унда барқарор ўрин эгаллаш каби ижтимоий эҳтиёжлар ўрин эгаллайди. Кейинги эҳтиёж ўзини ўзи баҳолашнинг юқори даражасига эга бўлиш ҳамда бошқалар томонидан ҳурмат қилинишига эришишдир. Ва ниҳоят, барча эҳтиёжларининг қондирилишига эришган инсоннинг энг сўнгги босқичдаги эҳтиёжи ўзини ўзи такомиллаштириш, ички имкониятларини юзага чиқаришга интилиш, шахс сифатидаги қобилиятларини намоён этишда ифодаланади.

Маслоунинг фикрича, инсон ўзининг асосий (базавий) эҳтиёжларини қондиролмаса, унда компенсацияловчи, қўшимча механизмларнинг ишга тушишига сабаб бўладиган норасолик ҳисси шаклланади. Кўпинча бундай механизмлар сифатида деструктив ҳаракатлар намоён бўлади. Шундай қилиб, Маслоунинг мулоҳазасига кўра, қондирилмаган эҳтиёжлар инсоннинг деструктив фаолият билан шуғулланишига олиб келадиган асосий манбалар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Эҳтиёжнинг инсон ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришдаги, ўзини ўзи намоён қилишдаги аҳамиятини бошқа психологлар ҳам таъкидлаганлар. Масалан, А.Адлернинг фикрича, инсон ҳаёти асосий қонуни сифатида шахснинг устунлик, афзалликка интилишини кўрсатиш мумкин<sup>2</sup>. Бироқ бу интилишнинг нафақат деструктив, балки конструктив йўналишда ҳам қўлланиши эҳтимоли мавжуд. Деструктив йўналиш хулқ-атвори шароитга қийин мослашадиган, худбин, шахсий манфаатларни биринчи ўринга қўядиган кишиларда кузатилса, конструктив йўналишдаги фаолиятни киришимли,

---

<sup>1</sup> Maslow A.H. Motivation and Personality. New York: Harper and Row, 1987.P.22.

<sup>2</sup> Adler A. Superiority and Social Interest: A Collection of Later Writings. H.L.& R.R. Ansbacher (Eds.). Evanston, IL: Northwestern University Press., 1964;

хатти-ҳаракатларини умум манфаатидан келиб чиқиб амалга оширадиган шахслар намоён этадилар.

К.Роджерснинг таъкидлашига кўра, инсоннинг барча ҳаракатлари қандайдир бир умумлаштирувчи мотив асосида юзага келади ва амалга оширилади. Мазкур мотивни у фаоллашувга мойиллик, рағбат деб атайди<sup>1</sup>.

Россиялик психолог Ю.М.Антоян тадқиқотлари деструктив фаолият деярли доимо узоқ вақт давом этадиган фрустрация (лот. *frustratio* – алдов, беҳуда кутиш- хоҳиш, эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ муваффақиятсизликлар натижасида юзага келадиган психик ҳолат) ёхуд норасолик ҳисси шаклланиши натижасида юз беришини исботлаган. Фрустрация натижасида келиб чиқадиган деструктив ҳаракатлар экстрапунитив характер касб этиши (ён-атрофдаги кишиларга, шу жумладан, фрустрация ҳолатига умуман алоқаси йўқ бутунлай нотаниш одамларга, алоҳида нарса-буюмлар ёки ижтимоий тузилмаларга йўналтирилиши) ёхуд интропунитив аҳамиятга эга бўлиши (субъектнинг фрустрация сабаби ўзи эканлигини англаши ва жароҳатловчи вазиятдан алкоголизм, гиёҳвандлик ёки суицид орқали чиқишга ҳаракат қилиши) мумкин.

Албатта, ўзини ўзи намоён қила олмаган ва фрустрация ҳолатида бўлган барча одам ҳам деструктив ҳаракатларни амалга оширавермайди. Бунда биологик омиллар билан бир қаторда турли ижтимоий омиллар, тарбия ва муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни, инсоннинг турли деструктив, салбий психологик-манипуляцион таъсирларга тушиш хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Зеро, инсон деструктив ғоялар таъсирига тушгач, деструктив гуруҳларга аъзо бўлиши ва деструктив фаолиятни амалга ошириши исботланган ҳақиқатдир. Деструкцияга мойил одамлар бир қатор хусусиятларга ҳам эгадир. К.Леонгарднинг шахс типологиясига кўра ўзини ўзи бошқаролмаслик, хоҳиш ва интилишлари юзасидан назоратнинг сустлиги, физиологик майлларнинг устуворлиги бу типдаги шахсларда уйғунлашиб кетади. Уларга инстинктивлик, импульсивлик, кўполлик, мижғовлик, бадқовоқлик, беадаблик, орсизлик, дағалликка мойиллик хосдир. Бундай кишилар турли низо ва мунозараларни келтириб чиқариб, уларнинг фаол иштирокчиси

---

<sup>1</sup> Rogers C.R. A Theory of Therapy, Personality and Interpersonal Relationships, as Developed in the Client-centered Framework.//Koch S. Psychology: A Study of a Science. Vol.3. New York: McGraw-Hill, 1959. P. 184-256. P.196.

бўлишади. Сержахл, серзарда, жиззаки бўлиб тез-тез иш жойларини ўзгартириб туришади, жамоадагилар билан чиқиша олмайдилар.

Мулоқотга киришувчанлиги, вербал ва новербал реакциялари, хатти-ҳаракатлари сушт. Қўзғалувчан типдаги кишиларнинг аксарияти болаликларида «қулоқсиз» бўлишган, хулқ-атвори талабга жавоб бермаган. Бошланғич синфларданок ўқишга ҳафсаласи бўлмаган. Бетўхтов назорат остида, истар-истамас улар уй вазифаларини, топшириқларни бажаришган. Барча ёмон ёрликлар уларга ёпиштирилган. Ёлғизликда ўзларини ёмон ҳис қилишган. Ташкилотчилик хислатларининг етарли даражада шаклланмаганлиги уларнинг етакчи бўлишларига имкон яратмайди. Ўқишни тез ташлашади.

Бирор ишдан улар завқ олишмайди, бошқа илож йўқлиги сабабли бу кишилар муайян фаолият билан шуғулланишади. Истиқбол, келажакка бефарқ бўлиб, фақат бугунги кун билан яшашади, кўнгилхушликни яхши кўришади. Жазавага тушгач, ҳовуридан пасайиши қийин кечади, бу пайтда атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкин. Ўзидан кучсизлар орасида ҳукмрон бўлишга интиладилар.

Деструкцияга мойил шахсларнинг яна бир хусусияти уларда хавотирланиш даражасининг юқори бўлишидир. Бу ҳолат одатда инсондаги ўз ҳолатидан норозилик, нотинчлик, яқинлашаётган хавфни сезиш ҳислари билан уйғунлашиб кетади. Юқори даражадаги хавотирланиш - иши юришмаган, омади келмаган шахснинг субъектив кўрсаткичи ҳисобланади. Бундай шахслар атрофдаги инсонлар, муҳитга душманона муносабатда бўладилар. Шунинг учун улар вазиятга тўғри, адекват баҳо бера олмайдилар, кайфиятлари кўпинча аффект ҳолати таъсирида тез ўзгариб туради. Бундай кишилар деструктив фаолиятига уларнинг ўз турмуш тарзларини анланган ёки анланмаган ҳолда ҳис этилаётган хавф, таҳдидлардан ҳимоялашга интилиши сабаб бўлади. Таъкидлаш лозимки, мазкур таҳдидлар хаёлий, ёлғон бўлса-да, реал хавф сифатида идрок қилиниши мумкин. Доимий равишдаги руҳий зўриқиш, аффект ҳолати натижасида баъзан мазкур шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асносида «ҳақиқат учун курашувчилар» ролини ўйнашни бошлайдилар. Ушбу ҳолатда деструктивлик инсонларга эмас, жамиятга ҳам йўналтирилади. Яъни, бу кишилар ўзлари амалда ҳеч нарса яратмасалар-да, яратишни эплай ҳам олмасалар-

да, намоёишкорона барча «адолатсизлик»ларни йўқ қилиш талаби билан чиқадилар.

Шундай қилиб, деструктив фаолиятга ўз асосий эҳтиёжларини қондиролмаган инсонлар мойил бўлиб, Э.Фромм таъкидлаганидек, улар бузиш, вайрон қилиш орқали ўз «Мен»ини ифодаляйдилар (тарихда Геростратнинг фаолияти бунга мисол бўла олади<sup>1</sup>). Деструктивлик ўзининг салмоғи, нуфузи, эътибори йўқ эканлигини тан олиш ғоят қийин бўлган бир шароитда энг аввало, дастлаб ўз назарида, кейин бошқалар наздида аҳамиятли эканлигини исботлашга уринишдир.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, психологик жиҳатдан инсонни ҳар қандай (деструктив ёки конструктив) фаолиятга йўлловчи мотивларга унинг хавфсизлик, ҳурмат, тан олиниш ва ниҳоят ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши, ўзини ўзи намоён қилиши эҳтиёжлари киради. Шахснинг ўз имкониятлари, салоҳиятини намоён қилишга интилиши рус файласуфлари Е.П. Никитин ва Н.Е. Харламенковаларнинг фикрларига кўра, инсон ҳаётий фаолиятидаги энг катта рағбатлантирувчи омил, кўзгатувчи сабабдир<sup>2</sup>. Бу жуда катта куч бўлиб, ҳар хил одамга турлича таъсир қилиши мумкин. Яъни, айрим кишилар ижодкорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўзларидаги бор ижобий салоҳиятни намоён қилсалар, бошқаларнинг инсонийлик қиёфасини йўқотиш даражасида тубанлашишлари эҳтимоли мавжуд.

Маълумки, инсон ўзини ўзи намоён қилиши учун бир қатор тўсиқларни енгиб ўтиши зарур. Бу жараён киши нафақат шахсий сифатлар (ирода кучи, мақсадга интилувчанлик, иш қобилияти, қизиқиш)га эга бўлишини, балки муайян даврда маълум бир ижтимоий шарт-шароитларнинг мавжуд бўлиши лозимлигини ҳам англатади.

Албатта, таҳлил қилинаётган масалани бир иш, асар доирасида тўла ўрганиб чиқиш қийин. Зеро, деструктив фаолият, деструктив гуруҳлар, деструктив ғоялар, онгни назорат қилиш феномени ҳозирги кунда социология, криминология, виктимология ва ижтимоий психология фанлари доирасида ўрганилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни

---

<sup>1</sup> Герострат милоддан аввалги 356 йили Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонасига ўт кўйиб, уни яқсон қилган. Геростратни бу «қахрамонлик»ка ундаган мотив, нима қилиб бўлмасин, тарихда ўз номини қолдириш бўлган. Ва у бунга эришган ҳам...

<sup>2</sup> Никитин Е.П., Харламенкова Н.Е. Самоутверждение человека. //Вопросы философии. 1997. N 9. С. 115.

бартараф этишда эса марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмалари, давлат ҳокимиятлари институтлари орасида узвий алоқаларни йўлга қўйиш, оила - таълим муассасаси – жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш, аҳолида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, олиб борилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

## **2.1. Шахснинг ижтимоий-психологик тузилмаси ҳамда ёшлик даврига хос айрим ижтимоий-психологик ва социологик қарашлар**

Шахс мураккаб, серқирра ижтимоий ҳодиса сифатида бир қатор фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб, фанлараро (фалсафий-социологик, ижтимоий-психологик) мажмуавий ёндашувни талаб этади. Маълумки, психология инсонни психик, руҳий ҳаётий фаолияти нуқтаи назаридан тадқиқ этади. Кенг маънода инсон шахси биологик, ижтимоий ва психологик унсурларнинг бир бутунликдаги, яхлит кўринишидир.

Инсоннинг биологик асоси асаб, безлар тизими, моддалар алмашинуви жараёни, физиологик ҳолатлар (очлик, ташналик, жинсий майл), анатомик хусусиятлар, организмнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини ўз ичига олади.

Шахс филогенезда, инсоният тараққиётида дуч келган муаммоларнинг энг жумбоқлиси инсон табиати, унинг моҳиятига хос бўлиб, бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилгани, турли назариялар баён қилинганлигига қарамай, ҳозиргача аниқ, равшан ва лўнда жавоб олинган эмас. Бунинг сабаби шундаки, инсонлар орасидаги фарқ жуда хилма-хилдир. Бу фарқлар нафақат ташқи кўринишда, балки, олдиндан айтиб бўлмайдиган ва мураккаб хатти-ҳаракатлар ва феъл-атворда ҳам кўзга ташланади. Ер қуррасидаги етти миллиарддан ошиқ инсоннинг қиёфа жихатдан бир-бирига айнан ўхшагани бўлмаганидек, характер, психологик хусусиятлари ҳам бир хил бўлмайди. Бундай ҳолатлар инсоният вакилларининг барчасини муайян бир тасниф асосида бирлаштиришга албатта, имкон бермайди.

Шахснинг ижтимоий «ўлчамлари» инсон тарбияланган муҳит, иштирок этаётган маданий жараёнлар, мулоқот сингари мезонлар натижасида шаклланади. Шахснинг турли гуруҳлар (оила, жамоа, тенгдошлари давраси)да бажарадиган ижтимоий роллари, шунинг-

дек, муайян таассуротлар, таъсиротлар натижасида шаклланган ўзи ҳақидаги субъектив «Мен»и ҳамда бошқаларнинг шахсдан кутади-ган хатти-ҳаракатлари натижасида намоён бўладиган ташқи «Мен»и муҳим ижтимоий компонентлар сифатида тасниф этилади.

Илоҳиёт, илми нужум, фалсафа, психология, адабиёт ва ижтимоий фанлар инсон моҳияти, одамзод хулқ-атворининг барча мураккабликларини ўрганишга ҳаракат қиладиган фанлар йўналишини ташкил қилади. Мазкур фанлар намояндаларидан айримлари тадқиқот объектини ўрганиш жараёнида боши берк кўчага кириб қолган бўлсалар, бошқаларининг вакиллари бу борада катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Бугунги кунда ушбу масала ўта долзарб ҳисобланади, зеро айна пайтда инсоният олдида турган энг муҳим муаммолар сирасига аҳолининг тез суръатларда ўсиши, ҳароратнинг кўтарилиб бораётганлиги, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ядро чиқиндилари, гиёҳвандлик, алкоголизм, ирқий камситишлар, қашшоқлик, турли деструктив гуруҳлар, оқимлар фаолияти ва терроризмни киритиш мумкин. Ушбу муаммоларнинг барчаси кишилар фаолиятининг натижаси сифатида юзага келган. Келажакда нафақат инсоният тамаддунининг, балки ҳаётимизнинг қандай бўлиши ўзимизни ва бир-биримизни тушуниш йўлидаги интилишларимиз самарасига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Инсоннинг онг, нутқ, меҳнат қилиш қобилиятига эга биологик мавжудотлиги сир эмас, бироқ бошқа томондан у ўзгалар билан мулоқот қилиш ва муомалада бўлиш эҳтиёжига эга ижтимоий жонзот ҳамдир. Инсон бошқа кишилар тимсолида инсонни кўргандагина ўзини шахс сифатида англайди, тасаввур қилади.

Шахс деганда инсон одатда биологик эмас, ижтимоий жиҳатдан тушунилади. Чунки барча одам зоти ҳам шахс бўлавермайди. Айрим олимларнинг таъкидлашларича, инсондаги барча жиҳатлар биологик асосга эга бўлиб, бу асос бирламчидир. Яъни инсондаги ҳамма хусусиятлар туғма ҳисобланади. Масалан, характер ёки қобилиятлар кўз ёки соч ранги сингари инсон туғилганиданок мавжуд, аниқ бўлади. Бошқалар эса инсон психикаси бошқа инсонлар билан муайян муносабатларда, муҳитда таркиб топади, деб ҳисоблашади. Бу муносабатлар таъсирида инсон шахси шаклланади, киши ўша жамият, муҳитдаги қадриятлар, хулқ-атвор шакли, урф-одатларни ўзлаштиради.

Бироқ туғма биологик хусусиятларнинг инсон психик ривожини учун тутган аҳамиятини асло инкор қилиб бўлмайди. Шахсда маълум бир психик хусусиятларнинг шаклланиши учун мия ва асаб тизими зарарланмаган, патологияга учрамаган бўлиши лозим. Шу билан бирга рисоладагидек, соғлом мия ва асаб тизимига эга кишилар ҳам зарурий ижтимоий шарт-шароитлар бўлмаганда шахс даражасига ета олмайдилар.

Кўпчилик психологлар инсон шахс сифатида туғилмайди, балки шаклланади, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳозирги замонавий психологияда олимлар инсоннинг шаклланиши ва ривожланиши назарияси борасида яқдил бир фикрга келмаганлар. Мисол учун биогенетик ёндашув намояндалари (С.Холл, З.Фрейд ва бошқалар) инсон ривожиди организмнинг шаклланишига оид биологик жараёнлар асосий аҳамият касб этади, деб ҳисобласалар, социогенетик назария тарафдорлари (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва бошқалар) ижтимоий тузум, ижтимоийлашув жараёнлари, шахслараро муносабатларни биринчи ўринга қўядилар. Психогенетик нуқтаи назарни ёқловчи олимлар (Ж.Пиаже, Ж.Келли ва бошқалар) эса биологик ва ижтимоий омилларни инкор этмаган ҳолда, шахсдаги психик ҳолат ва хусусиятларга урғу берадилар.

М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, В.М.Каримова, А.Бегматов, Р.Суннатов, Ш.Р.Баротов, Н.С.Сафоев, Н.А.Соғинов, З.Т.Нишонова, Р.С.Самаров, В.А.Токарева, Б.М.Умаров каби ўзбекистонлик олимлар, К.А. Абульханова-Славская, Б.Г. Ананьев, Л.И. Анциферова, Л.С. Виготский, А.Г. Ковалев, А.Н. Леонтьев, Б.Ф. Ломов, В.С. Мерлин, В.Н. Мясищев, А.В. Петровский, К.К. Платонов, Б.М. Теплов, С.Л. Рубинштейн сингари россиялик олимлар тадқиқотларида шахс такомиллигига оид умумпсихологик назариялар ривожлантирилган. Мазкур олимлар тадқиқотлари мазмунидаги умумий жиҳат шундаки, уларда шахс психологиясининг етакчи таркибий қисмлари ҳисобланган инсон онги ва фаолияти муайян ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиши ҳамда намоён бўлиши, детерминизм масалаларига асосий эътибор қаратилади.

Шахс муаммосини ҳали тўла таҳлил этилмаган, баҳсли, мураккаб муаммолар қаторига киритиш мумкин. Инсонни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган фанлар шахс тушунчасининг энг мураккаб тушунчалардан бири эканлигини эътироф этадилар. Мазкур тушунчанинг серқирра жиҳатлари, мазмунидан келиб чиқиб,



ҳанузгача унинг умумқабул қилинган ва тўла асосланган таърифи, таснифи ишлаб чиқилмаганлиги ҳали ушбу йўналишда анча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиши зарурлигини тақозо этади.

Ёшлар-муайян қизиқиш ва қадриятларга, жамият ижтимоий тузилмаларидаги ўзига хос ўрни ва вазифаларига эга маълум бир ёш доирасидаги гуруҳ вакиллари дир. Ёшлар турли жиҳатдан: ёш нуқтаи назаридан (ўсмирлар ва ўспиринлар), жинс бўйича (йигитлар ва қизлар), асосий фаолият тури юзасидан (талабалар ёки ишлаб чиқаришда фаолият юритаётганлар), яшаш жойига кўра (қишлоқ ёки шаҳар ёшлари) тасниф қилиниши мумкин. Мос равишда ёшларнинг гуруҳий ўзини ўзи англаши ва қизиқишлари доираси ҳам фарқланади.

Илмий адабиётларда келтирилган юқоридаги каби ижтимоий-демографик гуруҳ хусусидаги қарашларни умумлаштирилиб, уч йўналишга ажратиш мумкин:

Биринчидан, ёшлик–инсон ҳаётининг даврининг маълум бир даврини билдирувчи тушунча. Демография, психология ва педагогикада «ёш авлод», «ёшлик даври», «ўсмирлик даври», «мактаб, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими даври» атамалари ишлатилади. Болалиқдан етукликка ўтиш босқичи ўсмирлик ҳамда ёшлик (илк ва кечки) даврларига бўлинади. Биологик жиҳатдан ҳар икки давр бир-бирига ўхшаш бўлса-да, бироқ уларнинг хронологик чегараларини аниқлаштиришда муайян жамият тарихий-ижтимоий ривожланиши учун хос бўлган ижтимоийлашув шакл ва усуллари, маданият, таълим характери муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, турли тарихий даврларда ёшликнинг даврий босқичларини аниқлаштириш мезонлари мос равишда ўзгариб туради. Улар анъанавий-тарихий ва замонавий жамиятларда ҳам акселерация жараёнларига боғлиқ ҳолда татбиқ этилади. Ҳозирги замон социологияси ва статистикасида мазкур даврнинг ёш чегаралари 15-29 ёш этиб белгиланган.

Иккинчидан, «ёшлар» атамаси замирида ёш билан боғлиқ ҳолдаги ижтимоий мавқе назарда тугилади. Ёшларнинг ижтимоий мавқеи бир хил бўлмасдан, бу уларнинг асосий фаолият турлари (иш, ўқиш, кўшимча фаолият), ролли тузилмалари, шунингдек, жамиятда ёшлар вакилларига нисбатан шаклланган тасаввур ва стереотиплар билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Учинчидан, «ёшлар» тушунчаси ҳукмрон маданият таркибидаги алоҳида, мустақил маданий тузилма, субмаданият сифатида

қўлланилади. Бунда ўзига хос қадриятлар, меъёрлар, ҳаёт ва тафаккур тарзига эга инсонлар уюшмасининг муайян шакли назарда тутилади. Ёшлар субмаданияти одатда, ёши нисбатан катта авлодлар дунёқарашига зид келувчи мухолифлик характеридаги (душманона бўлиши шарт эмас) хулқ-атвор ва ташқи кўриниш, бўш вақтни ўтказиш, дам олишнинг ўзига хос шаклини намоён қилишга интилишда ифодаланади.

Умуман олганда «ёшлар» тушунчасининг даврий чегараларини аниқлаштиришда ушбу тушунчага илмий ва норасмий ёндашувлар нуқтаи назаридан баҳо бериш ҳам мумкин. Адабиётларда илмий нуқтаи назардан ёшлик 14-16дан 28-30 ёшгача бўлган давр эканлигини белгиланса-да, норасмий жиҳатдан бунга турли мезонлар асосида ҳам ёндашилади. Чунончи, ёшларга хос ҳаёт тарзи бир неча ҳолатларда намоён бўлиши эҳтимоли бор: моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланмаганлик (уй-жойга эга бўлмаслик), профессионал фаолиятнинг бошланғич босқичида бўлиши ёки олий таълим муассасасида ўқишни давом эттираётганлик ва шунга мос равишда қизиқишлар ҳамда фаолиятнинг турли-туманлиги ва ҳ.к. Бу ҳолатлар шахс ёши расмий жиҳатдан белгиланган ёшлик давридан ўтган бўлса ҳам, унинг ёшларга хос ҳаёт тарзига амал қилиши, ёшлар сингари фаолият олиб боришини англатади.

Умуман олганда, ёшлар муайян ижтимоий қатлам бўлиб, мазкур қатлам вакилларига жўшқинлик, романтика, ўзига хос ҳаёт тарзи, ҳали мақсадлар ва уларга эришиш йўлларининг тўлиқ аниқлаштириб олинмаганлиги, баъзан ўз олдиларига қўйган мақсадларидан чалғиш, беқарорлик сингари хусусиятлар хосдир.

Ота-оналар, педагоглар, нисбатан ёши катта авлод вакилларининг ёшларга хос мустақилликка интилиш, ҳеч бўлмаганда ташқи кўриниши (кийиниши, соч турмаги, юриш-туриши ва ҳ.к.) билан ажралиб туришга, замонавий кўринишга ҳаракат қилиш каби хатти-ҳаракатларни инобатга олмасликлари, бутунлай қоралашлари ноўриндир. Бу жиҳатни тарбиянинг энг муҳим воситаларидан бирини безътибор қолдириш сифатида баҳолаш мумкин. Чунки доим ҳам ҳар бир авлодга хос муайян қадриятлар катта авлод вакиллари томонидан тўлиқ қабул қилинмаган (бу жиҳатни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Ҳозирги ёшлар» шеърида яхши тасвирлаган). Айни ҳолларда тақиқ, маъмурий жазолаш тизимлари фаолияти самарасиз бўлиб, ёшларга тегишли даражада мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатишда уларнинг қизиқишлари,

эҳтиёжлари, психологик хусусиятлари ва қадриятлари йўналишига мос ҳолда иш олиб бориш афзалдир.

Ушбу фикрларни тасдиқлаш учун жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Турли жамиятларда ёшлар мажбуран сингдирилмоқчи бўлган хулқ-атвор кўринишларига нисбатан кўпинча намоёишкорона рад жавобини бериб, ўз норозиликларини турли йўллар билан билдирганликлари маълум. Бу албатта, мазкур ёш гуруҳи вакилларида исёнкорлик хусусиятларининг мавжудлигидан дарак беради. Шунинг учун психолог, педагог ва фаолияти ёшлар тарбияси билан боғлиқ мутасадди, раҳбарлар ёшлар билан мулоқот қилиш йўлларини, уларга зарур бўлганда керакли даражада психологик таъсир ўткази олиш малака ва кўникмаларини пухта даражада эгаллаган бўлишлари лозим. Айни пайтда ижтимоий-маданий омилларнинг шахс шаклланиши ва ривожига, қадриятлар тизимига кўрсатадиган таъсирини инобатга олган ҳолда ёшларни деструктив гуруҳлар ва ғоялар таъсиридан ҳимоялаш масаласини ҳеч қачон назардан қочирмаслик зарур.

### **1.3. Ёшлик даврига хос шахс хусусиятлари ва психологик ҳимоя**

Ёшлик даври психологияси ёш давлари психологиясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу ёш даври хусусиятларининг таркиб топиши кўплаб индивидуал-психологик ва ижтимоий омилларга боғлиқ. Адабиётларда мазкур даврга болаликдан етукликка ўтиш босқичи сифатида таъриф берилади. Турли маданиятларда инсон ёшининг ўзига хос босқичлари фарқланади. Ёшлик шахс шаклланишида жуда муҳим аҳамият касб этадиган масъулиятли даврдир. Инсон яққа ҳолда ривожланмайди, бунда ижтимоий муҳит, ён-атрофдагиларнинг таъсири кучли бўлади. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими яқунланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйилгач, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги фаолият бошланади.

Илк ёшлик даври организм жинсий жиҳатдан етилиши ва физиологик ривожланишининг яқунланиши давридир. Кўплаб физиологик функциялар (қон босими, ички секреция безлари фаолияти) бир меъёрга тушади. Илк ёшлик даври охирига бориб тана ривожланишидаги номутаносибликлар барҳам топади, юз бичими катта ёшдаги кишиларга хос тарзда шаклланади. Бу

омилларнинг барчаси йигит ёки қиз учун жисмоний ёхуд ақлий меҳнатнинг нисбатан мураккаброқ турлари билан шуғулланишларига имкон яратади. Бу ёшда биологик сабаблар асосида инсоннинг теварак-атрофдаги кишилар билан муносабати ўзгаради. Ёшлардаги юқори даражадаги асабийлик ва қўзғалувчанлик муносабатларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Жисмоний ўзгаришлар билан бир қаторда физиологик ҳамда психоижтимоий омиллар билан тавсифланувчи инсон психикасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Немис олими Х.Ремшмидт ёшлик давридаги соматик ўзгаришлар билан боғлиқ бир неча муҳим ҳолатларга эътиборни қаратади<sup>1</sup>.

1. Тана ва унинг функцияларига нисбатан қизиқиш кучаяди. Ёшларда яққол намоён бўлаётган жисмоний ўзгаришларни кўрган атрофдаги ёши катта кишилар уларнинг муайян муаммоларни ҳал қилишларини кутишади. Акселерация бир томондан ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан ёш йигит-қизларнинг ҳолатини мураккаблаштиради. Ёшларнинг нисбатан эрта жисмоний ривожланиши катталарнинг улар психик ривожланишини ҳисобга олмаган ҳолда талаблари кучайишига олиб келади.

2. Ёшлар, асосан, ўсмирларда ўз таналаридаги ўзгаришларни кузатиб бориш кучаяди ва меъёрий ривожланишдаги оғишишлар улар томонидан ниҳоятда оғир қабул қилиниши ва тушкунликка тушишларига олиб келиши мумкин.

3. Етилиш даврининг ўзига хос хусусиятларини англамаслик нафақат ўсмирлар, йигит, қизлар, балки уларнинг ота-оналари томонидан ҳам ноадекват қабул қилиниши мумкин. Бу таъкидланганидек, қисқа муддат мобайнида танадаги номутаносибликлар билан боғлиқ равишда кўзга ташланадиган жисмоний ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ёшлик даврида йигит ва қизларнинг ижтимоий мавқеи ва жамиятда тутган ўрни ҳам ўзгариб боради. Молиявий, иқтисодий жиҳатдан ҳали кўпинча катта ёшлиларга тобелигига қарамай, маълум ўринларда уларнинг фикрлари инобатга олина бошлайди. Ёшларнинг мустақилликка интилиши, муҳим қарорларни ўзлари қабул қилишга бўлган интилишлари ошиб боради. Бироқ ёшлик давридаги ижтимоий мавқе иккиёқлама хусусиятга эга, дейиш мумкин. Оилада, таълим муассасаларида мисол учун унинг катта

---

<sup>1</sup> Ремшмидт Х. Подростковый и юношеский возраст: Проблемы становления личности М.: Мир – М.: Мир, 1994. – 320с.

киши, вояга етган шахс эканлигини таъкидласалар, иккинчидан, деярли барча соҳада йигит ёки қизнинг катталарга бўйсунishi талаб этилади. Ҳолат, ижтимоий мавқедаги бундай мавҳумлик ёшлар психологиясига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатади.

Илк ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири катта ёшлилар билан муносабатлар характерининг ўзгариб боришидир. Ўсмирлик даврига қараганда бу даврда ўзини ўзи англашга нисбатан интилиш кучайиб, муайян ижтимоий гуруҳга алоқадорлик, катта авлод вакиллари билан ўзаро тенглик асосида муносабатларни куриш эҳтиёжи юзага келади. Лекин ижтимоий ёки психологик жиҳатдан олганда барибир ёшлардаги муайян даражада оилага нисбатан қарамлик низоларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин. Йигит ва қизларнинг ўзини тутиши, кимлар билан дўстлик, ўртоқлик муносабатларини йўлга қўйиши оиланинг бошқа аъзолари, ота-оналар томонидан кузатиб борилади. Оила аъзоларининг ижтимоий мавқеи, интеллектуал даражаси, маълумоти ҳам бу жараёнда муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, ёшлик даврида психологик ҳимоя турли механизмларининг самарадорлик даражаси бир хил бўлмайди, ҳимоя механизмлари бир текисда шаклланиб, ривожланмайди. Энг самарали психология ҳимоя механизмлари сифатида ушбу даврда проекция<sup>1</sup> ва рационализация<sup>2</sup> намоён бўлади. Психологик ҳимоя механизмларининг фаоллиги жараёнида энг муҳим аҳамият касб этувчи омиллар сифатида шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Бунда психологик ҳимоянинг ҳар бир шаклига муайян шахсий тавсифномага эга инсоннинг психологик портрети, қиёфаси мос келади. Махсус шахс тавсифларининг мутаносиблиги асосида психологик ҳимоянинг у ёки бу шакли афзал кўрилиши хусусида тахмин қилиш имконияти мавжуд.

Айрим теле ва радиоканаллардаги рекламалар, буклетлар, турли хориж матбуот нашрларидаги мақолалар—буларнинг ҳаммаси ахборий манипуляция таъсирига тушмаслик мақсадида шакллантириладиган кўникмаларни таркиб топтиришда асосий манба,

---

<sup>1</sup> Проекция (лот.projektio-олдинга ташланиш)- моҳият, мазмунни яратиш, тушуниш натижаси ва жараёни. Проекция субъектнинг ўз хусусиятлари, ҳолатларини ўзи англаган ёки англамаган ҳолда ташки объектларга, бошқаларга кўчиришида намоён бўлади; у субъектнинг устувор кадриятлари, эҳтиёжлари таъсирида амалга ошади.

<sup>2</sup> Рационализация –стрессли ҳолатларда юзага келадиган психологик ҳимоя механизмларидан бири. Бунда яқинлашиб келаётган салбий ҳодиса ҳар томонлама таҳлил қилинади, унинг ноаниқлик даражаси пасайтирилади, унга олдиндан мослашиб борилади, қутилмаганлик эффекти бартараф этилади.

«кўргазмали қурол» бўлиши мумкин. Шу билан бирга турли ОАВларининг киши онгига таъсири масаласидан ташқари, ҳар хил деструктив гуруҳлар, культ ва секталарнинг шахс, давлат, жамият хавфсизлигига кўрсатаётган таҳдиди кўлами ҳам ҳозирги вақтда ошиб бормоқда. Бундай гуруҳларга аъзоларни жалб қилиш ва онгни назорат қилиш модели, гуруҳий босим кўрсатиш усуллари ва «ақлни пешлаш» воситалари тўғрисида нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам етарли маълумотга эга эмаслар. Шу тариқа, киши онгига деструктив таъсир кўрсатилиш эҳтимоли хавфи юқори даражада қолмоқда. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида, турли воситалар орқали бериб бориладиган ахборотлар ёшларнинг психологик қарамлик сиртмоғига тушиб қолиш хавфини имкон қадар пасайтиришга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялашнинг ижтимоий-психологик асосларини яратишда антиманипулятив хулқ-атворни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Антиманипулятив хулқ догматик характерга эга бўлмасдан, унинг ривожланишига ижтимоий, биологик, психологик ва сиёсий омиллар таъсир ўтказди. Ушбу хулқ моделини яратишда ижтимоий-биологик, психосоциал унсурлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Шахсга хос бўлган индивидуал-психологик хусусиятлар билан носоғлом ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро мослик ва уларнинг бир-бирини тўлдириши ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишига имкон яратади. Ёшларда ассертив хулқ шаклланмаганлиги, мафкуравий иммунитет таркиб топмаганлиги, ахборот истеъмоли маданияти лозим даражада ривожланмаганлиги уларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишида асосий сабаблар сифатида намоён бўлади. Ўсмирлар, йигит ва қизларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик, ёш, жинсий, худудий, демографик, этнопсихологик хусусиятларни инобатга олиш лозим. Психологик ҳимоя механизмларининг таркиб топиши ёш даврига хос ўзгаришлар табиатига узвий боғлиқ бўлиб, ёшлик даврига хос психологик ҳимоя механизмларининг амал қилишида шахс хусусиятларига боғлиқ равишда қабул қилинадиган психологик ҳимоя кўринишлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ёшларнинг микро ва макро муҳитга нисбатан ижтимоий-психологик жиҳатдан мослаша олмасликлари уларнинг деструктив

ғоялар ва гуруҳлар таъсирига тушиши эҳтимолини ошириши мумкин. Таълим ва тарбия жараёнида нафақат инсоннинг билим, кўникма, малакаларини такомиллаштиришга, балки ундаги ассертивлик хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда танқидий тафаккур, рефлексия ва ассертивликни ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, психологик манипуляция ва унинг таъсирини бартараф этиш восита ва усулларини тадқиқ этиш, ёшларда зарурий кўникмаларни шакллантириш ҳозирги даврда аҳамият берилиши зарур бўлган муҳим вазифалардандир.

Шу нуқтаи назардан, мамлакат, шахс хавфсизлигига таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида уларга муносиб ва ўз вақтида жавоб бера олишга қодир хулқ шаклини таркиб топтириш ва мазкур масаланинг методологик аҳамиятини ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларга қараганда, кўпчилик жиноятлар ёшлар томонидан деструктив гуруҳлар таркибида содир қилинади. Шахс гуруҳ таркибида бўлганда жазоланишдан кўрқиш ҳисси камаяди, вазиятни ва ўзини ўзи танқидий баҳолаш сусаяди, тажовузкорлик ва раҳмсизлик кучаяди. Тадқиқотларда қайд этилишича, жиноят оламидаги «кўтарилиш» даставвал ёмон ўқиш ва мактабдан бешиш, таълим муассасасига нисбатан душманона муносабатдан бошланади. Ундан сўнг оилавий муаммолар ва нопедагогик тарбия усуллар негизида оиладан четлашиш кўзга ташланади. Кейинги қадам жиноятчи гуруҳ таркибига қўшилиш ва жиноят содир қилиш билан ифодаланади. Бу йўлни босиб ўтишга тахминан икки йил кетади. Маълумотларга кўра, 60% ашаддий жиноятчилар ўз профессионал фаолиятларини 16 ёшдан бошлаганлар<sup>1</sup>.

Ушбу мавзунини тадқиқ этишнинг аҳамияти бутун дунёда ёшлар орасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлигида намоён бўлади. Ёшлар орасида турли хулқ оғишлари, ҳар хил деструктив ғоялар таъсирига тушишнинг янгидан янги кўринишлари пайдо бўлмоқда. Ёшларнинг диний-радикал оқимлар, террористик гуруҳлар таркибига киришлари, жамият учун хавф туғдирадиган хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилишига олиб келади. Ижобий ижтимоий

---

<sup>1</sup> Смирнова С.В. Социально-психологическая профилактика молодежной криминальной агрессивности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук. Москва, 2007.

қадриятлар, оилага, умумэътироф этилган қонун ва қоидаларга ҳурмат ҳиссида тарбияланган ёшларда бундай жиҳатлар кузатилмаган ҳолда, ижтимоий мавқеини ҳар қандай йўл билан бўлсада мустаҳкамлаш, ўз эгоцентрик, манфаатларини, худбин мақсадларини қондириш устувор аҳамият касб этган ёшлар шахс деформациялашувини ҳар томонлама намоён қиладилар.

Кейинги йилларда олимлар орасида шахс деформацияланишуви муаммоларига нисбатан қизиқиш ортиб бормокда. Бу турли хулқ оғишлари масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўламида ҳам кўзга ташланади (Г.С.Абрамова, 1997; М.А. Алемаскин, 1979; Ю.М.Антонян, 1987; С.А.Беличева, 1994; Л.Берковитц, 2001; Е.В. Змановская, 2003; В.В. Ковалев, 1979; Ю. А. Клейберг, 2004; М.А. Ковальчук, 2003; Н.С.Кон, 1967; Е.В. Кучинская 1996; А.Е.Личко, 1983; К.Лоренц, 1994; Д.И.Фельдштейн, 1996; Н.П.Фетискин, 2003). Ушбу илмий тадқиқот ишларида эътибор кўпроқ делинквент, тажовузкор хулқ-атворга эга ёшларни ўрганишга қаратилган бўлиб, уларда ҳозирги вақтда олиб борилаётган профилактика, психокоррекция ишлари ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишини бартараф этишда етарли даражада самара бермаётганлиги ҳам таъкидланади. Ёшларда хулқ оғиши масалаларига бағишланган илмий-амалий, фундаментал тадқиқотлар кам эканлигини ҳам ҳозирги кундаги долзарб масалалар қаторига киритиш мумкин.

Ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушиши ижтимоий-психологик ва шахс детерминантларини мажмуавий ўрганган ҳамда турли кўринишдаги хулқ оғишларига яширин мойиллиги бор ёшлар профилактикаси бўйича махсус ижтимоий-психологик дастур ишлаб чиққан россиялик тадқиқотчи С.Смирнованинг таъкидлашича<sup>1</sup>, ёшларнинг деструктив ғоялар таъсирига тушишига бир томондан, турли номақбул ижтимоий омиллар, иккинчи томондан шахснинг деструктив ижтимоий-психологик салоҳияти сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга шахснинг деструктив ғоялар таъсирига тушишига сабаб бўлувчи референт ижтимоий-психологик детерминантларни аниқлаштириш ва уларнинг дифференциаллашган коррекциясини амалга ошириш ёшларда хулқ оғиши самарали профилактикасига асос бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Смирнова С.В.Социально-психологическая профилактика молодёжной криминальной агрессивности. Автореф. дисс.канд. психол. наук. 2007.



Сўнгги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар психологик ҳимоя шахс хулқи ва фаолиятининг англолмаган муҳим регулятив механизми эканлигига эътиборни қаратмоқдалар. Психологик ҳимоя муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган ишлар ватанимиз, яқин ва узоқ хориж олимлари (Э.Ғозиев, Р.Самаров, Н.Соғинов, Р.М. Грановская, Ф.В. Бассин, R. Plutchik, H. Kellerman, H. Conte ва бошқалар) томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Психологик ҳимоя шахс хусусиятлари, эҳтиёжларини шакллан-тириш, ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этадиган жиҳатлардан бири бўлиб, унинг ўрганилишида кўпроқ ёшлик ва етуқлик даври муаммоларига мурожаат этишади. Ёшлик даври шахс ривожланиши, инсоннинг ўзини ўзи англаши ва ҳаёт йўлини танлашида катта роль ўйнайди. Ахборот, маълумотнинг адекват идрок этилмаслиги мазкур муаммоларнинг ҳал этилишини мураккаблаштиради. Ёшлик даврининг киши ҳаётида муҳим ўрин тутишини таъкидлаган айрим психологлар (Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Н.Сафаев, Н.Соғинов, В.Каримова, Р.Суннатова, Б.Умаров, Кон И.С., Головей Л.А., Десятникова Ю.М., Крутецкий В.А. ва бошқалар) ушбу даврни ўрганиш, таҳлил қилишга эътибор қаратишган бўлса-да, бироқ ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анчагина эканлигини эътироф этиш зарур.

Мазкур давр моҳиятини англаш учун аҳамиятли ҳисобланган психологик ҳимоя муаммоси мамлакатимизда мустақил илмий тадқиқот доирасида деярли тадқиқ этилмаган. Шунинг учун ёшлар хулқининг англолмаган регулятив механизмларини ўрганиш, шахс хусусиятлари билан боғлиқ ёшлик даврига хос ҳимоя механизмларини тадқиқ этиш, жинс хусусиятлари билан боғлиқ равишда ёшлик давридаги психологик ҳимоя кўринишларининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш, шахснинг ёшлик даврини тавсифловчи ҳиссий-иродавий, коммуникатив, интеллектуал хусусиятларини ўрганиш, шахснинг индивидуал-психологик тавсифи ва турли ҳимоя механизмлари хусусиятлари ўртасидаги мутаносиблик, боғлиқликни тадқиқ қилиш ҳозирги кунда психология фани олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ёшлик даврига хос психологик ҳимоя механизмларининг амал қилишида шахс хусусиятларига боғлиқ равишда қабул қилинадиган психологик ҳимоя кўринишлари муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Психологик ҳимоя механизмларининг таркиб

топиши ёш даврларига хос ўзгаришлар табиатига узвий боғлиқ бўлиши тахмин этилади.

Мазкур йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилгани мақсадга мувофиқдир:

- ёшлик даврига хос психологик ҳимоянинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

- психологик ҳимоянинг ўқув-касбий ва жинсий тафовутларини тадқиқ этиш;

- ташқи муҳитга ва психологик жиҳатдан деструктив таъсирга эга ахборотга қарши йўналтирилган (ички) психологик ҳимоянинг турлари ҳамда кўринишларини тасниф қилиш;

- психологик ҳимоя механизмларининг фаоллигини таъминловчи шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларини ўрганиш;

- психологик ҳимоянинг етакчи механизмлари асосида шахснинг ёшлик даврига хос психологик портретини ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш натижасида олинган хулосалардан касбга йўналтириш, психологик маслаҳат ва илмий тадқиқот амалиётида фойдаланиш мумкин. Эмпирик, статистик маълумотлар айрим шахс хусусиятларига хос психологик ҳимоя кўринишларини диагностика қилиш бўйича методик ишланмалар яратиш ҳамда муаммо мавзуси юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тадқиқотлар натижаларидан тегишли йўналишлар бўйича психолог мутахассисларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиш имконияти мавжуд.

Адабиётларда таъкидланишича, ёшлик даврида психологик ҳимоя турли механизмларининг самарадорлик даражаси бир хил бўлмайди. Энг самарали психология ҳимоя механизмлари сифатида ушбу даврда проекция ва рационализация кўзга ташланади.

Ёшлик даврининг турли босқичларида ҳимоя механизмлари бир текисда шаклланиб, ривожланмайди. Регрессия<sup>1</sup> ва компенсация<sup>2</sup> сингари психологик ҳимоя механизмлари 16 ёшда энг ёрқин

---

<sup>1</sup> Регрессия – Фрейд назарияси бўйича ҳимоя механизмларидан бири бўлиб, инсон таҳликали ҳолатларда одатда болалигида ўзлаштирган хулқ-атвор шакллари мурожаат этади.

<sup>2</sup> Компенсация – инсоннинг муайян соҳадаги бирор бир камчилиги, нуқсонни ёки ожиз томонини бошқа соҳаларда ўзини намоён қилиш орқали бекитишга ҳаракат қилиши. Мисол учун, мактаб ўқувчиси жисмоний жиҳатдан камқувватлиги туфайли юзага келадиган норасолик ҳиссини ижтимоий ёки аниқ фанлардаги муваффақияти билан баргараф этиши мумкин.

даражада ифодаланса, проекция, ўрин алмаштириш<sup>1</sup> (замещение) ва сиқиб чиқариш<sup>2</sup> (вытеснение) каби механизмлар улғая бориш жараёнида жадаллиги камайиб, рационализация<sup>3</sup> ва қайта фаол (реактив) таълимнинг жадаллиги ошиб боради.

Психологик ҳимоя механизмларининг фаоллиги жараёнида энг муҳим аҳамият касб этувчи омиллар сифатида шахснинг ҳиссий ва коммуникатив хусусиятларини кўрсатиш мумкин. Бунда психологик ҳимоянинг ҳар бир шаклига муайян шахсий тавсифномага эга инсоннинг психологик портрети, қиёфаси мос келади. Махсус шахс тавсифларининг мутаносиблиги асосида психологик ҳимоянинг у ёки бу шакли афзал кўрилиши хусусида тахмин қилиш мумкин. Психологик ҳимоянинг ифодаланишида жинс хусусиятларининг ҳам таъсири мавжуд. Йигитларда психологик ҳимоянинг сиқиб чиқариш каби механизми бўйича юқори кўрсаткичлар намоён қилинса, қизларда қайта фаоллашув механизмининг бу жиҳатдан етакчилиги кўзга ташланди. Қизларга мулоқотга киришувчанлик, ҳиссиётга берилувчанлик, итоаткорлик ва конформизм хос бўлса, йигитларда ҳиссий барқарорлик, етакчиликка интилиш, қатъийлик устувор жиҳатлар ҳисобланади.

Умуман олганда, деструктив фаолият, деструктив гуруҳлар, деструктив ғоялар, онгни назорат қилиш феномени ҳозирги кунда социология, криминология, виктимология ва ижтимоий психология фанлари доирасида ўрганилиши зарур бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ушбу муаммоларни бартараф этишда эса марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмалари, давлат ҳокимиятлари институтлари орасида узвий алоқаларни йўлга қўйиш, оила - таълим муассасаси – жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш, аҳолида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, олиб борилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

---

<sup>1</sup> Ўрин алмаштириш – психоанализда бостирилган хоҳиш ёки импульснинг бошқа инсон ёхуд объектга йўналтирилиши. Масалан, бошлиқдан қаттиқ гап эшитган ўринбосар ўз қаҳр-ғазабини қўл остидаги ходимларига сочиши ёки эшикни шарақлатиб ёпиши мумкин.

<sup>2</sup> Сиқиб чиқариш – ондан номувофиқ майл ва кечинмаларни оннинг англамаган соҳасига чиқариб ташлаш.

<sup>3</sup> Рационализация- инсоннинг ўз хатти ҳаракатларини ўзи ва бошқаларга ижтимоий жиҳатдан маъқулланган ва рационал усул ва воситалар орқали тушунтиришга уриниши. Мисол учун, киши фақат ўзининг пиёласидан чой ичиши ёки косасидан овқатланиши сингари болалигидан ўрганиб қолган одатини ўта саришталлиги, покизалиги билан изоҳлаши мумкин.

---

---

## II боб. ДЕСТРУКТИВЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

### 2.1. Деструктив гуруҳларда аъзоларни ёллаш ва онгни назорат қилиш

Инсон онги доимо оммавий онгнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб келган. Алоҳида, маълум бир шахснинг онги етарли даражада ташкиллаштирилган ва йўналтирилган ҳар қандай гуруҳ таъсирининг олдида ожиз қолади. Инсоннинг гуруҳ томонидан кўрсатиладиган таъсирга қанчалик тез тушишини шу билан ҳам исботлаш мумкинки, бир киши бошқа бир шахсга ақл бовар қилмайдиган бирор маълумотни юз марта айтиб ишонтиролмаса, юз кишидан иборат гуруҳнинг бир марталик таъкиди бу хабарнинг ишончли эканлигини тасдиқлайди<sup>1</sup>. Деструктив гуруҳлар мазкур ҳолатдан самарали фойдаланадилар. Масалан, секталар турли оммавий тадбирлар: семинарлар, йиғилиш ва ибодатларда имкон қадар кўпроқ кишиларни тўплаб, улар орқали ўз сафларини кўпроқ содиқ аъзолар билан тўлдиришни кўзлайдилар. Чунки нотаниш, норасмий гуруҳда инсонга таъсир ўтказиш, уни бирор нарсага ишонтириш, билдирмасдан бошқариш анча осонроқдир. Шу билан бирга бунда махсус тайёргарликдан ўтган ёлловчилар бевосита мулоқот, алоҳида усул ва воситалар, гуруҳ таъсири орқали янги аъзоларни психологик қайта ишловдан ўтказадилар.

Деструктив гуруҳлар таъсирга берилувчан кишиларда дунёқарашни ўзгартириш, уларни ёллаш, жалб қилиш борасида олиб борган самарали ишлари натижасида гуруҳ аъзоларининг сони кун сайин ортиб боради. Гуруҳга одамларни жалб қилиш билан шуғулланадиган йўриқчилар биринчи навбатда ноодатий, беқарор ёки нохуш ижтимоий, психологик вазиятда бўлган кишиларни кўз остига оладилар.

Булар таътилда, саёҳатда, кўнгилочар масканларда дам олаётган ёки дўстона, чин кўнгилдан муносабатларга эҳтиёж

---

<sup>1</sup> Волков Е.Н. Методы вербовки и контроля сознания в деструктивных культах // Журнал практического психолога. – М., 1996. № 3.

сезадиган, муайян психологик стрессни бошидан кечираётган (яқин кишисининг ўлими, жазоланиш, касалликдан азият чекаётган) инсонлар, қочоқлар, меҳнат мигрантлари, ишсизлар, ёш даврлари инқирози ҳолатидаги содда ўсмирлар, ёлғизликдаги кишилар, нафақага чиққан қариялар бўлишлари мумкин.

Кўпинча ҳаёт, дунё моҳиятини, «мутлақ ҳақиқатни» билишга қизиқадиган, мураккаб саволларга оддий ва содда жавобларни қидирадиган, маънавий-руҳий изланишда бўлган, шунингдек, илмий, бадий тафаккур хусусиятига эга кишилар бундай гуруҳлар таъсирига тез тушиб қолувчи асосий хавф гуруҳини ташкил этадилар. Хулқ-атвор, хатти-ҳаракат ва фаолиятда экстернал, ташқи назорат лоқусига эга мазкур типдаги инсонларни ғарбда «ҳақиқий ишонувчилар» («true believers») деб аташади. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, вазият тақозоси билан айрим ҳолларда деструктив гуруҳларнинг манипулятив таъсирига маълум муддатга бўлса ҳам ҳар қандай инсоннинг тушиб қолиш эҳтимоли мавжуд.

Деструктив секталарга қарши кураш борасида дунёдаги энг етакчи ташкилотлардан бири бўлган Америка Оила Фонди қўлланмаларида секталарга кишиларни жалб қилиш билан шуғулланадиган шахснинг тўрт хил белги, хусусиятлари кўрсатиб ўтилади.

-шу пайтгача учратилган инсонлар орасидаги энг дўстона муносабатда бўладиган одам;

-объект нималарни, қандай фаолиятни хуш кўриши юзасидан ниҳоятда қизиқувчанликни намоён қиладиган одам;

-рўпарасидаги инсонга мақтовлар ёғдириб, илтифот кўрсатиб, ундан энергия, жисмоний ёки ақлий куч-қувват, пул, квартира ва ҳоказолар олиш мумкинлигига ишора қиладиган одам;

-барча, ҳар қандай саволларга жавоб бера оладиган одам.

Агар унинг суҳбатдоши ишонувчан, содда кўринса, олдиндан ўйланган режа асосида уни суҳбатга тортишга, қизиқтиришга ҳаракат қилади. Бунда қуйидаги кўринишда иш олиб бориши мумкин:

-аъзоликка номзоднинг ҳиссиётлари, руҳий ҳолатидан кутилмаган даражада боҳабарлигини намоён этиб, унинг фаровонлиги, хотиржамлиги, яхши яшаши учун куйиб-пишиб ҳаракат қилаётганини кўрсатади. Бу эса номзодда уни тушунаётганликлари тўғрисида ишонч ҳиссини уйғотади;

-номзоднинг муаммолари, ташвишлари юзасидан керакли маълумотларни аниқлаштириб ола бориб, унинг қизиқишлари,

машғулоти, ният, мақсад, орзуларига ҳамоҳанг равишда суҳбат олиб боради. Мулоқот жараёнида суҳбатдошидан кўз узмайди, унга яқин ҳолатда туради, қарама-қарши жинс вакили бўлса, психологик маънода «шаҳвоний» ҳужум қилади. Йўриқчи муваффақиятга эришса, жалб қилинаётган инсонда унга нисбатан руҳий яқинлик, муносабатларни давом эттиришга мойиллик пайдо бўлади.

Жалб қилинаётган инсон гуруҳга қабул қилинишга тайёр деб ҳисобланса (бу эса 15 минутлик суҳбатдан кейин ёки тасодифий кўринишдаги бир неча учрашувлардан сўнг аниқ бўлади), уни гуруҳга таклиф қиладилар. Йўриқчилар одатда аъзоликка номзоднинг маслак, қизиқишларидан келиб чиқиб гуруҳни таърифлайдилар. Масалан, диний билимларини мукаммаллаштиришни истаган одам «уламолар суҳбати»га чақирилса, бирор илмий йўналиш, айтайлик, иқтисодиётга қизиққан инсоннинг қўлига «Иқтисодиёт муаммолари бўйича етук мутахассислар иштирокидаги илмий-амалий семинар» таклифномаси тутқазилиши мумкин.

Етарли даражада ахборотга эга бўлмаган ва содда кишиларда гуруҳ аъзолари жуда жонкуяр, меҳрибон инсонлар сифатида ёрқин таассурот қолдиради. Бироқ йўриқчи ва раҳбарларнинг асл ниятлари хатти-ҳаракатларида ифодаланмайди. Улар имкони бори-ча тез фурсатларда номзоднинг гуруҳ учун қай даражада қимматга эга эканлигини, яъни пул олиб кела олиши ёки бошқа аъзоларни жалб қила олиши мумкинлигини аниқлашлари лозим бўлади. Агар унга эътибор қаратилиши зарур, деб топишсалар, номзод аъзоликка қабул қилингунга қадар гуруҳ диққат марказида бўлади.

Деструктив гуруҳларда номзод муайян эътиқод, шахс характер хислатларини қабул қилиши, ўзлаштириши зарур. Бунинг учун доимий равишда унга таъсир ўтказилади, диққат-эътибор қаратиб борилади. Таъсир ўтказиш давомийлиги номзоднинг шахс хусусиятларига кўра турлича бўлади. Айрим гуруҳларда бу фақат бир ёки икки кун давом этса, бошқаларида номзод расмий равишда гуруҳга қабул қилинмагунча ҳафта давомида ёки ойлаб ишловдан ўтказилади. Баъзи кишилар охиригача гуруҳ кадриятларини ўзлаштирайдилар. Бундай одамлар гуруҳда вақтинчалик ҳисобланиб, аъзолар орасида ҳеч қачон юксак обрў-эътибор қозонмайдилар. Ўтказилаётган таъсирнинг самарасиз яқунланишига бир қанча омиллар сабаб бўлади. Улар сирасига номзоднинг гуруҳ умидишончини оқлай олмаслигини, кўрсатилаётган босимга қаршилиқ кўрсата олиш қобилиятининг, гуруҳга тегишли бўлмаган ўзига хос

мажбуриятлари ёки масъулиятининг мавжудлигини, шахсий сифатларининг гуруҳ талабига жавоб бермаслигини кўрсатиш мумкин.

Муваффақиятли таъсир кўпинча гуруҳ талабларига тўла бўйсунган, уни қабул қилган номзод маънавий, психик қиёфасининг тубдан ўзгариши билан ифодаланади. Аъзо илгариги ҳаётий йўналиши, услуби, сўз бойлиги, қизиқишлари, дўстлари ва кадриятларини гуруҳ мезонлари орқали қайта кўриб чиқади. Агарда улар мезон талабларига жавоб бермаса, қабул қилмайди. Ўтмиши билан айна вақтдаги вазиятининг бир-бирига мос келмаслиги, ўз моҳиятини англай олмаслик аъзода дастлаб кучли руҳий толиқиш, стресс, тушкунлик ҳолатини намоён қилади. Бироқ вақт ўтиши билан гуруҳ талабларига бўйсунуш, маслак, эътиқодларининг ўзгарганлигини тан олиш аста-секин бу ҳиссиётларнинг сусайишига олиб келади ва бора-бора илгариги ҳаёт тажрибаси, дунёқараши эсдан чиқади ёхуд унинг онгида иккинчи даражали ўринга тушиб қолади.

Турли гуруҳларда аъзоларга таъсир ўтказиш учун ҳар хил, ўзига хос махсус психологик методлар ишлатилишига қарамай, мақсадга эришишда қўлланадиган усуллар умумий кўринишга эга. Бу усуллар қуйидагилар:

1. **Аъзонинг вақти ва фаолиятини доимий равишда назорат қилиш**, яъни мустақил фикрлашга имкон қолдирмайдиган даражада муайян вақтга белгиланган вазифалар бажарилишини қатъий кузатиб бориш (маърузалар тинглаш, узоқ давом этадиган йиғилишларда қатнашиш, турли кишилар билан суҳбатда бўлиш, ҳар хил учрашувлар ўтказиш, спорт турлари, медитация билан шуғулланиш, диний адабиётларни мутолаа қилиш, диний расм-русумлар, ибодатларни амалга ошириш, тунларни уйқусиз ўтказиш, рўза тутиш ва ҳ.к).

**Натижаси:** қуйи даражадаги психологик ҳимоя, диққатнинг камайганлиги, жисмоний ва руҳий толиқиш, гуруҳ фаолиятини танқидий баҳолаш имкониятининг пасайганлиги, кўпинча инсонни чалғитадиган ва уни қарам ҳолатда ушлаб туришга ёрдам берадиган транс ҳолатида юриш.

2. **Ахборий назорат**, яъни мисол учун, аъзоларни ташқи ахборот манбаларидан (телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет, бошқа одамлар билан алоқа) маҳрум қилиш ёки уларга нисбатан салбий, ишончсиз муносабатни шакллантириш, жалб қилинганларни мафкуравий жиҳатдан қайта ишлаш мақсадида

тегишли адабиётлар билан доимий равишда таъминлаб туриш, гуруҳ фаолиятига доир маълумотларни яшириш, нотўғри талқин қилиш ёки очикдан-очик ёлғон гапириш.

*Натижаси:* нотўғри, ёлғон маълумот бу ахборот билан қуролланган кишида тўғри қарор қабул қилишга имкон бермайди ва шу тариқа унда гуруҳ фаолиятини танқидий баҳолаш имконияти қолмайди.

3. **Лингвистик манипуляция.** Бу оддий сўзларга турли қўшимча маънолар юклаш орқали амалга оширилади. Масалан, айрим секталарда «билим» сўзи медитацияга эришишнинг тўрт усулини билдирса, «биродар» сўзи ҳам баъзи диний оқимларда бир неча маънони англатади. Қўшимча равишда махсус сўз бойлиги, жаргон ва арголардан фойдаланиш, хорижий сўзларни ўзаро истеъмолга киритиш, қўшиқ куйлаш, тиловат қилиш, деструктив гуруҳлар фаолиятига алоқадор бўлмаган мавзудаги суҳбатлар, ғояларга нисбатан қизиқишни сўндириш, аъзонинг ўтмиши ва келажагига дахлдор мулоҳазалари ифодаланишини чеклаш сингари усуллар қўлланади.

*Натижаси:* гуруҳ аъзолари ўзларини янги билим, махсус тил ва сўз бойлигига эга бўлгандек сезадилар. Улар бир-бирлари билан мулоқот жараёнида ўзларини эркин, бемалол ҳис қилишади, бироқ бу лингвистик ҳолатга мослашгач, гуруҳга алоқадор бўлмаган, бу «тил»ни тушунмайдиган инсонлар билан мулоқотга киришганларида довдираб қоладилар, қийналадилар. Мазкур вазият «биз-улар» деган кутбий тушунчанинг шаклланишига олиб келади, аъзо эса ўзини гуруҳга янада боғланиб қолгандек сезади, бошқа кишилардан эса узоқлаша боради.

4. **Соғлом, танқидий тафаккур тарзи, мушоҳадани йўқотиш.** Бунда керакли фикр, тушунчалар мутлоқ ҳақиқат сифатида қабул қилдирилади, аъзоларнинг эътирозларига ўрин қолдирмайдиган тарзда «Барча нарсани вақт кўрсатади», «Шубҳаланиш шайтонга хос» сингари жавоблар берилади.

*Натижаси:* аъзолар гуруҳ талабларига жавоб бермайдиган нотўғри савол, мулоҳазалари ёки ақлий қобилиятларидан ўзларини айбдордек ҳис қилишади, хижолат бўлишади ва дарҳол бу камчиликка йўл қўймасликка, ўзларини ислоҳ қилишга интиладилар.

5. **Транс ҳолатини юзага келтирадиган методикаларни, воситаларни қўллаш.** Бунга медитация, бир оҳангда хиргойи қилиш, турли тилларда гапириш (глоссолалия, яъни якка ёки



гуруҳий жазова ҳолатида маъносиз ва бир-бирига мантиқий боғланмаган сўз, ибораларни талаффуз қилиш), ўзини ўзи гипноз қилиш, фикран ёрқин тимсолларни яратиш (визуализация), зикр тушиш, нафас машқларини бажариш (мия кислород билан етарли даражада таъминланмаслиги сабабли унинг фаолияти жараёнлари ўзгаради), наркотик таъсир қиладиган гиёҳ ва моддаларни тутатиш сингари усуллар киради.

Натижаси: диққат-эътиборни бир нуқтага жамлашни талаб қилувчи, толиқтирувчи бу методикалар гуруҳнинг янги аъзоларига нисбатан қўлланса, уларда илоҳий кучларга алоқадорлик, бошқаларга ўхшамаганлик ҳисси, эйфория ҳолати юзага келади. Транс ва унга ўхшаш вазиятлар кишига жуда самарали таъсир кўрсатади, барча шубҳа-гумонларини бартараф қилади ҳамда унинг мафкураравий-ғоявий жиҳатдан қайта шаклланиш жараёнини тезлаштиради. Марказий нерв фаолияти суст айрим кишиларга бу сингари усуллар руҳий жиҳатдан ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин.

**6. Аъзоларнинг ўтмиш ёки ҳозирги вақтдаги мавжуд ёки хаёлий гуноҳлардан тавба қилиш билан боғлиқ, ўта шахсий маълумотларни ошкор қилишга йўналтирилган маросимларда иштирокини таъминлаш.**

Натижаси: гуруҳга жалб этилган кишилар бундай тавба жараёнида дастлаб уят ва айбдорлик, кейинчалик енгиллик ва қониқиш ҳиссини бошдан кечирадилар. Улар ҳатто ўз-ўзини шарманда қиладиган бу фаолиятга кўникиб ҳам қоладилар. Деструктив гуруҳларни тарк қилишга аҳд қилган аъзолар ўзларига тегишли ошкор қилган маълумотларидан унга қарши фойдаланилиши мумкинлигидан кўрқиб, кетишга журъат қилолмайдилар.

**7. Гуруҳий босим,** яъни гуруҳ мақсадларига хайрихоҳ аъзоларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш; гуруҳ фаолиятига қарши чиққанларни турли усуллар билан жазолаш, имтиёзлардан маҳрум қилиш.

Натижаси: аъзолар гуруҳ фаолияти ва ғояларига қарши бўлсалар-да, гуруҳий босим таъсирида ўз муносабатларини ошкор қила олмайдилар.

Таъкидлаш лозим, ҳар қандай мафкура, ғоя юқумлидир, яъни муайян гуруҳ кишилар учун у ғоятда жозибадор бўлади. Юқумли бўлмаган таълимот мафкура даражасига кўтарила олмайди. Бирок асосий масала деструктив йўналишдаги мафкуралар, бузғунчи ғояларнинг ёшларни ўз таъсирига олиб, мафкураравий жиҳатдан

заҳарлаб, шахс, давлат, жамият хавфсизлигига путур етказаётганидир. Мафкуравий заҳарланиш манбалари ҳам бир қанча бўлиб (барча оммавий ахборот воситалари, адабиётлар, санъат, таълим, тарбия, шахсий мулоқот), унинг олдини олишнинг бир қанча йўллари бор:

1. Бузғунчи мафкура тарқатиладиган манбалар йўлини тўсиш.
2. Оммавий аксилташвиқот.
3. Деструктив (вайронкор) ғояларга қарши конструктив (бунёдкор) ғояларни тарқатиш, тарғиб қилиш.
4. Исталмаган, деструктив мафкура тарғиботчи, тарқатувчилари фаолиятини чеклаш.

Инсонларда турли етакчи инстинктлар мавжуд экан, индивид учун унинг инстинктларига мос келадиган мафкура, ғоя энг ёқимли ҳисобланади. Муайян тоифа шахсларга йўналтирилган деструктив ғоялар тарқалишининг олдини олиш учун ёки бу тоифа кишилар сонини улар дунёқарашини ўзгартириш орқали камайтириш ёки уларга мос келувчи бошқа бунёдкор ғоя, мафкураларни таклиф қилиш лозим бўлади. Жамиятга катта хавф туғдирувчи тоталитар, деструктив ғояларнинг белгилари қуйидагича:

-эътиқодда иррационал, ғайриилмий тамойилларга асосланганлик;

-таълимотнинг ягона, тўғри, мукамал эканлигини даъво қилиш, фикр эркинлигини чеклаш;

-мафкура, ғоя тарафдорларини қаттиқ интизомга асосланган гуруҳларга бириктириш;

-ўзга мафкураларга душманона муносабатда бўлиш, маслаҳидан қайтганларни муҳокама қилиш, қаттиқ жазолаш.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ривожлантириш учун ёшлар, фуқароларга қабул қилиб бўлмайдиган мафкураларнинг асл моҳиятини шарҳлаш, улар билан тегишли тарзда чуқур таништириш лозим. Жамиятда турли ғояларнинг доимий равишда мафкуравий-психологик мониторингини олиб бориш, таҳлил қилиш, натижалар асосида зарурий чора-тадбирларни белгилаш тегишли йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омиллардан бири саналади. Ҳар хил кўринишга эга ғоя, мафкуралар оммавийлигининг кўрсаткичлари қуйидаги мезонлар асосида ўрганилиши мумкин:

-муайян мазмундаги адабиётлар, видеоёзув, аудиоёзувларга бўлган талаб;

- газеталарга нисбатан эҳтиёж;
- аҳолининг киносеансларга қатнаш даражаси;
- фуқароларнинг юқори давлат органларига йўллаётган мурожаатлари мазмуни;
- газеталарда эълон қилинаётган хатлар мазмуни;
- жамоат ташкилотлари, хусусан партияларнинг сони ва фаолият йўналишлари;
- аҳолининг оммавий тадбир, маросимларга қатнаш, иштирок этиш даражаси;
- аноним сўровларнинг натижалари.

Деструктив гуруҳларнинг давлат ва жамиятга қарши олиб бораётган психологик урушларида аҳоли онгида муайян бир душман тимсолини яратиш асосий ўрин тутди. Бу тимсол мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам бўлиши, танлаб олиниши ёки сунъий яратилиши мумкин. Мазкур тимсол аҳолининг барча қатламлари томонидан душман сифатида идрок этилади ва кишилар онгига шу йўналишда мафкуравий, психологик таъсир ўтказиб борилади.

Муайян ғоянинг эҳтимолий салбий баҳоланиш кўринишлари:

- бир ҳовуч, маълум бир кишиларнинггина манфаатини ифодалаш (бу барча деструктив гуруҳлар мафкураси, ғоясига хос жиҳат);
- ёлғонлиги, жамиятнинг талабларига жавоб бермаслиги;
- ибтидоий, қолоқлиги, муҳим жиҳатларни назарга олмаслиги;
- алмисокдан қолганлиги, жамиятнинг янгиланиб келаётган талабларига жавоб бермаслиги.

Деструкция парчаланиш, бузилиш, инқирозга юз тутиш экан, шахс деструкцияси индивид тасаввурларининг бузилиши, ақлий қобилияти ва малакаларининг издан чиқиши, психик ривожланишига тўсқинлик қилувчи жараёнлар таъсирида жамият учун ижтимоий хавfli ёки зарарли инсонга айланишидир.

Деструктив моҳият, мазмунга эга қуйидаги тушунчалар мавжуд:

- деструктив таъсир (давлат, жамият, гуруҳ ёки шахснинг ҳаёти, фаолияти, ҳимоясига емирувчи, вайрон қилувчи таъсир ўтказадиган механизмлар);
- деструктор, деструктив шахс (бошқаларга емирувчи, вайрон қилувчи таъсир ўтказадиган шахс);
- деструктив фаолият;

-деструктив фаолият йўналтирилган шахс (деструктив фаолиятнинг қурбони);

-деструктив дастур (деструктив фаолият мақсади ифодаланган иш режа).

### *Деструктив маълумотлар*

Деструктив маълумотлар-индивиднинг психик хусусиятларини, яшаш қобилиятларини сусайтирувчи маълумотлар. Деструктив адабиёт, деструктив санъат (муסיқа, кино, тасвирий санъат), деструктив маданият сингари тушунчаларни ажратиш мумкин.

Деструктив ахборий таъсирнинг эҳтимолий оқибатлари:

1. Психик механизмлар фаолиятининг сусайиши (диққат барқарорлигининг пасайиши, тафаккурнинг бузилиши, доимий ўринсиз шубҳаланиш, ҳиссий зўриқиш, тажовузкорлик):

2. Хато дунёқараш, эътиқодларнинг шаклланиши (қадриятлар тизимининг, жазонинг муқаррарлиги тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзгариши, қарор қабул қилишни қийинлаштирадиган кераксиз билимларнинг ўзлаштирилиши, қондирилиши саломатлик учун зарар келтирадиган, кўп маблағ талаб қиладиган эҳтиёжларнинг таркиб топтирилиши);

3. Хулқ-атворнинг бузилиши (ахлоқий бузуқликнинг ривожланиши, рефлексларнинг издан чиқиши, шахс тузилмасининг емирилиши, зарарли ғояларнинг ўзлаштирилиши).

Деструктивлик синдромлари (белгилари):

1. Аномия (умуминсоний қадриятлар аҳамиятининг йўқолиши, доимий асабийлик, ҳаётдан норозилик, порлоқ истиқболга ишонмаслик, мақсадларнинг йўқлиги);

2. Аддиктив хулқ-атвор (наркотиклар ёки баъзи фаолият кўришилари орқали ўз психик ҳолатини сунъий равишда ўзгартиришга интилиш). Аддикт (аддикцияга интилувчи шахс)га гедонистик установакалар хос бўлиб, у энг аввало, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайди, аддикциянинг бир кўринишидан иккинчисига осонлик билан ўтади.

Аддикция воситалари (психотроп моддалар, қимор, фаҳш, баднафслик, буюмларни йиғиш, муסיқа тинглаш, мутолаа, очлик (бир неча кун оч қолиш енгил сархушлик ҳолатини юзага келтиради), иш (муайян фаолият билан шуғулланиш)).

### *Деструкциянинг айрим методлари*

1. Деструктив нарса-ходиса, воқеаларни нейтрал номлар билан аташ (масалан, сепаратист, айирмачилар давлатнинг ҳудудий яхлитлигига таҳдид солувчилар эмас, балки «аҳолининг ўз ҳуқуқларини талаб қилаётган вакиллари», бесоқолбозлар нуқсонли ва ахлоқсиз кишилар сифатида эмас «ўзига хос шахвоний йўналишга эга кишилар» тарзида тилга олинади).

2. Қадриятларни йўқотиш (дастлаб муайян шахс (нарсa, воқеа-ходиса) узоқ вақт давомида сажда, сиғиниш объекти даражасига келтирилади. Омма онгида кейинчалик бу тушунча мустаҳкам ўрнашиб олгач, идеал билан боғлиқ турли иснод келтирадиган, ножоиз маълумотлар ошкор қилинади).

### *Психикага таъсир қилувчи воситалар.*

Кишига сездирмай онгини ўзгартиришга йўналтирилган бир қанча воситалар мавжуд. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товуш, оҳанг;
- нутқ;
- ахборий манипуляция (демагогия, ёлғон);
- ишонтириш;
- нейролингвистик дастурлаштириш;
- муסיқа;
- визуал, тасвир орқали таъсир кўрсатиш;
- турли тўлқинлар орқали таъсир кўрсатиш (электромагнит нурлантириш, инфратовушларни қўллаш);
- механик таъсир (хирургик операция);
- кимёвий таъсир (психотроп моддаларни қўллаш);
- физиологик таъсир (парҳез, очлик, қийноқлар, идрок қилишдан маҳрум этиш (масалан, қоронғи хонага узоқ вақт қамаб қўйиш));
- биоэнергетик таъсир (биотўлқинлар орқали амалга оширилади);

Таъсир кўрсатишдан кўзланган асосий мақсадлар бўйсундириш, заифлаштириш, аҳамиятини йўқотиш ёки йўқ қилиш бўлиши мумкин.

Таъсир кўрсатиш оқибатлари:

- акселижтимоий хулқ-атвор;
- доимий ҳорғинлик;

- асабийлик;
- руҳий касалликлар;
- ақидапарастлик;
- қадриятларнинг ўзгариши ва ҳ.к..

Психика, киши руҳиятига оддий маиший буюмлар воситасида ҳам таъсир кўрсатиш мумкин. Масалан, маълум рангларнинг муайян частотада телевизор экранида акс этиши баъзи одамлар, айниқса болаларда тутқанокни келтириб чиқариш эҳтимоли борлиги аниқланган. Японияда бир мультфильм намойиши чоғида ёрқин рангли тасвирларни кўриш натижасида жуда кўп болаларнинг асаби бузилиб, руҳиятида ўзгаришлар бўлгач, кенг жамоатчилик, илмий доиралар диққат –эътибори мазкур масалага қаратилди. Қадимги Грецияда қулларнинг тутқанок касаллигига чалинганлигини аниқлаш мақсадида уни айланаётган ғилдиракнинг кегайлари орқали қуёшга қарашга мажбур этишган. Бунда касал одамларнинг ҳушидан кетиб йиқилиши учун бир минутдан камроқ вақт керак бўлган. Шу нуқтаи назардан ҳар бир хонадондаги мавжуд телевизор ахборот орқали нафақат инсонлар онгини ўзгартиришга, балки товуш ва ёруғлик сигналлари воситасида улар руҳиятига салбий таъсир кўрсатишга ҳам сабабчи бўлиши инобатга олиниши зарур.

### *Психологик уруш*

Психологик уруш-муҳолиф томонларнинг психологик операциялар воситасида бир-бирига қарши ҳаракатларни амалга ошириши. Деструктив гуруҳлар фаолияти таҳлил қилинганда, психологик уруш муайян давлат ва жамиятга қарши албатта олиб борилиши кўзга ташланади. Психологик операция - инсон психикасининг ожиз ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оммавий амалга ошириладиган, аниқ бир мақсадга йўналтирилган ахборий ҳужумдир. Психологик операциянинг қуйидаги кўринишлари бўлиши мумкин:

- аҳоли орасида муайян ахборот, миш-мишни тарқатиш;
- маълум бир фикр, тушунчаларнинг тарқалишига сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

Психологик урушдан бир неча мақсадлар (душманни заифлаштириш, ўзгалар имконияти, салоҳиятидан фойдаланиш, тарафдорларини кўпайтириш, одамларни итоатда сақлаш, бўйсундириш) кўзланади.

Деструктив тарғибот бир неча йўналишларда олиб борилади:  
-миллат тарихини камситиш, эришилган муваффақиятлар, амалга оширилган ижобий ўзгаришларни тан олмаслик;  
-миллий етакчилар, қаҳрамонларни бадном қилиш;  
-расмий, миллий мафкурани обрўсизлантириш;  
-муқобил мафкураларни тарғиб қилиш, ёйиш, тарқатиш;  
-асоциал хулқ-атворга нисбатан танқидий муносабатни йўқотиш.

Деструктив фаолият оқибатлари айирмачилик, эмиграция, жиний хатти-ҳаракатлар, алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, ахлоқий бузуқлик, руҳий оғишлар, аномия, аддиктивлик ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ҳар қандай деструктив гуруҳ мафкурасининг замирида алдов ёки фирибгарлик ётади.

Бугун хавфсизликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган дастурий тадбирлар ўз самарасини бермоқда, шу билан бирга, хавф ва таҳдидларнинг сони, характери ўзгариб бормоқда. Бу, ўз навбатида, фан ва техника ютуқларини хавфсизликни таъминлашда муваффақиятли қўллашни талаб этиб, бошқа фанларнинг олдига қўйилаётган муаммолар қатори, психология фанининг олдига ҳам бир қатор ечимини кутаётган масалаларни қўяди. Психология фани мустақил тармоғи сифатида хавфсизлик психологиясининг объекти ҳамда предметини белгилаб олиш учун имконият яратилди<sup>1</sup>. Хавфсизликни психологик жиҳатдан ўрганиш психологик хуружлар (ахборот, мафкуравий, маънавий ва маданий таҳдидлар), терроризм, диний экстремизм, сиёсий экспансия, жамият ва давлат доирасида вужудга келиши мумкин бўлган турли зиддиятли вазиятларни мақсадли ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишнинг мақбул йўллари ишлаб чиқишга имкон яратади. Хавфсизлик доирасида қуйидагилар ўрганилади:

- инсон фаолияти доирасида вужудга келиб, хавфсизлигига таъсир ўтказиладиган психик жараёнлар;
- инсон ҳаётига таъсир ўтказадиган психик ҳолат;
- фаолиятда намоён бўладиган шахс хусусиятлари.

Бугунги пайтда хавфсизлик психологияси доирасида илмий ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талайгина бўлиб, уларни қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

- хавфсизлик психологиясининг тарихий жиҳатлари;

---

<sup>1</sup> Р.Самаров. Сиёсий психология. Ўқув қўлланма. - Т.: «Университет», 2008.

- вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан аниқ тест ва методикалар ёрдамида тадқиқотлар ўтказиш;
- фаолиятда этнопсихологик ва ижтимоий-психологик омилларнинг ўрнини тадқиқ этиш;
- катта ва кичик жамоаларнинг ижтимоий-психологик муҳитини ўрганиш;
- турли характердаги деструктив гуруҳларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш;
- сиёсий бошқарув усулининг фаолият самарадорлигини таъминлашдаги ўрнини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- шахсга нисбатан йўналтирилган турли хавф ва таҳдидларни<sup>1</sup> ўрганиш;
- психологик ҳимояни шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги даражаларида таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва ҳ.к.

Шу билан бирга, хавфсизлик бобида психологиянинг кенгайиб бораётган тадқиқот доираси хавфсизликни таъминлаш соҳасида ижтимоий муносабатлар миқёсида вазиятнинг ҳукмронлиги, шахс етакчилиги, ижтимоий онглиликнинг муҳимлиги борасидаги муаммоларни ўрганишга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ва ижтимоий-маданий омилларга ёшларнинг ҳаёт тарзи, уларни ўраб турган ижтимоий муҳит ва инсоннинг ўзини ўзи намоён қилиши имкониятлари, ўзлари ва ота-оналарининг маълумот даражалари, моддий таъминланиши ҳолатини киритиш мумкин. Экстремистик кайфият таркиб топишида кишиларнинг у ёки бу хулқ-атвор кўринишларига мойиллиги ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ёшлар ҳаётий қадриятларининг ўзига хос жиҳатлари улардаги экстремистик кайфиятларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллардандир. Йигитлар ва қизлар келажакда нима қадрли нима эса аксинча бўлиши мумкинлиги, келажак, истиқбол хусусида бош котира бошлайдилар. Онтогенезда қадриятлар шаклланаётган кезде инқирозли вазиятларга тушиш, тажрибали инсонлар томонидан ёрдам қўлининг ўз вақтида чўзилмаслиги

Психологияда шахс қадриятлари йўналиши тузилмасини аниқлаш ва илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишда муайян методикалардан фойдаланилади. Маълумки, шахс қадриятлари

---

<sup>1</sup> Шахс хавфсизлигини асосан, учта омил белгилайди, булар: инсон омили, муҳит омили ва ҳимояланганлик омили.



йўналиши ижтимоий-психологик асос бўлиб, унинг негизида инсон характери, онги ва ўзини ўзи англаши шаклланади. Ҳозирги вақтда шахс қадриятлар йўналишини аниқлашда энг кўп қўлланадиган методика поляк миллатига мансуб америкалик психолог Милтон Рокич томонидан ишлаб чиқилган. Шу ўринда мазкур методика, уни қўллаш усули, имкониятлари хусусида батафсилроқ маълумот бериб ўтишни лозим деб топдик.

Қадриятлар йўналиши тизими кишининг ўзига, атроф-муҳитга, бошқа инсонларга бўлган муносабатини билдириб, шахс дунёқараши, ҳаётий фаоллик мотивациясини таркиб топтирувчи асосларни ўрганишда, Мен-концепцияни аниқлаштиришда, эътиқод, дунёқараш, маслакни тадқиқ этишда муҳим ўрин тутди. М.Рокич тестида қадриятлар икки тармоққа ажратилади:

**-терминал (асосий) қадриятлар.** Инсон учун умри мобайнида интилиб яшашга арзийдиган мақсадларни англатади;

**-инструментал (воситавий) қадриятлар.** Маълум бир вазиятларда қўллаш инсон учун доимо устувор ҳисобланган ҳаракат шакли ёки шахс сифатини билдиради.

Бу таснифни бошқача қилиб айтганда, мақсад қадриятлар ва восита қадриятлар дейиш ҳам мумкин.

**Тадқиқотни амалга ошириш усули.** Синалувчига ҳар бирида 18 тадан қадрият номи ёзилган икки варақ берилади ёки ҳар бир қадрият номи алоҳида ёзилган қоғоз карточкалар тақдим этилади. Синалувчи қадриятларни ўзи учун аҳамиятлилик даражасига қараб кетма-кет тартибда жойлаштириши зарур (ўзи муҳим деб билган қадрият номи ёзилган қаторга рақам қўяди ёки карточкани танлаб олади). Рўйхат ёзилган қоғоз билан ишлагандан кўра карточкалар билан тадқиқот ўтказиш ишончлироқ натижаларни намоён этади. Дастлаб асосий, кейин воситавий қадриятлар аниқлаштирилгани маъқул.

*Йўриқнома:* «Ҳозир Сизга қадриятлар номи ёзилган 18та қоғоз карточка берилади. Сиздан уларни ўз ҳаётий тамойилларингиз асосида аҳамиятлилик даражасига кўра кетма-кет тартибда жойлаштириш сўралади. Карточкаларни диққат билан ўрганиб чиқинг ва ўзингиз учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганини ажратиб олинг. Сўнгра иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлганини танланг ва шу тартибда карточкаларни охиригача жойлаштиринг. Энг аҳамиятсиз қадрият 18-ўринга жойлаштирилади. Шошмасдан,

ўйлаб ишланг. Топширикни бажариш жараёнида фикрингиз ўзгарса, карточкаларнинг ўрнини алмаштиришингиз мумкин.

Охирги қарорингиз сизнинг 18та қадрият юзасидан биринчисидан охиргисигача **ҳақиқий позициянгизни билдириши лозим.»**

### ***Терминал (асосий) қадриятлар:***

- Жўшқин ҳаётий фаолият (ҳаётнинг тўлақонли ва эмоционал мазмундорлиги).
- Ҳаётий донолик (ҳаёт тажрибаси натижасида эришилган мулоҳазаларнинг етуклиги, соғлом ақл, ақли расолик).
- Саломатлик (жисмоний ва руҳий).
- Қизиқарли иш.
- Табиат ва санъатдаги гўзаллик (табиатда, санъатда гўзалликни ҳис этиш).
- Севги (севимли киши билан жисмоний ва руҳий яқинлик).
- Моддий жиҳатдан таъминланганлик (иқтисодий қийинчиликларнинг йўқлиги).
- Яхши ва содиқ дўстларнинг мавжудлиги.
- Жамоатчилик эътирофи (ишдаги дўстлар, жамоадошлар, атрофдагиларнинг ҳурмат билан муносабатда бўлиши).
- Билим (ақлий заковатни ривожлантириш, дунёқараш, умумий маданият, маълумот даражасини ошириш имконияти).
- Сермаҳсул ҳаёт (имконият, куч ва қобилиятдан максимал фойдаланиш).
- Такмиллашув (ўз устида доимий ишлаш, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ривожланиб бориш).
- Ўйин-кулги (вақтни кўнгилхушлик билан ўтказиш, мажбуриятларнинг йўқлиги).
- Эркинлик (мустақиллик, мулоҳазалар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ўзгаларга қарам бўлмаслик).
- Бахтли оилавий ҳаёт.
- Ўзгаларнинг бахти (бошқа одамлар, халқ, бутун инсониятнинг равақ топиши).
- Ижод (ижод фаолияти билан шуғулланиш имконининг мавжудлиги).
- Ўзига ишонч (ички уйғунлик, турли шубҳалар, ички қарама-қаршиликлардан холилик).

### ***Инструментал (воспитавий) қадриятлар:***

- Батартиблик (озодалик), саранжом-саришталик.
- Тарбияланганлик (инсоннинг ўзини мақсадга мувофиқ тутиши).
  - Юқори эҳтиёжлар (ҳаётда юксак талабларни, даъволарни намоён қилиш).
  - Хушчақчақлик (юмор ҳисси).
  - Ижро интизомига риоя этиш, ишчанлик (тартиб-интизомлилик).
  - Мустақиллик (қатъийлик билан, бошқаларга бўйсунмаган ҳолда ҳаракат қилиш).
  - Ўзи ва бошқаларнинг камчиликларига нисбатан муросазлик.
  - Маълумотлилик (чуқур дунёқараш, билим кўлами, умумий маданият даражасининг кенглиги).
  - Масъулиятлилик (бурч ҳисси, сўзида туриш).
  - Мулоҳазакорлик (соғлом ва мантиқий фикрлай олиш, тўғри қарорларни қабул қилиш).
    - Ўзини ўзи назорат қилиш (босиқлик, ўзини тута билиш).
    - Ўз қарашлари ва нуқтаи назарини ҳимоя қилишда дадиллик.
    - Кучли ирода (ўз фикрида собит қолиш, қийинчиликлар олдида чекинмаслик).
  - Толерантлик, бағрикенглик, сабр (бошқалар фикри, нуқтаи назарини эшита олиш, бошқалар хатоси ва адашувини кечира билиш).
    - Нуқтаи назар кенглиги (ўзгалар фикрини тушуна олиш, уларнинг диди, урф-одатлари, таомил, удумларини ҳурмат қилиш).
    - Иш самарадорлиги (меҳнатсеварлик, ишдаги унумдорлик).
    - Меҳрибонлик (ғамхўрлик).
    - Ҳалоллик (ҳаққонийлик, тўғрилиқ).

**Натижаларни таҳлил қилиш ва уларнинг талқини.** Мазкур методиканинг *афзаллиги* унинг универсаллиги, тадқиқот ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш жараёнида вақтни тежаш имконининг мавжудлиги билан тавсифланади. Унинг *асосий камчилиги* синалувчиларнинг ижтимоий маъқулланишга интилиши ва эҳтимолий носамимийлиги, сохталиги бўлиши мумкин. Шунинг учун ушбу методика орқали инсонлар ўрганилаётганида синалувчилар ва психолог орасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш, ҳаққоний фикрларни билдириш мотивациясини юзага келтириш

муҳимдир. Методика касбга йўналганликни ўрганиш, турли танлов ишларида қўллаш учун тавсия этилмайди. Рокич тести бўйича кадриятларни таҳлил этиш умуман олганда, ишончли маълумотларни тақдим этади. Бироқ, тадқиқот мақсадларида кадриятларни аҳамиятлилиги бўйича кетма-кет жойлаштириш натижалари кўрсаткичи (шахснинг етакчи кадриятлари) ҳамда шахс характер хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти кўрсаткичлари орасидаги боғлиқлик ўрганилса, янада мақсадга мувофиқ бўлади.

Методика камчиликларини бартараф этиш ва синалувчиларнинг кадриятлар йўналишини янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида йўриқномага ўзгартириш киритган ҳолда синалувчи билан мулоқот ўтказиш мумкин. Масалан, асосий тажрибадан сўнг синалувчилар қуйидаги саволларга жавоб бериш асносида кадриятларни яна кетма-кетлик бўйича жойлаштиришлари лозим:

- «Мазкур кадриятлар қай тартибда ва қандай фоззда Сизнинг ҳаётингизда амалга ошган, дейиш мумкин?»

- «Сиз ўзингиз хоҳлаган даражадаги инсон бўлиб қолганингизда кадриятларни қандай тартибда жойлаштирган бўлардингиз?»

- «Барча соҳаларда мукамал инсон Сизнингча, кадриятларни қай тартибда жойлаштирарди?»

- «Кўпчилик инсонлар ушбу кадриятларни қандай тартибда жойлаштирган бўларди? «

- «5, 10 йилдан кейин (ёки, 5, 10 йил олдин) қандай жойлаштирган бўлардингиз?»

- «Сизга жуда яқин (ёки Сиз ҳавас қиладиган) кишилар бу карточкаларни қай тартибда жойлаштирган бўлишарди?» ва ҳоказо.

**Натижаларнинг психологик талқини.** Синалувчиларнинг кадриятлар иерархиясини ўрганиш жараёнида, кадриятларнинг турли гуруҳлар асосида бирлаштирилганлигига эътибор қаратиш зарур. Масалан, асосий (терминал) кадриятлар «аниқ» ва «мавхум», касбий ўзини ўзи намоён этиш ва шахсий ҳаётдаги муваффақиятлар ва ҳ.к. сингари йўналишларнинг устуворлиги билан тавсифланиши мумкин.

Инструментал (воситавий) кадриятлар ишга алоқадор, ахлоқий, мулоқот, индивидуализм, конформизм, альтруистик (фидойилик), бошқаларни идрок этиш билан боғлиқ, хатти-ҳаракатларда намоён этиладиган кадриятлар бўлиши мумкин. Бу ҳам синалув-

чилар қадриятлар йўналиши тузилмасининг субъектив тавсифини тўлиқ англатмайди.

Қадриятлар йўналишини психодиагностик таҳлил этиш жараёнида тест ўтказётган психологнинг ўзи синалувчилардан олинган жавоблар орасидаги қонуниятни илғаб олиши зарур. Агар у бирор қонуниятни, аниқроғи маълум бир илмий тамойилни аниқлаштира олмаса, унда респондентда қадриятлар йўналишининг белгилаб олинмаганлиги, сохта маълумотларни берганлиги, (психологик ёпиқлиги, ролли вазиятларга кирганлиги) ёхуд психологнинг малакасизлиги хусусида бир қарорга келиш мумкин.

Ушбу тестни гуруҳда ҳам олиш мумкин, лекин кўпроқ индивидуал тарзда амалга оширилса маъқулроқ бўлади.

**Тадқиқотни яқунлаш.** Олинган маълумотлар шахс сири бўлганлиги сабабли эълон қилинмайди. Шунинг учун гуруҳий тадқиқот ўтказилгандан сўнг тажриба ўтказётган шахс экспериментнинг умумий жиҳатлари хусусида сўз юритиб, қатнашчиларга самимий жавоблари учун миннатдорчилик билдиргани маъқул.

## **2.2. Деструктив гуруҳларнинг ҳаракат қилиш стратегияси, тактикаси ва усуллари**

Олиб борилган тадқиқотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар, ўрганиш натижалари минтақамизда фаолият олиб бораётган диний-радикал йўналишдаги деструктив гуруҳлар ўз фаолиятларида муайян стратегия ва тактикани, аъзоларни ёллаш усуллари қўллашларини кўрсатди. Демак, мазкур гуруҳлар фаолиятининг асосий белгилари қуйидагилар:

- гуруҳ, оқимнинг 5-7 кишидан иборат «жамоат» деб номланувчи кичик ячейкаларини тузиш;
- ишнинг яширин хусусияти, фаолиятининг ўта махфийлиги;
- «машхур» террорчилик ташкилотларининг адабиётлари бўйича экстремистик мафкура асосларидан таълим бериш;
- Отиш қуролидан амалий фойдаланиш, қўпоровчилик ишларини ўтказишга ўргатиш;
- «жамоат» аъзоларининг спорт майдонларида футбол, волейбол ўйнаш, эрталабки югуриш, шарқона яккакураш секцияларида иштироки баҳонасида уларни фаол жисмоний машқ қилдириш;

- Тарғибот-ташвиқот ҳаракатлари жараёнида миллий-маданий омиллардан фойдаланиш, яъни эътиборни анъаналар, эътиқод, халқнинг урф-одатлари, тарихи ва динига қаратиш;

- экстремистик йўналишдаги руҳонийларнинг аҳоли ҳаёти ва фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олиш, ўзбек жамиятининг маҳалла каби механизмидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилиши;

- аҳолининг ёш, жинс, ижтимоий ва бошқа хусусиятларига қараб тарғибот ишларига ёндашиш, ёшлар қаторидан, айниқса, қишлоқ ёшлари орасидан тарафдорлар орттиришга интилиш, аёллар билан ишни фаоллаштириш, улардан Марказий Осиёда исломга хос бўлмаган тарғиботчилар сифатида фойдаланишга ҳаракат қилиш ва ҳ.к.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпчилик деструктив террорчилик ташкилот, гуруҳларининг аъзолари ўз фаолиятларида албатта, терактларни амалга оширишга тайёргарлик кўрадилар. Аъзоларни тайёрлаш жараёнида психологик ишлов бериш ва тарғиб қилинаётган ғояларнинг ҳақ эканлигига ишончни мустаҳкамлаш мақсадида уларга содир этилган «шаҳидлик» ҳаракатлари, террорчилик актлари видеоёзувлари туширилган дисклар мазкур ҳаракатларнинг «тўғрилиги» хусусидаги Қуръондан иқтибослар билан бирга қўйиб берилади. Тайёргарлик даврида наркотик ва психотроп воситалардан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Классик исломда «шаҳидлик» тушунчаси мавжуд. Мазкур тушунчага турли адабиётларда турлича талқин берилади. Назарий баҳсга чуқур киришмаган ҳолда бир жиҳатга алоҳида эътиборни қаратиш зарурки, диний-экстремистик, террорчилик ташкилотлари фаолиятида аёллардан «шаҳидлар» сифатида фойдаланиш мазкур гуруҳлар ҳаракат дастуридаги нисбатан янги ҳолдир.

Аёлларга хос бўлган психология, таъсирчанлик ва шунга мос тарзда тезда, мутаассибларча, у ёки бу ғояга нисбатан шаклландиган садоқат, симпатия; террорчилик актларини амалга оширишда намоён бўладиган қаҳр, қатъият, аёвсизлик; содир этилган ишга нисбатан аёлларга камроқ хос бўлган пушаймонлик, тавба қилиш туйғусидан дунёдаги барча террорчилик ташкилотлари анъанавий тарзда фойдаланишни бошлаганлар. Бу хусусиятлар миллий менталитет билан уйғунликда, психотроп ва гиёҳвандлик моддаларидан фойдаланиб, «зомбилаштириш, манқуртлаштириш» унсурларини бирлаштирган ҳолда профессионал психологик таъсир

кўрсатиш воситасида аниқ натижалар бермоқда. Аёллар «шаҳидлиги»нинг дабдабалилиги, намоёнишкороналигидан ташқари уни режалаштиришнинг осонлиги, террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда нисбатан арзонлиги унинг «афзаллиги»ни кўрсатади. Тошкент шаҳрида 2004 йил март ойи охири ва апрель ойи бошларидаги содир этилган террорчилик ҳаракатларида етти нафар аёлдан фойдаланилган.

«Шаҳидлар» тайёрлашда ўзини ўзи ўлдириш, суициднинг майда икир-чикирлари ҳам муфассал тасвирланган махсус адабиётлар, кўлланмалардан фойдаланилади.

Аёллар орасидан «шаҳидлар»ни танлашда куйидаги тоифа вакилларига асосий эътибор қаратилади:

-яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи, фарзандларини йўқотган аёллар (яқин кишиларининг ўлими кўп ҳолларда улар учун ўз ўлими каби қабул қилинади);

-ижобий ҳаётий мавқеи ва кадриятларидан мосуво бўлган, психологик-ахлоқий жиҳатдан хўрланган, натижада радикал диний таъсирга тушган аёллар;

-дунёвий ҳаётда ўзига ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, деб сиқиладиган аёллар (уларнинг кўпчилиги турмушга чиқмаган ва етарли даража юқори маълумотга эга бўлишади).

Террорчиларнинг ўз курашиш ғоялари мавжуд бўлиб, уни амалга ошириш учун мавжуд барча усуллардан фойдаланиб, зимдан курашиб келмоқдалар. Бу уларнинг очик кураш олиб бора олмасликлари, олиб бораётган ишларининг ноҳақ эканлигидан далолат беради. Террорчилар алоҳида бир белгиларга эга бўлмаган, бизнинг қаторимизда яшаб келаётган, аммо ўзининг нотурғунлиги асосида ёт ғояларни ўзлаштириб олган кишилар бўлиб, уларнинг ҳаракат мазмунини айнан шу жиҳат белгилайди. Террорчи қайси жинсга, миллатга тааллуқли бўлмасин, у барибир террорчидир. Нотурғунлик, кўрқув ҳисси халақит бериши туфайли ҳаётда ўзларини намоён эта олмасликлари уларнинг умумий хусусиятларидир. Шунинг учун террористик хуружни амалга ошираётган дамда улар ўзларини мард, олижаноб, ҳақиқат йўлида ҳеч нимадан қайтмайдиган, барча қийинчиликлар улар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдай тутадилар. Реал ҳаётда эса улар кўрқоқ, ўз қилмишларидан доимо хавотирда бўлиб юрадиларки, бу уларнинг шахсида етишмовчиликларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Терроризм бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида ўзининг жирканч қиёфасини у ёки бу кўринишда намоён этиб келмоқда. АҚШ давлат департаментининг ҳисоботида кўра, фақатгина 2003 йилда 193 террористик хуружлар рўйхатга олинган. Унинг салбий натижаси ижтимоий муносабатлар тизимининг бузилишида кўринади. Чунки, аҳоли, одамларда кўрқув ҳисси устунлик қилиб, доимо хавотирда бўлиб юришларини тақозо этади. Бу ишлаб чиқариш натижасига, умуман, фаолият мазмунига путур етказди. Агар терроризм халқаро тус олганлигини ҳисобга олсак, қанча зарар етказилаётганлигини ҳисоблаб чиқиш қийиндир.

Халқаро терроризмнинг субъектлари сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- сиёсий радикал гуруҳлар;
- экстремистик руҳдаги миллатчилик ва сепаратистик оқимлар;
- жиноий гуруҳ ва ташкилотлар;
- антидемократик сиёсий ва тоталитар ҳаракатлар.

Евгений Кожунко ўзининг «Современный терроризм: анализ основных направлений» деб номланган асарида терроризмнинг инсон ҳаёти, жамият тараққиётига етказётган салбий таъсирини аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиш билангина чегараланмасдан, террорчиларнинг портретини келтириб, улар хатти-ҳаракатини, фаолият мотивларини тавсифлаб, шарҳлаб ўтади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, террорчилар бошқаларни турли воситалар билан йўлдан оздириб, улар ёрдамида ёвуз ишларни амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Улар мулоқот жараёнида сохтакорлик, алдов йўллари орқали «ишонч»қозониб, суҳбатдошларига мақсадли таъсир кўрсатадиларки, уни манипулятив мулоқот деб кўрсатсак хато бўлмас. Унинг ўзига хос даражалари мавжуд бўлиб, овоз, оҳанг, қўл ҳаракати ва бошқа имо-ишоралардан фойдаланишдан тортиб, то аниқ бир ғояни сингдиришда турли психологик усуллардан истифода этишгача кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бунда инсоннинг нозик томонлари, қизиқувчанлиги, гуноҳ ва савобни тушуна олиши, кўрқув, диний эътиқод, бағрикенглик, раҳмдиллик, шафқат ва бошқа хусусиятларидан усталик билан фойдаланилади.

Таъкидлаш керакки, одамларни «қўлга ўргатиш» учун қулай ва фойдаланилиши осон бўлган усуллар талайгина. Улардан бири суҳбат ҳисобланиб, унинг мавзусини тўғри танлаб олиш муҳим



аҳамиятга эга. Мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда суҳбатнинг умумий йўналишини қуйидагича кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- ишдаги аҳвол (муаммолар) ҳақида суҳбатлашиш;
- шахсий ҳаётдаги муаммоларга оид фикр алмашиш;
- келажакдаги орзуларни муҳокама қилиш.

Суҳбатдошга таъсир ўтказиш учун унга «ғамхўрлик кўрсатилади», ҳамдардлик билдирилади, улар учун «қайғурилади» ва шу йўл билан ишонч қозонилиб, эътиборга эришилади. Шу билан бирга, инсон ҳаётида яхши ва нохуш ҳодисаларнинг вужудга келишини инobatга олсак, қуйидаги воқеа-ҳодисалар кишини психик инқироз ёқасига келтириши мумкин:

- жудолик (яқин кишининг ўлими, ажралиш ва ҳ.к.);
- ўлимни келтириб чиқарувчи оғир касалликларга яқинлари ёки ўзининг чалинганлиги;
- яшаш жойининг ўзгарганлиги;
- ташқи кўринишнинг ўзгарганлиги;
- ижтимоий-сиёсий ҳолатларнинг ўзгарганлиги;
- уйланиш, турмушга чиқиш;
- ижтимоий мавқенинг тубдан ўзгарганлиги (пасайиши).

Шунинг учун инқироз даврида инсон бирон бир яқин кишининг маслаҳати, маънавий қўллашига эҳтиёж сезади. Агар ёнида шундай кишиси бўлмаса, унинг фаолиятида салбий хусусиятлар, хулқ-атворида оғишлар кузатилиши мумкин. Уларда психологик маданият, мафкуравий иммунитет етарли даражада шаклланган бўлса, бу жараён салбий асоратсиз кечади.

Психологик маданият инсон умумий маданиятининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг социумда ўзини намоён этиши ва ифодаланишида асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан психологик маданият инсоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва касбий жиҳатдан мослашишига таъсир ўтказади ва унинг ўз вазифалари мавжуд.

Психологик маданиятнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

*-репродуктив- трансляцион (мавжуд психологик қарашлар, билимлар ва услублар инсон маданий савиясининг юксалишига, инсоният тамаддуни учун хизмат қилади);*

*-конструктив-мосланувчи (ижтимоий мослашув, самарали ўзаро муносабат ва ўзаро тушуниш, инсонлараро мулоқотдаги миллий, маданий, жинсий ва бошқа кўрсаткичлар билан ажралиб*

турувчи фарқларни бартараф этишида, инсоннинг ҳаётий тажрибалар асосида ички ва ташқи фаолияти самарадорлигини таъминлашда иштирок этади);

-регулятив-ислоҳ этувчи (ўзини-ўзи бошқариш, назорат қилиш, ташкил этиш, етукликка эришиш ҳамда салбий психик ва жисмоний ҳолатларни бартараф этишни таъминлайди);

-проектив-йўналтирилган (ҳаётда ўз йўлини танлаб олиш, йўналтириш, режаслаштириш, онгли тарзда ўзини «кашиф этиш»ни таъминлайди);

-баркамоллик-синергетик (инсон ички дунёсининг камолоти, етук ягона»МЕН-концепция»ни яратиш, ички барқарорлик, тўлиқ маънавий ва руҳий ҳаётни таъминлаш, ижтимоий ҳаёт тарзини, сифатини кўтариш, ҳаётдан завқланиш учун хизмат қилади);

-яратувчанлик (инсон ҳаётининг барча соҳаларида тараққиёт, индивидуал ва жамоада ижтимоий мувозанатни таъминлайди);

Инкироз даврида инсон ўз тасаввур ва тушунчаларини таҳлил қилиб чиқиш билан бирга хулқ-атворини ҳам қаттиқ назоратга олиши лозим. Агар шундай йўл тугилмаса, ижтимоий муносабатлар тизимида фаолият жараёнида турли хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Чунки, бу пайтда ички ва ташқи зиддиятлар вужудга келиб, фақат соғлом танагина унга бардош бера олади. Маълумки, инсоннинг функционал ҳолатини унинг саломатлиги таъминлайди ва саломатликнинг жисмоний, психологик, маънавий турлари мавжуд.

Психологик саломатлик индивиднинг умумий соғлигининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг социумда тўлақонли фаолият юритишини таъминлайди. Психологик саломатлик даражаси шахснинг мослашувчанлик, ижтимоийлик ва индивидуаллик кўрсаткичлари билан баҳоланади.

Маънавий саломатлик белгилари:

-ҳаётни қадрият сифатида қабул қилиб, инсон унда янгидан янги қирраларни шакллантиришга интилади.

-ўзига ва атрофдагиларга гуманистик (инсонпарвар) муносабатда бўлади;

-ҳаёт фалсафасига эга бўлади;

-кунлик ҳаётдан доимо завқланади.

Маънавий саломатлик инсоннинг дунё билан боғланганлигини ифодалаб, диний туйғулар, гўзалликни идрок этиш ва унга

интилиш, ҳаётдан қувонганлик ва ундан қониққанликда намоён бўлади.

Террорчилик ташкилотлари аъзолари таркиби ҳам асосан тажовузкор кайфиятдаги параноидлардан иборат бўлади. Улар кўпинча ўз муваффақиятсизликлари сабабини ташқи омиллардан излайдиган, экстернал назорат локусига эга шахслардир. Одатда кўпчилик деструктив гуруҳлар учун гуруҳнинг барча ички муаммоларига сабабчи сифатида қараладиган умумий бир душман тимсоли мавжуд бўлади. Тимсол сифатида шайтон, муайян бир шахс, ҳукумат ёки бошқа диний-радикал ташкилотлар хизмат қилиши мумкин. Инсон баъзи кишиларни дўстлари, айримларини душманлари қаторига киритади ва бу - эҳтиёж, ўзлигини ҳимоя қилиш ҳисси сифатида намоён бўлади. Ислом диний-радикал, экстремистик, террористик ташкилотлари раҳнамолари ҳам ўз аъзоларининг жанговар руhini кўтариш мақсадида бежизга умумий душман сифатида «Шайтон ватани» деб, Америка Қўшма Штатларини кўрсатмайдилар. Шу муносабат билан Жон Мак «қурбонни таъқиб қилувчининг худбинлиги» тушунчасини таклиф этади (Mask, 1979; Olson, 1988). Бу тушунча гарчи қурбоннинг қийналиши уни таъқиб қилаётган кишининг қийналиши сингари ёки ундан кўпроқ бўлса-да, буни таъқиб этаётган шахс ҳис қилмаслиги, тушунмаслигини англатади.

Зўравонлик, террор, куч ишлатиш шахсдан ички ўз-ўзини оқлашни талаб этади. Чунки вазифа-иложи борича деструктив ҳаракатлар ёки террор мақсадларига тушунмайдиган ёки бу мақсадлар улар учун ҳар нарсадан улуғ бўлганлиги сабабли мазкур ниятларга эришиш йўлидаги ҳар қандай воситани қўллаб-қувватлайдиган кўпроқ аъзоларни ташкилотга жалб қилиш. Вашингтон психиатрия мактабида, Шарқий Осиё тадқиқотлари маркази билан ҳамкорлик қилувчи Гарвард университетиди дарс берган, Йель университети Тадқиқот жамғармаси ҳамда Нью Йорк университети Жон Жей номидаги жиний ҳуқуқ коллежининг хизмат кўрсатган психиатрия профессори Роберт Жей Лифтон ўзининг «Тафаккурни ислоҳ қилиш. Тоталитаризм психологияси»<sup>1</sup>, «Нацист медиклари: тиббий қотиллик ёки геноцид психологияси»<sup>2</sup> китобларида ўз-ўзини оқлаш жараёнини таҳлил қила бориб, унда

---

<sup>1</sup> Лифтон Роберт Джей. Технология «Промывки мозгов». Психология тоталитаризма. Перевод с англ. - СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2005. 576 с

<sup>2</sup> Lifton R.J. The Nazi Doctors: Medical Killing and the Psychology of Genocide, 1986. N.Y., P. 480.

«шахс қиёфасининг эврилиши» унсурлари мавжудлигига эътиборни қаратди. Лифтон нацистлар концлагерларида фаолият олиб борган профессионал врачларнинг инсонлар устида тажрибалар ўтказиб, қотилларга айланишига, кишиларнинг азобланишларига бефарқ қарашларига қандай психологик механизмлар имкон берганлигини таҳлил қилди. Унинг тадқиқотлари жисмонан ва руҳан соғлом, маълумотли инсонлар уларнинг дастлабки дунёқараши, эътиқоди, идеалларига зид келувчи мафкуралар таъсирида қандай қилиб ақидапараст, жоҳил кишиларга айланиши мумкинлигини тушунишга имкон беради. Шахснинг тубдан, кескин равишда бундай ижтимоийлашувига кутилмаган гуруҳий босим кўрсатиш ва инсоннинг асосий эҳтиёжларига таъсир ўтказиш сабаб бўлади. Шу билан бирга бу жараён экстремал шароитларга шахснинг йўналганлиги (установкалари)дан келиб чиқиб мослашиши натижасидир. Лифтон уни «эврилиш» деб атайти.

Эврилиш шахс «Мен»ининг мустақил фаолият кўрсатувчи икки қисмга бўлиниши билан тавсифланади. Бўлинишнинг сабаби шундаки, муайян вазият, ҳолатда деструктив гуруҳ аъзоси унинг хатти-ҳаракати деструктив гуруҳ аъзоси бўлгунга қадар пайтдаги хулқига, «Мен»ига мос келмаслигини англаб қолади. Деструктив гуруҳ томонидан талаб қилинадиган, рағбатлантириладиган хулқатвор шу даражада илгаригисидан фарқ қиладики, оддий психологик ҳимоя (сублимация, рационализация, сиқиб чиқариш ва ҳ.к.) орқали ҳаётий фаолият юритишнинг ҳам иложи қолмайди. Киши деструктив ғоя таъсирида бўлганда унинг ўй-фикр, эътиқод, ҳаракат, ҳиссиёт, роллари аста-секин гуруҳ талабига жавоб берадиган алоҳида «Мен»дан иборат мустақил тизимга айлана боради, бироқ бу шахснинг эркин танлови билан эмас, балки чидаб бўлмайдиган психологик шарт-шароитларда инстинктив, ўз-ўзини сақлашга бўлган интилиш, реакция натижасида амалга ошади. Пайдо бўлган янги «Мен» яхлит «Мен» сингари ички психологик муаммоларни бартараф эта олади. Польшадаги Освенцим концентрацион лагери врачлари эврилиш туфайли нафақат инсонларни ўлдириши, балки ўзининг бутун салоҳияти, «Мен»ини сафарбар қилиб, жимгина ушбу мудҳиш жараёнга ҳисса қўшиши ҳам мумкин эди.

Эврилиш анъанавий «онгнинг бўлиниши», «шахс психологик тизими, руҳиятининг бўлиниши» концепцияларидан фарқ қилади. Бу концепцияларда тасвирланадиган ҳолатлар одатда киши

умрининг охиригача давом этадиган жараён бўлиб, уларнинг илдизлари болаликда олинган кучли руҳий ёки жисмоний жароҳатга бориб тақалади. Ушбу вазиятда ҳали тўлиқ шаклланмаган онг, руҳият «бир бутун», безарар ҳолда қола олмайди ва патологик ўзгаришларга учрайди. Бундан ташқари, индивиднинг ҳар бир «алоҳида» онги, психик тизими бир-биридан «хабардор» бўлмайди ва мустақил фаолият юритади (Россиянинг ТНТ каналида намоиш этилган «Зайцев+1» сериалидаги воқеалар бунга мисол бўла олади). Эврилишда эса ҳар иккала «шахс» бир-бирининг мавжудлигидан бохабар бўлади, бироқ бирининг қабул қилинган ижтимоий меъёрларга зид хатти-ҳаракати иккинчисига ҳеч қандай ўнғайсизлик туғдирмайди. Эврилиш гўдаклар, болалар ҳар қандай руҳий ёки жисмоний жароҳат олганларида ҳам уларда намоён бўлмайди. Мазкур ҳолат фақат ақл бовар қилмайдиган шароитга тушган катта ёшдагилардагина ифодаланади. Айти пайтда ёши катталардаги иккинчи»Мен» гўдаклардан фарқли равишда индивид тушиб қолган иложсиз вазиятларга фаол мослашиш воситасидир.

Ушбу мослашишнинг нацист врачларида бўлгани сингари ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори бўлиши мумкин. Кишиларнинг оммавий эврилиши ижтимоий хавфлилик даражасидан ташқари бу ҳолатни бошидан ўтказишга мажбур бўлган инсонлар онги ва руҳиятида секин битадиган оғир жароҳатлар изини ҳам қолдиради (концлагер асирлари, иккинчи жаҳон ва афғон уруши қатнашчиларида кузатилгани каби). Чунки деструктив (радикал, террористик, диний-экстремистик) гуруҳларда шахсга таъсир кўрсатиш шу даражада жадал олиб бориладики, уни одатий ижтимоийлашув ҳамда ҳаётининг фаолият жараёнлари билан асло таққослаб бўлмайди. Бу кўпроқ урушда, армияда, камокда бўлиш билан баробардир. Деструктив гуруҳ ёки ташкилот фаолиятига ижтимоий-психологик нуқтаи назардан тавсиф берилганда кундалик, одатий жамият ҳаётининг фарқли равишда унда ўрнатилган қатъий тартиб, махсус шарт-шароитлар, олдиндан белгилаб олинган (ёки белгилаб берилган) бир йўналишдаги фаолият зарурияти мавжудлигига эътибор бериш, танлаш имконияти, соғлом рақобат муҳити йўқлигига диққатни қаратиш лозимдир. Рисоладаги жамиятда турли мафкуралар кураши, фикрлар хилма-хиллиги, плюрализм ҳодисаси меъёр даражасида ҳисобланса, деструктив ташкилот, оқим аъзолари фақат бир ғоя, бир мафкура

ёхуд бир шахс ғалабаси учун бор кучларини сарфлайдилар, зарур бўлганда ўзларини қурбон ҳам қиладилар.

Деструктив гуруҳлар одатда маънавий, руҳий, ақлий жиҳатдан камолотга етмаган, турли радикал миллий, ижтимоий ва диний ғояларни тез қабул қиладиган ғўр ёшларни «буюк мақсадларга эришиш, улкан вазифаларни амалга ошириш» мотиви орқали ўзларига оғдириб оладилар. Уларни кўпроқ тоталитар (яъни, аксар инсонларнинг хоҳиш-иродаси фақат бир шахс-«устоз» ёки «доҳий»га боғлиқ), «Қизил бригада» ёки «Аум синрикё» сингари диний ёхуд мафкуравий секта аъзолари ташкил этади. Узоқ вақт махфий шароитларда жадал олиб бориладиган руҳий ва жисмоний машғулотлар, онгни ўзгартиришга йўналтирилган махсус психологик методикалар таъсирида маълум бир дунёқараш, эътиқод, маслакка эга кишилар шаклланадики, бу кишилар таъбир жоиз бўлса, ўзига хос жинсий, диний, деструктив муҳитнинг яратувчилари, аъзолари ҳисобланадилар.

«Жалб қилинган» шахс хатти-ҳаракатларининг шаклланиши ва ривожланиш суръати унинг тарбияси, маълумоти, дунёни ҳис қилиши, ҳаётда, у мавжуд жамиятда ўзини намоён этиш имкониятлари каби бир қатор омилларга бевосита боғлиқдир. Террор, тажовуз, ваҳшийлик механизми замонавий жамиятдаги инсон психикасининг чуқур қатламларида, мудроқ ҳолатда жойлашган. Бу механизмнинг ишга тушиб кетишига кўпинча қийин турмуш шароити, психологик иложсизлик ҳолатидаги, ўз вазиятини фожияли деб ҳис қилган муайян гуруҳ кишиларнинг ўша шароитдан чиқиб кетишга бўлган, акселижтимоий меъёрлар доирасидаги хатти-ҳаракатлари сабаб бўлади. Деструктив гуруҳларга жалб қилишга уриниш яқин кишисини йўқотган, оиласидан ажрашган, омадсизликка учраётган, иши юришмаётганлиги натижасида кучли ҳаяжон, руҳий сиқилиш, ғазаб, тушкунлик ҳолатида бўлган шахслар орасида яхши натижа беради. Деструктив гуруҳ қайси кўринишда бўлмасин (миссионерлик ва прозелитизм йўналишлари, турли тоталитар ва диний секталар, диний-эстремистик, радикал-террористик ташкилотлар, неофашистик ҳаракатлар), улар аъзоларининг барчаси учун ташкилотга, унинг ғоялари ва мақсадларига кўр-кўрона содиқлик ҳисси умумийдир. Ўша мақсад ва ғоялар кишиларнинг бирлашишига сабаб бўлмоқда, деб хулоса чиқариш мумкин. Бироқ, бу нотўғри хулосадир. Зеро, мақсад ва ғоялар муайян ташкилотга мансубликни ифодалаш учунгина хизмат

қилади. Асосий сабаб эса, кишилардаги ижтимоий тан олинис, ўзини ўзи намоён қилишга бўлган кучли эҳтиёждир.

Одатда деструктив ташкилотлар аъзоларини нотўлиқ оила вакиллари, у ёки бу сабабларга кўра амалдаги ижтимоий тузилмалар доирасида муайян қийинчиликларга дуч келган, ишсиз, ишини йўқотган ёки умуман ишламаган кишилар ташкил қилади. Бундай вазиятларга тушиб қолганларда кузатиладиган бегоналашиш, ёлғизлик ҳисси шахсни унинг ўзи сингари асоциал гуруҳлар аъзолари билан бирлашишга ундайди. Шундай қилиб, деструктив гуруҳлар аъзолари учун умумий бўлган жиҳат - ўз-ўзини намоён қилиш билан боғлиқ муаммоларга эга кишилар гуруҳида бўлиш эҳтиёждир.

Маълумки, шахс бирданига деструктив гуруҳ аъзоси бўлиб қолмайди. Гуруҳ аъзоси бўлишдан олдин унда апатия, лоқайдлик, теварак-атрофда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ҳисси пайдо бўлиши мумкин, шу билан бирга кишида ижтимоий аксилмослашув (дезадаптация)нинг турли шакллари бошдан кечириш эҳтимоли бор. Асоциал, деструктив гуруҳ билан мулоқотда бўлиш, аъзоларига ўзини тенглаштириш унда салбий, негатив характерда бўлса ҳам ижтимоий роллар шаклланишига олиб келади. Гуруҳ билан ихтиёрий равишда, бирдан алоқаларни узишнинг деярли иложи йўқ - бу психологик жиҳатдан ўзини ўлдириш, «Мен»ини йўқотиш билан баробар. Чунки гуруҳга жалб қилинган шахснинг ўзини ўзи баҳолаш даражаси илгари шу қадар паст бўлганки, қайта шаклланган позицияси, ўзлигини йўқотишни асло истамайди. Деструктив гуруҳ аъзоларининг барчаси ҳам қаҳри қаттиқ, авторитар одамлар бўлмайди. Гуруҳга қабул қилингач, уларда кўрқув ҳиссидан ҳимояланиш механизми юзага келади. Гуруҳга нисбатан қилинган ҳамла, унинг ўзига кўрсатилган тажовуз сингари идрок этилади. Аъзолар онгига гуруҳ мафкураси кучли сингдирилгани сабабли ташқаридан кўрсатилган ҳар қандай таъсир уларнинг жипслиги, бирдамлигини мустаҳкамлайди. Шунинг учун деструктив гуруҳларга қарши ахборот кураши олиб борганда бу омилни назардан қочирмаслик лозим.

Бартараф этишга нисбатан қилинган ҳаракат «жалб қилинган» шахсларда жамият ва муҳолифларга қарши, улар ким бўлишидан қатъи назар, кучли душманлик, ўч олиш ҳиссини уйғотади. Душманни гуруҳ раҳнамолари аниқлайди. Улар нишонга олинадиган объект, шунингдек, қўлланиши зарур бўлган ҳамла

қилиш усул ва воситаларини кўрсатиб берадилар. Айни пайтда деструктив гуруҳлар раҳбарлари ўз зиммаларига олган мажбуриятлари эвазига давлат ва бошқарув органларига нисбатан норозилик кайфиятидаги муайян аҳоли қатламлари вакилларида гуруҳни қўллаб-қувватлаш, таъминот билан боғлиқ масалаларда ёрдам бериш, молиявий кўмак кўрсатиш, зарур ҳолларда гуруҳ аъзоларини ҳуқуқ-тартибот органларидан яширишни талаб этадилар. Шу тариқа аҳолининг баъзи қатламлари ва деструктив гуруҳлар ўртасида бир-бирининг сирини яшириш, бир-бирини қўллашдан иборат ўзига хос аҳд юзага келади. Бу эса давлат томонидан жамиятда террор, бошбошдоқлик, экстремизм, зўравонлик, маънавий экспансия ҳолатлари намоён бўлишига қарши олиб борилаётган курашнинг самарадорлигини сусайтиради.

Таъкидлаб ўтиш зарурки, деструктив гуруҳларнинг айрим кўринишлари, масалан, секталар, миссионерлик ва прозелитизм йўналишидаги ҳаракатлар намояндалари аҳолидан юқорида кўрсатиб ўтилган шаклдаги ёрдамларни талаб қилмайдилар, балки бунинг ўрнига тегишли психологик технологиялар ёрдамида кишиларни назоратда ушлаб туришни афзал кўрадилар. Аҳамиятлиси шундаки, бу оқим аъзолари иқтисодий жиҳатдан қийналган, ночор бўлсалар уларга гуруҳ томонидан моддий ёрдам кўрсатилади. Секталар ва диний оқимларни радикал ташкилотлардан фарқли равишда йирик ташкилотлар ҳамда ҳомийлар молиявий томондан таъминлаб туришади. Радикал, террористик ташкилотлар учун кўпуровчилик ҳаракатлари орқали жамиятда вазиятни издан чиқариш ва кўрқув муҳитини яратиш муҳимроқ бўлса, секта ва диний оқимлар ўз нуфузларини ошириш мақсадида кишиларни бирлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Деструктив гуруҳларнинг аҳоли ва кишиларга нисбатан олиб борадиган сиёсати қай шаклда, қандай йўсинда бўлмасин, ундан кўзланадиган мақсад битта. У ҳам бўлса - одамлар онгини, хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, мамлакат ҳудудида, жамиятда тартибсизликни қарор топтириш, шу орқали ўз сиёсий мақсадларига эришиш. Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

-барча деструктив гуруҳлар кишилар онгини ўзгартириш, улар хулқ-атворини назорат қилиш борасида деярли бир хил усуллар, психологик техникаларни қўллайдилар;



-диний, миссионерлик, прозелитизм йўналишидаги оқимлар, секталар кишилар имкониятлари, заҳиралари, салоҳиятидан ўз мақсадлари йўлида фойдалансалар, радикал, террорчилик ташкилотлари учун кўпорувчилик, одамларни жисмонан йўқ қилиш асосий аҳамият касб этувчи вазифалардандир;

-террорчилик гуруҳларидан фарқли равишда, бошқа ташкилот ва оқимлар оммавий ахборот воситалари эътиборини жалб қилмасликка ҳаракат қиладилар;

-барча деструктив гуруҳлардаги ички психологик муҳит унинг аъзолари психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўхшаш бўлади;

- тадқиқ қилинаётган муаммони ўрганишда давлат ҳокимиятлари институтлари билан ҳамкорлик қилиш, аҳолида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш онгни назорат қилиш феномени, деструктив гуруҳлар масаласини социология, криминология, виктимология ва ижтимоий психология фанлари доирасида ўрганиш зарурияти ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда таълим тизими мутахассислари билан ҳамкорликда ёшларга кўрсатиладиган салбий диний таъсирларнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий-психологик дастурларни амалга ошириш бўйича ишлар самарадорлигини кучайтириш зарур.

Таълим эркин, мустақил, ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш, инсоннинг келажақдаги фаолияти учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга йўналтирилиши зарур экан, таълим муассасалари ва улар фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар омма онгида бир хил бўлмаса-да, умуман олганда, ижобий тарзда идрок этилади.

Деструктив гуруҳларнинг таълим тизимига қизиқишлари, мазкур соҳадан манфаатдорликларини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин:

-таълим муассасалари билан ҳамкорлик натижасида ўз фаолияти қонунийлигини намойиш қилиш ва нуфузини кўтариш имкониятини қўлдан бермаслик;

-таълимга доир ахборотлар ниқоби остида ўз ғояларини, мафкурасини тарғиб-ташвиқ этиш;

-кўплаб янгидан-янги аъзоларни жалб қилиш ва оммавий таъсир кўрсатиш имконияти;

-ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий тарбиялаш борасида ўзларининг «ижтимоий-фойдали фаолияти»ни тарғиб қилиш.

Қайд этиб ўтиш керакки, деструктив гуруҳлар ўз таъсирларини таълим тизимининг барча бўғинларида ўтказишга ҳаракат қиладилар. Марказий ва маҳаллий ҳокимият тузилмалари, таълим тизими ходимлари кўмаги воситасида ўз сафларига кўпроқ аъзолар жалб қилиш учун турли ўқув семинарлари кўринишида йиғилишлар ўтказадилар.

Моддий-техник қўллаб-қувватланишга муҳтож таълим муассасаларига ҳомийлик ва инсонпарварлик ёрдами, талабалар ва ўқитувчилар учун саёҳатлар ва ёзги лагерлар ташкил қилиш кўринишидаги хатти-ҳаракатлари воситасида мазкур муассасалар раҳбарияти билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиб оладилар.

Бу кўпинча тасдиқланган ўқув дастурлари билан бирга тегишли экспертзадан ўтмаган ва ота-оналар розилигисиз қўлланадиган, деструктив гуруҳлар мафкураси ва ақидаси унсурларини акс эттирадиган дастур ва методикаларнинг таълим жараёнида фойдаланилишига олиб келади.

Ота-она-бола-ўқитувчи тизимида биринчи ёки учинчи бўғин вакили бирор деструктив гуруҳ аъзоси ёки вакили бўлса, ўзаро муносабат, муомала даражасида муаммо келиб чиқиш эҳтимоли кескин ортади.

Ўқитувчиларнинг информацион-психологик жиҳатдан турли деструктив гуруҳлар таъсири олдида ҳимоясизлиги, уларнинг зарурий маълумотлар билан етарли даражада таъминланмаганлигини кўрсатиш учун бир мисолни келтириш мумкин. Россия Федерациясида мутахассисларга бир ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарияти ёрдам сўраб мурожаат қилган. Муаммо шундан иборатки, коллеж талабалари иқтидорли, ижодий фаол, серҳаракат ёшлар бўлса-да, улар Кришнани англаш жамиятининг таъсирига тушиб қолганлар. Талабалар коллеж ётоқхонасида жамият ғояларини тарғиб қила бошлаганлар, ўзларининг ҳаммаслаклари билан кичик жамоани тузишган. Раҳбарият мазкур талабалар билан қандай иш олиб бориш, келажакда бу сингари ҳолатларга йўл қўймаслик борасида ўқитувчиларга аниқ тавсиялар бериш борасида ҳеч нарса қила олмаган. Мутахассислар ўқитувчилар билан йиғилиш ўтказиб, ушбу ташкилот, жамиятнинг мақсади, йўналиши ҳақида ҳуқуқий, диний ва психологик нуқтаи назардан маълумотлар берилган. Бироқ шу ўринда ўқитувчи, педагогларнинг муносабати таажжубланарли бўлган. Улар елка қисиб, «Хўш, ўқувчилар бундай жамиятларга боришса, муайян маслакка эътиқод

қилишса бунинг нимаси ёмон? Ахир виждон эркинлиги деган тушунча бор-ку» дейишган.

Айни вазиятда энг қийини эркинлик тўғрисида сўз ҳам бориши мумкин эмаслигини тушунтириш бўлган. Буни деструктив сектага аъзо бўлган ёш кришнаитлар билан мулоқот қилгач, уларнинг ўзгариб қолганини пайқаган ўқитувчилар ёрдамида аудиторияга етказишга тўғри келган.

Ижтимоий-психологик профилактика йўналишида кўзланган тадбирлардан мақсад ёшларда ассертивлик (очиқ конструктив ўзаро ҳамкорлик), рефлексия, (вазиятни англаш ва тўғри баҳолай олиш), танқидий тафаккур (ахборот, маълумотлар билан ишлаш, уларни таҳлил қилиш, қайта ишлаш, мустақил қарор қабул қилиш) кўникмаларини таркиб топтириш, деструктив гуруҳлар ҳамда онгни назорат қилиш усул, восита, технологиялари ҳақида тасаввурларни шакллантириш бўлиши лозим.

Ўқувчилар, талабалар хориж ОАВ воситалари, телевидение, интернет ва бошқа ахборот манбалари томонидан психологик манипуляция ўтказишга уриниш ҳолатлари мавжудлигини тушунишлари зарур. Шунда ушбу субъектлар орқали яна уларнинг онги, дунёқарашига таъсир ўтказишга ҳаракат қилинганда натижа кутилганидек бўлмайди, чунки ёшлар қилинаётган психологик тажовузни биладилар ва унинг таъсирига берилмайдилар.

Таҳлиллар қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилиши заруриятини кўрсатди:

-турли соҳа мутахассислари иштирокида деструктив гуруҳларнинг таълим муассасалари, ташкилотлар, фуқаролик жамиятлари институтлари ҳамда аҳолига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири муаммосига бағишланган давра суҳбатлари, конференциялар, семинарлар уюштириш;

-деструктив гуруҳлар ва ёшлар ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ҳуқуқий томондан мувофиқлаштиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш;

-муайян мафкура, таълимот, оқим ёки ташкилотнинг ижтимоий-психологик жиҳатдан хавфлилиқ (хавфсизлик) даражаси тўғрисида асосли хулосалар бера оладиган, малакали мутахассислардан иборат ваколатли эксперт тузилмаларини ташкил этиш;

-таълим муассасалари педагогик жамоаларида ошкоралиқ, хайрихоҳлик, бағрикенглик, танқидий-таҳлилий мушоҳадага

асосланган ўзаро муносабатлар тизимини йўлга қўйиш. Мазкур тизим педагоглар ва талабаларни деструктив гуруҳлар таъсирига тушишдан сақлашда, уларнинг психологик саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади;

-таълим муассасаларида ижтимоий фанларни ўқитиш жараёнида асосий эътиборни талабаларда танқидий тафаккурнинг ривожлантирилишига, шунингдек, уларда ахборот-психологик хавфсизликнинг таъминланганлиги, психологик ҳимоя механизмларининг шаклланганлигига қаратиш;

-деструктив гуруҳларнинг фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун энг асосий омил аъзолари сонини қўпайтириш эканлигини ёшларга тушунтириш. Деструктив гуруҳларни таъбир жоиз бўлса, танадаги саратон тўқималари билан таққослаш мумкин. Саратон тўқималари организмнинг ривожланиши учун эмас, балки унинг емирилиши, ҳалокатига хизмат қилади. Худди шунингдек, деструктив гуруҳлар ҳам шахс, давлат ва жамиятнинг инқирозини таъминловчи фаолият олиб бориб, барқарорликка катта хавф туғдиради;

-амалий психологик ва педагогик фаолият тажрибаси асосида таълим муассасаларига деструктив гуруҳлар мафкураси кириб келишининг асосий сабаблари, усул ва воситаларини таҳлил қилиш. Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида деструктив гуруҳлар психологик манипуляцияси ҳамда салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, ижтимоий-психологик дастурлар натижаларини баён этиш.

### **2.3. Ёшлар муҳитида экстремизм ва терроризм профилактикаси**

Ўсмирлар ва ёшларда аҳолининг энг кам ижтимоий ҳимояланган ва таъсирга берилувчан катлами сифатида турли низолар, ҳар хил деструктив, шу жумладан, экстремистик йўналишдаги ташкилотларнинг фаол иштирокчилари, аъзолари бўлиш эҳтимоли каттадир. Бутун дунёда ёшларнинг экстремистик ҳаракатларга мойиллиги кучайганлиги мазкур жиҳатнинг диққат билан ўрганилишини, тадқиқ этилишини талаб этмоқда. Айрим ёшларнинг истиқболни аниқ тасаввур эта олмаслиги уларда ўз келажагига нисбатан ҳадик, хавотир туйғусини уйғотмоқда ва афсуски, бу туйғу доим ҳам мақсадга мувофиқ усулда бартараф этилмаяпти.

**Деструктив хулқ деб,** жамият томонидан қабул қилинган, эътироф этилган меъёр ва ролларга мос келмайдиган, муқобил нуқтаи назарларга радикал равишда қарши йўналтирилган хулқ-атворга айтилади. Бу ҳолатда айрим олимлар меъёр сифатида муайян хатти-ҳаракатдан кутиладиган натижа, самарани, бошқалари эса маълум бир хулқ-атвор аттитюди (андоза, шакли)ни назарда тутадилар. Бошқа тадқиқотчилар эса нафақат хатти-ҳаракат, хулқ-атвор, балки ғоя, қарашлар ҳам деструктив бўлиши мумкин, деган фикрни билдирадилар.

Деструктив хулқ шаклларига экстремизм, терроризм ва меъёрий хулқдан оғишишнинг бошқа кўринишлари киради. Ёшлар муҳитида экстремизм ва терроризм профилактикаси хусусида гап кетганда, масалага дахлдор айрим тушунчаларга таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кўпчилик олимларнинг фикрича, экстремизм ва терроризм бир-бири билан ўзаро боғлиқ тушунчалар занжири (**радикализм – экстремизм – фанатизм – терроризм**)нинг турли халқаларидир.

**Радикализм** (лотинча *radix* – ўзак, асос, илдиз) муайян кўринишдаги фикр, ғоя юзасидан туб мантиқий ва амалий хулосалар чиқаришга интилишдир. Бунда ҳеч қандай ён босиш ёки муроса назарда тутилмайди.

**Экстремизм** (лотинча *extremus* – кескин, охириги) кескин, ашаддий қарашлар ва радикал чора-тадбирларга мойилликни англатади.

**Фанатизм** (ақидапарастлик) (лотинча *fanum* - қурбон) шахснинг ҳеч қанақа далил ёки исботни тан олмаган ҳолда муайян ғоя таъсири остида атроф-муҳитга, инсонларга муносабатда бўлишидир.

**Терроризм**–муайян сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ёки бошқа натижаларга эришиш мақсадида алоҳида шахс, гуруҳ, объектларга нисбатан зўравонлик ёхуд таҳдидни амалга ошириш. Терроризм экстремизмнинг энг охириги босқичи, даражаси ҳисобланади.

Дунёда кечаётган сиёсий жараёнларга назар ташласак, ёшлар орасида экстремизм ҳозирги вақтда кучайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Мазкур жиҳат нима билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини, ёшлар орасида экстремизм тарқалиб бораётганлигининг сабабини аниқлашда айнан ёшлар тажовузкор-экстремистик ҳаракатларга мойил таҳликали гуруҳни ташкил этишини

ёдда тутиш керак. Ёши нуқтаи назаридан уларга максимализм ва нигилизм, радикализм ва бетоқатлик, таваккалчилик ва мурасизлик, гуруҳбозлик, беқарорлик, шошқалоқлик хусусиятлари хос бўлиб, қулай вазиятларда бу муайян аксилижтимоий фаолликни ишга тушириб юборувчи механизм сифатида намоён бўлиши мумкин.

Тадқиқотчилар терроризм ва экстремизмнинг беш асосий манбаи борлигини таъкидлайдилар:

**Биринчидан**, терроризм ва экстремизм янгиланиш босқичига ўтган, кескин ижтимоий ўзгаришлар остонасида турган, шу билан бирга миллий, этноижтимоий белгиларига кўра фарқланадиган аҳоли вакилларига эга жамиятларда кузатилади. Аҳолининг маргинал характердаги ва турғун гуруҳлари террорчилик ҳаракатларида иштирок этади.

**Иккинчидан**, фақат қашшоқлик эмас, балки жамият аъзоларининг ўта бой ва ўта камбағал ижтимоий гуруҳларга бўлиниши, ижтимоий қарама-қаршилиқлар ҳам терроризмнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

**Учинчидан**, терроризмнинг ижтимоий янгиланишлар дастлабки босқичида кучайиши кўзга ташланади. Муваффақиятли ислохотларнинг яқунланиш босқичларида терроризм ва экстремизмнинг кескин равишда сусайиши қайд этилади.

**Тўртинчидан**, ниҳоясига етказилмаган урбанизация жараёнлари, саноатлаштиришнинг ўзига хос шакллари, жамият этнодемографик тузилмасининг ўзгариши, бошқарилмайдиган миграция ҳам экстремизм ва терроризмнинг кучайишига сабаб бўлиши тахмин қилинади.

**Бешинчидан**, этник, диний экстремизм ва терроризмнинг тарқалишида ислом дунёси, айрим араб мамлакатларининг таъсири кучли бўлмоқда. Мазкур мамлакатлар ҳукуматлари жамиятдаги ижтимоий қарама-қаршилиқларни бостиришда зўравонликдан фойдаланиб, уни меъёр характерига келтиришмоқда.

Экстремизм ва унинг энг хавfli шаклларида бири бўлган терроризм жадал ривожланиб, янгидан янги кўпоровчи усулларни ўзлаштириб бормоқда. Экстремистик фаолият субъектлари илгари уларни маълум бир доирада чегаралаб турган ахлоқий меъёрлар ҳаддидан чиқиб, энди таъбир жоиз бўлса, корчалон-тадбиркорларга айландилар.

Илгари террористик ҳаракатларда кўпроқ қурбонлар бўлишига аҳамият беришган ташкилотчилар, ҳозирги кунга келиб ундан келадиган иқтисодий, молиявий фойдага эътибор қаратишмоқда. Бунинг тасдиғи сифатида амалга оширилаётган террорчилик актларининг тасвирга туширилаётганини кўрсатиш мумкин. Тасвирлар айтиш мумкинки, кўпуровчилик ҳаракатини амалга ошириш учун пул тўлаган буюртмачига ишнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ўзига хос ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам ашаддий радикал ислом мафкурасини тарғиб қилувчи бир неча экстремистик гуруҳларга аъзо фуқароларнинг учраётганлиги ғоят ачинарли ҳолдир. Жанговар радикал ислом мамлакатимизга ваҳобийлик ва диний-ортодоксал оқимлар давлат томонидан молиялаштирилувчи араб давлатларидан баъзиларида таълим олган, онги махсус ишловдан ўтказилган шахслар орқали кириб келмоқда дейиш мумкин. Шу билан бирга миллий хавфсизлигимизга турли сепаратистик, миллий қонунчилигимизга ҳурматсизлик кайфиятидаги, инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларини инобатга олмайдиган шахс ҳамда гуруҳлар фаолияти ҳам таҳдид солмоқда.

Умумий этник, қон-қариндошчилик хусусиятларига эга аъзолардан иборат гуруҳнинг ҳиссий-эмоционал жипслигини таъминлаш учун муайян «афсона» лар, ғоялардан фойдаланишга тўғри келади. Бугунги кунда барча мамлакатларда ёшлар орасида экстремизмнинг тарқалиши жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор меъёрларига ҳурматсизликда, қонунбузарлик, қоидабузарлик йўналишидаги норасмий ёшлар уюшмаларининг ташкил этилишида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда марказий Осиё минтақаси ва республикамиз ҳудудида фаолият олиб бораётган деструктив, диний-экстремистик ташкилотларнинг мақсад ва вазифалари, фаолият усулларини ҳам таҳлил қилиш зарур. Уларнинг **стратегик мақсади** мавжуд дунёвий тизим ҳокимиятини диний тамойиллар (шариат меъёрлари) асосида тузилган теократия ҳокимиятига алмаштиришдан иборатдир. Бу борада ҳокимиятни қўлга олишнинг мумкин бўлган икки йўли кўзда тутилади: ҳокимиятни қуролли куч билан эгаллаш ёхуд сайловчиларни тайёрлаш, ҳокимият идораларига ўз тарафдорларини киритиш орқали парламент йўли билан келиш. Мазкур гуруҳ ва ташкилотларнинг **тактик вазифаларига** Ўзбекистон ва Марказий Осиё аҳолисини кенг миқёсда «исломлаштириш»;

ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш; динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш; Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида, шунингдек, чет элларда ҳаракат қилаётган диний-экстремистик ташкилотлар орасида алоқалар ўрнатиш; ташкилотларни молиявий таъминлашнинг турғун каналини яратиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Фаолият олиб боришда деструктив ташкилот ва гуруҳлар қуйидаги усуллардан фойдаланадилар:

- «жиҳод» ғоясини, «шаҳид бўлиб ўлиш» усулларини, оммавий террор ва яширин фаолият тактикасини тарғиб қилиш;

- ўз тарафдорларини ҳокимият тузилмаларига, шу жумладан, курулди кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига нафақат тарғибот-ташвиқот, балки мустаҳкам ўрнашиб олишлари мақсадида киритиш;

- расмий диний тузилмалар вакилларининг мавқеларини заифлаштириш мақсадида мўлжалланган равишда обрўсизлантириш;

- гуруҳ аъзоларини етарли даражада аниқ ихтисослаштириш, маънавий ва моддий рағбатлантириш билан ташкилий тузилмаларни, пухта ўйлаб чиқилган тизимни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

- мавжуд экстремистик ячейкаларнинг аёллар қанотларини кучайтириш, аёллардан иборат янги экстремистик гуруҳларни ташкил қилиш;

- ўз қаторига аҳолининг муайян қатламлари вакилларини, масалан, тадбиркорларни кўплаб жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кескин танқид қилиш, ҳокимият идоралари ва унинг вакилларини обрўсизлантириш;

- расмий ҳокимиятга таъсир кўрсатишга мўлжалланган очик, намоён ҳаракатларни (пикетлар, варақалар тарқатиш ва ҳ.к.) амалга ошириш;

- адабиётларни кўпайтириш, бориш қийин бўлган тоғли ҳудудлар ва ҳуқуқни назорат қилиш органлари томонидан бўш назорат қилинадиган жойларда маскан қуриш;

- исломий ҳаёт тарзини ва давлат тузилишининг теократик шаклини кенг тарғиб қилиш, шу жумладан, босма нашрлардан фойдаланиб, варақалар тарқатиш, интернетда турли сайтлар очиб, у



ерга ҳар хил мазмундаги материалларни жойлаштириш, дисклар тарқатиш;

- диний экстремизм тарафдорларини аниқ бир мақсадда Ўзбекистон ҳудудида, қўшни давлатлар ҳудудининг аҳоли яшайдиган олис чегарадош туманларида, баъзи давлатларнинг ҳукуматлари томонидан назорат қилинмайдиган ҳудудларида тўплаш ва (масалан, спорт билан шуғулланиш баҳонасида) «жангари»ларни тайёрлаш;

- «Мамлакатда дин эркинлиги, инсон ҳуқуқлари бузилиши» бўйича халқаро ҳамда маҳаллий инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг шўъбаларига мурожаат қилиш;

Экстремистлар бошқа ижтимоий гуруҳларга мансуб, ўзгача сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик фикрлайдиган фуқароларга тоқат қила олмайдилар. Ёшлар орасида экстремизмнинг ривожланиши—бу, ёшларнинг етарли даражада ижтимоий адаптациялашмаганлиги, улар онгида аксилижтимоий установка (йўл-йўриқ)лар мустаҳкамланганлиги, улардаги қонунбузарликка йўналтирилган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларга мойиллик натижасидир.

Ёшларнинг экстремистик фаолиятга жалб қилинишининг олдини олишда оила, маҳалла, жамоатчилик, таълим муассасаларининг аҳамияти бениҳоя катталигини ҳисобга олиб, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада кучайтириш, бу соҳага алоқадор мутасадди ходимлар масъулиятини ошириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардандир. Чунки мазкур вазифалар эътибордан четда қолса, ёшларнинг турли ёт, деструктив ғоялар, мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушиши ва давлат органларини душман сифатида идрок этиши эҳтимоли кучаяди.

Турли адабиётларда экстремизмнинг бир неча турларига таъриф бериб ўтилган. Шулардан айримларини таҳлил қилиб ўтсак.

**Сиёсий экстремизм** – сиёсий курашда нолегитим, зўравонлик усул ҳамда воситаларини қўллаш мафкураси ва амалиёти. Сиёсий-экстремистик руҳдаги мафкурада муайян ижтимоий гуруҳ (синф, миллат, ирқ, конфессия ва ҳ.к) зиммасига амалга оширилиши зарур бўлган шарафли вазифа, масъулият юклатилганлигига, уларнинг инсоният ёки мамлакат тақдирида тутган муҳим ўрнига урғу берилади ва мақсадга эришиш йўлидаги ҳар қандай ҳаракат, восита қўллаб-қувватланади, оқланади (Норвегияда 2011 йилнинг 22 июлида Андерс Брейвик, Францияда 2012 йилнинг март ойида Муҳаммад Мера, 2013 йилнинг апрель ойида АҚШнинг Бостон

шаҳрида бўлиб ўтаётган марафонда ака-ука Царнаевлар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин).

Кейинги йилларда айрим кўшни давлатларда кузатилаётган **миллий экстремизм** миллатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётида ашаддий, реакцион усул ва воситаларни қўллаш тарафдорларининг қарашларини акс эттиради. Мазкур ғоя тарафдорлари маълум бир миллат манфаатларини ҳимоя эта туриб, бошқа миллатлар ҳуқуқларини очикдан-очик топтайдилар, тан олмайдилар. Уларнинг мафкураси -жанговар миллатчилик ва шовинизм, сиёсати у ёки бу шаклдаги этник зўравонликдир. Миллий (этник) экстремизм экстремизмнинг XXI асрда энг кўп тарқалган шаклларида бири бўлиб, бу жиҳатни изоҳлаш мумкин. Миллий экстремизмнинг оқибатларини олдиндан айтиб бўлмайди, шу билан бирга у дунёдаги кўпчилик мамлакатлар учун ҳақиқий муаммога айланиб улгурди. Зеро ушбу мафкура ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва миллий бирлиги ғоясига дарз кеткизувчи мафкурадир.

Миллатчилик доктринаси умуминсоний қадриятлар устуворлигини рад этиб, ушбу ғоя тарафдорлари ўзларининг ёки маълум бир миллатни энг олий қадрият сифатида тан оладилар. Этник, миллий экстремизмнинг мақсади муайян миллат вакилларида бўрттирилган этник ўзини ўзи англаш ҳиссини таркиб топтириш, сиёсий соҳада уларнинг фаоллигини оширишдир.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, **диний экстремизм** сиёсий ва миллий экстремизмга нисбатан ҳам кучлироқ намоён бўла бошлади. Бир қатор ҳудудлар ва мамлакатларда кенг тарқалган экстремизмнинг бу турида ўзга конфессиялар вакилларида нисбатан кучли даражадаги тоқатсизлик кўзга ташланади. Кўпинча диний экстремизм радикал диний ташкилот ва уюшмалар томонидан дунёвий давлатга қарши курашда, сиёсий мақсадларда қўлланилади (Яқин Шарқ, араб мамлакатларидаги «Мусулмон биродарлар» ва ҳ.к. ташкилотлар).

Фалсафа фани доирасида тадқиқот олиб борган илмий тадқиқотчи Р.Ш.Тошқуватова<sup>1</sup> ўз ишида сиёсий ва диний экстремизм муаммоларини, уларнинг тарихий ва ғоявий илдизларини тадқиқ этиш, глобаллашув шароитида Ўзбекистонда ислом экстремизми-

---

<sup>1</sup> Тошқуватова Р.Ш. Глобализация шароитида сиёсий ва диний экстремизм муаммоларининг нисбати. Фалсафа фан. дисс. автореф. Тошкент, 2012.

нинг намоён бўлиш хусусиятларини фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилган. Илмий тадқиқот ишида мустақилликка эришилгандан кейинги ўтиш йилларида мамлакатимизда дин масаласида вужудга келган мураккаб шароит Ўзбекистонда диний экстремизмнинг ёйилиши сабабларидан бири эканлиги кўрсатилган. Жаҳон динлари тизимида ислом динини сиёсийлаштириш, жаҳон ҳамжамияти томонидан унинг олдини олиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасида радикал диний ғояларнинг тарқалишини бир неча босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

**1-босқич (1970-1985 йиллар).** Узоқ вақт давом этган даҳрийлик сиёсати натижасида аҳолида диний эътиқод сусайиши кўзга ташланди. Натижада айрим уламолар исломий давлат тузиш орқали муаммоларнинг сиёсий ечимини топиш мумкин, деган хулосага кела бошладилар.

**2-босқич (1985-1989 йиллар).** Қайта қуриш давридаги жамиятни демократлаштиришни амалга ошириш тўғрисида эълон қилинган шиорлар остида турли яқин ва узоқ хориж мамлакатларидан экстремистик руҳдаги диний адабиётларнинг минтақага кириб келиши, миссионерлик ва диний тарғиботнинг фаоллашуви намоён бўла бошлади.

**3-босқич (1989-1993 йиллар).** Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши даври, дейиш мумкин. Ушбу даврда диний фаоллар биринчи марта очикдан-очик талаблар билан сиёсий майдонга чиқдилар ҳамда диний ҳаётга алоқадор масалаларни мустақил ҳолда ечишга интилдилар. Бу давр исломнинг очикдан-очик радикаллашуви, сиёсийлашуви билан боғлиқдир. Чунки ўша пайтларда республикамизнинг айрим ҳудудларида ноқонуний ярим ҳарбий ташкилотларни барпо этиш тўғрисидаги чақириқлар очикдан-очик янгради. Аммо ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг аниқ ва кескин, тўғри йўналтирилган саъй-ҳаракатлари туфайли уларнинг оммавий намоёишлар уюштириш ҳамда куч ишлатиш йўли билан ўз мақсадларига етишиш хусусидаги уринишлари барбод қилинди.

Реакцион руҳонийларнинг йўлбошчи ва раҳнамолари мамлакатда теократик тузумни ўрнатиш орқали ундаги вазиятни тез ва қатъият билан ўзгартириб юбориш ҳақидаги режалари амалга ошмагач, қонуний ҳокимиятга қарши очикдан-очик қурашдан воз кечдилар. Ўзларининг келажакдаги мақсадларини амалга ошириш

учун замин ҳозирлашга барча саъй-ҳаракатларни йўналтириб, яширин ҳолатга ўтиб олдилар.

**4-босқич (1993-1999 йиллар).** Ушбу давр очикдан-очик диний фаолликнинг йўқлиги, «кучларни тўплаш», ёшлар ва аёлларга урғу берган ҳолда Ўзбекистон аҳолисини исломлаштиришга уриниш даври ҳисобланади. Бундай йўналиш узоқни ўйлаб қилинган режаларни ўз ичига олади. Ҳаётий тажрибаси бўлмаган, ғўр, ғоявий маслагаи шаклланмаган ёшлар радикал ғояларни қабул қилишга мойилроқдирлар. Айниқса, бу иш бирор мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилса, ёшларни «сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу ишни бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган шарафли ишга қўл урасан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!»-деган фикр билан ишонтирган ҳолда уларга таъсир ўтказилса, янада тезроқ эргашадилар.

Бу даврда аёлларнинг оила ва болалар тарбиясидаги мавқеини англаган ҳолда ушбу тоифа орасида тарғибот ишлари фаоллаштирилди. Айнан шу даврда қатор чет давлатларда тузилаётган «жанговар авангард» сафлари учун Ўзбекистон ёшларини жалб қилиш ишлари бошланди. Халқаро террорчилик тузилмалари билан алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш; диний ташкилотларни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларни, шу жумладан хориждаги манбаларни аниқлаш; ўз маслакдошларини давлат органларига, муассасаларига киритишга уриниш каби ҳолатлар бу даврга хос хусусиятдир.

**5-босқич (1999 йил февралдан ҳозиргача).** Ушбу давр бундан аввалги босқичларда олиб борилган ишларнинг натижаси бўлган кўпуровчилик-террорчилик фаолияти шаклларига ўтиш даври ҳисобланади.

Ўзбекистонда, унинг атрофида ҳаракатда бўлган диний-экстремистик кучларнинг қайта ташкиллашуви, фаолиятнинг янги шаклларини излаш, уларда раҳбарларнинг алмашинуви, олдин мавжуд бўлмаган сиёсийлаштирилган диний тузилмаларнинг майдонга чиқиши содир бўлди<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида фаолият юритаётган ва Ўзбекистон хавфсизлигига ҳам таҳдид солаётган диний-экстремистик, деструктив гуруҳ ва оқимларга қуйидагиларни

---

<sup>1</sup> Диний-экстремистик ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва мақсадлари тўғрисида. –Тошкент. 2004 йил, 6-8-бетлар.

киритиш мумкин (улардан айримларининг ҳозирги кунда фаолияти тўхтатилган):

1. Ўзбекистон Ислом Ҳаракати (Туркистон Ислом партияси).
2. «Ҳизб ут-тахрир ал-ислами» (Ислом озодлик партияси).
3. «Акримийлар».
4. «Нурчилар» («Бадиуззамон»).
5. «Жамияти таблиғи исломий» («Таблиғ»).
6. «Бўзқурт» («Кўк бўри»).
7. «Лашкар-и-Тайба».
8. «Ал Қоида».
9. «Шарқий Туркистонни озод қилиш ташкилоти».
10. Аум Сенрикё (ҳозирги вақтда «Алеф»).
11. «Жунд ул-халифат» («Халифалик аскарлари»).
12. «Асбат ул ансор».
13. «Марказий Осиё мужоҳидлари жамоати».
14. «Жамият ал-Ихвон ал-Муслимин» («Муслмон биродарлар жамияти»).
15. «Толибон».
16. «Ижтимоий ислоҳотлар жамияти».
17. «Курд халқ конгресси».
18. «Ваҳобийлик» - диний-сиёсий оқим.
19. «Эъдот» (ваҳобийлик кўринишидаги диний-радикал оқим).
20. «Ҳизб ун-Нусра» («ғалаба партияси»).
21. «Адолат» - диний реакцион ташкилоти.
22. «Ислом лашкарлари».
23. «Ислом биродарлари».
24. «Тавба».
25. «Жиҳодчилар».

Деструктив диний-экстремистик ташкилот, бирлашма, гуруҳ тушунчасига таъриф бериш учун уларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш лозим. Умуман олганда, диний-экстремистик ташкилотлар, деструктив гуруҳлар фаолиятида қуйидагиларни кузатиш мумкин:

- тузилма тизимининг қатъий иерархияга асосланишида махфийлик унсурлари мавжуд;
- шахс онгига ўтакетган диний мутаассиблик, ақидапарастлик, фанатизм унсурларини сингдириш, тинка-мадорни қуритувчи психик ва жисмоний машқ усулларини қўллаш орқали унинг

табий, ҳар томонлама уйғун ривожланиши, психик ва жисмоний ҳолатининг емирилишида намоён бўладиган ички деструкция;

- айрим шахс (рахнамо) ёки бир гуруҳ шахслар (рахбарият) томонидан бошқа кишилар –гуруҳ аъзоларининг онги, хулқи хатти-ҳаракати ва ҳаёти устидан назорат қилиш мақсадида ёлғон қўллашдан фойдаланиш ҳамда яширин психологик зулм ўтказиш;

- якка шахс (рахнамо) ёки рахбариятга сўзсиз, кўр-кўрона бўйсунуш;

- дунёни «ўзиники» ва «беғоналар»никига ажратиш, ўз фаолиятининг ҳақ эканлигига қатъий ишониш, гўё динни, миллатни, инсониятни «қутқазуш» миссиясини бажарувчиларга хос бўлган гуруҳий, сажда қилувчилар онгини шакллантириш;

- ўз мақсадларига эришиш учун (бу мақсадлар юксак ва олижаноб деб талқин этилади) жорий этилган тартибларга ёт, Конституцияга зид бўлган фавқулодда муросасизлик, экстремистик, зўравонлик, террор усулларидан фойдаланиш.

Дунёнинг турли минтақаларида пайдо бўлаётган экстремистик гуруҳлар фаолиятининг таҳлили бундай жараёнларнинг умумий қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Бу жиҳат Ўзбекистон Республикаси учун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Экстремистик ташкилотлар маълум босқичлар асосида иш олиб борадилар. Яъни уларнинг шаклланиш тадрижи, алгоритмига эътибор берилганда ўзига хос жиҳатларга аҳамият қаратиш зарур.

### **Биринчи босқичда амалга ошириладиган вазифалар:**

- мутлақо саводсиз кишининг ҳам тушуниши осон бўлган соддалик;

- ижтимоий муаммоларни қамраб олувчи, аҳолига энг яқин мавзуларга тегишли долзарблик;

- муҳолифатчилик (давлатни примитив, ибтидоий шаклда танқид қилиш мавжуд ижтимоий муносабатларнинг «адолатсиз»лигини кўрсатиши керак);

- аниқ бир мақсадга йўналганлик (барча муаммолар ҳал қилишининг ««ягона тўғри йўли»ни очикдан-очик шаклда кўрсатиш, масалан, ғайридин давлат ва жамиятга қарши жиҳод йўлини тарғиб қилиш)ни таъминловчи жозибали ғоявий асосни ишлаб чиқиш учун мафкурачи ва эксперт-психологлардан иборат «ташаббускор гуруҳ»ни шакллантириш.

**Иккинчи босқичда қуйидаги ишларни бажариш назарда тутилади:**

- ёшлар орасидан ўз тарафдорларини кидириш, топиш ва ёллаш бўйича олиб бориладиган, пухта ўйланган ҳамда режалаштирилган изчил фаолият. Улар томонидан террор воситаларини қўллашда синчковликни суствлаштирувчи, йўқотувчи ҳамда қотиллик, ўлдириш жараёнида раҳмдиллик хиссини сусайтирувчи, ўзларининг «ғайридин» ёхуд бошқалардан устунлигига қатъий ишонч туйғусини шакллантириш;

- жанговар, маҳаллий, локал жанговар ҳаракатлар олиб бориш, «оловли нуқталар»даги тўқнашувларда иштирок этиш;

- махсус махфийлик тамойилларига ўргатиш;

- мафкуравий тарғибот ишлари билан шуғулланадиган махсус жанговар бўлинмаларни шакллантириш.

**Учинчи босқичда** ижтимоий база шакллантирилади, яъни экстремистлар кимларнинг номидан ва манфаатида ҳаракат қилиши мумкин бўлган, экстремистлар фаолиятига қизиқиб қоладиган кучлар кидириб топилади.

**Тўртинчи босқичда** хуфёна иқтисодиёт базаси яратилади, шахсий, мустақил моддий асос шакллантирилади. Бунда наркобизнес, буюртма қотиллик, контрабанда ва бошқа ноқонуний йўллар билан топилган пул маблағларини «ювиш»нинг тузилмаси яратилади, коррупция, ҳокимият идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан ўзига ҳомий топиш фаолияти билан шуғулланилади.

Кўришиб турибдики, экстремизмнинг ҳар хил турлари мавжуд. Унинг мамлакатимиз ҳудудида кузатилаётган айрим кўринишлари ўтган асрнинг 90-йилларида вужудга кела бошлаган (Бўка, Паркент, Фарғона воқеалари). Бунга ўша пайтларда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикамиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги инқироз ҳолатлари сабаб бўлган эди. Фуқаролар учун ягона мақсад, ғоя, мафкуранинг йўқлиги, умумий кадриятларнинг мавжуд эмаслиги жамиятда турли деструктив ҳодисаларнинг кўпайишига олиб келди. Ижтимоий танглик, зўриқишнинг кучайиб бориши мавжуд муаммоларни турли хил, шу жумладан зўравонлик усуллари билан бартараф этишга интилувчи гуруҳ, тўдаларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Файласуф олимлар И.Хўжамуродов, Ю.Якубовлар таъкидлаганларидек, диний экстремизмга қарши курашда мафкуравий,

ғоявий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишнинг зарурати, бу офатнинг олдини олишга ва бартараф қилишга ёрдам бериши билан бир қаторда шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиради, энг муҳими жамиятда сиёсий барқарорликнинг яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади<sup>1</sup>. Ана шундай мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришнинг энг самарали ва таъсирчан воситаларидан бири мамлакатимиз фуқаролари, хусусан ислом динига эътиқод қилувчилар, айниқса, ёшлар онгига диний бағрикенглик ғояси ва ҳис-туйғуларини сингдириш ва мустаҳкамлашдир. Бу нафақат бизнинг жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик муҳитини вужудга келтиришда, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб фуқаролар ўртасида муносабатларни уйғунлаштиришда, ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга турли мамлакатлар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан уйғунликда маданий ва иқтисодий тараққиётга ҳам катта ҳисса қўшади. Шунингдек, дунёнинг турли ирққа, миллатга, динга мансуб халқлари билан ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром, дўстона муносабатлар ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан халқаро миқёсда ҳам катта мафкуравий ва сиёсий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда диний ақидапарастлик, фундаментализм ва экстремизмнинг кенг кўламда ёйилмаслигининг олдини олиш учун халқаро миқёсда ҳуқуқий меъёрлар асосида қатор ҳужжатлар қабул қилинди (жумладан, виждон ва дин эркинлиги ҳақида инсон ҳуқуқи Умумий Декларацияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти, дин ва дунёқараш асосида вужудга келадиган камситиш (дискриминация)ларнинг турли шакллари тугатиш ҳақида декларация). Мана шу ҳужжатларга биноан виждон ва дин эркинлигининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир шахс фикр, виждон ва дин эркинлигига эга, яъни ҳар қандай дин ва дунёқарашни ўзи танлаш ва эътиқод қилиш эркинлигига эга. Шахсан ва бошқалар билан биргаликда, оммавий ёки хусусий тартибда ўз қарашларини баён қилиш ҳуқуқига эга. Диний, маросимий одатларни эркин бажариш ҳуқуқига эга;

---

<sup>1</sup> И.Хўжамуродов, Ю.Якубов. Ислам: жамият ва шахс. ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007.



2. Ҳеч ким шахснинг ўз ихтиёри билан бирон дин ва дунёқарашни танлаш ҳуқуқини камситмаслиги, уни мажбурламаслиги керак;

3. Динни тарғиб қилиш ёки ўз дунёқарашни баён қилиш эркинлиги қонун томонидан белгиланган ва ижтимоий хавфсизликни, тартибларни, ахлоқийликни ҳимоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам ҳимоя қилиш зарур бўлгандангина чекланиши мумкин.

Демак, ҳар қандай шахснинг диний фаолиятига, дин, виждон, дунёқараш эркинлигига, агар у қонун ва ижтимоий хавфсизлик чегарасидан чиқмаса, давлат ҳам, айрим шахслар ҳам аралашмаслиги керак. Унга нисбатан маъмурий ва мафкуравий тазйиқ ўтказмаслиги зарур. Иккинчи томондан, ўз динига эътиқод қилувчи ва дунёқарашини тарғиб этувчи шахс ҳам жамият ва шахс хавфсизлиги, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солмаслиги зарурлиги таъкидланади. Масаланинг биринчи томонига келсак, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтганимиз халқаро ҳужжатларга риоя қилган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавоб берадиган сиёсатини ишлаб чиқди. Унинг асосий тамойиллари Президентимиз И.А.Каримов томонидан қуйидагича ифодаланган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш<sup>1</sup>.

Диндорлар ҳам ўз зиммаларига олишлари зарур бўлган масаланинг иккинчи томонига, яъни жамият ва шахснинг хавфсизлигига, ҳар бир шахснинг эътиқод ва дунёқараш эркинликларига

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б.58-59.

тахдид қилмасликка келсак, афсуски, сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремистик гуруҳлар томонидан амалга оширилган террористик фаолиятлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Айрим дин намоёндалари дин эркинлиги ҳуқуқини давлат қонунлари ҳамда инсоннинг эътиқод ва дунёқараш ҳуқуқларини, инсоннинг тинч ва осуда ҳаёт кечириш ҳуқуқини чекланмаган тарзда бузиш эркинлиги деб тушундилар ва диний экстремизм томон юз ўгирдилар. Улар томонидан амалга оширилаётган экстремистик ҳаракатлар нафақат ижтимоий тартибларни издан чиқаришга, шу билан бирга шахснинг асосий ҳуқуқларини поймол қилишга ҳам қаратилгандир.

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида:** «**Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди**»- деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «**Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида**»ги Қонуннинг 1-моддасида «**Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглиги таъминланиши**» таъкидланган. 1991 йилда қабул қилинган қонунга муайян вазиятдан келиб чиқиб қисман ўзгартиришлар киритилди.

Янги таҳрирдаги виждон эркинлиги қонунига киритилган янгиликлар асосан, қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ёшларга диний таълим бериш хусусидаги ҳуқуқларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилган, зеро шахс камолоти учун бу зарур жиҳатдир. Қонуннинг 3-моддасидаги 2-қисмида таъкидланганидек, «**Вояга етмаган болаларни диний ташкилотга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, оналарига ёки уларни бошқарувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди**»;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурига диний предметлар киритилишига йўл қўйилмайди (7-модда);

- учинчидан, диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаши учун диний ўқув юртлари ташкил этишга ҳақлидирлар;

- тўртинчидан, диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт;

- бешинчидан, қонун хусусий тартибда таълим беришни ман этади (9-модда). Қонуннинг бу жиҳати вояга етмаган ёшларни ва шахс камолотини тўғри йўлга солишига қаратилгандир;

- олтинчидан, виждон эркинлиги тўғрисидаги 1991 йилдаги қонуннинг 13-моддасида диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун уни тузган камида 10 кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган ҳудуддаги идорасига Низомини илова қилиб ариза топширадилар, деб кўрсатилган эди. Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билангина тузилади;

- еттинчидан, диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади (8-модда 5-қисм).

5-моддасида: «...**Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.** Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар дейилган, шунингдек, **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216-моддаси: «Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш»-деб номланган.** Унга кўра ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларни фаолиятини тиклаш, шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш-энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

**216<sup>1</sup>-моддаси «Ғайриқонуний жамоат ташкилотлари бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга**

**ундаш»**-деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашиш, ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

Мазкур кодекснинг **216<sup>2</sup>**-моддасига **«Диний ташкилотлар тўғрисида»**ги **Қонун ҳужжатларини бузиш»**-деб ном берилган. Ушбу модданинг **1-қисми**: Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, руҳонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек, диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва турли хилдаги тўғараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Унинг **2-қисмида** **бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, - энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қamoқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, экстремизм ва терроризмнинг олдини олишга йўналтирилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, бу ҳолатга қарши курашишнинг қонуний асослари яратилди. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, экстремизм ва терроризм сингари иллатни таг-томири билан суғуриб ташлашга фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг ўзи камлик қилади. Бу муаммони бартараф этишда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан комплекс, мажмуавий равишда қуйидаги ташкилий, ҳуқуқий, профилактик, тарбиявий чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

1. Экстремизм ва терроризмга қарши курашишда энг аввало, деструктив хатти-ҳаракатларнинг юзага келишига сабаб бўладиган омил ва шарт-шароитлар бартараф қилиниши керак. Бунда ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ижтимоий реабилитация марказлари, бандлик хизматлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари фаолиятининг мувофиқлаштириб олиб борилиши, оила институтининг ҳам бу тадбирлардан четда қолмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Юқорида таъкидланганидек, барча субъектлар фаолиятининг умумий ҳолда мувофиқлаштирилиши, натижаларнинг тегишли тарзда амалиётга жорий этилиши ёшлардаги аксилижтимоий йўл-йўриқларга, деструктив фаолиятга мойилликни англаб, уларни тўғри ўзанга йўналтиришга ёрдам беради.

2. Давлатнинг ёшлар борасидаги сиёсати мақсадга мувофиқ амалга оширилишини барча бўғинлардаги раҳбарлар ваколатлари доирасида назорат қилишлари, таъминлашлари зарур. Бу соҳадаги самарали давлат сиёсати ёш авлодда фаол фуқаролик позицияси, ижтимоий ташаббускорлик сифатлари, ватанпарварлик, давлати ва мамлакатидан ғурурланиш ҳис-туйғуларини шакллантиришдир.

Албатта, бу борада мамлакатимизда талайгина ишлар амалга оширилган ва бу жараён давом этмоқда. 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази» ташкил этилиши, 1999 йил 3 сентябрда «Республика Маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони, 2001 йил 18 январда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини мамлакатимиз таълим тизимига янги фан сифатида жорий этиш тўғрисидаги Фармойиши эълон қилиниши, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори имзоланганлиги, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» сифатида эълон қилиниб, мазкур йўналишда Давлат дастурининг қабул қилиниши маънавий-маърифий ишлар ҳамда ёшлар сиёсатининг Ўзбекистонда кун тартибидаги асосий масалалардан бири эканлигидан далолат беради. Таълим муассасалари тарбиявий тизимини ривожлантириш, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида миллий ғоя туркумига кирувчи фанларнинг умумтаълим мактабларида ўқитилиши ҳам йўлга қўйилган бўлиб, 1-4-синфларда «Одобнома»,

5-6-синфларда «Ватан туйғуси», 7-9-синфларда «Миллий ғоя ва маънавият асослари» 10-11 синфларда «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар» курслари асосий фанлар таркибига киритилган. Бу йўналиш таълимнинг кейинги босқичларида ҳам узлуксиз равишда олиб борилмоқда.

Бироқ, шу билан бирга ёшлар онгига салбий таъсир ўтказётган деструктив ғояларга қарши курашишда, бу борадаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда илмий асосланган яхлит ижтимоий-психологик, педагогик, ижтимоий-маданий тизимни яратиш зарурияти юзага келганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий-маданий йўналишда асоциал кўринишга эга янгидан янги субмаданий ёшлар ташкилотлари, оқимларнинг юзага келаётгани ҳам экстремистик кайфиятдаги ёшлар сонининг кўпайишига олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Экстремизмнинг намоён бўлиш ҳолатларига қарши кураш олиб боришда деструктив хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мойил ёшларнинг психологик ва ижтимоий-маданий хусусиятлари албатта инобатга олиниши зарур. Мустақиллик мафкураси, миллий истиқлол, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғояларини ёшлар онгига сингдириш, уларни кўпмиллатли мамлакатимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир миллат маданиятига ҳурмат руҳида тарбиялаш педагоглар, олимлар, илмий жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари вакиллари, ота-оналар, хуллас кенг жамоатчилик зиммасида турган долзарб вазифа эканлигини асло унутмаслик лозим.

Профессор Муҳаммад Қуронов инсоннинг турли ҳаётий вазиятларда ўзини тутиши хусусида шундай ёзади: «Ижтимоий педагогикада «Ижтимоий роллар назарияси» бор. Шу назариядан ўзбек турмушига назар ташласак, унга кўра ҳар бир одам муайян вазиятда муайян ролни бажаради. Масалан, дўконда - харидор, тўймаъракада меҳмон-мезбон, оилада ота-она ёки ўғил, қиз ва бошқа хизматни бажарадилар. Ҳозирги миллат, ватан ҳимояси биздан огоҳлик, курашчанликни кутмоқда. Демак, ҳозирда ҳар биримиз бу курашчанликни намоён қилишга тайёр бўлмоғимиз керак. Бунга бизни мафкуравий тарбия махсус ўргатмоғи лозим. Мисол: ёшларимиз ўзларига «Дини исломни ўргатаман» деган кишининг асл ниятини биринчи мулоқотдаёқ билиб, унга нима дейиш, нима қилишнинг яхши машқидан ўтишлари керак. Яъни, «Мафкураси мустаҳкам ўзбек» сифатидаги миллий вазифамизни аъло

бажаришимиз душманнинг ниятларини, режаларини, дастурларини бузади. Умидсиз, ниятсиз, дастурсиз душман эса уйдан чикмайди. Бизга таҳдид солмайди. Бошқа, мафкураси заиф, бирлашмаган миллатларни, мамлакатларни излайди»<sup>1</sup>.

Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ва психологик-педагогик амалиётида экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг муайян усулларини ўзлаштириш зарурияти юзага келди. Айти пайтга келиб дунё шу қадар жадал ўзгариб, ривожланиб кетяптики, бу жараёнга мослаша олмаган давлат, мамлакатларнинг миллионлаб фуқаролари қийналиб қолмоқдалар. Шунинг учун терроризмга глобаллашув жараёни натижаси, унинг акси сифатида қараш зарур. Глобаллашув назариётчиларининг таъкидлашларича, бу эмпирик жиҳатдан тадқиқ этиш мумкин бўлган жиҳат бўлиб, глобал онг ҳамда глобал ўзаро боғлиқликнинг мужассамлашувида намоён бўлади. Бугунги кунда ҳеч бир инсон бошқа инсонларсиз яшай олмайди, глобал онгда эса ахборий жамият, антропокосмизм<sup>2</sup>, инсон ва экотизимга оид, фан-техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган турли-туман янги тушунчалар ўрнашиб бормоқда.

Глобал ўзгаришлар босими остида онг ўзгарганда имконсиз нарса- иложи бор, нореал-реал, йўл қўйилмайдиган – рухсат этиладиган воқеа-ҳодисалар сифатида идрок этилади. Глобаллашув инсон ички оламида тизимли ўзгаришларни юзага келтиради. Натижада шахснинг дунёқарashi, ҳаётий позицияси, ҳаёт тарзи ўзгаради. Бу дегани – инсон онги, яъни унинг ўзи ўзгаради.

Киши онгининг таркибий унсурлари бўлмиш дунёқараш, ҳаётий позиция, ҳаёт тарзи шахснинг турмушдаги психологик ҳимояси ҳисобланади. Бу унсурларни ўзгартириш хавfli эканлигини ҳар бир инсон интуитив тарзда ҳис этади. Айнан шу ўзгаришларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган курашларнинг кўринишларидан бири терроризм ҳисобланади. Яъни, бошқача қилиб айтганда, кураш бевосита ҳудуд, заҳира ёхуд иқтисодий фойда учун эмас, инсоннинг онгини эгаллаш учун олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда дунёнинг манзараси, дунёқараш, ҳаётий позиция ва ҳаёт тарзи борасида террорчилар ҳамда уларга қарши кучларнинг қарашлари, манфаатлари бир хил эмас, шунинг учун

---

<sup>1</sup> Куронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари. Пед.фан.докт. дис.Т., ЎзПФТИ. 46-б.

<sup>2</sup> антропокосмизм -инсон ва коинотнинг бирлиги ғояси

маълум бир нарсани исботлаш мақсадида заковатни ишлатишдан кўра, террорчиларга қуролни қўллаш осонроқдир.

Келажакда глобал ўзгаришлар шу қадар кенг кўламли бўладики, бирор мамлакат ёки бирор миллат уни тўлиқ қабул қилолмайди, идрок эта олмайди. Саноат, ишлаб чиқаришнинг муайян турлари йўқолиб, уларнинг ўрнига янгилари пайдо бўлади, ҳозирги вақтдаги энг янги технологиялар маънан эскириб, бутунлай кераксиз бўлиб қолади, уларнинг ўрнига бошқалари келади. Айни кунда кераксиз ҳисобланган кадриятлар вақти келиб, кўпчилик инсонлар учун идеалга айланиши мумкин. Шу сабабли ҳозирги вақтда инсоннинг ўзини қайта қуриши, ўзини қайтадан кашф қилиши лозимлиги хусусида бот-бот гапирилмоқда. Терроризмнинг ривожланиши эса барчада ҳам бошқа руҳият, кайфиятдаги кишилар ва ўзгараётган дунёни тушунишга нисбатан интилиш йўқлигини кўрсатади. Мана шу ҳолат терроризм ва унга қарши курашувчи кучлар орасида ақлий мубоҳасадан кўра куч ишлатиш орқали мунозарага киришиш заруриятини туғдиради.

Терроризмнинг вужудга келишини олдиндан айтиш ва уни пайдо бўлаётган даврда зарарсизлантириш учун психологик-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ва шу ҳолатни бошқарадиган сиёсий-психологик воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий, ижтимоий психология нуқтаи назаридан терроризм – бу, нолегитим кучларнинг легитим ҳокимиятга нисбатан кураши бўлиб, мазкур курашда рақиб психик ҳолатига босим ўтказиш, унинг кадриятлари, мақсадини ўзгартириш учун ҳар қандай усул ва воситалардан фойдаланилади. Террористик ҳаракатлар қуролли кучлар билан ҳам бостирилса-да, унинг ўзаги, яъни турли ҳаётий позиция ва ҳаёт тарзи хос дунёқарашлар ўзгаришсиз қолиши мумкин. Шу нуқтаи назардан терроризмга қарши кураш –глобал ўзгаришлар шароитида инсон онги, дунёқараши учун кураш, демакдир. Лекин ҳозирги вақтда терроризм деганда кўпчиликда унинг асл ўзаги эмас, балки кўпроқ гаров тариқасида ушланган одамлар, олиб қочилган самолётлар ёки амалга оширилган қўпурувчилик ҳаракатлари идрок этилади, холос. Бундан келиб чиқадики, терроризмга қарши самарали курашиш учун унинг мафкураси, илдизини, таг-томири билан қўпориб, суғуриб ташлаш керак. Бўлмаса, яна қайтадан бундай жирканч ҳолатлар қайталаниши эҳтимоли сақланиб қолади.



Ҳозирги пайтда ахборот инсон онгига манипулятив таъсир кўрсатиш воситаси сифатида намоён бўляпти. Деструктив гуруҳлар кишиларга таъсир ўтказишда бир қанча усул ва воситалардан фойдаланмоқдалар. Турли оқим, гуруҳларга аъзоларни жалб қилиш учун кишиларни ишонтиришнинг аҳамияти каттадир. Ижтимоий-психологик мазмундаги ишонтиришнинг моҳияти шундаки, бунда ёшлар онгига манфаатдор гуруҳлар, кишилар томонидан маълум мақсадга эришиш учун таъсир кўрсатилади. Шахс таъсир доирасида ушлаб турилса, фикрнинг, ғоянинг мазмунини танқидсиз, таҳлилсиз қабул қилади. Мазкур жараён **суггестия**, таъсир кўрсатувчи **суггестор**, таъсир кўрсатиш объекти эса **суггеренд** деб аталади.

**Суггесторнинг обрўси** таъсирнинг самарадорлигини таъминлашда ўзига хос омиллардан биридир. Чунки кўпчилик одамлар нуфузли киши хатти-ҳаракатларига тақлид қилишга интиладилар, ўша инсон томонидан тарқатилаётган маълумотларга ишонадилар. Бу нафақат суггесторга, балки у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳга, оқимга ҳам тегишли бўлади.

Кишилар шахсий манфаати, қизиқиш, эҳтиёж, қадриятлари ва эътиқодига мос, **ёқимли ҳиссиёт уйғотувчи нарсаларга ишонишга ҳам мойилдирлар.**

**Жамоатчилик фикрини сўровлар ёрдамида ўрганиш** орқали ҳам маълум мақсадга эришиш кўзда тутилади. Бир қараганда бу кишининг фақатгина бирор воқеа-ҳодиса, ҳолат ёки инсонга нисбатан шахсий фикрини объектив, холисона, беозор ўрганиш усули сифатида намоён бўлади. Аслида ҳам шундай. Бироқ ундан муайян манипулятив мақсадларни кўзлаб фойдаланилса, киши ўзи сезмаган, англамаган ҳолда манфаатдор томонлар учун зарур бўлган жавоблар, натижаларни бериши мумкин.

Масалан, ўсмир ёшдаги фарзанднинг мактаб, дарсдан бўш вақтларида ишлаб, қонуний пул топишига нисбатан ота-оналарнинг муносабатлари ўрганилмоқда дейлик. Савол бирданига шу тарзда қўйилса, эҳтимоллик назариясига кўра, ижобий ёки салбий жавоб берганлар 50% ни ташкил қилади. Керак жавоб олиш учун тузилган саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Сиз фарзандингизда мустақиллик, тадбиркорлик хислатларининг ривожланишини хоҳлайсизми?

2. Улар оила бюджетига ёрдам беришини, масалан китоб олиш учун ўзи маблағ топишини истайсизми?

3. Болангизда боқимандалик, текинхўрлик кайфияти таркиб топишига муносабатингиз қандай?

4. Келажакда улар уддабурон, бировнинг ёрдамига суянмайдиган шахс бўлиши учун нималар қилиясиз?

5. Сиз улар дарсдан бўш пайтларда ишлаб, мустақил пул топишига қандай қарайсиз?

Бундай сўровда кўпчилик ота-она зурриётдининг ўзи ишлаб пул топишига ижобий муносабатни билдиради. Энди яна бир туркум саволларни қуйидагича тузса бўлади:

1. Сиз фарзандингизнинг дарсдан бўш пайтларида назоратингиздан четда қолишини хоҳлайсизми?

2. Унинг оила муҳотида кам бўлиши туфайли бемехр инсон сифатида вояга етишини истайсизми?

3. Фарзандингизни тарбияси оғир, безори, боқимсиз болалар, ҳар хил оқимлар таъсиридан муҳофаза қилишга тайёрмисиз?

4. Унинг дискотекаларга сўроқсиз бориши, наркотика, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиши учун ёнида ортиқча пул бўлишини ёқлайсизми?

5. Сиз улар дарсдан бўш пайтларда ишлаб, мустақил пул топишига қандай қарайсиз?

Бу тахлит саволлар асосида ўтказилган сўровда аксарият кишилар болаларининг ўзлари ишлаб пул топишига қаршиликларини билдиришади.

**Миш-миш, шов-шувлар тарқатишдан** ҳам (улар тарқатилиш мақсадига кўра ижобий ёки салбий маъно-мазмунга эга бўлиши мумкин) кишилар онгига таъсир кўрсатишда кенг фойдаланилади. Миш-мишларнинг ўзига хос тарқатилиш усуллари, воситалари, жойи, ҳудуди бўлиб бу ҳодиса алоҳида тадқиқот предмети сифатида ижтимоий, сиёсий психологияда ўрганилади.

Очиқ жойларда ўтказиладиган, одамлар кўп тўпланадиган оммавий тадбирлар, йиғинларда одамлар тез таъсирланадилар ва одатда уларнинг ҳиссиётлари тарқалувчан, бир-бирларига юқувчан характерга эга бўлади. Бундай психологик ҳодисадан бохабар бўлган деструктив гуруҳлар, масалан фашистлар (нацистлар) ўз тарғибот-ташвиқот ишларида ундан моҳирона фойдаланганлар. Улар бу ҳолат таъсирини кучайтириш, самарадорлигини ошириш юзасидан махсус дастурлар, концепциялар ишлаб чиқишган ва шу орқали кишиларни жунбушга келтириш (экстаз) ҳолатигача олиб боришган. Мазкур жиҳат айрим реакцион, радикал йўналишдаги

диний оқимлар намояндалари, воизларнинг фаолиятида кўзга ташланиб туради.

Аксилбағрикенглик мафкураси терроризмнинг моҳиятини акс эттиради. Шунинг учун аксилтерроризм мафкураси қонунчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳуқуқбузарлик сифатида малакаланадиган ҳар қандай ҳолатга қарши туриш, шундай вазиятларни юзага келтиришга ҳаракат қиладиган нодавлат ташкилотлари, ҳаракатлар, оқимлар, шахслар фаолиятини кескин тақиклаш, чегаралаш заруриятини ифодалайди. Бунда қарши ҳужум ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мафкура соҳасида амалга ошириладиган муҳим, кун тартибидаги асосий вазифалардан бири давлат ҳокимиятининг барча тузилмалари, жамоатчилик, кенг аҳоли қатламлари учун интернетда радикал, деструктив диний, экстремистик, террорчилик ғояларига қарши кайфиятни шакллантирадиган маълумотларни мунтазам жойлаштириб бориш, ахборот истеъмоли маданиятини, мафкуравий иммунитетни, фаол фуқаролик позициясини таркиб топтиришдир. Ушбу вазифаларни амалга оширишда интернет нафақат деструктив ғоялар намоён бўлишига қарши туриши, балки ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли кадриятлар ва бағрикенгликнинг жамиятда кенг кўламда шакллантирилишига ҳам хизмат қилмоғи керак. Виртуал оламда аксилдеструктив фаолиятни амалга ошириш жараёнида аудиториянинг ўзига хос хусусиятларини, ёшлар томонидан муайян материални идрок қилишнинг специфик жиҳатларини албатта инобатга олиш лозим.

Деструктив ҳолатларга нисбатан фақатгина мазкур ҳолатлар чуқурлашиб кетганда эмас, балки радикал муҳолиф кучлар ўз сафларига кўпроқ тарафдорлар оғдириб олиш ниятида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётганда, давлат ва ҳокимият тузилмаларини айрим ижтимоий муаммолар учун коррупцияда айблаб танқид қилаётганда ҳам курашиш талаб этилади. Умуман олганда бу борада олиб борилган ишлар тажрибасининг шаҳодат беришича, жамиятда алоҳида нуфузга эга бўлган обрўли инсонлар (фан, маданият, санъат, дин, давлат ва жамоат арбоблари, машҳур инсонлар, таниқли спортчилар ва ҳ.к.) томонидан интернетда блогларнинг юритилиши, ёшлар билан бевосита мулоқотга киришишлари жамиятда деструктив ғоялар тарқалишига зарба берадиган самарали усуллардан ҳисобланади.

Маълумки, аҳолининг кўпчилиги қисми, шу жумладан ёшлар ҳам турли экстремистик шиорларни тўғридан-тўғри қабул қилиб, уларни ўз фаолиятларида дарров қўллаб олмайдилар. Бироқ, бошқа тарафдан мисол учун, Санкт-Петербург давлат университетидан ўтказилган мажмуавий социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича<sup>1</sup>, Россиядаги ёшларнинг учдан бир қисми экстремистик-террористик ғояларга эргашиш мойиллигини ифодалаганлар. Бу тоифадаги ёшларнинг асосий қисми эса номақбул (нотуғлиқ, ота-оналар ичкилик ёки гиёҳвандликка берилган, криминоген характердаги) оилалар фарзандлари бўлишган. Албатта, Россияда ўтказилган тадқиқотлар республикамиздаги ҳолатни ҳам тўлиқ акс эттиради, деб бўлмайди. Бундан ташқари миллий-маънавий қадриятлар, менталитет нуқтаи назаридан Россия ва мамлакатимиз аҳолиси бир хил, дейиш ҳам қийин. Бироқ, ёш, физиологик, ижтимоий-психологик жиҳатдан турли давлатлар ёшлари орасида ўзаро муштарак, умумий жиҳатлар борлиги бу маълумотга нисбатан сергак муносабатда бўлишга ундайди.

Ёки Kazakhstan Today ахборот агентлигининг 2012 йил 11 май куни хабар беришича, Қозоғистоннинг Қизилўрда шаҳрида деструктив диний оқимлар таъсиридан азият чекканларга ёрдам бериш мақсадида психологик ёрдам маркази очилган. Марказ фаолиятидан кўзда тутилган мақсад – бундай кишиларни психологик соғломлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан мослаштириш, қўллаб-қувватлашдир. Чунки, ҳокимият тузилмаларига кейинги вақтда деструктив гуруҳлардан жабр кўрган кишиларнинг оила аъзолари кўплаб мурожаат қилишмоқда. «Бугунги кунда ёшлар орасида диний экстремизм профилактикасига жуда катта эътибор берилмоқда. Хусусан, таълим муассасаларида диний маърифат юзасидан давра суҳбатлари, йиғилишлар ўтказилмоқда. Бунда урғу кўпроқ психологлар фикрича, аҳолининг нисбатан тез таъсирга берилувчан қатламлари ва ёшларга қаратилмоқда», деб таъкидлаган ички сиёсат бошқармаси бошлиғи Нурхан Жалиев.

Умуман олганда, кейинги вақтларда Марказий Осиё давлатларидан Қозоғистонда деструктив диний оқимлар, гуруҳлар таъсирга тушган ёшлар кўпайиб бормоқда. Бу албатта, минтақа ва қўшни давлатлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши

---

<sup>1</sup> Лекции для индивидуальной пропагандистской деятельности, отдельные образцы пропагандистских материалов. Ростов-на-Дону, «Южный федеральный университет», 2010, с 13.

мумкин. Қозоғистон парламенти депутати Асқар Бекенов фикрича, ҳозирги вақтда мамлакатда ёшларнинг 15 фоизи биргина ваҳобийлик оқими таъсирига тушган. У ҳукуматни диний-радикал ғояларнинг ёшлар онгига кўрсатаётган таъсирини қаттиқ назорат қилишга чақирди. Депутат Ғарбий Қозоғистон вилояти, Оқтўба, Ўрол шаҳарларида мазкур оқимлар фаолиятининг кучайганлигини таъкидлаб, турли деструктив мазмундаги дисклар ва тақиқланган адабиётлар устидан назоратни кучайтириш лозимлигини айтиб ўтди.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда ҳам «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари, қаровсиз қолган болалар, номақбул оилалар фарзандлари билан олиб бориладиган ишларга, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари ва турли экстремистик-террористик ғоялар таъсирига тушмасликларига алоҳида аҳамият бериш зарур. Турли вазирликлар, таълим муассасалари, оила институти, давлат муассасалари, жамоат ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари («Маҳалла», «Нуроний», «Ватанпарвар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Камолот» ва ҳ.к) ёшларнинг спорт, санъат, илм-фан йўналишидаги турли дастурлар, лойиҳаларда ўзларини намоён қилишларини янада кўпроқ рағбатлантиришлари мақсадга мувофиқ. Айтилган пайтда ёшлар муҳитини, уларнинг кайфиятини мунтазам равишда мутахассислар томонидан социологик, ижтимоий-психологик жиҳатдан ўрганиб, тадқиқ этиб, кузатиб бориш, ёшларнинг мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, хуллас уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ишлари изчил равишда олиб борилиши зарур.

Ўзбекистонда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар хатти-ҳаракатининг жамиятимиз учун фожили оқибати фақат ақидапарастлик асосига қурилган сиёсий тузум ва ҳуқуқий тартиботлар ўрнатишдагина эмас, алки жамият аъзоларини маънавий-психологик парокандаликка ва ахлоқий таназзулга олиб келишида ҳам кўринади. Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида катта аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрни айтади: **«Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта ғояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бутун минтақалар ва дунёнинг харитасини**

ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст «дохий»ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини десак, асло хато бўлмайди».<sup>1</sup>

Халқимизнинг динга нисбатан муносабатини ўрганиш шундан далолат берадики, аҳоли орасида ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали диний ақидапарастлик ва экстремизмни тарғиб қилувчиларга нисбатан қарашлар объектив, адекватдир. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўровда диққатга молик фикрлар айтилган. Аҳолининг кўпчилиги диний экстремизм ва террорчиликни давлатимиз мустақиллигига асосий хавф, деб жавоб берганлар.

Тадқиқот бўйича, сўралганларнинг аксарияти давлат хокимияти террорчилик кўринишлари хавфини бартараф этишига амин бўлганлар ва сўралганларнинг 86,3 фоизи мамлакат мудофаа қудрати юртимизда хавфсизлик ва ҳудудий дахлсизликни таъминлашига ишонишган<sup>1</sup>.

««Экстремизм мактаби»ни ўтаган ёшларни «даволаш»нинг иложи борми?» деган саволга жавоб берар экан, мутахассислар бунинг иложи бор, деб ҳисоблашади. Асосийси, бундай ёшларни ижобий иқлимдаги ривожлантирувчи муҳитга тўлиқ жалб қилиш, мақсадга мувофиқ психологик кўмак кўрсатиш зарур. Чунки, «мияси захарланган» шахс хулқ-атвори, хатти-ҳаракати шаклланиши генезиси бевосита таълим, тарбия, дунёни ҳис этиш, ҳаётда ўзини ўзи намоён қилиш имкониятлари, муҳит сингари омилларга бевосита боғлиқдир. Террор механизми онгнинг жуда чуқур қатламларида жойлашган бўлиб, кўпинча террорчилик актларини ўз вазиятини иложсиз деб ҳисоблаган, ҳолатини фожиа деб қабул қилган, жамиятга психологик мослаша олмаган кишилар амалга оширадилар. Мисол учун турли деструктив культларга кучли эмоционал ларза, стресс, фожиавий ҳолатларни бошидан кечирган, яқин кишиларини йўқотган кишиларни жалб қилиш осон кечади. Деструктив культ ва террорчилик ташкилотлари аъзолари учун умумий бўлган жиҳат шуки, уларнинг барчасини ташкилот

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзланган нутқ). (Халқ сўзи 2002 йил. 29 апрель.

<sup>1</sup> Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш Республика маркази. //Халқ сўзи газетаси, 2004. - 28 август.

ғоялари, мақсад ва вазифалари учун кўр-кўрона содиқлик, фидоийлик бирлаштириб туради. Мазкур ғоя ва вазифалар, мақсадлар кишиларни террорчилик ташкилотларига киришга ундайди, деган фикр хатодир. Ғоя ва мақсадлар гуруҳ аъзоларининг мазкур ташкилотларга мансублигини мантиқий асослаш учун зарурдир. Асосий сабаб эса –ўзини ҳаммаслаклари воситасида англаш, намоён қилишга бўлган кучли эҳтиёж ҳисобланади.

Одатда радикал (деструктив ва террорчилик) ташкилотларга мавжуд ижтимоий тузилмаларга нисбатан муайян қийинчиликларни бошдан кечирган шахслар, нотўлиқ оилаларнинг фарзандлари, вақтинча ишсиз ёки умуман ишга жойлаша олмаган ёхуд криминал хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мойил кишиларнинг қариндош-уруғлари, яқин танишлари, болалари аъзо бўладилар.

Маълум бир вазиятларда инсонда пайдо бўлиши мумкин бўлган аламзадалик ҳисси кишини ўзи сингари асоциал гуруҳ ва ташкилотларга аъзо бўлишга ундайди. Таъкидланганидек, террорчилар, секта ва культ вакиллари учун умумий жиҳат ўзини англаш муаммолари билан боғлиқ эҳтиёжлардир. Шундай экан, бу тоифадаги ўсмирлар ва ёшлар билан ишлашда асосий эътибор шахс ижтимоий тузилмасининг мақсадга мувофиқ шакллантирилиши ва фуқаролик ҳисси таркиб топтирилишига қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ташқи муҳит ва шахснинг ички дунёси бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, қайсидир маънода киши хулқ-атвори характерини белгиловчи асосий омилдир. Ўзини ўзи англаш жараёнида психологик йўналтирилишга муҳтож киши учун ёнида уни танийдиган, унга маслаҳат берадиган, унинг учун тўғри қарор қабул қила оладиган инсоннинг бўлиши муҳимдир. Ўзини ўзи англашда киши таълим олиш, дунёқарашини кенгайтириш, турли маълумот ва материалларни қабул қилиш, янги ҳаётий тажрибани ўзлаштириш қобилиятини намоён қилади, охир-оқибатда тегишли шахс сифатлари шакллантирилиб борилади. Инсон ўзгаради, трансформациялашади ва бу жараёни унинг ўзи онгли равишда ҳис этиши, назорат қилиб бориши зарур.

## 2.4. Аксилэкстремистик онг ва ёшлар субмаданияти

Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти экстремистик мафкура ва амалиёт таъсири кучайганлигининг гувоҳи бўлиб турибди. Энг хавфли жиҳати шундаки, экстремистик мафкура ёшлар учун ахборотни етказишнинг энг қулай усулларида фойдаланмоқда, ёшлар субмаданиятига кириб бориб, барча муаммоларни бартараф этишнинг энг «оддий» ва «қулай» воситаларини таклиф қилмоқда. Афсуски, мамлакатимизда ҳам ҳуқуқий нуқтаи назардан экстремистик хатти-ҳаракат сифатида малакаланадиган жиноятни содир этиб, тегишли жазога тортилган ёшлар учраб турибди.

Бугунги кунда дин байроғи остида экстремизм ва мутаассибликнинг бош кўтариши, ёшларни ҳар хил деструктив, диний-экстремистик йўналишдаги гуруҳларга жалб қилиш, улардан турли ғаразли мақсадларда фойдаланишга интилишнинг кучайиши турли давлатлар миллий хавфсизлигига таҳдид солаётган муаммолардан биридир. Дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган ушбу муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас ва бундай салбий ҳодисалар ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга. Шундай бўлса-да, ҳозирги вақтда диний экстремизмнинг ўзига хос замонавий хусусиятлари мавжуд. Жумладан, бу ҳақда Президентимиз И.Каримов ўз вақтида шундай таъкидлаган эдилар:

«Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо ғоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим»<sup>1</sup>.

Глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги вақтда ер юзининг деярли барча мамлакатларига диний экстремизм, терроризм хавфи таҳдид солмоқда. Афсус билан қайд этиш керакки, бевосита террорчилик актларини содир қилаётган, турли ҳаракатларда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги махсус технологиялар воситасида онги, мияси заҳарланган кишилар (асосан ёшлар) бўлиб, улар баъзи

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 34-35-бетлар.



ғоявий раҳнамолар, мафкурачиларнинг қўлидаги оддий кўғирчоқ эканликларини англамайдилар<sup>1</sup>. Шунини таъкидлаш лозимки, террорчилик ташкилотлари, гуруҳлари аъзолари орасида нафақат аҳолининг кам таъминланган қатлами вакиллари, балки ўзига тўқ, моддий жиҳатдан барча шарт-шароитларга эга оилалар фарзандлари ҳам кўплаб учрайди. Бу эса асоциал хулқ-атворга иқтисодий омил бош сабаб бўлмаслигини кўрсатади. Замонавий терроризм ва диний экстремизмнинг демографик хусусиятларидан бири шундаки, кейинги йиллар ичида террорчилар анча «яшарди», «феминизациялашди» (аёл террорчилар кўпайди). Маълумотларга кўра, террорчи, экстремист, деструктив гуруҳлар аъзоларининг аксарияти 20-30 ёш ўртасидаги кишилардир. Улар орасида ёши улуғ инсонлар камчиликни ташкил этиб, раҳбарлар, «мафкурачилар» ва «эксперт»ларни истисно этганда 50-60 ёшли одамлар деярли учрамайди. Бу ҳол тасодифий эмас. Унинг ижтимоий-психологик сабаби шундаки, ёшлардаги қизиққонлик, хавф-хатар романтикаси, ўзининг кимлигини кўрсатиб кўйишга иштиёқ, мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмолчи маданиятининг шаклланмаганлиги баъзан нафақат давлат, жамият, атрофдагилар, балки ўзи, оиласи учун ҳам хавфли хатти-ҳаракатларни содир этишга ҳам олиб келади.

Республикамиздаги Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган диний-экстремистик оқимлар таркибида жиноят содир этган маҳкумларнинг ёш бўйича таҳлили ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Зеро, жазо муддатини ўтаётганларнинг 36,4%ни 17-30 ёшдагилар, 46,4%ни 31-40 ёшлилар ташкил этади. Ёши улуғ, муайян ҳаётий тажрибага эга кишиларнинг бундай ҳаракатларга тортилиш эҳтимолининг пастлигини эса маҳкумларнинг 14,4%ни 41-50, 2,8%ни 51 ва ундан юқори ёшда бўлганлар ташкил этиши ҳам яққол кўрсатади, дейиш мумкин<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўшма мажлисида жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам динни сиёсийлаштириб, ўз ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган гуруҳлар борлигига алоҳида урғу бериб, шундай деган эди: «...ислом динини сиёсатга

---

<sup>1</sup> Шапарь В.Б. Психология религиозных сект. –Минск: Харвест, 2004, 384 с.

<sup>2</sup> «Диний-экстремистик гуруҳлар таркибида жиноят содир этиб, Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган ва ҳозирда тузалиш йўлига ўтган маҳкумларни амнистияга тайёрлаш» бўйича тузилган Махсус комиссия ҳисоботи.

айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яра-таётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлан-тириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер таш-кил этаётган, халифалик тузишдек турли хом хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизларини қирқиб ташлаш керак».<sup>1</sup>

Ҳозирги пайтда дунёда кишилар онгини забт этиш ва шу орқали уларнинг хатти-ҳаракатларини бошқариш мақсадида зимдан қаттиқ кураш кетяпти. Бунинг учун эса асосан ўзи кўринмас, лекин бағоят қудратли кучга эга бўлган информацион-психологик куруллардан фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, киши дунёқараши, эътиқоди, онги, руҳия-тига таъсир кўрсатадиган, информацион-психологик воситаларни тадқиқотчилар қуйидагича тасниф қиладилар:

1. Барча оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, ахборот тизимлари, интернет).

2. Адабиётлар (бадий, илмий-техник, сиёсий, махсус).

3. Санъат (музыка, кино, тасвирий санъат, театр ва ҳ.к.).

4. Таълим.

5. Тарбия.

6. Шахсий мулоқот.

Кишилар хулқ атворини маълум йўналишда бошқариш, улар онгида манипулятор (бошқарувчи)га керакли фикр ва мулоҳа-заларни таркиб топтириш мақсадида инсон руҳиятига мақсадли таъсир ўтказиш информацион (ахборий) терроризмнинг асосий мақсадидир. Информацион терроризм атамаси остида, шунингдек, қабул қилинаётган ахборотга танқидий равишда муносабатда бўлишга ўрин қолдирмайдиган, кишига мажбурий сингдириладиган ташвиқот ҳам тушунилади. Бунда узлуксиз, намоёишкорона, очиқ-ойдин тарқатиладиган ахборотларнинг сифати, мазмуни билан биргаликда уларнинг кўлами, ҳажми ҳам ҳисобга олинади. Информацион террорчилар расмий оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган хабарлардан ташқари, шов-шув, миш-миш тарқа-тиш сингари усуллардан ҳам фойдаланадилар.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. //Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, Т.13.-Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б.200.

Информацион терроризм ва психотерроризм бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, психотерроризм-ҳокимият органлари, аҳолига нисбатан информацион-психологик таъсир, тажовуз. Бундан кўзланган мақсад, кўрқитиш, шахсни манипулятив бошқариш, унинг тасаввурлари ва ҳиссий-иродавий сифатларини издан чиқариш, жамоатчилик фикрини ўзгартириш орқали кишиларни давлат ва жамият фойдасига зид, бироқ таъсир ўтказётган гуруҳ манфаатларига мос хатти-ҳаракатларни бажаришга мажбур этишдир. Психотеррористик актларда кам харажат орқали кенг кўламдаги кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкинлиги, террор жараёнининг кўзга ташланмаслиги, ҳомийларнинг деярли моддий зарар кўрмаслиги сабабли кейинги пайтларда террорнинг бошқа турларига нисбатан психотеррор ташкилотчиларни кўпроқ ўзига жалб қилмоқда.

Турли воситалар орқали инсон онгига кўрсатиладиган салбий ахборий таъсирнинг қанчалик хавфлилигини ҳис этиш учун, улар келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларга назар ташлаш кифоя.

Турли ижтимоий гуруҳларни, юзлаб уларнинг вакилларини ўрганиб, ижтимоий психологлар маълум бир хулосага келганлар. Муайян таъсирларга берилишга мойил кишиларда умумий ижтимоий ва характерологик хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар сирасига кўпроқ истероидлар, паранойял кайфиятдаги, руҳан ожиз, тобе типдаги шахслар, васийлар тарбиясида бўлган кишилар, нотўлиқ ва асоциал оилалар вакиллари, имконияти чекланган, кучли руҳий сиқилишни бошдан кечирган шахслар, ривожланган эйдетик идрок эгалари (уларда ўнгдаги галлюцинация ходисаси рўй бериб туради), турли деструктив оқим вакиллари ва террорчиларнинг болалари, набиралари, қариндош-уруғлари киради.

Инсон ёши қанчалик кичик бўлса, унинг ташқи таъсирларга берилиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади, зеро атрофидаги кишилар доирасини у ўргатувчи, ўқитувчилар, таълим берувчилар сифатида қабул қилади. Жинсий балоғатга етишнинг дастлабки босқичларида индивид жамоада ўйин қоидаларини идрок этиш, яъни кичик гуруҳларда мулоқотга киришиш, мослашишга фаол йўналганлиги билан ажралиб туради. Ушбу ёш даврлари проектив равишда айнан ташқаридан изланадиган ота-она рамзий сиймоси аҳамиятининг кескин равишда ошиши билан анча қалтис давр ҳисобланади.

Юқори даражадаги сезгирлик, таъсирчанликнинг иккинчи даври 17-19 ёш бўлиб, ўзини намоён қилиш, жамиятда ўз ўрни, мавқеини белгилаб олишга бўлган кучли эҳтиёжнинг юзага келиши билан ифодаланади, бироқ бунинг учун имконият барчада бир хил даражада етарли бўлмайди. Шунинг учун бундай шахсда ундан кучлироқ ва билимлироқ бўлган ҳомийлар мадади, кўмагига эҳтиёж туғилади. Ёшлар тақлид қилиши, эргашиши учун шахс кутилмаган ҳолат, кескин вазиятларда хатти-ҳаракатининг самараси, таъсирини намоёиш қилишининг ўзи кифоя. Ёшлик даврида «Мен» образининг шаклланиши учун умумэътироф этилган хулқ-атвор меъёрларини инкор қилиш мотивацияси кучли намоён бўлади. Шахснинг ҳаётда ўрнини белгилаб олиши, «Мен»ини аниқлаштириши ўзини турли тақдирга эга, турли хилдаги кишилар билан солиштириши, таққослаши натижасида амалга оширила боради. Айнан мана шу жиҳат асосида жамиятда қабул қилинган меъёрларга тубдан зид келувчи роллар манипуляторлар томонидан ҳали тўлиқ шаклланмаган индивидуумга тақлиф этилади. Шахс етуклиги, камолотига кўйиладиган ижтимоий талаблар унга расмий, зерикарли, замонадан орқада қолган, қоқоқ, истиқболсиз талаблар тарзида тушунтирилади, етказилади.

Адабиётларда таъкидланишича, деструктив гуруҳлар раҳбарлари аксарият ҳолларда психопатик сифатларга, етакчилик хислатларига, зўравонлик, золимлик хусусиятларига эга шахслар бўлиб, улар омма, кўп миқдордаги кишиларнинг бўйсунитидан моддий ёки сиёсий жиҳатдан манфаатдордирлар. Шунинг учун қавмлар, тарафдорлар сонини кўпайтириш мақсадида раҳнамолар юқорида таъкидлаб ўтилганидек, «ақлни пешлаш» (промывания мозгов), гуруҳий зикр, кераксиз ташқи мулоқотларни чеклаш, бўш вақт қолдирмаслик, ҳатто фаҳш, наркотиклар каби усул ва воситалардан фойдаланадилар. Мисол учун, диний оқим кўринишидаги «Акримийлар» ташкилоти аъзоларига кундалик беш вақт намозни ўқиш мажбурий эмаслиги, фақатгина ислом халифалиги ўрнатилгандан кейингина барча диний маросимларни ўтказиш мумкинлиги уқтирилган. Ёки, шу билан бирга конспирация (асл ниятларини яшириш) мақсадида «биродарлар»нинг спиртли ичимликлар ичиши, тамаки чекиши, вақтинчалик никоҳда бўлиши ва ҳ.к.ларга рухсат берилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Диний-экстремистик ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва мақсадлари тўғрисида. –Тошкент. 2004 йил, 45-бет.

Таъкидлаш керакки, одамларни оғдириб олиш учун қулай ва фойдаланилиши осон бўлган усуллар талайгина. Улардан бири суҳбат ҳисобланиб, унинг мавзусини тўғри танлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда суҳбатнинг умумий йўналишини қуйидагича кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- ишдаги аҳвол (муаммолар) ҳақида суҳбатлашиш;
- шахсий ҳаётдаги муаммоларга оид фикр алмашиш;
- келажакдаги орзуларни муҳокама қилиш.

Суҳбатдошга таъсир ўтказиш учун унга «ғамхўрлик кўрсатилади», ҳамдардлик билдирилади, улар учун «қайғурилади» ва шу йўл билан ишонч қозонилиб, эътиборга эришилади. Шу билан бирга, инсон ҳаётида яхши ва нохуш ҳодисаларнинг вужудга келиш эҳтимолини инобатга олсак, қуйидаги воқеа-ҳодисалар кишини психик инқироз ёқасига келтириши мумкин:

- жудолик (яқин кишининг ўлими, ажралиш ва ҳ.к.);
- ўлимни келтириб чиқарувчи оғир касалликларга яқинлари ёки ўзининг чалинганлиги;
- яшаш жойининг ўзгарганлиги;
- ташқи кўринишнинг ўзгарганлиги (психосоматик касалликлар);
- ижтимоий-сиёсий ҳолатларнинг ўзгарганлиги;
- уйланиш, турмушга чиқиш;
- ижтимоий мавқенинг тубдан ўзгарганлиги (пасайиши).

Шунинг учун инқироз даврида инсон бирон бир яқин кишининг маслаҳати, маънавий қўллашига эҳтиёж сезади. Агар ёнида шундай кишиси бўлмаса, унинг фаолиятида салбий хусусиятлар, хулқ-атворида оғишлар кузатилиши мумкин. Бу вазиятдан эса деструктив гуруҳлар вакиллари усталик билан фойдаланиб қолишлари эҳтимоли бўлади. Кишиларда психологик маданият, ахборот, маълумотга нисбатан объектив, холисона муносабатда бўлиш кўникмаси, мафкуравий иммунитет етарли даражада шаклланган бўлса, бу жараён салбий асоратсиз кечади.

Хуллас, бугунги кунда ёшларни деструктив, диний-экстремистик гуруҳлар, ғоялар таъсиридан ҳимоялаш эътиборга молик, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни сусайтирмаслик, изчил ва тизимли олиб бориш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш

кенг илмий жамоатчилик, ота-оналар ва ҳар бир онгли фуқаро олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда ёшлар орасида экстремистик кайфият учраётганининг сабаблари анча. Мазкур ҳолатга экстремизм мафкурачиларининг ўз ҳаракатларини синчиклаб, ипидан-игнасигача, пухта режалаштириб олаётганлари, ёшларга хос бўлган индивидуал-психологик хусусиятлар ҳам, бир қатор ижтимоий, ижтимоий-маданий, психологик омиллар ҳам сабабчидир.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ёшлар орасида экстремистик, деструктив ғоялар таъсирига тушиш сабабларининг учраётганлиги уларнинг ёш ҳамда тараққиёт хусусиятларига боғлиқ. Ижтимоий мавқенинг ноаниқлиги, маргинал характердаги ижтимоий позиция, жисмоний ривожланиш билан боғлиқ психофизиологик ўзгаришлар ёшларни мафкуравий таҳдидларнинг турли шакллари таъсирларига нисбатан ожиз қилиб қўяди.

Ният, орзуларнинг беқарорлиги, мақсадларнинг ноаниқлиги, ўзга фикрларга нисбатан тоқатсизлик, шошқалоқлик ёшлик даврида нисбатан кўпроқ учрайдиган хусусиятлардандир. Бундай сифатлар ўсмир ва ўспиринларнинг отаси-онаси ва ёши улуғ инсонлар билан маслаҳатлашиш, фикрлашиш эмас, балки ўзига ўхшаганларни топишга интилишини кучайтиради. Ёшлар ижтимоий мансублиги ва ёшига кўра уларнинг дам олиш, мулоқот жараёнидаги эҳтиёжларини қондира оладиган гуруҳларга бирлаша бошлайдилар.

Бундай гуруҳларда ўзига хос маданий меъёр ва установка (йўл-йўриқ)лар, қадриятлар, «биз» ва «улар» деган психологик қарама-қаршиликни ифодаловчи тушунчаларга асос бўлувчи омиллар шакллана бошлайди.

Дастлаб авлодлар орасида, яъни «биз»-ёшлар ва «улар»-ёши улуғ инсонлар ўртасидаги ихтилоф кўзга ташланади. Бундай қарама-қаршилик ўсмир ёки ўспириннинг алоҳида мусиқани тинглаши, сўзлашув жараёнида жаргон ва адабий тилга хос бўлмаган турли ибораларни қўллаши, сўнгги урфдаги кийимларни кийишга интилишидаги деярли безарар хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бу маълум вақтгача ёшларнинг катталардан ажралиб туришга нисбатан хоҳишидир. Бироқ, кейинчалик, ёшларнинг мухолифлик хусусияти кучая боради. Деструктив ғоялар, мафкураларнинг моҳирлик билан олиб бориладиган тарғиботи ҳамда ёшлар онгининг тўла шаклланмаганлиги, уларнинг маълумот, ахборотни танқидсиз ва таҳлилсиз қабул қилиши натижасида ҳатто

экстремистик ва террористик кайфиятдаги гуруҳлар, уюшмалар вужудга келиши мумкин. Экстремистик кайфиятдаги ёшларнинг «биз» ва «улар» тушунчалари асосида инсонларни ажратишида энди ёш эмас, балки кишилардаги етакчи кадриятлар асосий ўрин тутлади.

«Нега ёшлар экстремизм, деструктив ғоялар таъсирига тез тушишга мойил бўладилар?» деган савол туғилади. Ижтимоий, сиёсий психология соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи олимларнинг таъкидлашларича, ёт ғояларнинг фаол тарғиб қилиниши натижасида ёшларда онгнинг ўзига хос, экстремал типи шаклланади. Бундай онгга эга ёшларда олдиларига қўйган бўрттирилган мазмундаги мақсадларга кўр-кўрона интилиш билан боғлиқ ақидапарастлик (фанатизм), ҳақиқатни тан олмаслик ва қийинчиликлардан қочишда намоён бўлувчи нигилизм (ҳар қандай меъёр, тамойил ва қонунларни инкор этиш) ёрқин ифодаланган бўлади.

Турли объектив ва субъектив омиллар ёшлар онгининг деструктивлигини кучайтириши ёхуд камайтириши мумкин. Масалан, норасмий уюшма фаолиятининг ижобий йўналганлиги ёшларда ижтимоий жиҳатдан қабул қилинган фаолият кўринишларида ўзларини тўла намоён қилишларига шароит яратиши мумкин.

Таъкидлаш зарурки, барча ёшлар ҳам деструктив ғоялар таъсирига тушавермайдилар. Чунки уларнинг кўпчилиги тарих, маданий ёдгорликларни, атроф-муҳитни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган ижтимоий-маданий ва таълим дастурларида иштирок этадилар.

Бироқ, ёшларнинг беқарор психикаси ва ташқи таъсирларга берилувчанлиги инобатга олинса, деструктив ғоялар профилактикаси йўналишида олиб бориладиган ишларни сусайтириш асло мумкин эмаслиги ойдинлашади.

Ҳозирги кунда жамиятимизда кенг қамровли маънавий-маърифий янгиланишлар, ислоҳотлар олиб борилаётган бир вақтда бағрикенгликка йўналтирилган ижтимоий-психологик тадбирларни ҳам амалга оширишга эътиборни кучайтириш зарур. Ёшларга ҳозирги вақтда турли, ижтимоий жиҳатдан қарама-қарши кадриятлар таъсир ўтказмоқда. Ижтимоий мавқе, дунёқараш нуқтаи назаридан ёш авлод ижобий ҳаётий кадриятларни тўғри танлашда иккиланишлари мумкинлигини ҳисобга олиб, уларга бу борада

тўғри йўлни кўрсатиш ота-оналар, педагоглар, умуман, муайян тажрибага эга катта ёшдаги авлод вакилларининг вазифасидир.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг маънавий замини бўлган диний бағрикенгликни тўлиқ таъминлашга йўл очилганлиги ва қонуний қафолатланганлиги республикаимизда ҳозирги пайтда бир неча турдаги 170 дан зиёд диний ташкилотлар фаолият кўрсатишида яққол кўзга ташланади.

Бунинг исботи сифатида Президентимиз И.Каримов ўз нутқида шундай таъкидлаган эди: **«Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларнинг миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз»<sup>1</sup>.**

Экстремизм мураккаб ижтимоий-маданий феномен сифатида энг кескин чоралар ва қарашларга мойилликни, мавжуд ижтимоий меъёрларни радикал равишда ўзгартиришга интилишни ифодалайди. Шунинг учун экстремизмни ёшларга хос максимализм (ҳаддан ошиқ, имкониятдан ортиқ талаблар қўйиш) сифатида ҳам баҳолашади. Ўзгача фикрларга қарши туришга бўлган ўта кучли хоҳиш, ҳаётни кўпинча фақат «оқ» ёки «қора» бўёқларда кўриш, худбинлик ёшларни улар талабига жавоб бермайдиган бошқа одамларга нисбатан бетоқатлигини оширади. Бу талаб нафақат бошқа ирқ, миллат ёки диндагиларга, балки бошқа маълумот даражасига, моддий таъминланганликка ёки воқеа-ҳодисаларга шунчаки ўзгача муносабатда бўладиган инсонларга ҳам қўйилади.

«Ёшлар муҳитидаги экстремистик кайфият нима ва у қандай кўринишларда ёшлар хулқ-атворида намоён бўлади?» деган савол туғилади. Ёшлар орасида экстремизмнинг тарқалиши, намоён бўлишига доир олиб борилган тадқиқотлар натижалари ёшлардаги экстремистик кайфият –уларнинг таваккалчилик характеридаги ҳаракатларни амалга ошириши, ўз тушунчаларидаги ҳақиқат, бутун «ислом олами» софлиги ёки «халифалик давлати» қуриш учун курашишида ифодаланишини билдиради. Ўсмирлар, ўспиринлар томонидан таваккалчилик руҳидаги хатти-ҳаракатлар тез-тез содир этиб туриладиган гуруҳлараро муштлашувларда, муносабатлар, мансубликни тажовузкор руҳда аниқлаштириб олишга уринишларда кўзга ташланади. «Адолат учун кураш» ёшлар ҳуқуқларининг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, Т.7.-Т.: «Ўзбекистон». 1999. – Б.204.



топталиши, «бегоналар», ёт миллатлар вакиллари, бошқа дин вакиллари ёки ўзгача фикрлайдиганларга қарши олиб борилиши мумкин. Ижтимоий сўров натижаларининг кўрсатишича, ёшларнинг ҳар ўнинчиси онгида экстремистик кайфият унсурлари мавжуд экан<sup>1</sup>.

Республикаимиз психология фанида деструктив гуруҳлар фаолияти радикал асоциал гуруҳлар контекстида айрим тадқиқотларни ҳисобга олмаганда, ҳозирча тўлиқ тадқиқ этилмаган. Радикализм барча шакл ва кўринишлари, тарқалиш шиддати билан ҳозирги кунда дунё миқёсидаги долзарб ва муҳим муаммолардан бирига айланди. Радикал ва деструктив гуруҳлар аъзолигига жалб қилинганларнинг хусусиятларини ўрганиш давлат ҳокимияти институтлари, жамиятга қарши ҳаракатлар олиб бориш мақсадида шахс тафаккури, онгини назорат қилиш, уни тегишли фаолиятга йўналтириш борасида турли технологиялар, методлар қўлланилишини кўрсатди. Ушбу ташкилотлар аъзолари шахс хусусиятларини таҳлил қилишдан олдин **терроризмнинг** жамиятда ривожланиш тарихи ва мавзуга доир атамаларга қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

90-йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикаларда ўша пайтлар учун янги ҳисобланган диний ташкилот ва гуруҳлар пайдо бўла бошлади. 1960-йилларда АҚШ, ундан сўнг Ғарбий Европа мамлакатлари бу сингари ҳодиса билан рўбарў келган эдилар. Россияда диний йўналишдаги ташкилотлар асосан, чет эл миссионерлари саъй-ҳаракатлари натижасида юзага келган бўлса, айрим оқим ва гуруҳлар мамлакат ҳудудида шаклланган эди.

Янги диний оқим ва ҳаракатлар вужудга келиши билан уларни номлаш, аташ муаммоси пайдо бўлди. Анъанавий равишда масала янги диний ҳодисани илгаридан бор бўлган диний йўналиш сирасига киритиш орқали ҳал қилинган. Агарда ҳодиса қабул қилинган типология доирасига сиғмаса, уни янги диний тушунча сифатида баҳолаш зарурияти туғилади. Салбий муносабат уйғотадиган муайян гуруҳ ёки ташкилотга диндорларни мансуб деб кўрсатиш кишилар ҳақ-ҳуқуқини чеклаш, ҳатто уларнинг таъқиб

---

<sup>1</sup>Лекции для индивидуальной пропагандистской деятельности, отдельные образцы пропагандистских материалов. -Ростов-на-Дону, «Южный федеральный университет», 2010.

қилинишига олиб келиши мумкинлиги учун диний оқим, гуруҳ ёки ташкилотларни таснифлаш жуда қийин ва нозик масаладир.

90-йиллар бошларида Россияда протестант диндорлар илмий ишлари, асарларида акс этган ғоялар таъсирида динни идрок этишга интилиш урфга кирди. Уларнинг асарлари рус тилида кўплаб нусхада нашр этилди ва мазкур асарлардаги диний ва янги ташкил топган диний оқимларни аташ учун қўлланган, асосан салбий маъно ташувчи атамалар тезлик билан муомалага кира бошлади. Шундай атамалардан бири «культ» бўлиб, у христианлик ақидаларига амал қилмайдиган диний ташкилотларга нисбатан қўлланилар эди. Кейинчалик пайдо бўлган «деструктив культ» бирикмаси эса жамият ва оилага яхлит ҳолда зарар етказадиган турли диний оқим ва ташкилотларни англатадиган бўлди.

«Деструктив гуруҳ» (секта) – фаолияти фуқаролик жамиятининг нуфузли институтлари томонидан шахснинг мазкур жамиятдаги психик ёки жисмоний саломатлигига, кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқаролик жамиятининг ўзига, унинг тарихан шаклланган анъаналари, маданияти, жамоат тартиби меъёрлари, кадриятлари ва ҳаёт тарзига таҳдид солиши мумкин деб тан олинган гуруҳлар.

Кўпчилик тадқиқотчилар «деструктив секта» ва «тоталитар секта» тушунчаларининг маъносиз, мазмунсизлигини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, мазкур тушунчалар деярли барча диний ташкилотлар, диний-фалсафий таълимотлар, диний йўналишдаги маданий-маърифий муассасалар, оқимларга дахлдор бўлиб, бу асосан мафкуравий, яъни диний бирлашмалар ва оқимларнинг салбий тимсолини шакллантириш мақсадида қўлланади. **Шу сабабли, бизнингча, шахс, давлат, жамиятнинг жисмоний, маънавий, иқтисодий, сиёсий, миллий-этник барқарорлиги учун ҳар қандай даражада хавф туғдирадиган асоциал, диний, экстремистик, террористик, неофашистик гуруҳ, оқим, ташкилот, ҳаракат, партия, конфессия, секталар деструктив гуруҳлар сифатида тасниф қилиниши лозим.**

«Онгни назорат қилиш» («ноқонуний таъсир кўрсатиш», «тафаккурни ўзгартириш», «дастурлаштириш» ва ҳ.к) кишининг психикаси ва хатти-ҳаракатларини уни огоҳлантирмасдан, зимдан бошқариш, маслак, эътиқоди, дунёқарашига бир томонлама манфаатларни, муайян мақсадга етишишни назарда тутган ҳолда манипулятор томонидан таъсир кўрсатиш. Бунда мажбурий ёки

ихтиёрий таъсир кўрсатиш воситалари, усулларидан фойдаланилиши мумкин.

«Мўъжиза» – у ёки бу методика ёки жараёнларнинг ғайриилмий тавсиф, таъриф, тасвири, деструктив ташкилот ёхуд гуруҳ фаолиятига дахлдор ўйлаб топилган, тўқима воқеа-ҳодиса ва маълумотлар бўлиб, кишилар онгини манипулятор томонидан назорат қилиш, бошқаришда ушбу технологиядан кенг фойдаланилади (бу ўринда кўпроқ хашшоший (ассасин)лар етакчиси Ҳасан ибн Сабоҳ найранглари мисол қилиб келтирилади).

«Жалб қилинган шахс» - деструктив ёки радикал (асоциал) ташкилотнинг оддий аъзоси бўлиб, кишини деструктив гуруҳга жалб қилишга бўлган ҳар қандай ҳаракатда ёлловчи, унинг қурбони ва жалб қилинаётган одамга таъсир кўрсатиш объекти сифатида хизмат қиладиган шахслар иштирок этишади.

«Кўрқув муҳити» – деструктив фаолиятнинг деярли барча кўринишларига хос бўлган жиҳат бўлиб, у нафақат диний, экстремистик, балки террористик ва радикал гуруҳлар фаолиятида ҳам кенг қўлланилади.

Деструктив культ ташкилотлари радикал, террорчилик ташкилотларидан фарқли ўлароқ, фаолиятларига нисбатан ОАВ эътиборини қаратмасликка тиришадилар. Бунинг ўрнига, ОАВ раҳбарлари ёки нуфузли журналистларни ёллаб, бундай гуруҳлар ҳақидаги материалларни чоп қилишга бўлган ҳар қандай ҳаракатни йўққа чиқаришга ҳаракат қиладилар.

Турли оқимлар, деструктив гуруҳлар таъсирига тушиб қолган кишилар жамиятнинг ҳар хил ижтимоий қатламлари вакиллари бўлиб, улар учун умумий бўлган шахс хусусиятлари мавжуд. Муайян оқим ёки гуруҳ меъёрларини, талабларини қабул қилган, ўзлаштирган шахс психикаси, руҳиятида бўлиб ўтадиган жиддий ўзгаришларни ғарб олимлари Конвей, Байер, Кетль ва бошқалар ўз тадқиқотларида баён қилиб ўтадилар.

Инсон ҳаёти давомида ўз ҳаёти мазмуни ва мақсадлари тўғрисида ўйлаб боради. Лекин, айниқса ёшлик, ўсмирлик даврида, инсон келажаги, истиқболи хусусида мушоҳада қиладиган даврда онгининг қадриятларни аниқлаштиришга йўналтирилган фаолияти биринчи ўринга чиқади. Ёши улуг кишилар устувор деб ҳисоблаган қадриятлар ёшлар томонидан қайтадан таҳлил қилиб чиқилади. Улар мавжуд ижтимоий-маданий меъёрлар, талабларни ўзларига «ўлчаб» кўрадилар ва кўп ҳолларда ҳафсалалари пир бўлади.

Беқарорлик, аксарият ҳолларда тасаввурларидаги тушунчаларга ҳаётий шарт-шароитларнинг мос келмаслиги уларнинг тез мослаша олмасликлари, баъзан довдираб қолишларига олиб келиши мумкин. Йигитлар ва қизлар баъзан катта ёшдагиларнинг ҳам ҳаётий тамойиллари, позицияларидаги номувофиқликларни кўриб, ҳис этиб, умумқабул қилинган қадриятлар, ижтимоий-маданий, маънавий-ахлоқий меъёрлардан оғишлари ҳам мумкин.

Ёшлар муаммосини ўрганаётганда «*субмаданият*» (*субкультура*) атамасига алоҳида изоҳ берилади. Бу атама анъанавий маданиятдаги мавжуд меъёр ва қадриятларни негатив талқин этиш, ҳукм суриб турган маданият ичида ўзига хос ёшлар гуруҳларининг ўзига хос турмуш тарзи ва тафаккурини шакллантиришга бўлган интилиш асосида шаклланган меъёр ва одатлар тушунилади. Мазкур ҳолатни социологлар айрим жиҳатларидан келиб чиқиб, «девиант ҳолат» - деб ҳам изоҳлайдилар. Социологияда ёшларнинг «ноформаллар», «хиппи», «рокер», «металлист», «панклар», «любер», «фан клуб аъзолари», «рок-маданият фидойилари» каби турлари фарқланади.

Ёшлар субмаданияти хусусида фикр юритганда бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. **Бир томондан**, ёшлар субмаданияти – бу, йигит ва қизларнинг ўз имкониятларини намоён қилиш, рўёбга чиқаришга бўлган кучли хоҳишлари ифодаси бўлса, **иккинчидан**, жамиятдаги ҳаёт тарзи, қабул қилинган хулқ-атвор меъёрлари ва қадриятларга нисбатан ўзига хос кўринишдаги стихияли қаршиликдир. **Учинчидан**, субмаданият кўринишлари ёшлар учун уларнинг ўзи кўпам тушунавермайдиган турли муаммолардан ҳимоя воситаси сифатида майдонга чиқади. Умуман олганда, **ёшлар субмаданияти** –эзотерик, эскапик, урбанистик маданият бўлиб, ёшлар томонидан уларнинг ўзлари учун яратилади. Уни расмий, умумқабул қилинган жамият маданий ҳаёти тизими таркибидаги ўзига хос маданий тизим дейиш мумкин. Ушбу тизим эса унинг эгалари ҳаёт тарзи, қадриятлар иерархияси, дунёқараши ва йўналганлигини билдиради.

Ҳозирги даврда замонавий ёшларни ташвишлантираётган бир қанча ижтимоий муаммолардан бохабар бўлиш уларнинг ҳаётий қадриятлари йўналишини аниқлашда ва шунга мос ҳолда таълим-тарбия ишларини режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни ўйлантирадиган муаммолар сирасига бандлик, уларнинг молиявий-иқтисодий ҳолати масалаларини, келажак, истиқбол

билан боғлиқ режаларини киритиш мумкин. Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий ва жамиятда жиноятчиликнинг ўсиши билан боғлиқ муаммолар ёшларни кўпроқ ташвишлантирар экан. Турли ёшлар субмаданиятларининг аъзолари ва уларга мансуб бўлмаганлар ҳам умумий кадриятларга эга бўлиш эҳтимоли мавжуддир. Бундай кадриятларга эркинликка интилиш, катта авлоддан мустақил тарзда хатти-ҳаракатларини амалга ошириш истагини киритиш мумкин. Ёшларнинг ўзларининг фикрича, бундай мустақиллик нафақат иқтисодий, балки дунёқараш жиҳатидан, ҳаётий позицияларни ва ахлоқий тамойилларни танлаш нуқтаи назаридан ҳам бўлиши зарур.

Турли мавжуд субмаданиятларни таҳлил қилиш ёшлар муҳи-тида умумийликка интилиш руҳи устувор эканлигидан далолат беради. Бу барча даврларда бўлиб келган. Бироқ, шу билан бирга, ёшларни бундай гуруҳларга бирлаштирувчи ғоялар ижтимоий аҳамиятга эга ғоялар бўлмасдан, кўпроқ йигит ва қизларнинг романтика, кўнгилхушликка нисбатан эҳтиёжларини, жамоаларга бирлашишнинг янги шакллари топишга бўлган интилишларини ифодаловчи ғоялардир.

Ёшлардаги экстремистик кайфиятлар ўз қизиқиш ва инти-лишларини рўёбга чиқариш имкониятларини бошқа инсонлар учун хавfli бўлган ноадекват, ножоиз тарзда идрок этишдир.

И.А.Баева, С.А.Сергеев, М.Рошин ва бошқаларнинг тадқиқот-ларида таъкидланишича, ёшларнинг турли расмий ва норасмий гуруҳларга бирлашишида асосан сиёсий, иқтисодий эмас, балки кўпроқ психологик омиллар устувор аҳамият касб этар экан<sup>1</sup>.

Норасмий ёшлар гуруҳлари таркибидаги ёшларни бирлаш-тирувчи мотивларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

-ёлғизлик ҳиссидан қутулиш, ҳиссий жиҳатдан ўзига яқин мулоқотга, жамоада бирлашишга интилиш;

- ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркинлик, мустақилликка инти-лиш;

-янги ижтимоий ролларни қидириш, одатий, бир маромдаги ҳаётдан қочиш.

Ҳозирги вақтда деструктив культ ва ташкилотлар сафига кирувчи ёшларнинг кўпаяётганлиги ғоят ачинарли ҳолдир.

---

<sup>1</sup> Лекции для индивидуальной пропагандистской деятельности, отдельные образцы пропагандистских материалов. -Ростов-на-Дону, «Южный федеральный университет», 2010.

Деструктив культ ташкилотларининг ёшлар онгига психологик таъсири ва оқибатлари масалаларини ўрганган тадқиқотчи Ш. Ф. Мустафаеванинг таъкидлашича<sup>1</sup>, ДКТ (деструктив культ ташкилотлари) тоталитар, паратоталитар ва маданий турларга бўлинади. Барча ДКТлар маънавий-ахлоқий барқарорлик, инсоннинг психоэмоционал ва ижтимоий-моддий ҳолатига вайронкор таъсир кўрсатади. ДКТлар ўз жинсий фаолиятларини таълим, моддий таъминланганлик, соғлиқни сақлаш, диншунослик ва фалсафа соҳаларидаги хайрли мақсадлар ортига яширишга уринадилар.

Айни кунда, турли ҳаракат ва дастурий хусусиятга эга ДКТлар бутун дунё бўйлаб тарқалган ва йил сайин кўпайиб бормоқда. Масалан, АҚШда 8-10 млн. аъзони бирлаштирган 3,5 мингдан зиёд ана шундай ташкилот мавжуд. Марказий Осиё мамлакатларида йил сайин турли диний секталар, диний-экстремистик ва маданий-тижорат ДКТ фаолияти кўпаймоқда. Деструктив культ — бу, оғдириб олиш ва издошларни етакчига, доктринага сўзсиз бўйсунуши ҳамда тобелигини таъминлаш йўлида онгни назорат қилишга ҳаракат қиладиган ҳар қандай авторитар-иерархик ташкилотдир. «Культ» тушунчаси кимгадир ёки нимагадир сиғиниш, кимнидир илоҳийлаштиришни англатувчи латинча «*cultus*» сўзидан келиб чиққан. Оксфорд инглиз тили луғатида келтирилишича, у истеъмолга XVII асрда кириб келган бўлиб, XIX аср ўрталарида алоҳида диний гуруҳларни англата бошлаган.

Маданий ДКТлар фаолияти ҳам ҳозирга келиб жаҳоннинг кўп мамлакатларида ривожланмоқдаки, мазкур гуруҳларга кўп ҳолларда бу ўсмирлардан иборат рокерлар, металлистлар, эмо ва готларни киритиш мумкин. Эмо ва готлар гуруҳлари, одатда ўз дунёқарашлари асосига ўлим инстинкти (*мортидо*)ни ҳаётга қизиқиш инстинкти (*либидо*)дан устун қўядилар, шу боис улар орасида суицидлар энг кўп кузатилади.

Бироқ, афсуски, турли маданий гуруҳлар фаолияти психологлар, социологлар, маданиятшунослар томонидан ҳали етарлича ўрганилмаган.

Жамоатчилик фикри ва сиёсий мувозанатга деструктив таъсир кўрсатувчи махфий ташкилотлар ва жамоалар фаолиятига биринчи

---

<sup>1</sup> Ш.Ф.Мустафаева. «Психологические особенности манипулятивного воздействия в деструктивных культовых организациях (на примере молодежных групп)». Психол. фан. номз. дисс.авторреф. Тошкент, 2012.

бўлиб инглиз тадқиқотчиси Ч.У.Геккерторн 1874 йилда баҳо берган. Геккерторн уларни қуйидагича таснифлаган:

- Диний;
- Сиёсий;
- Ҳарбий;
- Фуқаровий;
- Судга оид.

Ижтимоий гуруҳлар ва деструктив ташкилотлар тадқиқига бағишланган ҳозирги замон олимлари асарларида эса ДКТлар қуйидагича таснифланади<sup>1</sup>:

● **Тоталитар** (сиёсий, сохта диний, тижорий, культлашган, сеҳр-жоду, тариқатга хос);

● **Паратоталитар** (корпоратив, жиноий, элитага, ўсмирларга хос);

● **Маданий** (фанат клублар, «эмо», «готлар»).

Умуман олганда, деструктив гуруҳ - муайян шахс, нарса-ходиса, гоё, мафкурага ниҳоятда содиқлигини намоён этиб, гуруҳ аъзоларини ишонтириш ва онгини назорат қилиш мақсадида ахлоқ қоидаларига зид (масалан, дўстлар, жамоа ва оиладан ажратиб қўйиш, яккалаш, кучли гуруҳий таъсир, ногўғри ахборотларни онгга сингдириш, кўр-кўрона тақлид қилдириш, шахснинг гуруҳга тўлиқ тобелигини рағбатлантириш ва ундаги гуруҳдан ажралиб чиқишдан кўрқиш ҳиссини кучайтириш, ва ҳ.к) методикаларни қўллайдиган оқим ёки ташкилот. Ташкилотнинг муваффақиятли фаолияти давомида бундай гуруҳлар раҳбарларининг мақсадлари амалга ошса-да, гуруҳ аъзолари, уларнинг оилалари ва жамиятга моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етиб, хавфсизликка турли даражадаги таҳдид пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда террористик ёки ҳарбийлаштирилган гуруҳлар («Ал Қоида», «Тамил йўлбарслари»)ни ҳам деструктив гуруҳлар сирасига киритишмоқда.

---

<sup>1</sup> Орёл Н. Психологические механизмы влияния тоталитарных групп на личность: профилактика и преодоление зависимости. Хрестоматия. Контроль сознания и методы подавления личности. – М.-Минск: Харверст АСТ, 2001.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар субмаданиятлари таркиб топиши жараёнида маънавий-ахлоқий қадриятларнинг бузилиши сингари салбий тенденциялар, муҳим ҳаётий аҳамиятга эга тушунчаларнинг нотўғри идрок этилиши натижасида вужудга келадиган стихияли ижтимоийлашув, ўспиринларнинг ўзини намоён қилишга интилиши билан боғлиқ равишда шаклланадиган девиант хулқ-атвор экстремизмнинг, кейинчалик эса терроризмнинг ривожланиши учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.



---

---

## III боб. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИ – БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИ

### 3.1. Инсон психик саломатлиги ва шахснинг ҳимоя механизмлари

Инсон ривожланиши мобайнида деструктив жараёнлар сифатида тасниф этиш мумкин бўлган ҳолатларга тўқнаш келиши мумкин. Л.Д. Демина ва И.А. Ральниковаларнинг фикрича, шахс тузилмасида деструктив унсурларнинг учрашини патология деб эмас, балки мослашув, ҳамкорлик, ўзаро алоқа жараёнларига тўсқинлик қилувчи жиҳатлар, деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>1</sup>.

Шахс психологик саломатлигига доир қарашлар тизими маълум даражада жамият ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Шу билан бирга инсон ҳаётида юз бериши мумкин бўлган, ҳеч бир одамнинг тўлиқ ҳимоялангани кафолатланмаган ҳолатлар муайян шахс психик ҳаётида турли инқирозли жиҳатларни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд.

Бундан ташқари, психик механизмлар фаолиятида индивидуал ва ижтимоий кўламда парадоксал натижаларни намоён қилувчи емирилишни ҳам кузатиш мумкин. Ижтимоий ва маданий стереотипларнинг бузилиши, турли қийинчиликлар ҳам инсон қадриятлар тизимининг деформациялашувига олиб келади, бу эса ўз навбатида, психологик саломатликка путур етишига сабаб бўлади. Психологик носоғломликка қуйидаги жиҳатларни киритишимиз мумкин:

- шахс психикаси, маданий ривождаги нуқсонлар ва бузилишлар (психологик инфантилизм, янги маълумотларни қабул қилганда тасаввурда улар билан боғлиқ бўлган стереотипларни ўзгартира олмаслик (когнитив ригидлик), онг фаолияти ва ўзини ўзи англашнинг иррационаллиги ва ҳ.к.);

---

<sup>1</sup> Демина Л.Д., Ральникова И.А.. «Психическое здоровье и защитные механизмы личности». Учебное пособие: изд-во Алтайского государственного университета. 2000.

- ижтимоий ва шахсий даражадаги тушкунлик (апатия, мистикага берилиш, ижтимоий-психологик инқироз, таназзул);
- шахс ўзини ўзи англаши ва такомиллаштируви жараёнларининг бузилиши.

Турли жамиятлар фуқароларининг психологик саломатлигида оғиш ва бузилишларнинг намоён бўлиши типик деструктив хусусиятларга эга янги шахс тавсифномаларининг юзага келишига сабаб бўлди. Мисол учун, Е.В.Руденский Россия Федерацияси фуқароларидаги характерларида тобора кучлироқ кўзга ташланаётган куйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатади<sup>1</sup>:

- фрустрация (кучайиб борувчи салбий ҳиссиётлар, кўрқув, ҳадик);
- низога мойиллик;
- руҳий жароҳат;
- тажовузкорлик;
- инверсия (ўз мақсадига эришиш йўлида турли психологик ниқоб, воситаларни қўллаш);
- дефенивлик (ўзини ўзи намоён қилиш қобилиятларининг йўқолиши, маҳдудлик, психосоциал ҳаракатсизлик);
- маргиналлик (муайян ижтимоий-маданий қадриятларга нисбатан хайрихоҳлик, йўналганлик бўлиб, бунда шахс одатда, доимий равишда ҳиссий-психологик жиҳатдан зўриқиш, таранглик ҳолатида бўлади);
- эгоцентризм (шахс ижтимоий-психологик мустақилликка интилади ва биринчи навбатда фақат ўз муаммоларини бартараф этишни асосий ўринга қўяди);
- дефинзивлик (ижтимоий-маданий ҳаётга нисбатан қизиқиш йўқолади, фаол ижтимоий ҳаракатлардан воз кечилади);
- инфантиллик (шахс томонидан хулқ-атворнинг стереотип шакллари устувор саналади, муаммоларни мустақил ҳал этиш малака ва кўникмалари шаклланмайди);
- харизматиклик (шахс ўз муаммоларини ҳал қилиш учун зимдан бошқариш, манипуляцион усулларни ишга солади).

Умуман олганда шахснинг психологик саломатлиги, ҳимояси мураккаб, кўп даражали ижтимоий, ижтимоий-психологик ва индивидуал-шахсий механизмларнинг мавжудлигида намоён бўлади.

---

<sup>1</sup> Руденский Е.В.. Социальная психология. Курс лекций. М.: ИНФРА-М, 1999.

Шахс психологик ҳимоясининг шаклланиши, фаолиятининг баъзи йўналишлари ва асосий даражаларининг тадқиқи ўз навбатида унинг тизим сифатида характерини тасаввур қилишга имкон беради.

Хуллас, бугунги кунда жамият аъзолари, ёшларнинг психологик саломатлигини таъминлаш, уларда мақсадга мувофиқ хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, турли деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш эътиборга молик, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан келиб чиқиб, бу йўналишдаги ишларни изчил ва тизимли олиб бориш, сусайтирмаслик, оила-таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш ҳозирги вақтдаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги дунёда ахборотнинг ниҳоятда кўпайиб кетганлиги, бу жараён тўхтовсиз давом этаётганлиги таълим тизимида ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунки, таълим муассасалари ўқувчи-талабалари ва ўқитувчилари қандай ахборот, маълумотларни қабул қилаётганлари ҳамда ўзлаштираётганларини тўлиқ назорат қилишнинг деярли имкони йўқ. Ахборот макони ҳамда оммавий коммуникация воситалари фаолияти, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдош тизимлар, Интернетнинг глобал тармоғи, ахборотни узатиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситалари, шунингдек, босма маҳсулотлардаги маълумотлар, ахборотнинг ўта даражада кўплиги, айрим пайтларда деструктив йўналганлиги ҳатто кишиларнинг ҳаддан ташқари асабийлашуви, хулқ-атворининг ўзгариши ва тушкунликка тушишларига ҳам олиб келмоқда. Зеро, мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида ўзлаштирилган маълумотларнинг айримлари ҳаётда унчалик қўлланилмайди. Шу билан бирга, ташкилот ва муассасаларда кўп ахборотга эга мутахассис эмас, балки ахборот билан ишлай оладиган ходимларга эҳтиёж кучли бўлади. Ҳақиқатдан ҳам вазиятни тўғри таҳлил қилиш ва баҳолаш кўлидан келмайдиган инсон учун адекват қарор қабул қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя этиш ва бажарилган ишнинг натижаси учун масъулиятни зиммасига олиш анча қийин кечади.

Бундай шахснинг психологик қарамликка тушиб қолиш хавфи юқоридир. Психологик қарамлик ҳолат, вазият, бошқа инсонлар ва гуруҳлар, ўрнашиб қолган ижтимоий стереотиплар ҳамда кишининг шахсий тажрибаси натижасида шаклланган стереотипларда намоён бўлади. Киши мафкуравий, сиёсий, молиявий-иқтисодий,

диний йўналишлардаги ахборий ўйинларда (ёки ахборий урушлар дейиш ҳам мумкин) кўғирчоққа айланиб қолганини сезмай ҳам қолади.

Г.Г.Почепцовнинг фикрича<sup>1</sup>, замонавий ахборот технологиялари оммавий онг ҳазм қилиши, мослашиши қийин бўлган жуда кўп маълумотларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Масаланинг мураккаб жиҳати шундаки, ахборот урушлари доирасида аҳоли, кишилар онгининг четдан бошқарилиш хавфи юзага келади. Оммавий ахборот тизимлари воситасида жамоатчилик фикри бошқа ўзганга йўналтирилади, янги қадриятлар, ясама, жозибадор ҳаёт тарзи, «оммавий маданият» тарғиб-ташвиқ этилади, халқ, давлат, жамият ва энг аввало, шахс хавфсизлигига дахл этувчи, чалғитадиган хабарлар тарқатилади. Бунда турли шакл, кўриниш ва мазмундаги психик жиҳатдан таъсир этадиган воситалардан фаол фойдаланилади.

Психик таъсир деганда, шахс ёки гуруҳнинг бошқа шахс ёхуд гуруҳ психикасига нутқ ва нутқнинг иштирокисиз муайян мақсадларни назарда тутган ҳолда кўрсатадиган таъсирига айтилади.<sup>2</sup> Маълум мақсадни кўзлаб, бошқа инсоннинг ҳиссий ҳолати, хулқ-атвори, онги, тафаккурини ўзгартириш сингари ғаразли ниятда амалга ошириладиган манипулятив таъсир аҳолига катта хавф туғдиради<sup>3</sup>.

Психологик ҳимояси яхши ривожланмаган кишиларнинг манфаатдор шахслар ёки сиёсий гуруҳлар, оқимлар томонидан амалга ошириладиган манипуляция қурбонига айланиши эҳтимоли юзага келади. Шунинг назардан қочирмаслик керакки, манипуляция таъсирига берилмаслик анча мушкулдир. Чунки, инсоннинг энг зарур эҳтиёжлари ва мотивларини назарда тутиб қилинган мурожаат одатда эътиборсиз қолмайди.

Мазкур ҳолатлар киши онгининг четдан бошқарилиши ва ахборий таъсирнинг емирувчи оқибати, таъсирига нисбатан масъулият ва иммунитетни шакллантириш масаласи жуда долзарб эканлигини кўрсатмоқда. Фикримизча, психологик қарамлик, инсоннинг манипуляция этилиши, онгининг назорат қилиниши

---

<sup>1</sup> Почепцов Г.Г. Информационные войны. – М.: «Рефл – бук», К.: «Ваклер», 2001. –С. 52 .

<sup>2</sup> Куликов А.В. Психическое воздействие. Взаимодействие и самовоздействие: история, теория, проблемы //Психическое воздействие на личность и группу: Межвузовский сборник научных трудов. – Иваново: Изд-во Ивановского гос. ун-та, 1989.- С. 7

<sup>3</sup> Аронсон Э., Пратканис Э.Р. Эпоха пропаганды: Механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2003. –С. 31.

профилактикасида энг асосий эътибор танқидий тафаккур ва рефлексияни ривожлантириш, ассертив хулқ-атвор кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши лозим.

Танқидий фикрлаш барча нарса, воқеа-ҳодиса ёки шахсларни танқид қилаверишни англатмайди. Танқидий тафаккур деганда, энг аввало, кишининг нарсаларни таҳлил қилишга, тўғри баҳолашга ҳаракат қилиш, ҳамма нарсаларга ҳам кўр-кўрона ишонавермаслик, ўз хатти-ҳаракатларига адекват баҳо бериши, хатоларини англаш ва уларни тўғрилаш, бошқаларнинг таклиф ва мулоҳазаларини танқидий қабул қилишга бўлган интилиши тушунилади<sup>1</sup>.

Рефлексия маъносида шахснинг ўзи, фаолияти ва хулқи, ички дунёси, психик хусусиятлари ва ҳолатини англашга бўлган интилиши, ўзини бошқа инсон ўрнига қўйиб кўриши, хаёлан вазиятни унинг фойдасига ҳал қилиб кўриши сингари жиҳатлар назарда тутилади<sup>2</sup>. Зеро, ҳолатни таҳлил қилиб кўриш, ўзи ва ўзгалар (ҳамкорлар, ҳамсуҳбатлар)нинг манфаатларини тушуниш инсонга конструктив ҳаракат қилиш, бир сўз билан айтганда, ассертив бўлиш имконини беради.

Ассертивлик—шахс сифати, характер хусусияти бўлиб, инсоннинг ўзини ўзи намоён қилишида кўзга ташланади. Бундай шахс бошқаларнинг талабларини кўрқув, ҳадиксираш, ишончсизлик, зўриқиш каби ҳолатларни ҳис этмаган ҳолда қабул қилади<sup>3</sup>, ўзгаларнинг манфаатларига зарар етказмайди, уларнинг ҳуқуқларини ва шу билан бирга ўз манфаатларини ҳам ҳурмат қилади. У кишиларни ишонтириши, уларга ёрдам бериши ёки хушмуомалалик билан таклифларни рад қилиши, муаммоларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўлини топиши мумкин. Ассертив шахсда инсонларга нисбатан ижобий муносабат ва ўзини ўзи баҳолашнинг адекват, холисона даражаси юзага келган бўлади.

Бироқ, таъкидлаш лозимки, кўрсатиб ўтилган хусусиятлар таълим, дарс жараёнида эмас, кўпроқ инсоннинг ҳаёт тажрибаси ва фаолияти натижасида шакллантирилади. Бундан ташқари, собиқ иттифоқ даврида шахсда ассертивлик хусусиятларини таркиб топтириш тоталитар давлат манфаатларига зид келар эди. Чунки тоталитар давлат тузуми учун фуқароларнинг кўр-кўрона

---

<sup>1</sup> Социально-психологический словарь/ Сост. В. М. Галицкий, О. В. Мельник, В. В. Синявский – К., 2004 – с 110.

<sup>2</sup> Ўша манба, 188-бет.

<sup>3</sup> Социально-психологический словарь/ Сост. В. М. Галицкий, О. В. Мельник, В. В. Синявский – К., 2004 – с 21.

бўйсуниси муҳим бўлиб, шу мақсадда улар онгига болаликдан тобелик, қарамлик инстинкти сингдириб бориларди. Мамлакатимизда таълимнинг инсонпарварлашиб ва демократиялашиб бораётгани иттифоқ давридаги мазкур иллат асоратларининг бартараф этилишига сабаб бўлган эса-да, бироқ ҳамон бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар мавжудлигини ҳам эътироф этиш зарур.

Бошқача айтганда, таълим жараёнида нафақат инсоннинг билим, кўникма, малакаларини такомиллаштиришга, балки ундаги ассертивлик хусусиятлари, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар билан олиб бориладиган тадбирларда, таълим жараёнида танқидий тафаккур, рефлексия ва ассертивликни ривожлантиришга эътибор берилиши, психологик манипуляция ва унинг таъсирини бартараф этиш восита ва усулларига батафсил тўхталганини мақсадга мувофиқ. Маълумотлар, тушунчаларни тақдим этишда кўпроқ интерактив усуллардан, яъни психологик ўйин ва машқлар, мунозаралар, ролли ўйинлар, дебатлардан фойдаланиш лозим. Бу иштирокчиларга нафақат у ёки бу тушунчалар билан назарий жиҳатдан танишиш, балки тренинглар давомида шахсий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда зарур кўникмаларни шакллантиришларига ҳам имкон беради.

Ўсмирлик ва ёшлик даври хусусиятларидан келиб чиқилса, фаол мулоқотга, шахслараро муносабатларнинг ривожлантирилишига интилиш ёшлар учун хос хусусиятдир. Шу нуқтаи назардан кундалик мулоқот, шахслараро ўзаро таъсир хусусиятлари, муомала ҳамда у билан боғлиқ келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари; шахсий муносабат, алоқаларнинг мураккаблиги, чалкашлиги, уларнинг шахс мулоқот доирасидаги кўринишлари, инсон идрокига дахлдор стереотиплар ва субъектив фикр, дунёқарашнинг мулоқотга таъсири масалалари алоҳида тадқиқ этилиши зарурдир.

Қайд этиш жоизки, психологик манипуляция-бошқалар хатти-ҳаракати ва хулқини уларнинг кераксиз комплекслари ва ожиз рефлекслари ёрдамида яширин равишда бошқаришдир<sup>1</sup>. Эркин мулоқот муҳити, ўз фикрлари, қарашларини бошқалар билан

---

<sup>1</sup> Социально-психологический словарь/ Сост. В. М. Галицкий, О. В. Мельник, В. В. Сияевский – К., 2004 – с 115.

ўртоқлашиш психологик манипуляция табиатини, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасининг моҳиятини чуқурроқ тушунишга имкон яратади, мазкур усулни қўллашнинг мақсадга мувофиқ ёхуд номувофиқлиги хусусида мустақил қарор қабул қилинишига олиб келади.

Маълумки, ўқитувчиларнинг педагогик ва тарбиявий хатти-ҳаракатларига доир қарашлар ва муносабатлар хилма-хилдир. Ижобий педагогик таъсир ва ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган манипуляцияни қандай фарқлаш мумкинлиги, улар орасидаги фарқ қай тарзда намоён бўлиши, ўқитувчи томонидан қўлланилган психологик манипуляциянинг салбий оқибатлари нималарда кўриниши, восита мақсадни оқлайдими-йўқми, шу сингари кўплаб саволлар машғулотлар жараёнида талабалар ва педагог томонидан муҳокама қилиниши яхши самара беради, деб ўйлаймиз.

Психологик манипуляция объектив ҳодиса, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисми экан, ёшлар психологик манипуляциядан энг яхши ҳимоя – уни кўра билиш, сеза олиш эканлигини англашлари керак. Ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, маълумотни танқидий идрок этиш малакаларини таркиб топтириш, онга таъсир қилиш мақсадида кўплаб қўлланадиган турли усул ва воситалар билан талабаларни таништириб бориш зарур.

Умуман олганда, ёшларни психологик қарамликдан ҳимоялашда оммавий коммуникация воситаларида тарқатиладиган ахборот материаллари ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, таълим муассалари профессор-ўқитувчиларининг фаолият йўналиши эса талабалар ижтимоий онгига деструктив, салбий ахборот-руҳий таъсирнинг олдини олишга, миллий-маданий анъаналар ва меросни сақлаб қолиш ва уларнинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилиши зарурдир.

Дунёда турли мазмун ва кўринишдаги ахборотларнинг кўплиги ҳамда улар ҳажмининг шитоб билан ошиб бораётганлиги шахсда психологик ҳимоя механизмларини мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантириш заруриятини туғдирмоқда. Номатқбул маълумотларнинг меъёридан ошиқлиги, айниқса, деструктив хусусиятга эга ахборотлардан воқиф бўлиш шахс ёки жамоанинг ўзи яшаётган жамиятга ижтимоий ва психик дезадаптацияланишига, ижтимоийлашувнинг номувофиқ шаклланишига, ҳатто кишиларда турли

психосоматик касалликлар ривожланишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Замонавий илм-фандаги қарашларга кўра, самарали ижтимоий-психологик мослашув субъектнинг ўз психик образларини тез ўзгартириши ва уларни янги пайдо бўлган муҳитга, ахборот оламига мослаштира олиш қобилиятидир. Аммо номувофик ахборотларнинг кўпайиши психика ва хулқнинг издан чиқишига, муайян шахс ва жамоада танглик, ички беқарорлик ҳолатларининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан турли деструктив хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун инсонларда психологик ҳимоя механизмларини ва мос равишда ҳимоя хулқини шакллантириш мақсадга мувофиқ<sup>1</sup>.

Психологик ҳимоя шахс бутунлигига таҳдид солувчи хавотирланиш ва ноқулайлик ҳолатлари, ички ва ташқи зиддиятлар билан боғлиқ салбий, жароҳатловчи кечинмаларни бартараф қилиш ёки камайтиришга йўналтирилган механизмлар тизимидир. Субъектив таҳдид шахснинг ички майллари қарама-қаршилиги ёки ташқи таъсирлар номувофиқлиги туфайли пайдо бўлиши кузатилади. Психологик ҳимоя муаммосини биринчи бўлиб З. Фрейд тадқиқ этган. У мазкур тушунчани жамият томонидан ўрнатилган тақиқлар ёки талаблар ва англамаган майллар ўртасидаги зиддиятни ҳал этиш шакли сифатида талқин қилади<sup>2</sup>. Муаммони ҳал этмаслик эса сурункали характер касб этувчи нохуш оқибатларга олиб келади, оқибатда инсон салбий кечинмалар манбасини бартараф этиш учун вазиятга фаол таъсир этиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидаги психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Сиқиб чиқариш – онгдан номувофиқ майл ва кечинмаларни чиқариб ташлаш;
2. Ажратиш (изоляция)–салбий ҳиссий кечинмалар ва уларнинг манбаларини онгдан чиқазиш ёки «яккалаб» қўйиш;
3. Рационализация – инсон ўз хоҳиш ва ҳаракатлари, хулқини оқилона ва мантиқий асослаши, ижтимоий ва шахсий номувофиқ майлларни уйғотувчи сабабларнинг негизини талқин қилиши;

---

<sup>1</sup> Хаитов А., Қодиров Б., Қодирова А. Шахсда психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш. «Ўқув – тарбия ишлари самарадорлигини оширишда таълим муассасаларининг ҳамкорлигини модернизациялаш» мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари тўплами. –Т. 2012. –Б 32-34.

<sup>2</sup> Freud S. The defence nearo-psychoses // The collected Papers: in 10 v. – N.Y.: Collier Books, 1963. – v.2. – P. 67–81.



4. Рад этиш – салбий воқеликнинг келиб чиқиш манба ва оқибатларини билган ҳолда уни қабул қилишни хоҳламаслик орқали ҳимояланиш;

5. Сублимация – турли меъёрларга мос келмайдиган ички хоҳиш ва кучни жамият томонидан қабул қилинган ижтимоий маъқулланган фаолият шаклларига йўналтириш (бу кўпроқ спортчилар ва ижодкорларга хос хусусият);

6. Аввалги хулқ кўринишига қайтиш – салбий воқелик таъсирига тушган ҳолатда унинг жароҳатловчи кечинмаларидан қочиш учун пассив ҳолатга ўтиш ёки фаолият жадаллиги даражасини пасайтириш орқали аввалги хулқ ва фикрига қайтиш;

Ушбу психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш натижасида номувофиқ ахборотларнинг салбий таъсиридан ҳимояланиш, шахс хотиржамлигига эришиш мумкин ва бу ўз навбатида давлат ҳамда жамият барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат этади.

Шахснинг психологик ҳимояси мураккаб, кўп даражали ижтимоий, ижтимоий-психологик ва индивидуал-шахсий механизмларнинг мавжудлигида намоён бўлади<sup>1</sup>. Шахс психологик ҳимоясининг шаклланиши, фаолият кўрсатишининг баъзи йўналишлари ва асосий даражаларининг тадқиқи ўз навбатида унинг тизим сифатида характерини тасаввур қилишга имкон беради. Шахс психологик ҳимоясини ташкил этишнинг 3 та асосий йўналиши мавжуд. Булар:

I. Ижтимоий (жамият миқёсида) йўналиш.

II. Ижтимоий-психологик (турли ижтимоий ва ижтимоий ташкилотлар доирасида) йўналиш.

III. Индивидуал – шахсий йўналиш.

Ижтимоий даражадаги психологик ҳимоя ўзаро таъсир жараёнида ахборотни қайта ишлаш ва баҳолаш, турли усул ва воситаларни қўллаш ҳамда ахборот оқимларини бошқариш воситасида амалга оширилади. Бу йўналишда шахс психологик ҳимоясининг субъектлари сифатида, ижтимоий институтлар фаолияти мисолида давлат ва жамият фаолият кўрсатади.

Ижтимоий гуруҳ даражасидаги психологик ҳимоя гуруҳ ичида ахборот оқимлари ва манбаларидан фойдаланиш ҳамда тарқатиш

---

<sup>1</sup> Самаров Р., Қодиров У. Шахснинг психологик ҳимояси – барқарорликни таъминлаш асоси. //Таълим муаммолари. 2010 йил 1-сон, -Б 33-35.

воситасида амалга оширилади. Шунингдек, аниқ ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлар учун хос бўлган ўзаро таъсир, ахборотни қайта ишлаш ва баҳолаш усулларида фойдаланишда ҳам психологик ҳимоя кўзга ташланади. Ушбу даражада шахс психологик ҳимоясининг субъекти сифатида гуруҳлар ва ташкилотлар (оила, ишлаб чиқариш, ижтимоий, сиёсий, диний ва бошқа ташкилотлар) намоён бўлади.

Индивидуал - шахсий даражада психологик ҳимоя хулқнинг ҳимоя воситалари, алгоритмлари ва регулятив тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Шахс хавфсизлигини таъминлаш жараёнида унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсонни ўраб турган ижтимоий муҳитдаги негатив вазият ва унинг таъсири асосида ижтимоийлашув жараёнининг мақсадга мувофиқ кечмаслиги билан боғлиқ ҳолатларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотчилар А.Тарас, Г.Грачев, Е. Цветковаларнинг таъкидлашича, шахс инқироzi, тубанлашишига ижтимоий муҳит билан боғлиқ бўлган турли салбий омиллар таъсир кўрсатиши мумкинки, уларни муайян бир илмий - фалсафий тузилмага асосан гуруҳлаштирса бўлади. Бу ўз навбатида шахс маънавий камолотида салбий таъсир кўрсатадиган сабабларни аниқлашга имкон яратади. Шахс асоциализациялашуви киши ижтимоий, психологик жиҳатларига таъсир кўрсатади, инсонда деформациялашган ҳолатларнинг меъёрга айланиб, жамият, омма томонидан қабул қилинган меъёрларнинг тан олинмаслигига олиб келади. Ижтимоийлашувнинг бузилиши эса шахс кадриятлари, дунёқараши, эътиқодидаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ бўлади. Асоциал типдаги шахс учун кадрият, қахрамон, идеал, ҳаётий мақсадлар сифатида аксилижтимоий характерга эга аниқ бир шахс, ҳодиса ва вазиятлар устувор бўлиб, уларда ҳуқуқий, ижтимоий меъёрларга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этиш жараёнида ички зиддиятлар келиб чиқмайди, негаки улар ўз қилмишларининг тўғрилигига ишонадилар.

Очиқ ахборот тизими шарт-шароитида ёшлар онгига таъсир этаётган деструктив ғояларга қарши ҳимоя воситаларини фаолиятда қўллаш жараёнида ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ҳам ўрганиш лозим. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг муҳим жиҳатлардан бири муайян сабаб асосида ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш хислатларининг намоён бўлишидир. Агар психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан

келиб чиқиладиган бўлса, бу шахс ички кечинмаларини ифода-ловчи шундай хусусиятки, унда одам ички рухий мўътадиллик, мувозанатни сақлаш учун ўзидаги хавотирланиш, кўрқув ва ҳадиксираш ҳисларини босишга, улардан халос бўлишга интилади.

Психологик ҳимоя шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик ноқулайликларни бартараф этишга хизмат қилади. Шахснинг ижтимоий мослашмаслиги айрим бошқа жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Масалан, шахс ҳиссиётга берилувчан, хатти-ҳаракатлари импульсив, тартибсиз бўлса унинг ўз-ўзини бошқариш соҳасида бузилиш юзага келади. Мазкур ҳолатлар, ҳиссий босимнинг доимий равишда мавжуд бўлиши эса муваффақиятсизликлар, эмоционал портлаш, тажовуз, психологик беқарорлик ва охир-оқибатда ижтимоий чегарадан чиқиш, оғиш ҳолатларини юзага келтиради. Бундай ҳолат кўпинча ўзи ва оиласига тегишли яшаш шароитини яратиб бера олмаган шахсларда кузатилиши мумкин. Доимий қониқмаслик ҳисси жамоа ва жамият доирасида намоён бўладиган хавфли хатти-ҳаракатларга олиб келади. Мазкур ҳолат, яъни ижтимоий девиация (оғиш) жамият хавфсизлиги даражасида ўрганилиши, муҳокама этилиши лозим.

Хавфсизлик – объектнинг ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, бунда барча таҳдидлар таъсирининг меъёрий даражадан ошиб кетмаслиги тушунилади. Хавфсизлик икки йўл билан амалга оширилади:

- хавфнинг юзага чиқиш мумкинлигини (эҳтимолини) камайтириш орқали;

- хавф таҳдид солаётган объектларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш (кўнгилсиз воқеаларнинг юзага келишида зарарни камайтириш) орқали.

Хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифаси таҳдидни шарт бўлган даражагача камайтиришга қаратилган. Буни жамият миқёсида кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, жамият хавфсизлиги, даставвал унинг барқарорлиги, маънавий, моддий қадриятлари, ижтимоий фаровонлиги, фуқароларнинг эркинлиги асосий қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар негизида таъминланганлигида ифодаланади. Жамият хавфсизлигини таъминлаш борасида айрим соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- миллатлараро ҳамда конфессиялараро, фуқароларнинг тотувлигини таъминлаш;

- миллий анъаналар ҳамда миллат характериға монанд демократик институтларни ва фуқаролик жамиятини барпо этишни таъминлаш;

- аҳолининг ижтимоий фаоллиги, сиёсий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;

- мамлакат ёшларининг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини кучайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга жорий этиш;

- давлат устидан жамият назоратининг самарали механизмларини бунёд этиш, ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолият юритиши учун етарли шарт-шароитларни таъминлаш;

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш учун муҳим тадбирларни давлат даражасида ишлаб чиқиш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантириш;

- миллий-маънавий ўсишни, миллий ўзликни англаш учун замин яратиш;

- жамиятда маънавий, ахлоқий, психологик маданиятни янада ривожлантириб, демократик қадриятларни шакллантириш;

- жамиятнинг ақлий, маърифий ва маданий салоҳиятини ривожлантиришда барча институтларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

- жамиятнинг асосий бўғини – оилани ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудда барқарор экологик вазият яратиш, аҳолининг жисмоний, маънавий ва психологик саломатлигини таъминлаш.

Умуман олганда, ижтимоий-психологик жиҳатдан шахс хавфсизлиги ҳамда бу борада юзага келиши мумкин бўлган хавф-тахдидлар ички ва ташқи таъсирлар воситасида пайдо бўлади. Уларни қуйидагича қайд этиш мумкин:

- шахс хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий муҳит (турли фавқулодда вазиятлар, жиноий муҳит, ишсизлик ва ҳ.к.);

- шахснинг салбий индивидуал-психологик хусусиятлари таъсирлари асосида бошқалар учун хавф туғдириши (масалан, телефон терроризми, садизм, олдиндан ўйланмаган тажовузлар ва ҳ.к.);

- шахснинг ижтимоий-психологик сифатлари (содаллик, ишонувчанлик ва б.қ.) таъсирида ўзи учун хавфни юзага келтириши

(ўз жонига қасд қилиш, баъзи деструктив гуруҳлар алдовининг қурбонига айланиш ва ҳ.к).

Бу фақат шахс хавфсизлиги доирасида намоён бўладиган ҳолатлар бўлиб, у жамият ва давлат хавфсизлигига ҳам таъсир ўтказади. Чунки, барқарорликнинг учинчи даражаси (биринчи даражаси сиёсий бошқарув, иккинчи даражаси сиёсий тузум ҳисобланади) шахс хавфсизлигининг таъминланганлигидир. Айнан шу учинчи даража мамлакатда барқарорликнинг таъминланганлигини кўрсатиб, барқарорликни давлат ва жамият даражасида таъминлашнинг галдаги вазифаларини белгилаб беради.

Хавфсизликнинг таъминланишида шахс хавфсизлиги масаласи асосий ўринни эгаллайди. Шахс хавфсизлигини таъминлашда тизимли ёндашиш, зарурий ҳимоя усул ва воситаларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бир неча йиллик илмий тадқиқотларимиз натижалари асосида ишлаб чиқилган **«Шахс хавфсизлигини таъминлаш модели»дан** фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтамиз. Мазкур модель бир қатор қулайликларга эга бўлиб, назарий жиҳатдан тизимни такомиллаштириш, эҳтимолли таҳдидларни конструктив йўналишга солиш имкониятини беради, шахс хавфсизлиги назариясини бойитишга хизмат қилади. Амалий жиҳатдан эса барқарор ижтимоий тараққиётни таъминлашда маънавий, ахборот-психологик, мафкуравий, маданий таҳдидлардан ҳимоялашни мазмунан бойитиш имкониятини яратади. Модель қуйидаги кўринишга эга: **«Шахснинг умумий тавсифи→Жисмоний, маънавий ва психологик саломатлигига етказиладиган зарарлар тавсифи→Шахснинг бошқа субъект (объект)лар билан алоқаси→Шахс хавфсизлигини таъминлаш учун мавжуд шарт-шароитлар тавсифи→Шахс хавфсизлигини таъминлашда институционал тарзда ҳамкорликнинг таъминланганлиги → Шахс хавфсизлигини таъминловчи субъектларнинг фаолияти→Шахс хавфсизлигини таъминлаш жараёни = Шахс хавфсизлиги»**.<sup>1</sup>

Шахс хавфсизлигини мазкур модель асосида ўрганишнинг амалий аҳамияти шундаки, бунда реал ҳодиса ва жараёнларни турли даража, ҳолат, шароитларда аниқ илмий услублар ёрдамида ўрганиш, уларни бошқариш жараёнини (зарарсизлантириш,

---

<sup>1</sup> Глобаллашув шароитида шахс хавфсизлиги муаммолари //» Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари (1-китоб). –Тошкент, Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. –Б 36-39.

бартаф этиш, чегаралаб кўйиш, тўхтатиш ва йўқ қилиш) мукам-маллаштириш, олинган натижаларни бевосита шахс хавфсизлигини таъминлашнинг тегишли соҳасида қўллаш имкони яратилади. Шу билан бирга назария ва амалиёт бирлиги таъминланадики, охириги йилларда бу масала фанда долзарб муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Жамият ва давлат хавфсизлиги жамиятдаги ижобий ўзгаришлар ва ижтимоий тартибнинг кафолати сифатида юзага чиқиши билан бир вақтда, хавфсизлик элементларининг иерархиясида, ижтимоий барқарор демократик давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи тушунчалардан биридир. Хавфсизликнинг шу тарзда муҳокама этилиши юзага келаётган, келиши мумкин бўлган ёки сўниб бораётган таҳдидларнинг табиатини, хусусиятларини ўрганиш, хавфсизликни таъминлаш стратегиясини жорий этиш учун шароит яратади.

Бугунги кунда хавфсизлик объекти ва предметига оид қатор илмий категориялар пайдо бўлган бўлиб, баъзи муаллифлар хавфсизликни ўрганадиган алоҳида «Секюритология» фани бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтганлар. Бизнингча, хавфсизлик, бу – фанлараро илмий тадқиқот объекти бўлганлиги сабабли, унга турли фанларнинг илмий таълимотлари ва услубларидан фойдаланилган ҳолда, тадқиқот предметининг характерида келиб чиқиб ёндашиш талаб этилади. Шунинг учун хавфсизликни тадқиқ этиш методологияси масаласига алоҳида эътибор қаратиш, амалий психологик нуқтаи назардан, яъни шахсни турли ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимоялашда таҳлил этилаётган масаланинг назарий аҳамиятдан кўра кўпроқ амалий аҳамият касб этишини инобатга олишимиз лозим бўлади.

Мамлакатда хавфсизликни таъминлаш тизимини шакллантиришнинг бош мақсади шахс, давлат ва жамиятнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, фуқароларнинг ҳаётини муҳим эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тизим ҳамда турли институтларнинг барқарор фаолият юритишини таъминлашдан иборат. Хавфсизлик тизим сифатида шахс, давлат ва жамият доирасида ижтимоий, иқтисодий сиёсий, маънавий, ахлоқий, экологик, ҳудудий ва чегара муаммоларини белгилаб, уларни ечиш усул, воситаларини аниқлаб бериш ҳамда мамлакатда мавжуд барча

салоҳиятни (интеллектуал, ҳарбий ва б.қ.) ушбу стратегик вазифаларни бажаришга йўналтиришдан иборат<sup>1</sup>.

Жамият хавфсизлиги даставвал, унинг ижтимоий барқарорлиги ва иқтисодиётининг хавф-хатарсиз ривожланиши, ижтимоий ҳаётнинг турли тармоқларига оид мавжуд ижтимоий сиёсатнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб, психологик нуқтаи назардан жамият хавфсизлиги тизимининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- жамиятнинг ҳаётий муҳим эҳтиёжларини ҳимоя қилиш;
- жамиятни турли ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш;
- жамиятни маънавий, сиёсий, маданий, иқтисодий экспансия (хуруж)лардан ҳимоялаш;
- жамиятда турли оғишларнинг ифодаланишига йўл қўймаслик;
- жамият аъзоларини бирлаштирувчи умумий мақсадлар (миллий ғоя, орзу ва интилишлар) ривожланиши учун замин яратиш;
- зарурий ижтимоий қатламларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш;
- жамиятда ўз-ўзини бошқариш институтлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш.

Хавфсизликни таъминлашнинг турли жиҳатлари мавжуд бўлиб<sup>2</sup>, хавфсизликни ташкил этиш концепцияси нуқтаи назаридан улар сирасига методологик, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий ва техник жиҳатларни киритиш мумкин. Хавфсизликни бу тарзда таҳлил этиш уларни тавсифлаш ҳамда баҳолашга имкон яратади.

Хавфсизлик ўз навбатида халқаро ва миллий хавфсизликка бўлиниб, халқаро хавфсизлик - глобал ва минтақавий хавфсизликни, миллий хавфсизлик эса, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ўз ичига қамраб олади. Баъзи адабиётларда<sup>3</sup> миллий хавфсизликка «худуд» ва «ишлаб чиқариш бирлашмалари» хавфсизлиги тушунчалари алоҳида тарзда киритилган. Ваҳоланки, худуд ва ишлаб чиқариш бирлашмасининг хавфсизлиги бевосита давлат хавфсизлиги доирасида амалга оширилиши инобатга олинмаган (1-расм).


---

<sup>1</sup> «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш тажрибаси ва илмий-назарий асоси» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, Тошкент, 2010 йил. -Б 61-64.

<sup>2</sup> Бу хусусда қаранг: Самаров Р. Жамият ва Куролли Кучлар феминизациялашуви. – Тошкент: «Фан», 2008.- Б 89.

<sup>3</sup> Экономическая и национальная безопасность // Учебник. – М: «Экзамен». 2005. - С. 19.

## Хавфсизлик таснифи



Хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Хавфсизликнинг фалсафий, социологик, психологик, сиёсий, иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий, ҳарбий ва техник жиҳатлари мавжудлигини инобатга олиб, унинг соҳалараро тадқиқот объекти эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ҳар қандай мамлакат тинчлик ва барқарорликни таъминлашни ўз сиёсатининг устувор йўналиши деб белгилаб, уни амалга ошириш учун мавжуд салоҳиятлардан мақсадли фойдаланади. Бунда психологик таъсир кўрсатишдан ҳам фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Психологик таъсир кўрсатиш ўз концепциясига эга бўлиб, бунда шахс ва ижтимоий муносабатлар назарияси, хавфсизликни таъминлаш, таҳдидларни аниқлаш ва жавоб қайтариш каби йўналишларга таянилади. Психологик таъсир кўрсатишни амалга оширишда минтақавий, этномаданий, этнопсихологик, диний ва бошқа омиллар инобатга олиниши зарур.



Психологик таъсир кўрсатиш аниқ бир объектга йўналтирилганлиги билан ажралиб, ҳудуд ва давлат сиёсати нуқтаи назаридан ички ва ташқи психологик таъсир кўрсатиш сингари турларга бўлинади.

**Ички психологик таъсир кўрсатиш.** Таъсир кўрсатишнинг мазкур тури давлат стратегиясини амалга ошириш ва установа-ларни шакллантириш мақсадида, умумий ижтимоий фаолликни амалга ошириш учун олиб борилиши мумкин. Бунда аҳолини бошқариш мақсадида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тусга эга бўлган тадбирлар жорий этилиб, жамоатчиликнинг диққат-эътибори мамлакатда мавжуд муаммоларни (ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий ва б.) конструктив ҳал этишга қаратилган бўлади ва асосий мақсад мамлакат тараққиётини, барқарорлигини таъминлашга йўналтирилади.

**Ташқи психологик таъсир** кўрсатиш давлатнинг ташқи сиёсат концепцияси асосида ташкил этилиб, халқаро майдонда мамлакатнинг нуфузини кўтаришга, турли даражаларда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун замин яратишга қаратилади.

Бунда оммавий ахборот воситалари, интернет, радио ва телевидение, фильм ва рекламалар, хабар ва мақолалар, кўнгилочар дастурлар, интервью кўринишида иш олиб борилади. Шунинг учун, аҳолини турли психологик ҳужумлардан ҳимоялаш механизмини яратиш масаласи ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради.

Ҳар қандай жамиятда салбий унсурларнинг мавжудлигини инобатга олсак, ушбу йўналишларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Барқарорликка хавф соладиган таҳдидлар мамлакат ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маърифий, маънавий, экологик, ҳарбий, ижтимоий, демографик соҳаларига йўналтирилган бўлиши мумкин. Шу боис, маънавий иммунитетнинг етарли даражада шаклланганлиги ҳар қандай таҳдидларни зарарсизлантиришга асос бўла олади, деб ҳисоблаймиз. «Маданияти ва маърифати ривожланган миллат ўз манфаатларини англаши мумкин ҳамда уни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қила олади»-деб файласуф олим С.Отамуратов жуда ўринли таъкидлаган<sup>1</sup>. Бугунги кунда маданият, маънавият соҳаларидаги таҳдидлар сони ошиб бориши билан бирга, уларнинг характери ҳам мураккаблашиб

---

<sup>1</sup> Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: «Янги аср авлоди», 2008. –Б.124.

бормоқда. Чунки инсонга ҳавола этилаётган ахборотлар кўпайиб, ҳаттоки бадиий ижод намуналарида ифодаланаётган ғоялар ҳам бунёдкор ёки вайронкор вазифаларни бажаришга йўналтирилмоқда. Маънавий таҳдид, маданий экспансия сифатида АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган айрим фильмларни, яратилаётган бадиий асарларни кўрсатиб ўтиш мумкинки, улар орқали номақбул хулқ-атвор, ҳаёт тарзи турли қаҳрамонлар сиймоси воситасида тарғиб этилмоқда.

Психологик таъсир кўрсатиш жисмоний йўқотишларнинг йўқлиги, иқтисодий жиҳатдан арзон бўлиши, таъсир доирасининг кенглиги каби жиҳатлари билан ажралиб туради. Психологик урушнинг асосий деструктив вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳокимиятга нисбатан аҳоли ишончсизлигини уйғотиш;
- аҳолининг давлат стратегиясини амалга оширишдаги иштирокини камайтириш;
- кишиларнинг ўзига ишончини, шахсий мустақиллигини сусайтириш;
- давлат раҳбарлари ва ҳукумат аъзоларини обрўсизлантириш;
- салбий хулқ-атвор намуналарини оммавийлаштириш;
- мафкуравий иммунитетнинг шакллантирилишига монелик қилиш;
- ёт ғояларни аҳоли онгига сингдириш;
- «замонавий инсон» сиймосини шакллантириш ва бошқалар.

Сир эмаски, бугунги кунда жамиятнинг турли соҳаларида психологик таъсир кўрсатишнинг баъзи кўринишлари намоён бўлиб келмоқда. Бу кўпроқ жамият маънавий ҳаётида учраб, бевосита ижтимоий ҳаёт тарзи билан боғланган ҳолда амалга оширилмоқда. Шунинг учун психологик ҳимоя механизмини тизимлаштириб, унинг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳа ходимлари, мутахассислар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Психологик таъсир кўрсатиш **конструктив** ёки **деструктив** мақсадни кўзлаган бўлмасин, аниқ бир йўналиш ва режа асосида олиб борилади. Миллий манфаатлар нуқтаи назаридан биринчисининг асосий ғояси жамият ҳаёти барқарорлигини таъминлашга, кейингиси эса барқарорликка путур етказишга қаратилган бўлади.

Психологик ҳимоянинг мустаҳкамлик даражаси куйидаги кўрсаткичларнинг кучли ёки паст даражада ифодаланганлиги билан белгиланиши мумкин, деб ҳисоблаймиз:

- аҳолининг сиёсий билимдонлик савияси;
- аҳолининг ижтимоий фаоллиги;
- жамият ҳаётининг маънавий соғломлиги;
- аҳолининг руҳий тетиклиги;
- ватанпарварлик тарбияси;
- аҳолининг давлат сиёсатига доир маълумотлардан етарли даражада хабардорлиги;
- фуқароларда қонунларга нисбатан итоаткорликнинг шаклланганлиги;
- «ҳоқимият - фуқаро» муносабатларининг барқарорлиги;
- психологик маданиятнинг шаклланганлиги ва ҳ.к.

Хуллас, психологик хавфсизлик тизим сифатида ўз категориялари, тамойиллари ва вазифаларига эга бўлиб, хавфсизлик соҳасида алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг таъминланганлиги шахс даражасида сиёсий, мафкуравий етукликни, турли ғоялар таъсирига берилмасликни ифодаласа, жамият ва давлат доирасида тараққиётни, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар доирасида ягона мақсад - ривожланиш сари ҳамкорлик барқарор кечишини назарда тутди.

### **3.2. Оилада аксилтеррористик қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган психологик амалиёт**

Ҳозирги вақтда олимлар, таҳлилчилар томонидан терроризмга берилган 200 дан ортиқ таъриф бўлса-да, ҳали уларнинг бирортаси яқдил равишда умумэътироф этилмаган. Мазкур жиҳат терроризм ҳолатининг бир томондан кенг қамровлигидан далолат берса, иккинчидан турли давлатлар ва халқаро даражадаги субъектив характердаги уни тавсифловчи омилларнинг мураккаблигини англатади.

Россиялик тадқиқотчи Д.В.Ольшанскийнинг фикрича, «...терроризм ўз шафқатсизлиги, мақсадга изчил интилувчанлиги ва ташқи томондан етарли даражада самарадорлиги билан ажралиб

турувчи зўрлик ишлатиш, айниқса сиёсий зўрлик ишлатишнинг алоҳида шаклидир».<sup>1</sup>

Ҳозирги замон ҳуқуқшунослик йўналишидаги илмий адабиётларда терроризмга берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, терроризм (лотинча terror - даҳшат, кўрқув) муайян шахслар, кишилар гуруҳи ёки объектларга нисбатан сиёсий, иқтисодий, мафкуравий манфаатларни кўзлаб, кўрқув, саросима муҳитини яратган ҳолда зўравонлик ёхуд таҳдид воситаларини қўллашдир.

Тадқиқотчилар терроризм вужудга келиш сабаблари ва мотивациясининг икки жиҳатига эътиборни қаратадилар. *Биринчиси*, айрим инқирозий ҳолатларнинг психик инъикос нуқтаи назаридан жамият психологик ҳолатида акс этиши; *иккинчиси*, реал террористик фаолият мотивациясини психологик тадқиқ этиш натижалари. Бу икки йўналиш таҳлили натижаларини қиёсий таққослаш жамиятда теороризмнинг шаклланиши, ривожланишини таҳлил қилиш, унинг олдини олиш чора-тадбирлари, профилактикасини амалга ошириш бўйича маълум бир қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Терроризм мотивациясини ўрганган кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, террорчилар орасида яққол кўзга ташланадиган психологик патология кўп учрамайди. Унинг ўрнига шахсни террорчилик фаолияти билан шуғулланишга ундаш мотиви сифатида муҳим ўрин тутадиган қуйидаги характер хусусиятларини таъкидлаб кўрсатадилар: доимий намоён бўлиб турадиган тажовузкор хулқ воситасида ва проекция ёрдамида ўз «Мен» ини доимий равишда диққат-эътиборни кучли даражада қаратиш; етарли даражада шаклланмаган шахс тузилмаси, ўзини ўзи баҳолашнинг қуйи даражаси, шахс инқирози унсурларининг мавжудлиги; гуруҳга интилиш ёки муайян гуруҳ таркибида бўлишга кучли хоҳишнинг ифодаланиши; муайян ижтимоий адолатсизлик, ноҳақликни бошдан кечириш натижасида ўзининг муваффақиятсизликлари учун қасос олиш мақсадида хатти-ҳаракатлари йўналишини жамиятга қарши қаратиш; ижтимоий маҳдудлик, ўзини жамиятдан ажралиб қолган каби ҳис этиш, ёрқин келажак, истиқболни кўрмаслик ва ҳ.к.

---

<sup>1</sup> Ольшанский Д.В. Психология терроризма. СПб: Издательский дом. «Питер», 2002. – С.193-194.

Бирок, бу хислатлар мавжуд кишиларнинг барчаси ҳам террорчи бўлиб етишавермайди. Шахснинг террористик гуруҳларга аъзо бўлишида сиёсий-мафкуравий мотивлар асосий аҳамият касб этади. Шу билан бирга тор доирада бўлса-да ўзининг гуруҳ аъзолари билан биргалигини, «керак»лигини ҳис қилиш билан боғлиқ психологик омилларнинг ҳам тутган ўрни каттадир.

Террорчилик гуруҳига аъзолик психологик нуқтаи назардан маълум даражада шахсдаги норасолик комплексининг ўрнини қоплайди, ижтимоий-психологик мансублик туйғусини уйғотади. Бу ҳолат инсонда тегишли қадриятлар ва хулқ-атвор стереотипларини шакллантиради, нотўғри бўлса-да, яшаш мақсадини белгилаб беради, киши ўз имкониятларини намоён қилаётганини «англаб» этади.

Психологлар гўдаклигидан ўзини ўзи баҳолаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келган кишиларнинг террорист бўлиши эҳтимоли анча юқорилигини таъкидлайдилар. Террористик гуруҳ билан идентификациялашув бундай кишиларга салбий, негатив бўлса ҳам, маълум бир ижтимоий ролни тақдим этади. Таъкидланганидек, гуруҳ билан алоқани, муносабатларни узишнинг деярли иложи бўлмайди, зеро бу ўзини ўзи психологик жиҳатдан ўлдириш билан баробардир. Террорчининг мулоҳазаларини таъбир жоиз бўлса, айрим муваффақиятсиз никоҳдаги аёлларнинг мулоҳазаларига ўхшатиш мумкин. Яъни улар, «турмуш қилмай бу дунёда ўтгандан кўра, ёмон бўлса ҳам эрим бор-ку» деб ўзларини ўзлари овутадилар. Террорист учун ҳам ўзи мансуб деструктив ташкилотни ташлаб кетиш ўзлигини йўқотиш билан тенгдир. Чунки унинг илгариги ўзини ўзи баҳолаш даражаси шу қадар қуйи бўлганки, энди яна ўша ҳолга қайтишни сира истамайди. Авторитар, жиноий гуруҳларнинг қаҳри каттик, золим аъзолари террорист бўлиб етишади, деган фикр хатодир. Бундай гуруҳларга аъзо бўлиш орқали улар авторитаризм, золимликдан қўрқиш ҳиссини бекитадилар, ундан ҳимояланадилар. Айни пайтда гуруҳга нисбатан кўрсатилган ҳар қандай қарши ҳаракатни ўзларига йўналтирилган тажовуз сифатида қабул қиладилар. Шунга мос равишда ташқи ҳар қандай қарши хатти-ҳаракат гуруҳ аъзоларининг жипслашувига олиб келиши мумкин.

Терроризм профилактикасини амалга ошириш жараёнида бир жиҳатни унутмаслик керак. Терроризм мафкураси билан мияси тўйинган, захарланган кимса ҳеч қандай мантикли далил, асос,

исботни тан олмасликка ҳаракат қилади. Унинг учун дунё фақат оқ ва қора рангларга, яхши ва ёмон категорияларга, ўзиники ва бегоналарга ажралган. Бундай мантиқ, мушоҳада террористни ўзи душман деб билган жамият ва ким бўлишидан қатъи назар ҳар қандай инсонга аёвсиз зарба беришга ундайди. Душман кимлигини эса гуруҳ раҳбарлари аниқлаб берадилар. Улар мўлжални ҳам, ҳужум қилиш усули, воситаларини ҳам террорчига кўрсатиб қўйишади.

Терроризм муаммолари билан шуғулланаётган олимлар фикрларига кўра, ижтимоий жиҳатдан ўта фаол инсоннинг ғоялари билан жамият қизиқмаса, уларни асосли рад этмаса ёки қабул қилмаса, бу фаол шахс осонлик билан фанатик, мутаассибга айланиши мумкин. Ҳар қандай жамият учун (бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиз учун эса-ку, инчунин) меъёрадаги ижтимоий фаоллик ҳамда меъёрий ижтимоий тажовузкорликнинг қандай шаклланаётганлиги, ривожланаётганлиги ва қай ўзганга йўналаётганлигини кузатиб бориш, таҳлил қилиш стратегик жиҳатдан жуда муҳимдир. Зеро, агар юқоридаги ҳолатлар бўйича ўз вақтида мақсадга мувофиқ чора-тадбирлаб белгиланиб, амалга оширилмаса, фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжлари адекват қондирилиб, аҳамиятли мақсадларга йўналтирилмаса, маргиналлашув юз бериши, тажовузкорлик ёхуд айримачилик характеридаги ҳолатлар намоён бўлиши эҳтимоли мавжуддир.

Ҳозирги вақтда яхши маълумки, фақат куч ишлатиш йўли билан терроризмни бартараф этиб бўлмайди. Маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилган фаолиятгина терроризм профилактикасини амалга оширишда энг самарали натижа бериши мумкин.

Терроризмнинг мотивлари, мақсадлари қандай бўлишидан қатъи назар, ахлоқий дунёқараш нуқтаи назаридан ҳеч қайси «юксак мақсад», «олий ният» бегуноҳ инсонлар ҳаётига тажовузни оқлай олмайди. Юқорида таъкидланганидек, терроризмнинг ҳақиқий мақсади, мотивацияси, моҳияти терактлар буюртмачилари ва ижрочиларининг энг қуйи даражадаги ўзини ўзи баҳолаш ҳолати ва ўтакетган худбинлигида намоён бўлади. Агар бунга кўпинча террорчиларнинг энг оддий тарбия унсурларидан беҳабарлиги, маълумотсизлиги, умуминсоний ва маънавий қадриятларга нисбатан ҳурматсизлиги, шунингдек, бошқалар билан мулоқотда албатта

низога бориши ҳам қўшилса, террорчининг психологик қиёфаси маълум бўлади.

Экстремизм ва терроризмнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёга солаётган хавфи нуқтаи назаридан терроризм мафкураси профилактикаси аниқ бир киши мисолида қанча илгари бошланса, шунча яхши самара беради.

Жамиятнинг психологик ҳолати таҳлили турли ижтимоий, этник гуруҳлардаги ҳиссий-психик йўналганлик (ижтимоий-психологик иқлим, атмосфера) фуқароларнинг ҳаёт, ўтмиши ва келажагига муносабат характериға, ижтимоий-сиёсий воқеликни идрок этишиға, хулқ-атвор хусусиятларининг таркиб топишиға катта таъсир кўрсатишини исботлайди.

Барча жамиятларнинг умумий психологик, психик ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларға асосан, суицид ҳолатлари, невроз, психоз ҳолатлари статистикасини ҳамда психик эпидемиялар фактларини киритиш мумкин.

Психологик нуқтаи назардан жамият аъзоларининг умидлари, оптимистик қарашлари доимий равишда мустаҳкамланиб борганда экстремистик кайфиятлар таъсириға тушиш ҳолатлари кескин равишда камаяди. Бу дегани, жамият ҳаётининг барча соҳаларида эришилаётган муваффақиятларни кенг халқ оммаси онгига етказиш демакдир.

Экстремизм ва терроризм муаммоси инсоннинг қайси мамлакатда яшаши, унинг ўзи ёки яқинлари бу иллат билан тўқнашган ёки тўқнашмаганлигидан қатъи назар, барчани ташвишға солаётган масалалардандир. Терроризм доимо йўқотиш, қаҳр-ғазаб, алам ҳисларини туғдиради, бегуноҳ инсонлар, аёллар, гўдақлар, қарияларнинг ноҳақ тўкилган қонига, кўз ёшларға сабаб бўлади. Айни ҳолат эса ҳар бир онгли фуқарони бундай жирканч иллатнинг олдини олиш борасида ўйлашға мажбур қилиши зарур.

Глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги даврда психологлар, педагоглар, ота-оналар, маҳалла фаоллари учун ёшларда аксилтеррорчилик руҳидаги ижтимоий онгни шакллантириш, мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш, бу борадаги янгидан янги методикалар, технологиялар, усулларни амалиётда самарали қўллаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таълимий характерға эға бўлган турли тадбирларни амалға оширишда фаолиятға, шахсға йўналтирилган ёндашув қатнашчи-

ларида айнан оиланинг инсон ўзини ўзи англаши, асосий ҳаётий кадриятлари шаклланишида муҳим ўрин тутиши хусусида тасаввурлари мустаҳкамланишини кўрсатди.

Айни кундаги воқеликни таҳлил қилиш борасида олиб борилаётган ижтимоий тадқиқотлар, социологик сўровлар натижалари амалга оширилиши лозим бўлган маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаб бермоқда. Хусусан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълим муассасаларида ўтказилган сўров натижаларининг таҳлили ёшларда ислом динига нисбатан қизиқиш борлиги баробарида диний-маърифий ва ғоявий тарбия соҳасида жиддий эътибор талаб қиладиган муаммолар мавжудлигини ҳам намоён этган<sup>1</sup>.

Унга кўра, ёшларнинг аксариятида (52,2%) ислом динини чуқур ўрганиш истаги бор. Уларнинг 10% шахсий ҳаётларида дин жуда муҳим ўрин тутиши ва оила аъзоларининг барчаси диндор эканини эътироф этишган. Диний билим манбаи сифатида улар кўпроқ яқин қариндошлари (55,6%) ва махсус адабиётларни (16,9%) кўрсатганлар.

Диний-экстремистик ғояларда азалдан муайян тушунча, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан ўша ғоя тарафдорларида бефарқлик психологиясини шакллантириш устувор вазифа қилиб белгиланади. Ҳозирги вақтда ҳам бундай усуллардан фойдаланиш давом этмоқда. Мисол учун, «Ҳизб ут-таҳрир» оқими ғояларига берилиб қолган ёшлар билан суҳбат уларда ватан туйғуси бегоналигини кўрсатади. Зеро, «Ватан деганда нимани тушунасиз?», деган саволга уларнинг кўпчилиги «Ер юзи биз учун ватан» деган жавобни беришади. Чунки, уларга мана шундай космополистик руҳда таълим берилади.

Асосан, диний ақидапарастлар таъсирига на диний, на дунёвий билими бўлган ёшлар берилмоқда. Ўрганиш натижалари уларнинг 90% дан ортиқ қисмини олий маълумотга эга бўлмаган ёшлар ташкил қилишини кўрсатди. Уларнинг онгига «оддий мусулмонлар Қуръон ва Ҳадисдан ўзларича ҳукм чиқара олмайдилар, шунинг учун улар мужтаҳид уламолар муқаддас

---

<sup>1</sup> «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан «Ўқувчининг касбий йўналиши, дунёкараши, ижтимоий фаоллиги» мавзуида ўтказилган социологик сўров натижаларининг таҳлилий маълумотномаси. –Тошкент, 2004.



манбалардан «табанный қилган» (ўзлаштириб ёзган) китобларни ўқишлари лозим бўлади», деган фикр сингдирилади. «Мужтахид»лар деб мазкур оқимнинг асосчилари қабул қилинади.

Келажагимизнинг қандай бўлиши ҳозирги кунда тарбияланаётган ёшларга боғлиқдир. Бундай улкан вазифани амалга оширувчи, моддий ва маънавий бойликларни яратувчи асос оиладир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1993 йил 15 майни «Халқаро оила куни» деб эълон қилган ва 1994 йилдан бошлаб 15 май ҳар йили «Халқаро оила куни» сифатида нишонланиб келинади. Оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғини сифатида мураккаб таркибга эга бўлиб, у ўз фаолиятида оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобиляти, турли фаолиятнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки тарбиявий фаолиятни ҳам акс эттиради. Унинг мураккаб ва кўпқиррали фаолияти икки томонламадир:

- биринчидан, жамиятнинг кичик бир қисми бўлган оиладаги муҳит ижтимоий ўзгаришларни ўта сезгирлик билан илғаб оладиган, ўзида акс эттирадиган белгидир. Шунга асосланиб, оилавий тарбияни ижтимоий тарбиянинг асосий қисмларидан бири деб ҳисоблаш лозим;

- иккинчидан, оиланинг мураккаб ва кўпқиррали фаолияти унинг вазифалари ва тузилишига, ижтимоий турмуш тарзига, оила аъзоларининг ижтимоий фаолиятларига, уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва муносабатларига боғлиқлигини назардан қочирмаслик зарур.

Шахс маънавиятининг таркиб топиши ва ривожланишида оиланинг ўрни, аҳамияти беқиёс бўлиб, оила билан боғлиқ масалалар ижтимоий психология, оилавий ҳаёт психологиясининг асосий муаммоларидандир. Мамлакатимизда 1998 йилнинг «Оила йили», 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ва бу борадаги Давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳам оила масаласининг нақадар долзарб, давлат сиёсати даражасидаги масала эканлигидан далолат беради.

Тарихий категория сифатида оила табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик бўлиб, унинг хилма-хил шакллари мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг табиатига, жамият маънавиятига ва маданий тараққиётнинг даражасига кўп томонлама боғлиқдир.

Ҳозирги замон оилаларининг тарбия жабҳасидаги умумий ва хусусий функция, вазифаларини билиш ниҳоятда аҳамиятлидир.

Чунки оилада тарбияланаётган ёшларнинг таълим муассасаларида олаётган билимлари, ақлий қизиқишлари ҳисобга олингандагина оилавий тарбия иши самарадорлигини таъминлаш мумкин. Тарбиявий вазифалар хусусиятларидан келиб чиқиб, ёшлар камолотига индивидуал ёндашиш, ақлий, ахлоқий, меҳнат тарбияси эҳтиёжларини шакллантириш, ўзига ўзи хизмат кўрсатиш малакаси, меҳнат, ижтимоий меҳнатга маънавий-руҳий тайёрлаш каби мезон ва қоидаларни ҳисобга олиб иш тутиш мақсадга мувофиқдир. Бусиз тарбия жараёнини ижобий амалга ошириш мумкин эмас.

Оиладаги тарбиявий жабҳаларнинг савияси унинг тузилишига, оиладаги фарзандлар сонига, икки ёки уч авлоднинг биргалликда яшаши, ота-онанинг мавжудлиги ёки улардан бирортасининг йўқлиги, ҳар икки жинсдаги (ўғил-қиз) болаларининг борлигига, ота-оналарнинг маълумот савиясига, оила аъзоларининг ижтимоий аҳволига, болалар тарбияси бўйича ўз бурчларини ҳис этишлари, эр ва хотиннинг тарбияга муносабати каби ижтимоий омилларга боғлиқ. Шунингдек, оилавий тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашда оила тузилишининг миллий ўзига хослиги ва миллий анъаналардан фойдаланиш даражасини ҳисобга олиш лозим.

Юқорида таъкидланганидек, оилада тарбияланаётган фарзанднинг ҳар томонлама комил инсон, мукаммал шахс ёки деструктив йўналишга мойил одам бўлиб вояга етишида энг аввало, оиладаги муҳит асосий ўрин тутди. Яъни, психологик детерминизм шу ўринда ўз моҳиятини намоён қилади.

Шу ўринда, фикримизни тасдиқлаш учун яна бадиий адабиёт намуналаридан мисол келтирсак. «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида талқин қилинишича, қаҳрамонларни шахс сифатида тарбияловчи, уларнинг ҳис-туйғуларини, характерларини шакллантирувчи, ривожлантирувчи муҳит уларнинг оиласидир. Мисол учун, Юсуфбек ҳожи илғор қарашларга эга, адолатпарвар, ҳақиқатгўй, қашшоқларнинг, оддий халқнинг ҳимоячиси ва уларга хайрихоҳ киши. Ундаги бу хислатлар ўғли Отабекда ҳам худди шу сингари хислатларнинг пайдо бўлишида ўзига хос замин ролини ўйнайди. Ёки Жаннат сингари маънавий жиҳатдан бузуқ аёл Содикдек тубан, каззоб, қотил фарзандни вояга етказди. Шу жиҳатдан олганда, Абдулла Қодирий ўзининг детерминизмга асосланган қарашларини, яъни инсон онги, характери, хатти-ҳаракати, кўникма ва малакалари муайян объектив сабаблар,

шароитлар ҳамда қонуниятлар натижасида, ташқи муҳит таъсирида шаклланади, деган фикрларини илгари суради.

Отабекнинг Марғилонда разил ва тубан шахс Ҳомид яшаётган муҳитга тушиб, ундаги кишилар билан мулоқотда бўлиши унинг характерида илгари кўрилмаган янгидан-янги хислатларни, хусусиятларни юзага келтиради. Масалан, Ҳомид бошлиқ қора ниятли кишилар қуршови кишиларга ёмонлик истамайдиган, раҳмдил Отабекни қотиллик қилишга, одам ўлдиришга мажбур бўлган шахслар қаторига киритиб қўяди. Бундан ташқари, ёзувчи шахс шаклланиши жараёнида ташқи муҳитнинг таъсири ва унга нисбатан субъектдаги ички регуляциянинг ўзгариши натижасида ҳар хил эмоционал ҳолатлар юз бериши мумкинлигини баъзи қаҳрамонлар тимсолида ифодаланган. Мисол учун, ташқи таъсирлар остида Кумуш сингари оғир-босиқ табиатли аёл характерида жиззакилик аломатлари пайдо бўлади, Зайнаб Кумушнинг қотилига айланади. Юсуфбек ҳожидек оқ-қорани яхши танийдиган донишманд ота кўра-била туриб Отабек хоҳишига зид равишда уни иккинчи бор уйланишга қистайди, «чала-думбул табиатли хотин»и Ўзбек ойим тарафини олади.

Шу ўринда Зайнаб каби камгап, оғир, индамас, бўш-баёв бир кизнинг асабий, бесаранжом аёлга, Кумушга заҳар бериб, унинг қотилига айланишини психологик жиҳатдан таҳлил қилиб кўрайлик. Бир қараганда бу ишончсиздек, амалга ошиши мумкин бўлмаган ҳодисадек кўринади. Лекин Зайнабни бу хатти-ҳаракатни рўёбга чиқаришга ундаган сабаб рашк бўлиб, у турмуш ўртоғини ёки севгилисини йўқотиб қўйишдан чўчиш, уни ўз жинси вакилларида қизғаниш каби ҳисларнинг намоён бўлиши билан изоҳланади. Шунингдек, шахснинг бирор нарсага эгалик хоҳиши ҳамда йўқотиб қўйиш мотивининг устунлик қилиши руҳий зўриқиш ва аффектив ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, баъзан рашк қилаётган шахс хатти-ҳаракати тажовузкор кўринишда ҳам ифодаланади. Агрессив рашк қилаётган шахснинг рашки севгилисига ёки рашк сабабчиси ҳисобланган учинчи шахсга йўналтирилиш эҳтимоли мавжуд. «Ўткан кунлар» романида Зайнаб ўз рашкини учинчи шахс, яъни Кумушга қаратади ва бу фожиа билан тугайди. Тадқиқотларда келтирилган статистик маълумотларга қараганда ҳам, оилавий низолар туфайли келиб чиқадиган қотиллик ҳаракатларининг ярмидан кўпроғи айнан рашк

ҳисси туфайли содир қилинар экан<sup>1</sup>. Абдулла Қодирий бундай мисоллар орқали ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсири муаммосини ҳаққоний исботлаб беради.

Ёки шу билан бирга Ҳомиднинг Кумушга «ошиқ»лиги Отабек айтганидек, уни аллақанча машаққатларга солади, ҳисобсиз тиллалар тўқдиради, Отабекни қорачопончи деб дор остигача олиб боради, Мусулмонқул кўлига топширади, бу ишлар фойдасиз чиққач, Отабек номидан талокнома ёзиб уни икки йиллаб рафикасидан айиради, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдирди. Шунинг учун ёзувчи «дарҳақиқат инсонни разолатга солувчи унинг манфаати тақозоси, қолаверса ўлимдир. Бу икки-сидан воз кечгучига эса на подшоҳнинг қаҳри ва на жаҳаннамнинг қаъри фарқсиздир» деб ёзади «Меҳробдан чаён» романида ҳамда бу билан ўзининг мотивация хусусидаги фикрларини баён этади<sup>2</sup>.

Ижтимоий-психологик, педагогик жиҳатдан жамият учун фойда келтирадиган фуқаролар, ёш авлодни тарбиялашда муайян дастур асосида иш олиб борилиши лозимлиги нуқтаи назаридан муайян коррекцион-тренинг машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда амалиётчи психологлар тренинг машғулотлари давомида қуйидаги психологик усуллардан фойдаланишлари мумкин:

### ***Коррекцион-тренинг (мастер-класс) машғулотлари дастури***

<b>№ п/п</b>	<b>Машқ номи</b>	<b>Машқнинг вазифалари</b>
1.	«Танишув»	Гуруҳ аъзолари билан танишиш, бегоналик, ўнғайсизланиш, эмоционал зўриқиш ҳисларини барта-раф этиш.
2.	«Менинг кайфия-тим..... рангда»	Гуруҳ ҳар бир аъзосининг вазиятга кўра ҳиссий-эмоционал ҳолатини ташхис қилиш, заруриятга кўра коррекция ишларини амалга оши-риш.

<sup>1</sup> Шоумаров Ш.Б., Шоумаров Ғ.Б.. Муҳаббат ва оила. Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1995, - Б 22.

<sup>2</sup> Қодирий Абдулла. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён». Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б 623.

3.	Гуруҳда ишлаш қоидаларидан хабардор қилиш	Ўзаро биргаликдаги ҳаракат қоидалари юзасидан гуруҳнинг ҳар бир аъзоси маълумотга эга бўлишини таъминлаш.
4.	«Мен ўзимда ...ни қадрлайман»	Тренинг ҳар бир аъзосининг ўзини ўзи баҳолаш даражасини кўтариш.
5.	«Оила –деструктив ғоялар профилактикасида энг муҳим восита» мавзусида суҳбат	Гуруҳ аъзоларига оиланинг аҳамияти ва вазифалари тўғрисида батафсил маълумотлар бериш.
6.	«Яқин кишисига ишонган ҳолда чалқанчасига йиқилиш»	Дастлаб оилада шакллантирилиши лозим бўлган асосий ҳаётий эҳтиёжлардан бўлган ишонч ҳиссини ривожлантириш, шахснинг бошқалар билан муносабатларидаги кўркув ҳиссини англаш, бартараф қилишга ёрдам бериш.
7.	«Мулоқотнинг мазмуни, тузилиши ва аҳамияти» мавзусида суҳбат.	Мулоқот тўғрисида тушунча, маълумотларни етказиш.
8.	«Мен...(мулоҳаза)» усули.	Амалий кўникмалар ва самарали мулоқот малакаларини ривожлантириш.
9.	«Бошқаларга яхши ҳиссиётларни тақдим эт»	Эмпатияни ривожлантириш.
10.	Машқлар юзасидан мунозаралар қилиш ва натижаларни умумлаштириш, хулосалар қилиш.	Тренинг қатнашчиларидаги ўзини ўзи адекват баҳолаш барқарорлигини шакллантириш.
11.	«Менинг кайфиятим.... рангда»	Гуруҳ ҳар бир аъзосининг вазиятга кўра ҳиссий-эмоционал ҳолатини ташхис қилиш, заруриятга кўра коррекция ишларини амалга ошириш.

12.	«Гуруҳ аъзолари билан хайрлашув»	Гуруҳ аъзолари билан биргалик ҳиссини мустаҳкамлаш, эмпатияни ривожлантириш.
-----	----------------------------------	--

Бу каби машғулотларда қатнашган иштирокчилар олган билим ва малакаларини ёшларни деструктив ғоялар, гуруҳлар таъсиридан ҳимоялашга йўналтирилган профилактика тадбирларида қўллашлари мумкин.

Оилада ота-оналар ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асосларини ўрганиш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга оширган педагог олим Ҳ.Норқуловнинг таъкидлашича<sup>1</sup>, тадқиқотда иштирок этган 45% ота-она фарзандларининг юриш-туришини қаттиқ назорат қилишини, 30% яхши гапириш орқали тушунтиришини, 25% эса тарбиялаш жараёнида фарзандлари билан фикр алмашиш, суҳбатлашиш, тушунтириш усулларида фойдаланишларини билдиришган.

Тадқиқот натижаси 80% ота-она «Диний ақидапарастликка қарши курашиш тадбирларида қатнашганмисиз?» деган саволга «Ҳа» деб, 10% «Йўқ» ва 10% «Ҳеч ким айтмаган» деб жавоб берганлигини кўрсатган. Бинобарин, аксарият ота-оналар бундай йиғилишларга бориб, фикрини билдириб, фарзанди тарбияси билан шуғулланаётганлигидан далолат бериб туради.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, аксарият ота-оналар (60%) «Ёт ғояларга кириш ёшлар орасида кўп учраётими ёки камми?» деган саволга «Кам» деб, 10% эса «Кўп» деб жавоб беришган, 30% бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга эмасликларини билдиришган. Бу ҳалқимиз деструктив ғояларга қарши курашиш ҳар бир инсоннинг вазифаси эканлигини тушуниб етаётганлигидан далолат бермоқда.

**Ота-оналарнинг ёт ғояларга муносабати ўрганилганда сўровда қатнашган ота-оналарнинг 70% ушбу саволга «Эгоцентризм», 15% эса «Диний ақидапарастлик», 10% «Ваҳобийлик» деструктив ғоялар эканлигини билдиришган ва 5% «Билмайман» деб жавоб беришган. Демак, ёт, деструктив ғоя**

---

<sup>1</sup> Норқулов Ҳ. Д. Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари. Пед. фан. номз.дисс. Тошкент, 2007.

**деганда ота-оналарнинг тушунчаларни идрок этишлари ижобий ҳолдир.**

Ота-онанинг фарзанд тарбиясига масъуллиги борасида респондентлар фикри ўрганилганда, сўралганларнинг 90% бола тарбиясига ота-она, 10% эса маҳалла-мактаб масъул, деб жавоб беришган. Бу эса фарзанд тарбиясига биринчи навбатда ота-она масъуллиги, қолаверса жамоатчилик, таълим муассасаларининг ҳам бу муҳим ишдан четда туриши мумкин эмаслиги хусусида самарали тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиши заруриятини кўрсатади.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларини умумлаштириб, шундай хулосага келиш мумкинки, ота-онанинг ўз фарзанди тарбиясига масъуллигининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. «Ёт ғоялар таъсири кучайган шароитда сиз ўз ўрнингизни қандай тушунасиз» деган саволга аксарият ота-оналар (65%) ижобий, яъни огоҳликни, оилада тарбияни янада кучайтиришларини билдиришган.

Бундан ташқари, «Диний ақидапарастликка қарши кураш кимнинг вазифаси?» деган саволга ҳам ота-оналарнинг кўпчилиги (60%) «Менинг вазифам» деб жавоб берганлар.

Умуман, олиб борилган илмий тадқиқот натижалари аксарият ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига муносабати ижобий ҳамда диний ақидапарастлик, диний оқим ва ёт ғояларга қарши кураш тарафдорлари эканлигини кўрсатган.

«Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишда сиз ота-она сифатида ўз ролингизни қандай тушунасиз?» деганда 100% ота-она «тарбияни кучайтириш зарур» деб жавоб беришган.

Ҳозирги замон ота-оналаридаги фарзандларида фуқаролик онги, позицияси, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар шакллантирилишига нисбатан бепарволик ўта оғир оқибатларга олиб келади. Маълумки, табиат, яшаш учун кураш қонунларига кўра энг кучли жонзотлар ҳаётда яшаб қолади. Мажозий маънода айтганда, ҳозирги вақтдаги глобаллашув шароитида ҳам психологик, мафкуравий, ғоявий жиҳатдан кучли фуқароларга эга давлатлар жаҳонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади. Зеро, жаҳоннинг энг илғор деб танилган давлатлари (АҚШ, Европа мамлакатлари ва ҳ.к.)да бўлиб ўтаётган турли нохуш ҳодисалар, террорчилик актлари мазкур вазиятлар, деструктив ҳолатлар, фаолият барча учун кун тартибидаги энг долзарб масалалардан бирига

айланганлигини кўрсатмоқда. Яъни, ҳеч ким деструктив ғоялар, деструктив фаолият оқибатларидан тўлиқ ҳимояланмаган. Шунинг учун огоҳлик, сергаклик давр талабидир. Жамият оилалардан ташкил топган экан, ҳар бир оилада вояга етаётган фарзанднинг, ёшларнинг қандай тарбияланиши келажакда мамлакатнинг истиқболлини белгиловчи муҳим омил эканлигини ҳеч биримиз ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Коррекцион тренинг (мастер-класс) машғулотлари дастурида иштирок этган респондентларнинг аксарияти таълимий характердаги машқлар жараёнидаги ўзларида кучли даражада ифодаланган ўнғайсизланиш, ҳиссий ноқулайликнинг меъёрга келганлигини, ўзаро самарали мулоқот малака ва кўникмалари шаклланганлигини билдирганлар.

Машғулот пайтида респондентлар биринчи марта оила муҳитининг деструктив ғоялар, мафкуралар профилактикасида муҳим ўрин тутишини англаганликларини, мазкур машғулотлар улар учун жуда катта амалий аҳамият касб этганлигини таъкидладилар, ««Экстремизм» ва «терроризм» тушунчаларининг моҳиятини қандай изоҳлайсиз?», «Террорчининг психологик портретини тавсифлаб беринг», «Терроризмнинг вужудга келиш сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?», «Аксилэкстремистик дунёқарашнинг шаклланишида оиланинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?», «Нима учун оила нафақат шахс камолоти, балки унинг тубанлашувида ҳам асосий ўрин эгаллайди?» сингари саволларга жавоб бердилар.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мутахассислар, мутасаддилар, педагоглар ва ота-оналар учун мўлжалланган коррекцион тренинг машғулотларини ташкиллаштиришга ижтимоий талаб мавжуд. Адабиётларда ҳам таъкидланишича, инсонга йўналтирилган турли расмий меъёрий-дастурий топшириқларга қараганда тренинглар шахсий ҳамда касбий компетентликни шакллантиришда анча кучли ва самарали имкониятларга эгадир. Етакчи мутахассислар иштирокида доимий равишда ташкиллаштириб туриладиган тренинглар, назаримизда, «хатар гуруҳи» оилалари аъзоларига деструктив ғоялар, мафкуралар, фаолият профилактикаси борасида амалий ёрдам беришда, самарали касбий-психологик кўмакни амалга оширишда, компетентлик, ўзаро тушуниш, эмпатия сифатларини ривожлантиришда ўз натижасини беради.



Оиланинг ҳар бир аъзосида коммуникатив, мулоқот борасидаги компетентликни, фаол фуқаролик позициясини, бурч, масъулият туйғуларини шакллантириш, ривожлантириш нафақат шахсий муваффақиятлар, балки инсон, мамлакат, халқ, жамият тинчлиги, хавфсизлиги гаровидир. Деструктивлик профилактикаси оила, таълим муассасалари, жамоатчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этиб, узоқ ва тинимсиз равишда олиб борилиши зарур. Айнан шундай ўзаро фаолиятгина ўз натижаларини кўрсатиши мумкин.

### **3.3. Ёшларда экстремистик кайфиятларнинг шаклланиши профилактикасига доир амалий ишланмалар**

Экстремистик кайфиятларнинг шаклланиши профилактикаси борасида амалга оширилиши зарур бўлган талайгина. Йигит ва қизларнинг муҳим ҳаётий режалари моҳияти уларнинг ҳаётий қадриятлари мазмунидан келиб чиқади. Ҳаётий қадриятлар мазмунининг шаклланишида эса субъектни ўраб турган, унинг учун аҳамиятли ижтимоий муҳитнинг таъсири каттадир. Ёшлар субматданиятларининг ижтимоий моҳиятини, ундаги етакчи қадриятлар тузилмасининг мазмунини таҳлил қилиш ўсиб келаётган авлодга мақсадга мувофиқ психологик-педагогик таъсир кўрсатишда, бу борадаги профилактик ишларни амалга оширишда муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кун ёшлари ҳар хил йўналишдаги қадриятларга эга бўлиб, турли ташқи омиллар, йигит ва қизларнинг ижтимоийлашув жараёнлари мазкур қадриятлар мазмуни йўналишини белгилайди. Бундай шароитда инсонларнинг ҳаётий позициялари бир хилда шаклланмайди. Айрим ёшлар шароитга тез мослашсалар, бошқаларининг ҳаёт йўлини топиши, ўзини намоён қилиши жуда қийин кечади.

Катта ҳаётга энди қадам қўяётган авлод вакилларига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир қатор жиҳатларга кўра долзарб ҳисобланади. Энг аввало, ёшлар жамиятимизнинг келажагини белгилаб берувчи муҳим демографик гуруҳ ҳисобланади. Ёшлар шахсини ривожлантириш эса ахлоқий меъёрлар, қадриятлар тизимига таъсир кўрсатиши муқаррар бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳолат вазиятида тобора мураккаблашиб бормоқда. Чунки,

ёшларнинг асосий ҳаётӣ режалари уларнинг қадриятларига боғлиқ равишда шакллантирилади.

Йигитлар ва қизлар куч-ғайратлари, имкониятларини жамиятнинг янада тараққий топиши учун зарур соҳалар ривожига йўналтириш, шунга мос ҳолда шаклланадиган хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш психологик-педагогик таъсир ва ёрдамнинг энг биринчи вазифаларидандир. Бунда, хусусан, уларнинг салоҳиятини тўғри ўзанга йўналтириш ва адекват қадриятлар тизимини шакллантириш ёшларни мавжуд расмий ёшлар ташкилотлари сафига кўпроқ жалб этиш, тўғри тарбиялаш ишлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши зарур.

Бироқ, афсуски ҳозирги вақтда ёш авлодни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш борасидаги муаммоларни изчил, мақсадга мувофиқ, самарали тарзда бартараф этадиган яхлит тизим ишлаб чиқилган, деб бўлмайди. Жамиятдаги фаолиятда муваффақиятга эришиш ва гуллаб-яшнаш идеали, бу борадаги мавжуд тасаввурлар ҳозирча ёшларга хос бўлган хулқ-атвор стереотипига тўла мос тушмайди, ёшларнинг айрим хатти-ҳаракатлари, айниқса, улар маданиятининг айрим жиҳатлари катта авлод вакилларини тўлиқ қониқтирмайди. Лекин, айти шу қониқмаслик ҳиссини ифодалаш ўрнига ёш авлодга англаган ёки англамаган ҳолда таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлган катталар, психологлар, педагоглар, ота-оналар сабр, чидам, бағрикенглик, меҳр-муҳаббат туйғуларини намоён этсалар, ўсмирлар, ўспиринлар, йигит ва қизлар билан олиб бориладиган комплекс психологик-педагогик ишларда муваффақиятларга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Таълим олувчилар ота-оналари ва педагогларнинг биргаликдаги ўзаро муносабати моделини яратиш таълим муассасаси ва оиланинг бир-бирига кўрсатадиган таъсирини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Психологик-педагогик мазмундаги барча ишлар замирида давлат, жамият, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражасида амалга ошириладиган вазифалар акс этиши ва улар тизимли ёндашув асосида таҳлил қилинган бўлиши зарур. Психологик-педагогик таъсирнинг қуйидаги йўналишлар асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- ёшларда касбий, онгли ва ижтимоий фаолияти стратегиясини, келажак, истиқболдаги ҳаётӣ позициясини шакллантиришга ёрдам берадиган қадриятлар тизимини таркиб топтириш;

- ижтимоий такомил ва масъулият ҳисси меъёрини белгилайдиган маънавий таълимни мақсадга мувофиқ амалга ошириш, тафаккур маданиятини шакллантириш;

- ёшлар ҳам ажралмас таркибий қисми бўлган жамиятнинг турли соҳаларидаги барқарорлик ва тараққиётни таъминловчи ҳаёт тарзини шакллантиришга йўналтирилган қадриятлар установакалари (йўл-йўриқлари)ни аниқлаштириш, умумлаштириш.

Шу билан бирга қуйидаги аниқ йўналишлар асосида психологик-педагогик тадбирларнинг ташкил этилиши яхши натижалар бериши мумкин:

- расмий ёшлар уюшмалари, ташкилотлари фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган, амалий характердаги, қадрият аҳамиятига эга педагогик компонентлар мазмуни, шакл, усулларини яратишни ўз ичига оладиган *мазмуний йўналиш*;

- замонавий ёшларнинг турли қатламларига мўлжалланган маънавий-маърифий, педагогик тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган тизимни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги *ижтимоий-педагогик йўналиш*;

- ёшларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган *дастурий-тузилмавий йўналиш*;

- спорт жамоалари, клублари, конструктив мазмунда фаолият олиб борадиган расмий ва норасмий ёшлар ташкилотларини моддий рағбатлантирувчи ва молиялаштирувчи манбаларни аниқлаштиришни қамраб оладиган *иқтисодий йўналиш*;

- назорат шаклидаги одатий педагогик таълим-тарбия усулдан фаол фуқаролик позициясини, юксак ахлоқий онг, ижобий ҳаётий қадриятларни шакллантиришга қаратилган ривожланиш моделини яратиш борасидаги *инновацион йўналиш*.

**Қуйида ўрта махсус-касб хунар ва олий таълим муассасалари талабалари учун «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари» ҳамда «Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик» фанларидан тахминий дарс ишланмалари режалари келтирилади.**

**Дарс мавзуси.** «Талаба-ёшларда аксилэкстремистик йўл-йўриқларни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти».

**Дарс мақсади.** Экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ва имкониятларини очиб бериш.

### *Дарс вазифалари*

- Талаба-ёшларнинг ҳозирги замон глобал муаммолари юзасидан билимлари, тасаввур ва тушунчаларини бойитиш;
- ОАВнинг ҳозирги замон кишиси ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб бериш;
- ёшлар дунёқараши ва установакаларининг таркиб топишида ОАВ имкониятлари ва хавфини кўрсатиб бериш;
- мазкур муаммони бартараф этиш йўллари кидириш;
- турли мазмундаги маълумотларни танқидий идрок этишга нисбатан муносабатни, ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш;
- талабаларда луғатлар, сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, талабаларнинг танқидий тафаккурини ривожлантириш;
- гуруҳларда ишлаш кўникмаларини шакллантиришни давом эттириш, ўз нуқтаи назарини баён этиш, ҳимоя қилиш, лойиҳа тақдимотини амалга ошириш малакаларини ривожлантириш;
- ёшларда ўз келажаги учун масъулият ҳиссини қарор топтириш.

### *Дарс жиҳози*

- Талабаларнинг дафтарлари;
- Талабаларнинг тақдимотларини намойиш қилиш учун компьютер ва мултимедиали проектор;
- ОАВ фаолияти шакллари тавсифланган матнлар;
- синф ёки аудитория доскаси.

### *Асосий тушунча ва атамалар*

*ОАВ, терроризм ва экстремизм мафкураси, аксилэкстремистик установакалар, танқидий тафаккур.*

*Дарс шакли.* Талабаларнинг гуруҳда ишлари, лойиҳалар тақдимотлари.

### **Дарс тузилиши**

1. Ташкилий жиҳат.
2. Талабаларнинг ўқув фаолиятига нисбатан мотивациясини шакллантириш, мақсадни белгилаб олиш.
3. Талабаларнинг муаммо юзасидан тасаввур, тушунчаларини аниқлаштириш, фаоллаштириш.

4. Асосий билим ва маълумотларни умумлаштириш, тизимлаштириш.

5. Янги дарс мавзусини баён этиш.

6. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни шакллантириш.

7. Матний ҳужжатлар устида гуруҳ бўлиб ишлаш.

8. Талабаларнинг лойиҳалари тақдимотини ўтказиш.

9. Хулоса, натижаларни умумлаштириш.

**Дарснинг режа-конспекти.**

**Ўқитувчининг тахминий маърузаси:**

Оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги ҳолати, имконияти маълумот, ахборотнинг бетўхтов етказилишини таъминлаб бормоқда. Иккинчи томондан ушбу ахборот оқими вақт ўтган сари кўпайиб бормоқда. Мазкур оқимда экстремал, кутилмаган воқеа-ҳодисалар, террорчилик актлари, экстремизм борасидаги турли-туман хабарлар берилмоқда. Бу хабарлар маълум даражада ўзига хос ахборот таҳдидини юзага келтирмоқда.

Ахборот таҳдиди хусусида гап кетганда унинг универсаллиги, барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имкониятини таъкидлаш лозим. Салбий жиҳатлар натижаси шахс дунёқараши, жамият барқарорлиги, давлат тинчлиги, жамоатчилик фикрини чалғитиш ва охир-оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига бўлган таъсирларда ифодаланadi. Чунки турли маълумотлар, ахборотнинг жамият, ташкилот, оила, шахс онгига кириб келиши жараёни унча ҳам билинмайди. Ижобий ва салбий ахборотни фарқлаш, яхши маълумотни ўзлаштириш ва зарарлисини рад этиш учун инсон онги ривожланган, унинг ўзида эса мустаҳкам ирода, ахборот истеъмоли маданияти, мафкуравий иммунитет, оқни-қорадан, яхшини-ёмондан ажрата олиш қобилияти ривожланган бўлиши зарур. Мамлакат аҳолисининг барчаси бундай имкониятга эга, дейиш қийин. Шунинг учун ахборий-психологик барқарорликни биринчи ўринда давлат тузилмалари хизматчилари, журналистлар, педагоглар, жамоат ташкилотлари ходимлари ва бир сўз билан айтганда маърифатпарвар инсонлар таъминлашлари зарур.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов шундай деган: «Маърифатпарварлик биз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу

муаммони ечмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди»<sup>1</sup>.

**Давлат сиёсатини таъминлашдаги ахборий таҳдид.** Ахборий таҳдидларнинг энг хавфлиси – давлат сиёсатини таъминлашга халақит бераётганлари. Чунки агар шахсга салбий таъсир тор доирадаги одамларни қамраб олса, давлат ва жамиятга таҳдид бутун бир мамлакат, халқ тинчлигини хавф остига қўяди. Бу жуда катта ва жиддий муаммодир.

Ахборот-психологик хавфсизлик соҳаси мутахассисларининг фикрларига кўра, ахборий таҳдидларга қарши курашнинг энг мақбул йўлларида бири – мамлакат ўзини ўзи ахборот билан таъминлаши. Албатта, бундай ахборот тўлиқ, сифатли ва ҳаққоний бўлиши шарт, акс ҳолда жамият аъзолари турли деструктив манбаларга мурожаат этадилар ва бунга ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди. Чунки инсон психологиясининг шундай бир хусусияти борки, агар у бирор бир воқеа бўйича уч-тўрт соат ичида маълумот (жумладан, расмий) ололмаса, пайдо бўлган ахборот бўшлиғини ҳар хил уйдирма ва миш-мишлар тўлдиради.

Ахборот психологик таъсир воситаси сифатида жуда қудратли кучга эгадир. Шунинг учун мафкуравий тарғибот самарадорлиги кучли мамлакатларнинг аҳолисини танлаган йўлларида оғдириш қийин кечади. Ахборот-психологик хавфсизликка таҳдиднинг биринчи манбаи – бу инсоннинг ўзи. Инсонда онгнинг мавжудлиги таҳдид манбасини ифодалайди.

Ундан ташқари бошқа манбалар ҳам бор. Улар сирасига бошқа мамлакатларнинг Ўзбекистон ахборот ҳудудида ҳукмронлилик қилишга йўналтирилган ҳаракатлари ва турли ноҳолис сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, жамоавий тузилмалар вакилларининг Ўзбекистон фуқароларига нисбатан салбий таъсир ўтказишини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳаракатлар, одатда, ҳар хил ОАВ, турли нодавлат ташкилотлари, жамғармалар, гуруҳлар ва ҳоказолар томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга ахборот соҳасига ихтисослашган ташкилотлар, ОАВлар фаолиятининг етарли даражада самарали эмаслигини ҳам муайян таҳдидлар сифатида баҳолаш мумкин.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. –Б 23-24.

Жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, ижтимоий муносабатлар ва тузилмалардаги ижобий ўзгаришлар, демократлашув жараёнлари шахсга ўз йўлини ўз танлаши, белгилаши учун қулай имкониятлар яратди. Шундай шароитда оммавий ахборот воситалари олдида жуда катта стратегик масалаларни ҳал этишга кўмаклашиш вазифаси қўйилгандир. Зеро, ОАВнинг ижтимоий онгни мақсадга мувофиқ шакллантириш, аҳолининг стереотиплари ҳамда установакаларини таркиб топтириш борасидаги имкониятлари жуда кенгдир.

Айрим хориж оммавий ахборот воситалари, интернетнинг экстремизм ва терроризмни тарғиб қилиш борасидаги имкониятларини ҳамда бу борада амалга оширилиши мумкин бўлган таҳдидларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилиб кўрайлик.

**«Бир кишини ўлдириш орқали юзлаб инсонни кўрқитиш мумкин»** деган хитой мақолини қандай тушунасиш? (Слайд намойиш этилади).

Ўрганилаётган муаммога мазкур мақолнинг қандай алоқаси бор?

### **1. Ақлий ҳужум:**

*Сизнингча, айрим хориж замонавий ОАВ, интернет ёшлар орасида экстремизм ва терроризм гояларини тарғиб қилишда қандай вазифаларни бажараётган бўлиши мумкин?*

**1-босқич.** Талабалар жуфт бўлиб мазкур саволни муҳокама қиладилар, кейин берилган саволга жавобларни рўйхат асосида ёзиб чиқишади. Бу вазифани бажаришга 5 -7 минут вақт берилади.

**2-босқичда** иштирокчилар ёзган барча жавоблар ҳеч қандай муҳокамасиз, танқидларсиз доскага ёзилади. («Ақлий ҳужум»ни ўтказиш қоидаларига қаралсин).

**3-босқичда** биргаликда «ОАВнинг замонавий ёшлар маънавияти, мафкурасини шакллантиришдаги аҳамияти» мавзусида схема ишлаб чиқилади.

Хулоса қилинади.

### **2. Гуруҳий мунозара.**

Гуруҳ куръа ташлаш йўли билан иккига бўлинади, роллар (бошловчи, маърузачи, стенографист, лаборант ва бошқалар) тақсимлаб олинади.

### **Гуруҳларга топшириқ.**

Инсонга таъсир қилиши мумкин бўлган воситалар кўп бўлгани ҳолда биз нима учун айнан ОАВ ҳамда интернетни

танладик? Уларда қандай хавф ва имкониятлар яширинган бўлиши мумкин?

**1-босқич.** Биринчи гуруҳ аҳолида маълум бир фикр ва йўл-йўриқларни шакллантиришга йўналтирилган воситалар ва **имкониятларни** таҳлил қилади.

Иккинчи гуруҳ мазкур муаммони ОАВнинг инсон психикасига ҳамда шахс психологик хавфсизлигига етказиши мумкин бўлган **хавфи** нуқтаи назаридан ўрганади.

**2 босқич.** Мунозарани ташкил этиш.

Биринчи гуруҳ ўз тезисини баён қилади, иккинчи гуруҳ айтилган фикрнинг қийматини пасайтирувчи ёки уни бутунлай инкор қилувчи далилларни келтиради. Шу тартибда мунозара давом этади.

Мунозара якунида талабалар ўқитувчи ёрдамида замонавий ОАВ, интернетнинг имкониятлари ва шахс онгига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсири юзасидан маълум бир хулосаларга келадилар.

### **Кичик гуруҳларда ишлаш**

**1-босқич.** Маълумки, замонавий оммавий ОАВ лари ўз фаолиятларида турли аудиторияга мўлжалланган ҳар хил таъсир воситаларидан фойдаланадилар. Гуруҳ иштирокчиларига ОАВ фаолияти шаклларини ўрганиш, ёшларда аксилэкстремистик йўл-йўриқларни шакллантиришга қаратилган тадбирлар сценарийларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқиладиган лойиҳани тақдим этиш жойи ва вақтини аниқлаш таклиф қилинади. Ушбу топшириқни бажаришда вақтли матбуот нашрлари ҳамда интернет материалларидан фойдаланиш мумкин.

**«Молекулалар» машқи.** Бу машқда талабалар 5 гуруҳга бўлинадилар. Иштирокчилар бошловчи, маърузачи, хронометрист (вақтни белгилаб турувчи), стенографист, лаборант ва ҳоказо вазифаларни тақсимлаб оладилар.

### **1- гуруҳ.**

#### **Матбуотда ташкил этиладиган ўйин ва танловлар**

Ўйин унсурлари ва рақобат муҳити ёрдамида аудиториянинг тадқиқ этиладиган муаммога нисбатан қизиқишини ошириш мумкин. ОАВ материаллари асосида ташкил этиладиган ўйинлар, лото, кроссвордлар шахснинг билиш самарадорлигини оширишга



хизмат қилади. Машқ машҳур «ўйин асосида таълим» тамойилига асосланади. Ўйин мобайнидаги муҳим жиҳат шуки, натижалар эълон қилинаётганда ошкоралик тамойилига риоя қилиниши зарур. Маълумот, ахборот етказишнинг конкурс, викториналар сингари кўринишлари жуда самаралидир. Чунки, томошабин, ўқувчи масалан, газетани пассив ўқиш жараёнида эмас, балки саволларга фаол жавоб қидириш пайтида (танишлар, мутахассислардан сўраш, адабиётлар, луғатлардан қидириш ва ҳ.к.) маълумотни англайдик, бу ахборотнинг яхши эсда сақлаб қолинишига олиб келади.

## **2- гуруҳ.**

### **Давра суҳбати**

Давра суҳбати ОАВ, хусусан газета ва телевидениеда қўлланиладиган анча кенг тарқалган усуллардан биридир. Одатда, маълум бир мавзуга бағишланган газета кампанияси пайтида ташкиллаштирилади. Газета таҳририятларида фаолият юритадиган мухбирларнинг иши доимий тиғизлиги сабабли кўпинча давра суҳбати уюштиришда ихтиёрий ёрдам берадиган кўмакчиларга муҳтож бўлишади. Дастлаб газета таҳририяти билан долзарб деб ҳисобланган, ўтказилишга қарор қилинган давра суҳбати мавзуси келишилиб олинади. Розилик олингач, газета мухбирлари билан мазкур тадбирнинг режаси ишлаб чиқилади: мунозаранинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланади, иштирокчилар танланади, тадбирни ўтказиш вақти ва жойи (кўпроқ газета таҳририяти биноси бўлгани маъқул) белгиланади. Иштирокчилар сони 10-15 тадан ўтмагани мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда қатнашувчиларнинг барчаси ҳам ўз фикрини баён қила олмай қолишлари мумкин. Икки ҳафта илгари таҳририят номидан иштирокчиларга хат жўнатилади, кейин улар хатни қабул қилишгани, давра суҳбати ўтказилиш жойи, вақти, мавзуси ва ҳоказолардан хабарлари борлиги ва ҳ.к. жиҳатлар аниқлаштирилади. Тадбир ўтказилишидан икки кун олдин ташкилотчилар йиғилишиб, яна бир бор давра суҳбатини ўтказиш режаси муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ. Иштирокчиларнинг манзиллари, лавозимлари, телефон рақамлари тўлиқ кўрсатилган рўйхатни тузиш, иложи бўлса чиқишларининг тезис шаклидаги кўринишларини олиш зарур. Бу давра суҳбати материалларини нашр учун тайёрлаш жараёнини осонлаштиради. Тадбирни иштирокчилар томонидан ҳурмат қилинадиган, эътиборли киши

(газета муҳаррири, олим, жамоат арбоби ёки депутат) олиб боргани маъқул.

### **3-гурух**

#### **Бевосита мулоқот**

Тахминий иш олиб бориш тартиби қуйидагича. Бевосита мулоқот ташкиллаштириладиган кундан бир ҳафта олдин газета (радио, телевидение) таҳририяти ўтказилаётган тадбир хусусида эълонлар беради, маҳаллий аҳоли вакиллари, тингловчилар, томошабинлар, муштарийлар соҳа мутахассислари, олимлар, жамоат арбобларига савол беришлари учун таҳририят телефонлари рақамларини билдиради. Тадбир куни иштирокчилар қўнғироқлар орқали берилган саволларга жавоб берадилар, журналистлар бевосита мулоқот хусусида ҳисобот тайёрлаб, энг долзарб, қизиқарли саволлар ва уларга берилган жавобларни газетада чоп этадилар.

### **4 –гурух**

#### **Мунозара**

ОАВда бағрикенглик тафаккурини шакллантириш борасида олиб бориладиган мунозаралар тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали усулларида биридир. Уни ташкиллаштириш мунозара қатнашчиларини аниқлаштириш, бўлажак мақолаларни нашр этиш учун материалларни тўплаш, ахборот манбаларини текшириш билан боғлиқ катта тайёргарлик ишларининг олиб борилишини талаб этади. Мунозара одатда, мазмунан бир-бирига қарши, ҳар хил позициядаги муаллифлар томонидан ёзилган бир неча мақолани чоп этиш билан бошланади. Мақолалар чоп этилган газета сонлари расмий хат билан мазкур муаммога у ёки бу даражада дахлдор, шу масала билан шуғулланаётган етук мутахассисларга етказилади. Дастлабки вақтларда (ҳеч бўлмаса икки ҳафтада бир марта) мунозара вақтигача илгаритдан тайёрланган материаллар газетада чоп этиб борилади. Кейин мазкур материаллар юзасидан редакцияга хатлар кела бошлайди. Мунозара сўнгида давра суҳбати ёки ҳатто, илмий-амалий конференция ташкил этилиши ҳам мумкин. Мунозара якунлари матбуотда ёритилади.

## **5-гуруҳ**

### **Газетада танловлар уюштириш ва ахборотни етказишнинг бошқа усуллари**

Ўқувчилар диққатини тортишнинг бир неча хил усуллари бўлиб, улар сирасига турли расмлар, фотосуратлар, карикатураларни чоп этишни кўрсатиш мумкин. Улар «Келган хатларни муаллиф таҳлил қилади» қабилдаги изоҳлар билан муштарийлар эътиборига етказилади. Бағрикенглик муаммосига бағишланган фотосуратлар ёки ҳажвий расмлар танлов ўтказилгандан сўнг энг яхши ишларни танлаб олиб, ушбу масалага бағишланган газета махсус сонда уларни эълон қилса ҳам бўлади. Кейинроқ бир неча туман ёки вилоят газетаси биргаликда мавзуга доир серияли чиқишлар ташкил қилганлари мақсадга мувофиқ. Жамоатчиликда фикр билдиришга нисбатан фаоллашувнинг кучайиши билан танқидий мақолалар, масалан, диний ақидапарастларнинг жамият ва давлат учун етказиши мумкин бўлган таҳдиди хусусидаги материал билан бирга махсус, йиртиб олинadиган талонни ҳам чоп қилиш мумкин. Унда тахминан, шундай фикр билдирилган бўлиши мумкин: «Мен (исм-шарифи ва иш жойи) газетанинг фалон сонидан чоп қилинган мақоладаги фикрларга тўла қўшиламан ва фалон қонунбузарлик, жинойт содир этган шахсларни жазоланишларини талаб қиламан». Талон кўрсатилган манзилга жўнатилиши зарур. Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай амалиёт кишиларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, уларда фуқаролик позициясининг мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этади.

#### **2-босқич.**

Ҳар бир гуруҳ аъзолари амалга оширган ишлари юзасидан тақдимот ўтказадилар (слайдлар ва уларга изоҳлар бўлиши зарур). Қолган иштирокчилар чиқишларни эътибор билан тинглаб, ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялашда ОАВнинг имкониятларини ҳар бир гуруҳ тақдимоти мисолида 5 балли тизимда баҳолайдилар.

Шундан сўнг иштирокчилар баҳолари асосида ОАВ фаолияти шакллариининг рейтинги чиқарилиб, эълон қилинади.

#### **Машғулоти яқунлаш**

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризм замонавий ОАВ, интернет билан мустаҳкам алоқада фаолият олиб бормоқда. ОАВ

ўз имкониятлари даражасида уларга қарши профилактик тадбирларни амалга оширишда, мазкур салбий ҳолатларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга ғараз ниятли шахслар турли ОАВларидан ўз мақсадларида ҳам фойдаланишлари мумкин. Таъбир жоиз бўлса, деструктив ғояларнинг тарқалишига фазовий маънода, маъмурий-худудий жиҳатдан ҳеч қандай чегара тўсқинлик қилолмайди, уларга фақат сиёсий-психологик жиҳатдангина қаршилиқ кўрсатиш ва бартараф этиш мумкин. Фаолияти деструктив мақсадларга йўналтирилган ОАВ терроризм, диний ақидапарастлик, экстремизмнинг реал ҳаётдаги сиёсий ва психологик мақсадлари учун ўзига хос виртуал восита вазифасини бажариши эҳтимоли мавжуд. Шунинг учун фаолияти тўғри ташкил этилган ОАВлар эълон қилаётган материаллари билан кенг аҳоли қатламлари, хусусан ёшларга ижобий таъсир кўрсатиши ва уларнинг дунёқараши шаклланишига ҳисса қўшишлари мумкин.

Айни пайтда ёшларнинг идрок этилаётган материалларга нисбатан муносабати, уларни таҳлил қилиш ва оқибатларини кўра олиш қобилияти ҳам шахс шаклланишидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Интернет ва хориж ОАВлари, турли радиостанциялардаги бир ёқлама ва бузиб талқин қилинган ахборотлар кучли деструктив тарғибот характерига эга ҳамда реципиентлардан ривожланган танқидий тафаккур, таҳлил малакасини талаб этади. Шунинг учун юқорида таъкидланганидек, ахборий саводхонлик, маълумотларни мақсадга мувофиқ идрок этиш, манипулятив таъсир механизмларини англаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш малака ва кўникмаларини ҳар бир шахсда шакллантириш долзарб, кун тартибидаги асосий масалалардан ҳисобланади.

*Илова*

### **Ақлий ҳужумни ўтказиш тартиби**

«Ақлий ҳужум» (инглизча brainstorming) –иждодий фаолликни рағбатлантиришнинг энг кенг тарқалган усулларида бири. Турли мураккаб муаммоларнинг ечимларини махсус муҳокама усуллари орқали топишга ёрдам беради. Кўп ҳолларда турли-туман масалаларнинг ечимларини ноанъанавий тарзда ҳал этишда қўлланилади.

Ақлий ҳужум усули 1953 йили Алекс Осборн томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур усул янги ғояларнинг туғилишига

тўсқинлик қиладиган айрим ҳолатлар, масалан, бошқалар томонидан баҳоланишни эътиборга олмасликка асосланади. Чунки, одамлар кўпинча раҳбарлар, ҳамкасблар, бошқа инсонларнинг уларга нисбатан ишончсизлик, душманлик ёки бошқа хил муносабатда бўлишларидан чўчиб, қизиқарли, ўзига хос фикрларини баён этмайдилар. Ақлий ҳужум усулини қўллашдан мақсад – ғояларни таркиб топтиришнинг дастлабки босқичида уларни муҳокама қилмаслик, таклифларни баҳоламасликдир. Осборн томонидан таклиф этилган ақлий ҳужум усулининг классик техникаси икки асосий тамойилга, яъни эътиборга ҳавола қилинаётган ғояни дарҳол муҳокама қилмаслик ва миқдорий жиҳатнинг сифат кўринишига ўтишига асосланади. Бундай ёндашув бир қатор қоидаларга риоя этилишини тақозо этади.

**Энг аввало**, ҳар қандай фикрга, унинг муаллифига, ўз-ўзига ҳам нисбатан танқид истисно этилади. Кичик гуруҳларда ишлаётган аъзолар уларнинг фикрлари, ғоялари муҳокама қилинишидан хавотирга тушмасликлари лозим.

**Шу билан бирга**, тасаввур, хаёлотга берилишнинг ҳар қандай шакли қўллаб-қувватланади. Ҳар қандай, ҳатто, энг бемаъни ёки фантастик фикрларни айтишга ҳам изн берилади. Яъни, ақлга сиғмайдиган даражада бўлса ҳам, аъзолар ўз ғояларини таклиф этишлари мумкин. Ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Шунинг учун иштирокчилардан имкони борича кўпроқ фикрларни айтиш сўралади.

**Кейинги босқичда** тўпланган ғоялар ривожлантирилади, яъни иштирокчилар бошқалар томонидан таклиф этилган фикрларни такомиллаштиришлари, масалан, икки ёки уч ғоядан алоҳида оригинал ғоя яратишлари лозим.

**Якуний босқичда** эксперт баҳолар, танлов натижаларидан келиб чиққан ҳолда энг яхши ғоялар аниқлаштирилади.

Индивидуал тарзда ҳамда ақлий ҳужум воситасида йиғилган ғоялар сонини таққослаш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилганда ақлий ҳужум усулининг устунлиги яққол кўзга ташланган. Тадқиқотлар хулосаларида кўрсатилишича, мақсадга мувофиқ ташкил этилган ақлий ҳужум натижасида алоҳида шахслар фаолиятига нисбатан анча кўпроқ фикр ва ғоялар йиғилади.

Кейинги йилларда интернет технологияларининг тараққий қилиши натижасида ақлий ҳужум усулининг янгича кўриниши «электрон ақлий ҳужум» (online brainstorming) ривожланиб

бормоқда. Бу усул кишиларда бошқалар томонидан баҳоланишдан кўрқиш ҳиссининг умуман бўлмаслиги билан тавсифланади, зеро бирор мавзуга доир мунозараларда қатнашаётган иштирокчилар шахсининг анонимлиги, махфийлиги анъанавий ақлий ҳужум жараёнида учраши мумкин бўлган айрим муаммоларнинг бартараф этилишига олиб келади. Бундай муаммолардан бири сирасига ўзини тўла намоён қила олмасликни киритиш мумкин. Чунки гуруҳда иштирокчилар навбати билан ўз ғояларини баён қила бошларканлар, бошқалар ўз фикрларини ўзгартиришлари, уни айтишга ийманишлари ёки унутиб қолишлари мумкин бўлади.

Ақлий ҳужум муаммо ечимини топиш жараёнида турли хил хусусиятга эга инсонларнинг бирлашишига олиб келади. Агар гуруҳ муаммони бартараф этиш усулини топса, иштирокчилар мазкур ғоянинг ашаддий тарафдорларига айланадилар. Ҳозирги вақтда ақлий ҳужум гуруҳда ишлашнинг энг мақбул кўринишларидан ҳисобланади.

Гуруҳ аъзолари 6-12 кишидан иборат бўлиши мумкин. Агар иштирокчилар кўпроқ бўлса, гуруҳни иккига бўлиш лозим. Кам сонли иштирокчилардан иборат гуруҳ фаолиятининг самарадорлиги паст бўлиши эҳтимоли мавжуддир.

Гуруҳ аъзолари машғулот техникасидан хабардор бўлмасалар, 10 минутдан иборат оддий мавзудаги машғулот устида иш олиб борадилар. Таъкидланганидек, ҳар қандай мазмундаги таклифларни айтиш мумкин, фақат «пул етишмайди», «бунинг иложи йўқ», «раҳбарият руҳсат бермайди» қабалидаги фикрлар қабул қилинмайди. Фикрни ривожлантириш шарт эмас, у мухтасар баён қилинса бас. 20-30 минут давом этадиган машғулот иштирокчилар толиққан пайтда эмас, фаоллашув кучайган вақтда тугатилгани маъқул.

**Ўрта махсус-касб хунар ва олий таълим муассасалари талабалари учун «Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари» ва «Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик» фанларидан «Ёшлар орасида деструктив фаолият (терроризм ва экстремизм) профилактикаси» мавзусидаги дарс ишланмаси режаси.**

**Дарс мавзуси: «Ёшлар орасида деструктив фаолият (терроризм ва экстремизм) профилактикаси»**

**Дарс мақсади:**

***билишга оид, таълимий:***

-талабаларни экстремизм ва терроризмнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва инсон ҳаёти учун туғдирадиган хавф-хатари юзасидан маълумотлар билан қуроллантириш, тафаккур фаоллигини кучайтириш;

**ривожлантирувчи:**

- мантиқий фикрлаш, диққат ва мустақиллик сифатларининг ривожлантирилишини таъминлаш;

- турли мазмундаги ахборотларни идрок этишда уларга танқидий муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш;

**тарбиявий:**

- экстремизм ва терроризм ҳолатларининг намоён бўлишига нисбатан аёвсиз муносабатни шакллантириш;

- экстремистик руҳдаги, ёшлар орасида урф бўлган турли оқимларга нисбатан танқидий муносабатни таркиб топтириш;

- талабаларда фуқаролик масъулиятини ижтимоий-маданий мансублик ҳиссини вужудга келтириш;

**Дарс вазифалари:**

• талабаларнинг ҳозирги кунда дунёдаги глобал муаммолар юзасидан билимларини чуқурлаштириш;

• экстремизм ва терроризмнинг сабаблари ва мақсадларини аниқлаштириш;

• мазкур муаммони бартараф этиш йўллари кидириш;

• талабаларда танқидий тафаккурни ривожлантириш, интернет маълумотлари, луғатлар, сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

• гуруҳларда ишлаш кўникмаларини таркиб топтириш, ўз позициясини баён этиш ва ҳимоя қилиш, лойиҳа тақдимотини амалга ошириш малакаларини шакллантириш;

• талабаларда инсоният тақдири учун масъуллик ҳиссини тарбиялаш.

**Дарс жиҳози:**

• талабаларнинг дафтарлари;

• талабаларнинг тақдимот-лойиҳаларини намоёиш қилиш учун компьютер ва мультимедиа проектори.

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, мавзуга оид психологик-педагогик адабиётлар;

- синф ёки аудитория доскаси.

### **Асосий тушунча ва атамалар:**

- замонавий дунёнинг глобал муаммолари, террор, терроризм, экстремизм, ёшлар субмаданияти.

**Дарс шакли:** талабаларнинг гуруҳий ишлаши, лойиҳалар тақдимоти.

### **Дарс тузилиши**

1. Ташкилий жиҳат.
2. Талабаларнинг ўқув фаолиятига нисбатан мотивациясини шакллантириш, мақсадни белгилаб олиш.
3. Талабаларнинг муаммо юзасидан тасаввур, тушунчаларини аниқлаштириш, фаоллаштириш.
4. Асосий билим ва маълумотларни умумлаштириш, тизимлаштириш.
5. Янги дарс мавзусини баён этиш.
6. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни шакллантириш.
7. Матний ҳужжатлар устида гуруҳ бўлиб ишлаш.
8. Талабаларнинг лойиҳалари тақдимотини ўтказиш.
9. Хулоса, натижаларни умумлаштириш.

### **Дарснинг режа-конспекти**

#### **Ўқитувчининг тахминий маърузаси:**

Террорчилик хуружлари тўғрисида кўпчилигимиз оммавий ахборот воситалари, интернет маълумотлари орқали хабардормиз. Илгари мавҳум тушунча бўлиб туюлган терроризм бугунги кунда бутун инсоният учун ҳақиқий бало, хавф-хатарга айланди. Айни вақтда дунёнинг ҳар бир давлати ўз ички ва ташқи сиёсатида бу муҳим умумбашарий муаммо омилини ҳисобга олмасдан иложи йўқ. Лекин ижтимоий-сиёсий ҳодиса ҳисобланган терроризм кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган эмас. Унинг вужудга келиш тарихи бир неча асрларга бориб тақалади.

Мисол учун, тарихда ўзларини диннинг ҳақиқий ҳимоячилари деб эълон қилган, бироқ, бошқа бегуноҳ инсонларни динсизликда айблаб, уларнинг бошига беҳисоб кулфатлар ёғдирган тоифалар жуда кўп ўтган. Ислом тарихини оладиган бўлсак, VII асрда хорижийлардан ажралиб чиққан азракийлар ўз йўриқларига юрмаган мусулмонларнинг қонини тўкиш, молларини ўлжа



сифатида олиш, аёл ва болаларини чўри ва қул қилишни ҳалол, деб эълон қилган эдилар<sup>1</sup>.

Бундай тоифадан яна бири қарматийлар бўлиб (IX-XII асрлар), улар гўёки динни ширкдан тозалаш мақсадида кўплаб босқинчилик, тажовузкорлик ишларига қўл урганлар. Улар қароқчилик билан кун кечириб, ҳаттоки ҳажга отланган ҳожиларнинг қарвонларини беаёв талаганлар, молларини ўлжа қилиб олганлар, ўзларини эса ўлдирганлар. Улар «Биз тошга сиғинувчиларга қарши кураш олиб бормоқдамиз» деб ўзларини оқламоқчи, ҳожиларни бутпарастларга чиқармоқчи бўлишган. Қарматийлар республикамизнинг ҳозирги Термиз, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари ҳудудида ҳам кўплаб жиноятлар содир этганлар.

Шундай экан, энг аввало, дин байроғи остида экстремизм ва мутаассибликнинг бош кўтариши асло янги ҳодиса эмас. Ислом тарихида бу каби фирқа, оқимлар жуда кўп бўлган ва уларнинг ғайриинсоний ғоялари охир-оқибатда ўзларининг йўқ қилинишига сабаб бўлган. Иккинчидан, давлатлар бу каби мутаассиб гуруҳларга қарши муттасил қатъий кураш олиб борганлар, баъзан уларни ҳарбий куч ишлатган ҳолда жисмонан йўқ қилиш, қириб ташлаш асосий чора сифатида қўлланган. Масалан, умавий ва аббосий халифалари VII-IX асрларда хорижийлардан чиққан мутаассиб гуруҳларни бутунлай қириб ташлаш сиёсатини юрғизганлар<sup>2</sup>. Учинчидан, йирик уламолар, дин арбоблари, пешволар доимо бундай фитначиларнинг бузғунчи фикрларига қарши кураш олиб борганлар.

Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти экстремизм амалиёти ва мафкураси таҳдиди остида қолди. Экстремистлар мафкурасининг ёшлар субмаданиятига тез сингиши, мақсадга эришишда ёшлар учун қулай туюлган оддий ва осон радикал усулларни таклиф қилиши, ўзгача фикрлайдиган, ҳаракат қиладиган ҳар қандай инсонни душман сифатида тақдим этиб, уни маънавий ёки жисмоний бартараф этишга чақириши айниқса, катта хавф туғдирмоқда. Афсуски, ҳозирги вақтда ҳуқуқий нуқтаи назардан экстремистик фаолият, хулқ-атвор сифатида малакаланадиган хатти ҳаракат билан шуғулланиш ҳолатлари ёшлар орасида учраб турибди.

---

<sup>1</sup> Мустафо Ҳилмий. Ал-Хавориж. –Қоҳира, 1977.

<sup>2</sup> Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. 260-бет.

Экстремизмнинг сабаблари ҳамда манбалари хусусида мушоҳада қилиш ва инсониятнинг ушбу умумбашарий муамоси тўғрисида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

**Ақлий ҳужум:**

**Ёшлар орасида экстремистик кайфиятлар учраётганлигини қандай изоҳлайсиз?**

**1-босқич.** Беш дақиқа мобайнида талабалар ўз дафтарларига ёшлар орасида экстремистик кайфиятлар учраётганлиги сабабларини ёзишлари лозим.

**2-босқич.** Мазкур босқичда гуруҳ қатнашувчилари кўрсатган барча сабаблар қайтариқлар ва танқидларсиз доскага ёзилади («Ақлий ҳужум»ни ўтказиш қоидаларига қаралсин).

**3-босқичда** гуруҳ аъзолари фикрига кўра энг муҳим ва энг қуйи даражадаги сабаблар кетма-кетлик, иерархия тартибида жойлаштирилиб чиқилади (1-илова).

Кейин ўқитувчи томонидан ёшлар муҳитида экстремистик кайфият профилактикасининг муҳимлигига доир хулосалар баён этилади. Тажовузкор-экстремистик фаолиятга мойилликни ташкил этувчи хатар гуруҳини айнан ёшлар ташкил этади. Ёш-психологик хусусият нуқтаи назаридан ёшларга максимализм ва нигилизм, радикализм ва бетоқатлик, бетакаллуфлик, гуруҳбозликка интилиш сифатлари хос бўлгани сабабли улар орасида аксилижтимоий фаолликнинг юзага келишидан эҳтиёт бўлиш зарур.

Шу ўринда нигилизм тўғрисида таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ. Нигилизм (лотинча nihil – ҳеч нарса) дунёқарашга хос позиция бўлиб, инсон моҳиятини, унинг аҳамиятини инкор қилишда, барча томонидан эътироф этилган ахлоқий, маънавий ва маданий қадриятларни, ҳар қандай нуфузли инсонларни тан олмасликда намоён бўлади.

Эрих Фромм нигилизмга инсонга хос бўлган психологик ҳимоя механизмларидан бири, деб таъриф беради.<sup>1</sup> У шахснинг асосий муаммоси инкор этилиш ва ўзини намоён қилиш ҳисси орасидаги кураш, деб ҳисоблайди. Фроммнинг таъкидлашича, инсон шахсининг ривожланиши икки асосий йўналиш: озодликка интилиш ва бегоналашув доирасида амалга ошади. Инсон

---

<sup>1</sup> Фромм, Эрих Зелигманн. Анатомия человеческой деструктивности = Anatomie der Menschlichen Destruktivitat (1973) / Перевод П. С. Гуревич. – Москва: АСТ, Хранитель, Мидгард, 2007. – 624 с. – (Золотой фонд мировой классики. Философия. Психология. История).

«озодлик» кўламини кенгайтириш орқали такомиллашувга кўпроқ мойил бўлса-да, барчанинг ҳам бу йўлдан юришга тўла қурби етмайди. Чунки, турли салбий ҳиссиёт ва ҳолатларни енгиб ўта олмаслик инсоннинг бегоналашувига олиб келади ва шахс ўз «Мен»ини йўқотади. Натижада «озодликдан қочиш» деб номланган ҳимоя механизми юзага келади. Ушбу ҳимоя механизмига мазохизм ва садизм, деструктивлик, нигилизм, автоматлашган конформизм сингари ҳолатлар хосдир.

**Асосий тушунчаларни шакллантириш.** Барча талабаларга дарс бошланишидан олдин «экстремизм», «терроризм», «террор» тушунчаларининг маъносини адабиётлардан фойдаланиб, топиб келиш вазифаси топширилади. Дарсда талабалар мазкур тушунчалар тўғрисида маълумот берадилар ҳамда уларга хос бўлган асосий жиҳатларни аниқлаштирадилар. Айрим тушунчалар дафтарларга ёзилгани мақсадга мувофиқ. Таҳлил жараёнида муаммони кейинчалик ўрганиш учун бир неча тушунчалар танлаб олинади.

**Экстремизм** (лотинча *extremus* – кескин, охири) кескин, ашаддий қарашлар ва радикал чора-тадбирларга мойиллик.

**Ёшларнинг экстремистик кайфиятлари** – ёшларнинг хавфли, таваккалчилик кўринишидаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишга, ўз тушунчаларидаги (дин, миллат ва ҳ.к.) қадриятларни ҳимоя қилишга интилиши.

**Терроризм**–муайян сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ёки бошқа натижаларга эришиш мақсадида алоҳида шахс, гуруҳ, объектларга нисбатан зўравонлик ёхуд таҳдидни амалга ошириш.

**Терроризм** –экстремизмнинг энг охири босқичи, даражаси.

**Терроризм** – мухолиф гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган зўравонлик.

**Терроризм** (лотинча «*terror*» - қўрқув, даҳшат) – сиёсий мақсадларда амалга ошириладиган зўравонлик ҳаракатлари.

**Терроризм** – давлатга алоқадор бўлмаган кучлар томонидан жамиятда қўрқув, ваҳима муҳитини яратиш, сиёсий тизимни ўзгартириш, вазиятни издан чиқаришга уриниш. Муайян диний, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш учун террорчилар зўравонлик усулларида фойдаланадилар.

Талабалар экстремизмнинг ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида мураккаб эканлигини тушунадилар, террор ва терроризмнинг қуроли – репрессия, террорчилик акти эканлигини англайдилар.

**Мунозара.** Ёшлар субмаданияти - экстремизм ривожланиши учун манба.

Мунозара ўтказиш учун қатнашчиларга қуйидаги позициялардан бирини танлаш таклиф этилади.

Ҳа, бу фикрга қўшиламан.

Қисман қўшиламан.

Йўқ, қўшилмайман.

Билмайман, ўйлаб кўрганим йўқ.

Иштирокчилар ўз позицияларини аниқлаштириб олганларидан сўнг, ҳар бир гуруҳга ўз позицияларини турли далиллардан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилиш лозимлиги тушунтирилади.

Мунозарани яқунлаш, хулосалашда ёшлар субмаданияти тушунчасига ёндашувлар таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ (2-илова).

### **Ҳужжатлар матни билан гуруҳий тарзда ишлаш**

Мазкур босқичда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси матнлари билан иш олиб боришлари зарур. Иш жараёнида талабалар дафтарларга керакли деб ҳисоблаган фикр-мулоҳазаларини ёзиб борадилар.

Гуруҳларга тахминан қуйидаги вазифалар топширилиши мумкин:

**Биринчи гуруҳга топшириқ.** Тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасида терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва асосий тамойилларини аниқлаштириш.

**Иккинчи гуруҳга топшириқ.** Терроризмга қарши курашнинг ташкилий жиҳатлари, мақсади, субъектлари, мазкур субъектларнинг ваколат ва вазифаларини ўрганиш.

**Учинчи гуруҳга топшириқ.** Террористик амалиётларни ташкиллаштирган, уларга алоқадор шахсларга нисбатан қўлланадиган жазо чораларини ўрганиш.

Берилган топшириқлар бўйича гуруҳ аъзолари такдимот ўтказгач, гуруҳлар томонидан баён этилган маълумотлар таққосланади, натижалар умумлаштирилади, хулосалар қилинади.

## **Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилиш**

Иккинчи дарсинг якунида ҳар бир гуруҳга «Ёшларда аксилэстремистик мафқурани шакллантиришда ёшлар субмаданиятининг ўрни, аҳамияти ҳамда имкониятлари» мавзусида лойиҳа тақдимотини ишлаб чиқиш вазифаси берилади.

«**Назариётчилар**» гуруҳи республикадаги мавжуд асосий ёшлар субмаданиятлари хусусида маълумот берувчи тадқиқот проекти хусусида тақдимот ўтказади.

«**Матбуот маркази**» гуруҳи ҳозирги глобаллашув шароитида экстремизм ва терроризм профилактикасига бағишланган махсус веб-сайт яратиш борасидаги лойиҳа тақдимотини амалга оширади.

«**Сиёсатчилар**» гуруҳи талабаларга мўлжалланган қоидалар шаклини яратишга, «Ёшлар терроризмга қарши» ёшлар ташкилотининг дастурини ишлаб чиқишга йўналтирилган амалий лойиҳалар тақдимотини ўтказади.

«**Психологлар**» гуруҳи ёшларни турли зарарли оқимлар, деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишга йўналтирилган психологик-педагогик тавсиялар, механизмларни яратишга йўналтирилган лойиҳаларнинг тақдимотини амалга оширади.

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун кўшимча адабиётлардан, интернет материалларидан, 1-3 иловалардан фойдаланиш мумкин.

Лойиҳалар тақдимотини ўтказишдан бир-икки ҳафта олдин гуруҳларга мавзулар берилади. Гуруҳ аъзолари маълумот олишнинг манбаларини ўрганадилар, лойиҳа тақдимотининг шаклини аниқлайдилар.

Талабалар лойиҳалар тақдимотини амалга оширгач, ўқитувчи машғулотни якунлайди, хулоса қилади.

*Илова*

### **Ёшлар орасида экстремизм ривожланишининг сабаблари**

**1. Йигит ва қизларнинг ёш хусусиятлари ва улар ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.** Ижтимоий мавқенинг ноаниқлиги, ижтимоий позицияларнинг маргиналлиги, улғайиш билан боғлиқ психофизиологик ўзгаришлар, ижтимоийлашув жараёнлари ёшларни ташқи таъсирларга нисбатан анча заиф қилиб қўяди.

**2. Хоҳиш, истакларнинг беқарорлиги, мақсадларнинг ноаниқлиги, ўзгача фикрлайдиганларга нисбатан тоқатсизлик, шошма-шошарлик** кўпроқ ёшларга хос сифатлардир. Бундай сифатлар ёшларни ота-оналари ва катта ёшлилардан узоқлашишига,

ўзи сингариларни қидиришига сабаб бўлади. Ёшлар ижтимоий мансублик, қизиқишлар умумийлиги нуқтаи назаридан уларнинг эҳтиёжларини қондирувчи турли гуруҳларга бирлаша бошлайдилар.

3. Ёшлар гуруҳларида маданий меъёрлар ва установкалар шаклланади, ўзига хос кадриятлар қўллаб-қувватланади, «биз» ва «улар» деган психологик қарама-қаршилик юзага келишига асос бўладиган омиллар таркиб топади.

Тадқиқотчилар терроризм ва экстремизмнинг тўртта манбаси мавжудлигини таъкидлайдилар.

**Биринчидан**, терроризм ва экстремизмнинг юзага келиш хавфи трансформация йўлига ўтган, аҳоли қатламлари этноижтимоий белгиларига кўра кескин фарқланадиган жамиятларда кўпроқ кузатилади. Аҳолининг маргинал кайфиятдаги вакиллари террорчилик ҳаракатларининг иштирокчилари бўлиши мумкин.

**Иккинчидан**, ижтимоий фарқланиш, қашшоқлик ёки ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг қуйи даражадалиги эмас, балки аҳолининг бойлар ва камбағалларга бўлиниши тажовузкорлик ҳамда терроризмнинг вужудга келишига сабаб бўлиши эҳтимоли мавжуд.

**Учинчидан**, экстремизм ижтимоий ислоҳотлар ўтказилаётган даврларнинг бошида кучаяди. Ислоҳотларнинг муваффақияти экстремистик кайфиятларнинг пасайишига олиб келади.

**Тўртинчидан**, охирига етказилмаган урбанизация жараёнлари, саноатлашувнинг ўзига хос шакллари, жамият этнодемографик тузилмасининг ўзгариши, хусусан, бошқарилмайдиган, назорат қилинмайдиган миграция ижтимоий ҳаётда экстремизм ва бошқаларга нисбатан бегоҳатликни вужудга келтиради.

**Бешинчидан**, айниқса, авторитар сиёсий режимли ислом мамлакатларида этник ва диний экстремизм ҳамда терроризм ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланади. Чунки, мазкур режимларда зўравонликка сиёсий ихтилофларни бостирувчи маданий меъёр туси берилиши мумкин.

Илова

**Ёшлар субмаданияти** –бу, муайян авлодга мансуб ёшларга хос маданият бўлиб, ҳаёт тарзи, хулқ-атвор, гуруҳий меъёрлар, кадриятлар ва стереотиплар умумийлиги билан ажралиб туради. Ёшлар субмаданиятини маъно-моҳият тизими, ифодаланиш

воситаси, ҳаёт услуби сифатида тавсифлаш мумкин. Ёшлар томонидан ташкил этилган мазкур гуруҳлар анча кенг кўламли ижтимоий мазмунга эга меъёрларга қарама-қаршиликни ҳам билдиради. Субмаданият жамиятга хос бўлмаган ҳодиса эмас, аксинча у ижтимоий-маданий мазмунда жадал давом этаётган ҳодисаларга хос хусусиятдир.

**Субмаданият** тушунчаси остида макон, фазовий ва ижтимоий жиҳатдан алоҳида, нисбатан кичик ижтимоий гуруҳ ҳисобланган тузилмаларга хос қадриятлар тизими, хулқ-атвор ва ҳаёт кечириш тарзи тушунилади. Мазкур тузилмалар фаолияти жамият ижтимоий-маданий ҳаётидаги бошқа етакчи тизимлар билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, одатлар, йўл-йўриқ, меъёрлар, қадриятлар нуқтаи назаридан улардан кескин фарқ қилади.

**Бир томондан ёшлар субмаданияти** –бу, ёшларнинг ўзини ўзи намоён қилиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга бўлган фаол интилиши, **иккинчи томондан** –жамиятдаги етакчи хулқ-атвор шакллари, ҳаёт тарзи ва стереотипларга қарши стихияли норозилик ифодаси, **учинчи томондан** эса –кўпчилик ёшлар учун тушунарсиз бўлган ўзгаришлар, қийинчиликлар, ижтимоий муаммолардан психологик ҳимоя воситаси сифатида майдонга чиқади.

---

---

## IV боб. САНЪАТ ВА ИЖОД НАМУНАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

### 4.1. Санъат ҳамда ижод намуналари деструктив ғояларга қарши қадриятлар ва бағрикенгликни шакллантирувчи восита сифатида

**Ижоднинг психологик тавсифи.** Замоनावий дунё аҳолиси коммуникациянинг техник воситаларига кун сайин кўпроқ қарам бўлиб бормоқда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлод онги, хулқ-атвори, тарбиясига тобора ўз таъсирини ўтказяпти. Бу таъсир айрим ёшларда ижобий, бошқаларида эса салбий жиҳатларни намоён қиляпти. Турли ахборотлар доим ҳам ижобий ва бағрикенглик мазмунида бўлмаганлиги учун уларни ўзлаштирган ўқувчи-талабалар, ёшлар хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари воситасида жамиятда намоён этмоқдалар. Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу айтганидек, «Биз қуш сингари осмонда учишни, балиқ каби сувда сузишни ўзлаштириб олдик. Энди фақат инсондек ерда яшашни ўргансак, кифоя».

Маданиятли саналган инсон иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган нафақат бошқа мамлакатлар маданияти, тарихи, адабиётини балки ўз миллати, давлати ижтимоий-маданий ривожига хос унсурларни биринчи галда ўзлаштириши, бу борадаги ютуқлардан фахрланиши лозим.

Ижод муаммоси жуда кўп сабабларга кўра долзарб саналади. Энг аввало, шунинг учунки, ижод –бу, кенг қамровли тушунча. Уни ўрганиш воситасида нафақат, инсон, балки жамият ривожини қонунийларини ҳам чуқур англаб етиш мумкин. Бироқ, ижод муаммоси ҳозирги пайтда кам тадқиқ этилган масалалардан ҳисобланади.

Жаҳоннинг машҳур психолог олимлари З. Фрейд, Ж. Пиаже, А. Адлер, А. Маслоуларнинг таъкидлашларича, ижоднинг манбаси биоижтимоий мавжудот бўлмиш инсон табиати, руҳиятига бориб тақалади. Психология фанида ижодга бўлган эҳтиёжни ўргана туриб, тадқиқотчилар (Т. Амабайл, С. Голанн, Р. Крутфилд, Д.Аткинсон, Р.Кларк, Ф.Варрон) муваффақият ва тартибга



нисбатан интилиш етакчи аҳамиятга эга хусусиятлар эканлигига урғу берганлар. Россиялик олим В.Н.Дружинин ўз тажрибавий тадқиқот хулосаларини умумлаштириш жараёнида «ижодий фаоллик ички мотивация, туртки натижасида юзага келади ва ўзига хос шарт-шароитлардаги фаолиятда намоён бўлади» деган фикрни билдиради. Умуман олганда, ижод психологиясида ижодийлик бир бутун ҳолда шахсининг ўз индивидуаллиги, асосий моҳиятини намоён қилишга интилиш сифатида тушунирилади.

Бу борада ўтказилган тадқиқот натижаларининг шаҳодат беришича, ижодий қобилиятга эга мактаб ўқувчиларининг аксариятида ўз имкониятлари, қобилияти ва аҳамиятини намоён қилишга ҳаракат бошқа ўқувчиларга қараганда кучлироқ ифодаланади. Ўзини намоён қилишга интилиш барча ёшдаги ўқувчиларга хос хусусият, бироқ бу ақлий қобилиятлари ёрқин ифодаланган болаларда кўпроқ кўзга ташланади. Мазкур жиҳатнинг ёшга хос хусусиятлари ҳам фарқланади. Мисол учун Н.С.Лейтес тажрибалари катта ёшдаги қобилиятли мактаб ўқувчиларида ўз устларида ишлаш, келажаклари учун қайғуриш, машҳур одамларга ўхшашга интилиш сифатлари аниқроқ кўзга ташланишидан далолат беради. Бироқ афсуски, республикамизда ҳали бу борада етарли даражада назарий ва умумметодологик аҳамиятга молик илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган, деб бўлмайди.

Ижоднинг манбасини тўлиқ тушуниш ва унинг психологик механизмлари моҳиятини англаш учун инсон шахсининг яхлит ва тизимли таркиб топиши нуқтаи назаридан ижодга бир бутун жараён сифатида қараш лозим. Зеро, ижод –бу, бир бутун ҳолдаги инсон феноменини англатади. Психологияда шахс тушунчасини яхлит ва тизимли тарзда идрок этиш, унга шу йўналишда ёндашиш анъанавий ва устувор ҳисобланади.

Ижодкор одам деганда, бирор янги ва оригинал нарсани кашф этадиган ёки ясайдиган киши эмас, балки ўзига хос хулқ-атвор ва психик фаолиятни эгаллашга интиладиган инсон назарда тутилади. Бошқача айтганда, бу аниқ фаолиятга боғлиқ рефлексия воситасида амалга ошириладиган ўзини ўзи йўналтириш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштиришни назарда тутати.

Ўзини намоён қилишга интилиш –инсон куч-ғайрати, ижодий фаоллигининг асосий манбаси. Шу билан бирга бошқа омиллар (оила, таълим муассасалари, ижтимоий муҳит, тарбия, касб хусусиятлари)нинг ҳам аҳамиятини пасайтириб бўлмайди. Инсоннинг

аҳамиятли бўлишга интилишини турли олимлар, мутафаккирлар ҳар хил тушунчалар билан ифодалаганлар («яшаш учун кураш» (Ч.Дарвин), «ҳаётга муҳаббат» (А. Шопенгауэр, Ж.Лондон), «ҳокимиятга интилиш» (Макиавелли, Ф. Ницше), «устунликка интилиш» (А.Адлер), «даъво қилиш, талабгорлик» (К. Левин), «ўзига ишонч» (Ж. Вольпе), «ўзини ўзи фаоллаштириш» (А. Маслоу), «ўзини ўзи намоён қилиш» (К. Рожерс) ва ҳ.к.).

**Санъат бағрикенглик (толерантлик)ни шакллантиришга йўналтирилган ижод турларидан биридир.** Бағрикенглик –сабртоқат ёки бефарқлик дегани эмас. Бағрикенглик дунёнинг ўзгариши, турли маданиятлар, динлар, антропологик типларга нисбатан ҳурмат билан қарашдир. *Бунда фақат бир мезонни унутмаслик лозим: мазкур турфа хиллик умумэътироф этилган инсонпарварлик меъёрларидан оғинмаслиги зарур.* Бу эса кишиларнинг ўша меъёрларни тан олишини англатади.

Адабиётларда «бағрикенглик (толерантлик)» тушунчасига ҳар хил таъриф берилади. Масалан, психологик луғатларда бағрикенгликка шахс ва уни ўраб олган олам билан уйғунлиги нуқтаи назаридан таъриф берилса, Брокгауз ва Эфрон луғатида динларга нисбатан тоқатни намоён қилиш сифатида қаралади. Ижтимоий-маданий маънода эса ҳар қандай ўзга нарсаларга ҳурмат бағрикенглик деб ҳисобланиши мумкин. Умуман олганда, бағрикенглик бошқаларнинг ғоялари, турмуш тарзи, фаолияти, мавжудлигини қабул қила олишдир<sup>1</sup>. Бу барча турфа хил эканлигига кўникиш ва ўзидан фарқ қилувчиларни ҳурмат қилиш ҳисобланади. Ҳинд мутафаккири Махатма Ганди бу борада «Мен бағрикенглик сўзини унчалик хуш кўрмайман, бироқ ушбу сўздан кўра афзалроғини билмайман», деб айтган эди. Бироқ, атрофимизда, дунёда ҳозирча муросасизлик ҳукмрон. Шунинг учун 1995 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Халқаро бағрикенглик йили» деб эълон қилди.

Бағрикенглик инсондаги шундай ижтимоий-маданий, психологик хусусиятки, шахсинг оила, таълим муассасалари, кўча-кўй, меҳнат жамоасидаги муносабатлари характерини белгилаб беради. Бу ҳар бир инсонда масъулият, хайрихоҳлик, босиқлик, чидамлилик хислатларининг бўлишини талаб қилувчи жиҳатдир. Лекин бошқа маданият, ҳаёт тарзи, эътиқодга нисбатан чидамсизлик руҳи

---

<sup>1</sup> Бети Радон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Алматы, 2002, -Б 96 (рисола ўзбек тилида).

ҳамон айрим жамиятларда кузатилмоқда. Шунинг учун энг аввало, фуқароларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилиши ва этник ҳамда маданий турфа хилликни таъминлашга йўналтирилган «бағрикенглик» тушунчасининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. У ижтимоий ва этник низоларнинг олдини олиш, мунозарага киришаётган томонлар орасидаги кескинликни бартараф этиш, ҳар иккала томоннинг фикрларини ўйлаб, мушоҳада, таҳлил қилиб, оқилона бир қарорга келиш асоси сифатида тушунилмоқда.

Бағрикенглик юқорида таъкидланганидек, шахснинг бошқалар билан кераксиз ихтилофга бормаслиги, турмуш тарзининг турли кўринишларига нисбатан ҳурмат, эҳтиром ва тушуниш билан муносабатда бўлиш ёхуд ўз дунёсининг бошқалар учун очиқ бўлиши мақсадида танланган муомала, муносабат тамойили бўлиши мумкин.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан бери жаҳон урушлари юз бергани йўқ, лекин айрим давлатларда бўлиб ўтаётган кичик урушлар, террорчилик, деструктив ҳаракатлар оқибатида миллионлаб инсонлар ҳаётдан кўз юмди. Вайронагарчиликка олиб келувчи урушларнинг табиати ўзгариб, улар давлатларнинг ички урушлари кўринишини ола бошладилар. Бу ҳолатлар, асосан, бошқалар тўғрисида етарли билимга эга бўлмаслик; турли – туман қадриятлар, эътиқодлар қарашларни ҳурмат қилмаслик; ўзга маданият, миллат, ирқ, жинс, тил, дин вакилларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларининг кўпол бузилиши оқибатида юз бермоқда. Ушбу урушлар аксарият ҳолларда алоҳида олинган давлатлар орасида эмас, алоҳида олинган давлатларнинг ичида содир бўлиб, уларда ҳарбийлардан кўра, кўпроқ оддий фуқаролар азият чекмоқдалар. Бундай урушлар жамият аъзолари, хусусан заиф қатламлар (аёллар, болалар, қариялар)га ниҳоят юқори даражада жисмонан ва руҳан салбий таъсир кўрсатмоқда. Атроф-муҳитга эса тиклаб бўлмас даражада зарар етказилмоқда.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ғоялари ҳамда вазифалари ЮНЕСКОнинг Низомида қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, унда «Уруш тўғрисидаги қарашлар инсониятнинг онгида пайдо бўлади, шунинг учун инсоннинг онгида тинчликни ҳимоя қилиш ғояларини қарор топтириш лозим», деб ёзиб қўйилган. Агар ҳозирги вақтда кузатилаётган можаролар табиатининг хусусиятлари ҳисобга олинса, ЮНЕСКО Низомидаги бу ғояларнинг нақадар долзарб тус олганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлиб келмоқда. Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар, миллатлар ва дин вакиллариغا нисбатан ўзининг хайрихоҳлигини, ҳурмат билан ёндашувини намоён этиб келган. Маданиятлараро мулоқот ва диний бағрикенглик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатларидан бирига айланган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси ўз келажак қиёфасини белгилашда тинчлик ва осойишталик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, маданиятларнинг ўзаро уйғунлашуви, турли миллат ва элатларнинг жамият ҳаётида тенглик асосида иштирок этиши йўлидан бормоқда. Инсон ҳуқуқлари ва демократия Ўзбекистоннинг миллий ва давлат манфаатларига, халқимизнинг эрксевар миллий тафаккур тарзи ва руҳиятига тўла мос келади.

Шунинг учун бўлса керак, Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлган кундан бери ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг бағрикенглик ва тинчлик маданияти соҳасидаги турли дастур ва лойиҳаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистонда бағрикенглик соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди<sup>1</sup>. Чунончи, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши 155-сессия кўчма мажлисининг Тошкентда ўтказилиши ва унда «Тинчлик маданияти» декларациясининг қабул қилиниши (1998 йил 6 ноябрь); динлараро мулоқот бўйича ЮНЕСКО Халқаро Конгрессининг Ўзбекистонда ташкил этилиши (2000 йил 14 сентябрь); бағрикенглик ва тинчлик маданияти ғояларини тарғиб этишда ЮНЕСКО Бирлашган мактаблар дастурига республикамиздан умумий ўрта таълим мактабларининг аъзо бўлиши; ЮНЕСКО бағрикенглик тамойиллари Декларацияси ҳамда бошқа бир қатор ҳужжат ва нашрларнинг ўзбек тилида чоп этилиши шулар жумласидандир.

Инсоният янги минг йилликка ҳам қадам қўйди. Бу минг йилликда янги хавф-хатарларга дучор бўлиши эҳтимоли ҳали-ҳануз бартараф этилмаган. Кўпгина муаммолар инсоният учун таҳдид солмоқда. Мутахассислар уларни фақатгина таълим дастурларини ривожлантириш, ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор қаратиш ва

---

<sup>1</sup> Бети Радон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Алмати, 2002, 8-бет.

халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш орқали ечиш мумкинлигини қайд этмоқдалар.

Таълимда бағрикенглик тамойилларининг аҳамиятлилигини англаш зарурий ва муҳим қадамдир. Кейинги босқичлар, аввало, бағрикенгликнинг табиатини, бағрикенг шахсни шакллантириш манбалари ва шарт-шароитларини аниқлаштиришни талаб этади. Бағрикенглик категорияларидан бири бўлмиш новербал бағрикенгликни таҳлил қилиш нуқтаи назаридан мазкур жиҳат инсоннинг онгли танлови эканлигини таъкидлаш жоиз. Шу билан бирга новербал бағрикенглик шахснинг бошқа инсонлар билан муносабатларини ўзаро тушуниш, эҳтиром тамойиллари асосида қуришни, турли хил турмуш тарзи, урф-одатларни ҳурмат қилишни, ўзгалар билан очиқ-ойдин мулоқот қилиш қобилиятини назарда тутати.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, санъат ва маданиятнинг бир бутун ҳолда ижтимоий ҳаётнинг, жамиятнинг турли қатламларига кўрсатадиган таъсирини ўрганиш лозим. Санъатнинг моҳияти ва унинг таъсири масалалари жуда кўп мунозараларга мавзу бўлмоқда. Санъатнинг табиати инсоният маданиятининг энг сирли масалаларидандир. Санъатга ҳиссиёт, тасаввур, таъсиротларнинг инъикоси сифатида қарашади. Ундан ташқари, санъат – тадқиқот усули бўлиб, санъатнинг когнитив моҳияти уни фан билан яқинлаштиради. Санъаткор (ёзувчи, рассом, мусиқачи) олим сингари ҳаётий воқеа-ҳодисалар моҳиятини унинг асосида ётувчи объектив қонуниятлар орқали англашга ҳаракат қилади. Илм-фандан фарқли ўлароқ, санъат ҳақиқатни илмий тушунчалар ёрдамида эмас, балки тимсоллар воситасида ифодалайди. Санъат – ички оламни бадий тимсолларда намоён қилиш жараёни ёки ҳосиласи бўлиб, ҳис, туйғу, ўй, фикрлар акс эттираётган унсурларни ижодий уйғун тарзда ўқувчи (реципиент)га етказишдир.

Анча вақтлар давомида инсоннинг гўзалликка нисбатан эҳтиёжини қондирувчи маданий фаолият тури санъат деб ҳисоблаб келинган эди. Ижтимоий, эстетик меъёрлар тадрижи натижасида эстетик идеалларга мос тарзда ҳар қандай ифодали шаклларни яратишга йўналтирилган фаолият тури санъат дея атала бошланди. Санъатнинг асосий вазифаларидан бири ён-атрофимизда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини, инсон ва жамият учун энг муҳим жиҳатларни ёрқин тимсолларда кўрсатиб беришдир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бағрикенглик ижодкор инсондаги ҳиссий уйғунлаштирувчи мезон сифатида

санъат асарларида намоён бўлади. Ҳақиқий санъат асарлари инсонда ўй-фикр ва ҳиссиётларни тўғри ўзанга йўналтиради, идрок ва сезгилар орқали ёрқин тимсолларни вужудга келтиради.

Санъат ижтимоий ҳаётда ўзига хос вазифани ҳам бажаради. Санъат функциялари унинг англаниши мақсадидан келиб чиққан ҳолда мотивлашган ва мотивлашмаган гуруҳларга бўлинади. Санъатдаги мотивлашмаган мақсадларга ижодийлик, катарсис, илҳом сингари тушунчаларни киритиш мумкин бўлиб, бунда ижодкор ўз ички дунёси орқали ўзига хос «маҳсулот»- санъат асарини яратади.

Санъатнинг мотивлашган мақсад ва вазифаларига муаллиф, санъаткор томонидан асарни яратиш жараёнида ўз олдига атайлаб қўйган мақсадларини (масалан, сиёсий мақсадлар, психологик таъсир, муайян реклама ва ҳ.к.) киритиш мумкин.

Санъатни кишилар орасидаги билвосита алоқа шакли деб ҳам ҳисоблайдилар. Бунда санъатнинг кишиларда бағрикенглик ҳислатларини тарбиялаши ҳам назарда тутилади. Санъат, хусусан, тасвирий санъат орқали рассом ўз хаёлий дунёсини новербал усулда, тил воситаларисиз тақдим этади. У кенг кўламдаги шакл ва рамзлар воситасида турли тарзда талқин қилиш мумкин бўлган ғоя ва фикрларини узатадики, асар томошабинлари ўз нуқтаи назарлари асосида асарни баҳолайдилар. Айни ҳолатда ҳам санъатнинг бағрикенглик хусусияти кўзга ташланади.

Замондошимиз, канадалик файласуф, психолог Лиз Бурбо таъкидлаганидек, инсоннинг назарига тушган, инсон ўқиётган барча нарса унинг онгида ўз изини қолдиради. Бу из, натижанинг фойдали ёки фойдасиз бўлиши энг аввало, шахснинг ўзига ва унга кўрсатилаётган таъсирга, тарбияга боғлиқ.

Инсон олами энг қадим замонлардан бошлаб акс эттиришга интилиб келади, бу ҳақда қоятошларга чизилган суратлар далолат беради. Бу тасвирлар сеҳргарлик характерига эга бўлиб, улар инсон фикрларини бошқаларга узатишнинг ўзига хос шакли ҳисобланган. Санъат ҳиссиёт, кайфият, туйғуларни, ижтимоий ҳаёт, қадриятлар хусусидаги маълумотларни ўзгаларга етказишга имкон берган. Шартли маънода санъат мулоқот учун қўлланадиган рамзий мазмундаги шакл ёки тасвирлар йиғиндисини ташкил этади, дейиш мумкин.

Мушоҳада қилиш қобилиятига эга бўлган инсон ўз позицияси, қадриятлар тизимига эгадир. Бағрикенгликнинг шахс даражасидаги

ўлчами ўзида, энг аввало, қадриятли-мазмуний тизимни ифода-лайди. Бу тизимда инсон бошқаларнинг қадриятларини ўз қадриятлари сингари ҳурмат қилади, ўзгаларнинг дунёқараши, ҳуқуқ ва эркинликларини тан олади. Мана шу жиҳатларнинг барчаси санъатда акс этади.

Бағрикенгликнинг бошқа барча таркибий қисмлари орасида шахс омили алоҳида ажралиб туради, зеро у бошқа психологик қисмларни ўзида бирлаштирувчи ягона ўзак ҳисобланади. Мазкур ҳолат бағрикенгликка ўзгариб турувчи ва барқарор шахс позицияси сифатида қарашга имкон беради.

Хушмуомалалик, сиёсий ҳушёрлик, новербал коммуникация ва бағрикенглик орасидаги аниқ чегарани ойдинлаштириб олиш ҳам зарур. «НOVERбал коммуникация» тушунчаси нутқий мулоқот доирасидан четга чиқувчи ўзга (нутқсиз) тизимлар ва ахборотни узатишнинг алоҳида шакллари назарда тутлади (мисол учун, инсоннинг ташқи олам билан кўриш, эшитиш, виброрецепция, тери-туюш рецепцияси ва ҳ.к орқали алоқада бўлиши, турли сахна, теле- ва кинокурсатувларни, тасвирий санъат намуналарини томоша қилиши ва ш.к.). Шу тариқа новербал коммуникация ҳам бағрикенглик характеридаги мулоқот шаклида кўзга ташланади. Агар сўз инсоннинг онги, унинг мушоҳада-мантикий соҳасига йўналтирилса, кўпчилик санъат турларида етакчи ўрин тутувчи новербал маълумот эса кишининг онгости ва ҳиссий оламига қаратилган бўлади.

Санъат асарларининг жамиятга кўрсатадиган таъсири анчагина каттадир. Шунинг учун муаллиф-санъаткор ўзига хос йўлбошловчи вазифасини бажаради. Бағрикенгликнинг новербал категорияларига шахсий қарашлардан фарқ қиладиган фикрлар, ўзга ирқ, дин вакиллари, хатти-ҳаракатларга холисона ва адолатли муносабатда бўлиш ёки уларга нисбатан фаол қизиқишни намоён этишни кўрсатиш мумкин.

Инсонларнинг ҳар хил этник гуруҳлар, турли маданиятларга мансублиги қадриятлар ва стереотипларнинг турфа хиллигини кўрсатади. Уларни талқин қилишда муайян миллат, халқ менталитетидан келиб чиқиб, иш юритиш лозим. Маълум бир маданий жамият қадриятлари ва стереотипларини билиш таъбир жоиз бўлса, шахснинг бағрикенглик майдони кўлами кенгайтирилишига олиб келади. Бунинг ҳаммасини санъат намуналарида акс этган, билдирилган ахборот, маълумотни қабул қилиш, идрок этиш

жараёнида тушуниш, ўрганиш мумкин. Инсоннинг бағрикенглик майдони қисмлари сифатида севги-нафрат, ёқтириш-ёмон кўриш, дўстлик-душманлик, хайрихоҳлик-бадхоҳлик, ўзники-бегона ва ҳ.к. тушунчалар хизмат қилади.

Мазкур тушунчаларга турли ижтимоий-маданий жамиятлар, гуруҳлар вакилларининг берадиган баҳосидан умумий даражада бўлса ҳам бохабар бўлиш кишининг бағрикенглик хусусиятлари шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Дунёнинг тақдири ва бахтга эришиш имкониятлари инсонларнинг ўз кўлидадир. Уруш ва терроризм, деструктив хатти-ҳаракатларга нисбатан муносабатни сўз ва ибораларда ифодалаш анча мушкул вазифа. Инсонлар, барча инсонлар истисносиз бахтли бўлишга интиладилар. Уруш, босқинчилик, террор, ғам-қайғу, ҳасрат, кулфатни ҳеч ким ўз танасида ҳис этишни хоҳламайди. Лекин, афсуски, ҳаёт жараёнида бу тушунчаларнинг айримлари билан тўқнашишга тўғри келади.

Новербал коммуникацияда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли ахборотлар турли тимсоллар воситасида инсонга узатилади. Бадий асар ёки тасвирий санъат бўладими, мусиқа ёки кинофильм бўладими, унинг усулларида қатъи назар инсонга, унинг онгига кўрсатиладиган таъсирини, ижтимоий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Мисол учун, рассомлар ўз асарлари, пейзаж ва натюрмортлари орқали кўпинча ўзлари ҳис этган, бошларидан кечирган туйғуларини томошабинга етказишга ҳаракат қиладилар.

**Ижодий муҳитнинг инсон фаолиятида бағрикенглик намоён бўлишига таъсири.** Иқтисод ва ахборот тизимларининг жадал ривожланиши, тараққиёт инсон бахт-саодати учун хизмат қилиши лозим. Бироқ, ҳозирги вақтда вазият шуниси билан мураккабки, жамиятда тажовузкорликнинг ўсиб бориши, экстремизм, низоларнинг кучаяётганлиги таҳликали жиҳатлардан ҳисобланади. Инсониятнинг тараққиёт босқичлари, мамлакатларнинг чегараланиши тарихига назар солсак, ҳар бир давлатнинг ўзига хос маданияти борлигининг гувоҳи бўламиз. Башариятнинг турли соҳаларда эришган ютуқлари, муваффақиятлари одамларнинг барча соҳаларда ўзаро бир-бирини тушунишларига олиб келмади. Инсонларда ибтидоий жамоа тузумидаги сингари ҳамон бошқалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилиш турли шаклларда кўзга ташланмоқда. Бу нафақат турли давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, балки кундалик шахслараро муносабатлар характерида, оммавий қотилликлар, жиноятларда ҳам намоён бўляпти. Инсонлар



онгида айниқса турли этник ва диний мансублик асосида олиб бориладиган низо, курашлар кўпроқ сақланиб қолган. Ҳозирги вақтда дунёда инсоннинг хавфсизлиги масалалари долзарблашиб бормоқда. Инсонларнинг халқаро миқёсдаги алоқалари, миграция масалалари чуқурлашиб, жадаллашиб бораётган бир кезде миллатлараро, этник характерга эга бўлган можаролар, конфессиялараро низолар бутун дунёда кузатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан толерантлик –озод ва эркин жамият, барқарор, мустаҳкам давлат тузумини ривожлантириш борасида жаҳоншумул, глобал муаммога айланди, дейиш мумкин.

Кейинги вақтларда кўпчилик тадқиқотчилар санъат, ижоднинг айтиш мумкин бўлса, шифобахш хусусиятига эътиборни қаратмоқдалар. Инсонлар ижодий фаолият билан шуғулланиш, санъат асарларини идрок этиш стресс, тажовузкорликдан халос бўлиш, муаммоларни бартараф этиш, турли ғам-қайғулардан (мисол учун яқин кишисини йўқотиш билан боғлиқ) ва ҳатто айрим нохуш жисмоний ҳиссиётлар, оғриқлардан қутулишга ёрдам беришига эътиборни қаратмоқдалар.

Санъат инсонлар билан уларнинг ҳис-туйғулари, ўй-фикрлари хусусида ўзига хос, специфик тилда мулоқотга киришади. Санъатнинг вербал ва невербал жиҳати сўзлар, тил, услуб, бўёқлар, шакллар, ҳаракатларда кўзга ташланади. Ижод фаолиятининг юқорида айтиб ўтилганидек, шифобахшлик хусусияти қадим замонлардан маълум. Инсоният тарихининг энг қадимги даврларидан санъат одамларнинг шод-хуррамлик ва чуқур ғам-қайғу, зўр тантана, зафарлар ва фожиавий йўқотишгача бўлган ҳолатларида ўзига хос психологик ҳамда маънавий кўмак воситасини бажарган.

Ижодий муҳитда бўлган шахснинг идроки нафақат ижод билан боғлиқ, балки таълим, тарбия ва илмий фаолият билан алоқадор тушунчаларни ҳам адекват, тезроқ қабул қилади. Идрокнинг икки жиҳати мавжуд. **Биринчисида**, яъни когнитив ҳолат билан боғлиқ жиҳатида анализаторлар, рецепторлар, бош миянинг мураккаб фаолияти натижасида юзага келадиган, ҳосил бўладиган жараён назарда тутилади. Мазкур жараёнда онгимиз атрофимиздаги нарса-буюмларнинг турли сифат ва хусусиятлари, унсур ва қисмларини акс эттиради. Бунда кўриш, эшитиш, тери-туюш, ҳаракат, ҳид билиш анализаторлари иштирок этади. Айнан идрок ҳамда диққат, хотира, тафаккур, ҳиссиётнинг ташқи муҳитдан келадиган ахборотни қайта ишлашда тутган ўрни, аҳамияти

каттадир. Илгари таъкидланганидек, инсон ўз қизиқишлари, эҳтиёжлари ва манфаатларига мос келадиган нарса ва ҳодисаларни биринчи ўринда идрок этади. Шу маънода идрокнинг ўзи мақсадга мувофиқ йўналтирилган фаолият ҳисобланади. Идрок этилаётган объект тимсолининг тузилмаси уни таҳлил этиш, тадқиқ қилиш усулига боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Объектни илк марта идрок этишда унинг энг умумий жиҳатларига эътибор қаратилади, кейинчалик бу жараён бир неча марта қайтарилгач, инсоннинг ҳаёт тажрибасига айланади ва дастлабки тасаввурдан фарқли равишда унинг икир-чикирлари ва хусусий томонлари тўғрисида яхлит тушунча, тимсолга эга бўлинади.

Тимсолда объектнинг ҳажми, ранги шакли, мароми билан боғлиқ сифатлар мавжуд экан, объект тўғрисидаги ушбу умумий ва яхлит тасаввур алоҳида олинган рецепторлар фаолиятининг натижасидир. Ўзининг яхлитлиги, бутунлиги билан тимсол муайян йўналишдаги хулқ-атвор шакллантиришга хизмат қилиши мумкин. Объектни маълум бир тимсол сифатида идрок этиш – унга нисбатан маълум бир позицияни эгаллаш ва хатти-ҳаракатларни амалга оширишни англатади.

Идрок кўпинча инсоннинг перцептив тизими сифатида баҳоланади. Шу тариқа ҳозирги вақтда идрокнинг янгидан-янги таърифлари яратилмоқда. Айтилганлардан келиб чиқиб, биринчи жиҳат юзасидан хулоса қилиш мумкинки, идрок мураккаб, шу билан бирга яхлит жараён бўлиб, бизга айна пайтда таъсир ўтказиб турган нарса-ҳодисалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Идрокнинг **иккинчи жиҳати** унинг бадийлигидир. Бироқ, ҳис-туйғуларимиз психикада бир бутун ҳолда ифодаланади. Санъат асарининг инсонга таъсири натижасида ҳар хил кишиларда турли таассуротлар уйғониши мумкин. Бу шахснинг ҳаёт тажрибаси, дунёқараши, воқеа-ҳодисаларга шахсий муносабатига боғлиқ бўлади.

Бадий ижод психологияси йўналишида тадқиқотлар олиб борган олимларнинг таъкидлашларича, ижод инсон мавжуд, реал ҳаётидаги муаммолари, ўй-фикрларининг ҳаёлий дунёга кўчирилишидир. Ижодкорнинг бундан кўзлаган мақсади ўзини ривожлантириш, такомиллаштириш, намоён этиш, ҳаётда яшашидан мақсадини, ҳаётий қадриятларини кўрсатишдир.

## 4.2. Санъат, ижоддаги айрим йўналишлар ҳамда «оммавий маданият»нинг шахс маънавий юксалишига кўрсатадиган салбий таъсири

Ҳозирги кунда фан, санъат, адабиётдаги йўналишлардан бири постмодернизмдир. Постмодернизм – (*французча postmodernisme*– модернизмдан сўнг) XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин жаҳон ижтимоий ва маданий ҳаётидаги тузилмавий, мазмуний ўзгаришларни англатувчи атама. У фалсафий оқим номи ҳамда санъат ва бадиий ижоддаги услублар йўналишини тавсифлаш учун ҳам қўлланади. Постмодерн, шунингдек, муайян даврдаги оммавий маданият, классик фалсафий парадигмалар унсурларини камраб олувчи маданиятнинг айна пайтдаги ҳолатидир.

Постмодернизм нафақат машҳур фалсафий тушунча, балки, у билан боғлиқ ҳолда шаклланган жамият интеллектуал қатлами вакилларига хос мафкура, дунёқараш, индивидуал-психологик ҳис-туйғунинг айрим хусусиятларини ҳам ифодалайди. Ушбу хусусиятлар кўпинча замонавий маданий фаолият, бадиий ижод, санъат, кинематография, журналистика, архитектурада намоён бўлади. Айтиш мумкинки, назаримизда, постмодернизмда кўпроқ ғарб маданиятининг инқирози кўзга ташланади. Уни қанчалик мақташга, кўкка кўтаришга ҳаракат қилишмасин, шак-шубҳасиз, постмодернизмда анъанавий қадриятлар ва маданиятнинг асосий негизларини назар-писанд қилмаслик, вайрон қилиш йўналишидаги деструктив тенденцияни пайқаш мумкин. Постмодернизм психологияси ва мафкурасининг моҳияти ана шундадир. Бироқ бунда тамаддун натижасида эришилган асосий ҳаётий, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш хусусида ҳеч қандай сўз кетмайди. Масалан, постмодернизмнинг асосий маддоҳларидан ва мафкурачиларидан бири бўлган россиялик Борис Парамоновнинг «Услуб интиҳоси» асаридан бир парчани таҳлил қилишимиз мумкин. Бу унинг «маданий» йўналишидаги дастуридир. «Инсоният ҳаётнинг моҳияти хусусидаги изланишлардан чарчаб бўлди. Тиш чўткаси каби фақат шахсий, индивидуал ҳақиқатгина мавжуддир... Эркин ва маърифатли жамиятда мукамал, «жиддий» санъатнинг бўлиши мумкин эмас, фақат ножиддий, ўйноқи, ўзини ўзи фош қилувчи санъат бор...Америкаликлар айтганидек –Достоевский,

хайр»<sup>1</sup>. Муаллифнинг фикрича, санъат энди оммавий маданият, MTV даги ҳар ҳафта ўзгариб турадиган юлдузлар, ҳар қандай тасодифий шахснинг (у ким бўлишидан қатъи назар) ўзлигини намоён қилиши йўлидаги уринишини англатади. Шунинг учун постмодернизм «тажовузкор ахлоқийликдан воз кечиш»га чақиради, постмодернизм мафқураси ва психологияси оммавий онгнинг энг тубан эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади.

Ахборот асри ижтимоий-гуманитар фанлар олдига шахс ва жамият ривождаги энг муҳим муаммоларни ҳал қилиш вазифасини қўйди. Илмий жамоатчилик ижтимоий воқеликни таҳлил қилиш, лойиҳалаштириш, келажакни тахмин қилиш билан боғлиқ ғоя ва усуллар, ёндашувларни тадқиқ этиш заруратини ҳис этишмоқда. Бироқ, айрим олимлар постмодернизмнинг ҳақиқий табиатини ёритиб беришга нисбатан объектив, адекват муносабатни намоён қила олмаяптилар. Постмодернизмнинг деструктив жиҳатлари етакчи ғарб файласуфлари, фан ва маданият арбоблари томонидан аллақачон тан олинган ва бу борада кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Ғарбда ҳозирги вақтда постмодернизмни тарғиб-ташвиқ этувчи бирорта йирик олим ёки жаҳон тан олган кучли мутахассис йўқ. Шу нуқтаи назардан мазкур йўналишнинг психологик, фалсафий жиҳатларини танқидий таҳлил қилиш, киши руҳияти, онгига кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирларини ёритиб беришга республикамизнинг ижтимоий-гуманитар йўналишда илмий фаолият олиб бораётган олимлари кенгроқ эътибор қаратишганда мақсадга мувофиқ бўларди.

Ахборий жамият бутун жаҳонда маданий фаолиятнинг деформациялашувига олиб келди. Бу, аввало, ахборий жараёнлар ва оммавий коммуникация тизими хусусиятларига, бозор муносабатларининг устувор аҳамият касб этганлигига, мазкур муносабатлар мақсади, тузилмасининг ўзгарганлигига боғлиқдир.

Аҳвол шу тарзда давом этса, маданият оммавий маданият томонидан буткул забт этилиши, барбод қилиниши мумкин. Ғарб, Европа, Россия телевидениеларидаги ахлоқсизлик, беҳаёликни ташвиқ этувчи кўрсатувлар, интернетга ҳеч қандай назоратдан ўтмай жойлаштирилаётган материаллар инсонларга зарарини ўлчаб бўлмайдиган даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу ёшлар «Мен»ининг шакли бузилишига олиб келмоқда, ижтимоий муҳит, социумда ўз

---

<sup>1</sup> Парамонов Б. Конец стиля. М.- СПб, 1997: С. 13.

ўрнини топишига салбий таъсирини намоён қилмоқда, жиддий маънавий-ахлоқий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий воқеаларни индивидуал ва оммавий онг нуқтаи назаридан идрок этишда воқеликнинг объектив мезонлари асосида эмас, атайлаб, зўрлаб тикиштирилган суггестив ёрликлар, ясама мезонлар таъсирида ахборот, маълумотни қабул қилиш, уларга муносабатда бўлиш кучаймоқда.

Кейинги вақтларда иррационал тенденцияларга мойиллик, мистик таълимотларни тарғиб-ташвиқ қилиш, баъзи кишилар орасида эзотерик таълим парадигмаларининг устуворлашаётгани, оккультизм, сеҳр-жоду билан боғлиқ амалиётларнинг кўпаяётганлиги кўзга ташланмоқда. Сеҳргар, фолбин, экстрасенс, мунажжим, турли табиблар ўз хизматларининг катта бозорини ташкил қилдилар. Афсуски, бу бозор айрим оммавий ахборот воситалари ва интеллектуал инсонлар томонидан ҳам қўллаб-қувватлантирилмоқда. Бу ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган маънавий муаммолардан бири саналади.

Маълумки, педагогик ва тарбиявий хатти-ҳаракатларга доир қарашлар ва муносабатлар хилма-хил бўлиб, психологик манипуляция объектив ҳодиса, ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Психологик манипуляциядан энг яхши ҳимоя эса—уни кўра билиш, сеза олиш. Ахборот билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, маълумотни танқидий идрок этиш малакаларини таркиб топтириш, онгга таъсир қилиш мақсадида кўплаб қўлланадиган турли усул ва воситалар билан ёшларни таништириш деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг мундарижасини ташкил этади.

Шахс моҳияти билан боғлиқ масалалар илк жамиятлардан бери инсониятнинг илғор вакилларини безовта қилиб келаётган муаммолардандир.

Башариятнинг ушбу муаммоларни ҳамда бемаънилиқ ва деструктивликни, ижтимоий-маънавий ҳаёт, маданиятдаги шизоид тенденцияларни бартараф этишида; инсоннинг ўзига ўзи бўлган ишончини, келажак ва ёрқин истиқболга бўлган интилишини оширишида иродавий сафарбарликни шакллантириш муҳим аҳамиятга молик жиҳат ҳисобланади. Зеро, шахсда ирода кучини тарбиялаш айни пайтдаги долзарб муаммолардан саналади, чунки инсон ҳар қанча иқтидорли, истеъдодли бўлмасин, агар ўзида иродавий зўриқишни, мақсадга мувофиқ фаолликни намоён этмаса,

ўртамиёна, ҳатто куйи даражадаги киши сифатида қолавериши мумкин.

**Деструктивлик, вайронкорлик эстетикаси.** Қанчалик ғалати бўлмасин ёки кулоққа нохуш эшитилса-да, деярли барча инсонлар, таъкидланганидек, зўравонлик, вайронкорлик, қотиллик, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар, жиҳатларга муайян даражада қизиқадилар. Бу инсон табиатига хос хусусият. Ўлим сири, жангу жадаллар, тамаддунларнинг ер юзидан йўқолиб кетиши, қатл сахналари нафақат ҳаётда, балки санъат намуналарида ҳам ўз аксини топмоқда. Телевидение, кино ва бадий ижодиётда тўхтовсиз жиноят олами янгиликлари, кўрқинчли фильмлар, қиёмат яқинлашиб келаётгани мавзулари такрорланмоқда.

Замонавий деструктив санъатнинг инсон психик саломатлиги ва ақлий имкониятларига кўрсатадиган салбий таъсири аллақачон тиббиёт ходимлари ва олимлар томонидан исботланган. Музейлар ва тасвирий санъат галереяларига турли ёшдаги кишилар келишади. Уларнинг барчаси тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик борасида етук мутахассислар бўлишмаса-да, асарнинг мазмун ва моҳиятини англашга ҳаракат қиладилар. Агарда экспонатда шакл ва мазмун уйғунлиги намоён бўлса, санъат бўйича мутахассис бўлмаган томошабин ҳам муаллиф кечинмаларини ҳис қилади. Бу муаллифнинг маҳорат ва асар мазмуни воситасида реципиент тафаккурига маънавий озуқа берганлигини билдиради. Дастлабки визуал мулоқот ҳисобланган айни жиҳатнинг томошабинга анча чуқур таъсир қиладиган бошқа тарафи ҳам бор. Фанда эътироф этилишича, нарса-буюмлар шакли, кўриниши, шу жумладан санъат асарлари физикага оид тушунчалар бўлган электр заряди, энергиядан кам таъсир кўрсатмайди. Шунинг учун юқорида айтиб ўтганимиз, оккультизмда нарсаларнинг шакли орқали, кўриниши орқали муайян энергияни бошқа объектга узатишга ҳаракат қилишган.

Испаниялик санъат тарихи бўйича мутахассис Хосе Миликуа Мадрид шаҳридаги илмий анжуманда қилган чиқишида ҳайратомуз далилларни ошкор этди. Унинг айтишича, 1936-1939 йиллардаги Испаниядаги фуқаролар уруши даврида абстракт тасвирий санъат йўналишидаги асарлардан маҳбусларни психофизиологик қийнаш воситаси сифатида фойдаланилган. Миликуанинг сўзларига қараганда, Барселонанинг Вальмайор ва Сарагоса кўчаларида жойлашган қамокхоналар деворлари, шипларига сюрреализм ва

абстракционизм руҳидаги расмлар чизиб чиқилган. Намуна сифатида ўша даврнинг новаторлари ҳисобланган Кандинский, Васарели, Клее, Иттон ва бошқа рассомларнинг асарлари олинган.

«Рангли» деб аталган қамоқхона камераларида маҳбуслар учун турли геометрик шаклларга тикилишдан бошқа иложлари қолмайдиган шароитлар яратилган. Миликуанинг сўзларига қараганда, бу маҳбусларнинг асабларини узил-кесил ишдан чиқарган ва сўроқ пайтида улардан хоҳланган маълумотни олиш имконини яратган.

Тарихчининг таъкидлашича, ушбу расмларни чизган шахс француз мусиқачиси ва рассоми Альфонс Лоуренсик бўлган. Жамоатчилик орасида катта шов-шув чиқарган, 1939 йили бўлиб ўтган судда у маҳбусларга психофизиологик таъсир қилишнинг ўзи амалга оширган усуллари хусусида батафсил сўзлаб берган. Лоуренсикнинг ўзи ҳам олий жазога ҳукм қилинган.

Санъатнинг асосий қуроли инсон онг остига таъсир қиладиган ахборий мулоқотдир. Унинг бу имкониятидан кишилар онгини забт этиш мақсадида, ғараз ниятларда ҳам фойдаланилмоқда. Буни дунёни эгаллаш учун қилинаётган ҳаракатлардаги янгича кўриниш, дейиш мумкин. Мақсадга эришиш учун икки босқичда иш олиб борилади. Дастлаб, онгга хос бўлган умумий, анъанавий, умуминсоний қадриятлар, стереотиплар вайрон қилинади. Кейин эса, онгнинг ягона – истеъмолчиларга хос типи шакллантирилади.

Янги замон онгини бошқариш мумкин бўлган инсоннинг янги типини вужудга келтирди. Катта-катта гуруҳларнинг, оломоннинг онгини бошқариш мутлоқ ҳокимиятга эришиш йўлларида бири сифатида ҳозирги кунда кўпчиликни қизиқтирмоқда. Жаҳонда ҳукмронликни қўлга киритиш учун санъат ва адабиётнинг ҳам имкониятларидан фойдаланилмоқда.

Санъат, маданият намуналари хусусида фикр юритганда шу ўринда кейинги пайтларда бот-бот гапирилаётган «оммавий маданият» тушунчаси ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Хўш, «оммавий маданият» ўзи нима? Атоқли публицист Михли Сафаровнинг «Маърифат» газетасида чоп қилинган ««Оммавий маданият» – маънавият кушандаси» номли мақоласида бу тўғрида батафсил ва қизиқарли маълумотлар берилгани учун қуйида мазкур мақоладан иқтибослар келтириш лозим деб топилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Сафаров М. «Оммавий маданият» – маънавият кушандаси. // «Маърифат», 2003 йил 23 январь.

«Оммавий маданият» Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда «популяр» ёки қисқартирилган ҳолда, «поп-культура» (яъни «оммавий маданият») деб аташади. Ғарчи «маданият» деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра «оммавий маданият» чинакам маданиятнинг кушандасидир.

Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда «антикультура» («ғайримаданият») деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун «Поп (оммавий) маданият» тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, «оммавий маданият», аслида маданиятсизлик, яъни маънавийтсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир. «Оммавий маданият» шу боисдан, энг аввало, юксак истеъдод ва ўлмас маънавий-ахлоқий ғоялар байроқдори бўлган мумтоз маданиятга, санъатга, унинг бойликларига қарши тиш-тирноғи билан курашиб, уни инкор этиб келяпти. Ғарб дунёсининг ўзидаги файласуфлар, социолог олимлар, «Бизга «Тўққизинчи симфония» (Бетховен) керак эмас!» ёки «Мона Лиза»ни лойга қориштирамиз!» каби жаҳолатпарастликка асосланган хитоблар «оммавий маданият» тарафдорлари ва мухлисларининг дастурий қарашлари негизини ташкил этади, деб ёзадилар.

Таассуфли жиҳати шундаки, гоҳида ғоятда истеъдодли инсонлар ҳам «оммавий маданият» тарғиботчиларининг кутқусига учраб, унинг тегирмонига сув қуймоқда. Масалан, рассом Салвадор Дали Леонардо да Винчининг «Мона Лиза» («Жаконда») асарини кулги қилиб, Мона Лиза лаблари устига мўйлов чизган ва «Мўйловли Жаконда» асарини яратган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мана шундай «аччиқ истехзоли, қора мазмунли кулги» - «оммавий маданият» фаолиятининг энг етакчи белгиларидан биридир. «Оммавий маданият» намояндалари қора, захарханда, беҳаё кулгуни «исён ифодаси» деб билишади. «Нимага қарши исён» деган савол туғилади. Агар «поп-маданият» дунёга «эхсон» этаётган «поп-арт» («тасвирий санъат» деса ҳам бўлади), «поп-натижаларига қараб ҳукм юритадиган бўлсак, улар инсоният яратган барча қадриятларни исёнкорлик билан инкор этади: юксак маданиятни, маънавийтни, ахлоқни, юксак орзу-мақсадларни менсимайди... Улар учун эзгуликнинг ўзи йўқ. Жумладан, санъат - алоҳида истеъдодлар томонидан яратиладиган маънавий бойлик, мўъжиза эканлиги каби ижоднинг олий мезонлари «поп-маданият» тарафдорларининг ўта даражада ғашини келтиради. Уларнинг



фикрича, ҳамма санъаткор бўлиши мумкин. Ҳамма нарса санъат аталиши мумкин. «Поп-арт» - оммавий санъат шу хулоса манбаида вужудга келган.

Чунончи, «оммавий маданият» намояндаларидан бири Карл Маннинг фикрича, атроф-борлиқда, маиший ҳаётда мавжуд барча нарсалар (масалан, консерва банкалари, синиқ тиш чўткалари, машина, водопровод кабиларнинг занглаган бўлаклари, турли суратлар, журнал-газета қийқимлари ҳам) ҳаёт бағридан алоҳида ажратилиб, уларга муайян тартиб берилиб, одамлар назарига тутилса, бу оддий чиқиндилар баайни археологик қазилмалар чоғида топилган қадимги юнонлар даврига хос осори атиқалардай ўзгача аҳамият касб этиб, «санъат, маданият намуналари» қаторидан ўрин олар эмиш.

«Поп-арт»чиларнинг дастурий қараши шундайки, улар инсонни эмас, аксинча, нарсалар ва буюмларни эъзозлашади; маънавий дунёни эмас, маиший-истеъмолчилик ҳис-туйғуларини қадрлайдилар ва уларни кенг оммалаштиришга интиладилар. Уларнинг маънавий позицияси - маънавиятни ўлдириш ва «нарсаларга қуллик»ни рағбатлантиришдир. Американинг таниқли адиби Рэй Бредбери айтганидек, «оммавий маданият» мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси - автомобил, телевизор, музлаткичга эга бўлиш. Агар телевизор иккита бўлса, уларга шунча яхши.

Президентимиз И.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаида таъкидлаганидек, табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.

«Оммавий маданият»да «Поп (оммавий)-муסיқа» алоҳида ўрин тутади. «Поп-муסיқа»ни «Янги рок» белгилайди. «Янги рок», таъбир жоиз бўлса, кучайтирилган ритмик тузилмали мусиқадир. Яъни жазавали ритм, зарб, шовқин ушбу мусиқанинг қиёфасидир. Бу мусиқа тинглашга, қалбдан ҳузурланишга эмас, балки вужуд ҳаракатига, талвасали рақсга йўналтирилган. «Оммавий маданият»даги техник-ижро воситалари мусиқа имкониятларини ниҳоятда торайтирмоқда, полифонизм - мусиқий садолар бойлиги ва ранг-баранглигини йўққа чиқармоқда.

Умуман айтганда, «поп-музыка» ижрочилиги кўнгилочар музика ниқоби остида оммавий васвасали, шайтоний талвасали, бадахлоқ рақслар, кўпинча охири жанжал, ур-йикит, ваҳшийликларга бориб етадиган агрессив дискотека шоуларини уюштириш билан ажралиб туради. 1970 йилда Калифорниянинг Алтамонте шаҳрида бўлган музика фестивалида ўзини «поп-музыка» етакчиси ҳисоблайдиган «Роллинг Стоунз» («Айланаётган тош») гуруҳи концерти ана шундай ур-йикитлар билан тугаб, полиция бу можаро оқибатлари билан узок муддат шуғулланишига тўғри келган эди. «Поп-музыка» намояндалари ўз «оммавий»ликларини таъкидлаш учун сахнадаги хатти-ҳаракатлари ва кийим-либослари намойишида ҳам - одоб-ахлоқ, жамиятга эҳтиром туйғуларини рад этиб - асосан кўча, оломончилик қонун-қоидаларига амал қиладилар. Ва ўзларининг кулгули даражада ажралиб турадиган шундай рафторларидан фахрланадилар. Афсусланарли томони шундаки, бундай ҳолатларни «поп-музыка»чилар санъатдаги демократизмнинг, халқчилликнинг тантанаси, деб билишади.

Аслида, уларнинг сахнада ўзларини безорилардай тутиши санъатни ва санъаткорликни ерга уради. Бу эса ҳайрон қоларли эмас: чунки асл санъатни ерга уриш - «Оммавий маданият»нинг дастурий, яъни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларидан биридир.

«Поп-музыка» намояндалари ижро этадиган кўшиқ матнлари эса, аввало, шеъриятнинг оддий талабларига жавоб бермайди ёки улар кўпроқ кўчада мавжуд беҳаё, жаргон ибораларга – қадриятларни, инсоний эзгуликларни киноя, мазах қиладиган сўзларга асосланган. Хуллас, эркинлик, демократия «намуналари» деб тавсия этилаётган «поп-музыка» матнлари билан ҳақиқий шеърият ҳамда асл халқчил дид, соғлом руҳият, маънавият ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

1964 йилда АҚШда Т.Сазерн ва М.Хоффенберг деган икки муаллиф ҳамкорликда ёзишган «Кенди» («Асал қиз») номли романини нашрдан чиқаришди. Кейинчалик бу китоб қайта ва қайта, катта миқдорларда америкалик китобхонларга тақдим этилди. Ушбу роман асосида яратилган кинофильм кинотомоша бозорида кенг тарқалди. «Кенди» қаҳрамони, «Асал қиз» деб таърифланган жувон дуч келган одам билан тўшақда айш-ишрат қилишдан чарчамайди. Унинг ишқибозлари - турли диний ва сиёсий қарашли шахслардир. «Кенди» романи Америка адабиётида

шаклланган ва кенг тарқалган романтик табиатли, ширин ва гўзал ўй-хаёлларга берилувчан қизлар тимсолини кескин ҳажв қилади, уларнинг устидан кулади. Бадиий маҳорат талабларидан анча пастда турадиган, аммо «кўнгилочар»лик мавзуи мухлисларини ошуфта этган бу китобга АҚШ адабиётшунослари: «Маданий таназзулда олдинга қараб қўйилган улкан қадам», дея киноя билан баҳо беришди.

Худди шу китоб билан айнаи бир вақтда АҚШда Жон Речи исмли ёзувчининг «Тунги шаҳар» номли романи чоп этилди. Китоб саҳифаларида шаҳардаги тун - жиноятлар базмига айланади, инсон шахси ва унинг қадри эса мис чақага арзимади. Бу роман «тубанлик ва қабоҳат - инсон табиатини белгиловчи ҳақиқатдир», деган ғояни тасдиқлаш учун битилган.

Биз нега бу икки романи эсладик? Айнан, ана шу китоблар ва улар асосида яратилган фильмлар - ғарбдаги «оммавий маданият»нинг адабиётдаги, телевидение ва кинодаги йўлини белгилаб берди. Интим муносабатлар, шахватпарастлик, зўравонлик, худбинлик, «Ким кучли бўлса - ўша ҳақ» деган чангалзорлар қонунини поэтиклаштириш АҚШ ва Европа «оммавий маданият»ида мана шундай асарлар таъсирида кенг оммалашди. Агар айрим Ғарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасидаги никоҳ - ҳайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги назар тутилса, «оммавий маданият» тарғиб этаётган маънавий тубанликлар, беҳаёликлар, қабоҳатлар нақадар чуқурлашиб кетганлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Шу ўринда зарур бир изоҳ: «поп (оммавий) маданият»нинг намояндалари ва тарғиботчилари «поп-адабиёт»ни унчалик тан олишмайди. Уларнинг фикрича «адабиёт - бу сўз санъати» дегани. «Поп (оммавий) маданият» эса санъатга, жумладан, «сўз санъати»га қарши. Аниқроғи, «санъатсиз сўз», яъни ёввойи, дағал, тарбия, ахлоқни хуш кўрмайдиган «кўча сўзлари»га мойил. Бироқ, улар хоҳлайдими-йўқми, айнан Ғарб оламида бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб, томир отаётган «оммавий маданият» таъсирида «Поп (оммавий) адабиёт» ҳам туғилипти. Ва бу «адабиёт» «оммавий маданият»нинг тубан ғоялари тарғиботига хизмат қилмоқда.

«Оммавий маданият» кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Китч (заррача бадиий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки лукмалар битилган беҳаё матбаа - расм маҳсулотлари),

старизм (субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда, эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хеппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштирилдиган «кескин» томошалар, масалан, роял, пианино ёки автомобилларни уриб абжағини чиқариш ёхуд ўт қўйиш орқали ваҳшиёна, оммавий «кўнгил очиш»лар уюштириш) «оммавий маданият»нинг айрим кўринишларидир.

Юқорида биз Ғарбда «оммавий маданият»нинг тарихи, туғилиш манбалари тўғрисида сўзладик. Ҳозир-чи? Ҳозирга келиб эса бу тамойиллар янада ғовлаб, томир отяпти. Масалан, «поп-музыка»га хос ўша ритмик «бит» (зарб), қўшиқ ниқобидаги алаҳсираш, валдирашга яқин дидсиз «рэп»лар таъсири дунё миқёсида тарқалиб, миллий мумтоз ва халқ мусиқа санъатидан одамзотни узоклаштирмоқда. Ғарб давлатларининг айримларида «оммавий маданият» тарқатаётган «порнография» (шармсизлик, ҳаёсизлик) ҳамда садизм (зўравонлик) тарғиботи йўлидаги ғовлар, қарангки, суд қарорлари асосида, бирин-кетин олиб ташланаяпти. Ҳатто АҚШ мактабларида «Янги рок» мусиқалари ўқув дастурларига киритилган...

«Оммавий маданият» мактабининг «натижалари» эса яққол кўриниб турибди. Масалан, АҚШнинг айрим мактабларида содир этилаётган портлашлар, болаларнинг савдойи, вас-вос кимсалар қўлида қурбон бўлаётгани, ёшлар феълида кучайиб бораётган тажовузкорлик жаҳон оммавий-ахборот воситалари орқали ҳаммага маълум. «Экканингни ўрасан» деб шунга айтсалар керак-да.

Афсуски, ер юзидаги ахборот алмашинуви мислсиз тезлашган ҳозирги глобализм шароитида, Ғарбдаги «марказлар» бундан фойдаланиб, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида Ғарб ҳаёти «жозибалари»ни, жумладан, «оммавий маданият» таъсирини «эркинлик шабадалари» тарзида имкон қадар кенг ёйишга энг шимариб ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШнинг таниқли сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский шундай ёзади: «...Маданият соҳасида Америка жаҳон ёшлари орасида алоҳида жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бу эса АҚШга жаҳоннинг ҳеч бир давлатига насиб қилмаган сиёсий таъсирни таъминлайди. Айниқса, Американинг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллайди. Унинг оммабоп мусиқаси, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланишларидаги одатлари ва ҳатто, кийинишларига бутун

дунёда тақлид қиладилар». АҚШ сиёсати ва мафкураси намояндалари ўз мамлакатлари манфаати, сиёсати ва турмуш тарзини фақат китоблар, публицистик чиқишлар орқали тарғиб этиш билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Дунё халқларини «ғарблаштириш»га уринишлар кууроли сифатида, масалан, «оммавий маданият» воситаларидан, турли-туман ахборот тарқатиш (реклама, матбуот, кино, телевидение каби) йўлларида зўр бериб фойдаланилмоқда.

Албатта, халқимиз, жумладан, ёш авлод ғарб фан-техникаси, маданияти, адабиёту санъатининг илғор жиҳатларини инкор этмайди. Бироқ ғарбдаги тараққийпарвар зиёлиларнинг ўзи «ғарбнинг муаммоси» сифатида баҳолаётган «оммавий маданият»нинг маънавий-ахлоқий тубанликларини ёшларимиз қанча тез англаса, шунча яхши. Ёзувчи Ўткир Ҳошимов фикр юритганидек, глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги даврда радио-телевидение, матбуотда ҳам шундай ҳолат сезиляпти. Албатта, илм-фанда глобаллашув бўлишига ҳеч ким қарши эмас. Чунки ўзбек математикаси билан уммонорти математикасида фарқ йўқ. Дейлик, Япония ва Канада кибернетикаси фарқ қилмайди. Лекин ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам Америка маънавияти билан ўзбек маънавияти фарқланиб тургани маъқул. Акс ҳолда халқнинг халқ сифатидаги киёфасига путур етади.

Президентимизнинг маънавият масалаларига бағишланган юқоридаги асарида ҳам ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солаётгани ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олаётгани хусусида қимматли фикрлар билдирилади.

Тўғри, биз демократия даврида яшайпмиз. Жамиятимизда қизиқиш ва майлларга ҳурмат билан қаралади. Аммо хатарли қизиқиш ва майллардан давлат ва жамият ўзини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун эса, энг аввало, реклама ва оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги давлатимиз қонунларининг талаблари қатъий бажарилиши керак. Яъни, реклама берувчилар ва журналистлар давлатимиз, жамиятимиз хавфсизлигига (жумладан, халқни, ёшларни маънавий айнитишга олиб келадиган ҳолатларга) йўл қўймасликлари керак. Афсуски, бундай ҳолатлар юз бераяпти.

Қолаверса, дунёқараш тарбияси имкониятларини ривожлантиришимиз лозим. Масалан, «Огоҳлик» иборасининг маъноларини бугунги замон шароитидан келиб чиқиб, анча кенг миқёсда тушунишимизга тўғри келади. Яъни бугунги огоҳлик халқимиз, айниқса, ёшлар дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний-ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айна пайтда, жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва эстетик манфаатлар йўналишидаги ошқора ва хуфя курашларнинг кенг миқёсдаги хатарли жихатларидан, жумладан, «оммавий маданият»нинг емирувчи таъсиридан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Иложи бўлса, глобаллашувнинг салбий оқибатлари, «оммавий маданият» ниқобидаги аксилмаданият ва турли ғаразли, ноҳолис ахборотлар хуружининг таъсирини мумкин қадар камайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онгини, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик маданиятини юксалтириш учун мамлакатимиз таълим тизимининг - мактаблардан тортиб то олий таълим муассасаларигача бўлган барча босқичлари ўқув дастурларига юксак малакали педагогларни жалб қилган ҳолда махсус фанларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

«Оммавий маданият», уларнинг ёш авлод онгига, хулқиға етказиши мумкин бўлган салбий таъсирлар хусусида интернет саҳифаларида ҳам яхши материаллар ёритилмоқда. Шулардан бири журналист Темучиннинг «Ниҳолларни асрайлик!» номли мақола-сидир. Мақола шундай бошланади:

«Тўғриси, мақолага даб-дурустдан бундай сарлавҳа қўйишимга сабаб бўлган омил «ИнтерФутбол» газетасидаги «Футболчи ва оила» рукни остида доимий равишда бериб борилаётган қисқа хабарлар бўлди. Газетхонлар билишадикки, мазкур хабарларда футболчиларнинг ўз жуфтига қилган хиёрати (ёки бунинг тамоман акси), садоқати ва оилавий жанжаллари, саёҳатлари ҳақида қисқа маълумотлар бериб борилади.

Хўш, нима бўпти деяпсизми? Ҳа, нима бўпти. Бу бир тарафдан яхши-ку! Футболчиларнинг шахсий ҳаётидан хабардор бўлишнинг нимаси ёмон? Аммо мени жияним бор-да! Жиян қурғур, уйга қачон газета кўтариб келсам, орқа саҳифадан тескари ўқий бошлайди. Сабаби эса оддий: «қизикади». Мени аниқроқ тушунишингиз учун газетанинг охириги сонидан эълон қилинган хабарни келтириб ўтсам. Келинг, яна бир карра ўқийлик...

«Тоттенхем»да ҳам хиёнаткор.

«Тоттенхем» ҳужумчиси Жермейн Дефо ҳам хиёнатга боғлиқ можаро қаҳрамонига айланди. У ўз қаллиғи поп юлдуз Александра Беркка хиёнат қилганликда айбланмоқда. Британия матбуотида футболчининг Ньюкаслдаги меҳмонхоналардан бирида фотомодель Жорди Лоро Браун билан кўнгилхушлик қилгани ҳақида хабарлар пайдо бўлганди. Бу каби шов-шувли мақолалардан безиган Дефо ниҳоят барчасини тан олиб қўя қолди. «Ҳеч кимни алдамоқчи эмасман – дарҳақиқат Лоро билан бирга бўлганман», – деди Англия терма жамоаси аъзоси. Модель ҳам бу сўзларни тасдиқлади, лекин барчаси тасодифий рўй берганини алоҳида таъкидлади: «Аслида Дефо билан қандайдир муносабат ўрнатиш ҳақида ҳаттоки ўйламагандим ҳам. Шунчаки, ҳаммаси тасодифан юз берди ва мен бундай тақдирга таъсир ўтказа олмадим...». Дефо ўз хатти-ҳаракатлари билан «Шпорлар»ни энг ашаддий мухлисларидан жудо қилмаган бўлсинда...

Бу лавҳа учун «ИнтерФутбол» газетаси таҳририятини асло айблаб бўлмайди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳозирги пайтда ахборот ва хабарлар оқимини мажбурий сиқиб, ушлаб туришнинг имкони йўқ. Чунки, ўқувчи бунга ўхшаш мақолаларни у газетдан бўлмаса интернетдан ёки бўлмаса кабель тармоғидан телевизор орқали олади. Ҳўш, келажак авлод маънавияти ҳақида қайғуриш катталарнинг бурчи экан, нима қилмоқ керак? Топдингиз! Тарбияни тўғри олиб бормоқ керак. Ўсиб келаётган ёш футболчиларга ва мухлисларга тўғри ёндашув кўрсата билиш керак. Ўрнак керак! Намуна зарур! Бунинг учун эса...

Жияним анча ёш. Ҳали мўйлаби сабза урмаган. Келажакда машҳур футболчи бўлмоқчи. Орзуга айб йўқ. Машҳур ўйинчи бўлса, камина ҳам «КАТТА ТОҒА» бўлиб мағрурланиб юрардим, қанийди. Лекин унинг тарбиясига масъуллар қаторида бир ташвиш ўйлантиради: ана, боринг, орзу ҳам амалга ошди, дейлик. Жиян тушмагур, ҳозирданок бизнинг маънавиятимизга хос бўлмаган бундай хабарларни ўқиб, ўзича ўйласа керак, – футболчига ҳамма нарса ярашади, деб. Ҳмм, бу ҳали ҳолва. Ўқиса майли, кўраяпти-да, шунга ўхшаш сюжетларни. Тезкор мисол: ҳар оқшом ойнаи жаҳон қаршисида футбол баҳсларини томоша қиламиз. Ўша ўйинларда футболчиларни кўриш баробарида мухлисларни ҳам кўрамыз. Ғарб операторлари қарийб идеал ишлашади, тасанно! Афсуски, баъзан айрим мухлислардаги жазавани кўриб хуноб бўласан, киши.

Яқинда «Бавария» ва «Къёлн» жамоалари ўртасидаги баҳс яқунлангач, мухлислар стадионни полигонга айлантириб юборишди. Қоп-қора тутун. Жазава. Бақирқларнинг маънисига тушуниб бўлмайди. Ёки бўлмасам нима эмиш: қайсидир фотомодель (исмини ёзгим келмади) севимли жамоаси ғалабаси шарафига стадионда стриптиз кўрсатармиш. Сербия терма жамоаси мухлислари эса, Италияда томоша кўрсатиб, севимли футболчиларининг нафратига «сазовор» бўлишди (Деян Станковичнинг кўз ёшлари ва мухлислар олдига келиб ялинганлари, эсингиздадир). Энг даҳшатлиси айрим жамоа мухлислари ўйиндан сўнг жанжал кўтаришади. «Унча мухлис ўлибди, бунча мухлис касалхонага ётқизилибди» қабалидаги хабарларни эшитиб эса этинг музлаб кетади. Ахир шу ҳам мухлисликми?! Эҳ-ҳе, бу қабиларнинг давоми ҳам борки, истехзо билан кулишдан нарига ўтолмайсан. Қўл силтаб қўяй десанг, жиян телевизор кўради, интернет «титади». «Футбол мухлислар учун ўйналади», дейилгани рост. Аммо бу ибора мухлисларга ҳар қандай хунрезликлар, яланғоч томошалар кўрсатиш учун дастак дегани эмас-ку! Хавотирланманг, у ёқ Европа, Океан орти, бизда ундай бўлмайди, дегандай бўлдингизми? Биз-ку, тушунамиз, кимлигимизни ва қанақа мухлислигимизни ҳам биламиз. Фақат авлодлар олдида муносиб аждод бўлишнинг асосий шarti – миллий ўзликни сақлаб қолиш ва шунинг баробарида уни келажак авлодга етказиш зарурлигини ёддан чиқармасак бас. Ўшанда барчаси ўйлаганимиздек бўлади.

Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчи ва жуда муҳим томони эса маданият. Мухлислик маданияти.

Мен, мана қарийб 20 йилдан бери футбол баҳсларини томоша қилиб келаман. Шу миллиардлар ўйинидан туйган лаззатлариму, изтиробларим ҳам сизники каби бисёр. Шу ўринда «мухлис+футбол=ҳаёт» касбий стажи 50-60 йил бўлган, ёши улуғ ҳақиқий футбол ихлосмандларига ҳурматимни сақлаган ҳолда айрим мулоҳазаларимни ёзмоқчи эдим (аслида насиҳат сизлардан. Ғўрлик қилган бўлсам, узр). Ҳар ҳолда бу мавзу ота-оналар, устозлар, футбол журналистлари миясида ғужғон ўйнаб турган бўлса, не ажаб? Тўғри, мухлислик маданияти ҳақида кўп ва хўп ўқиганмиз, эшитганмиз. Бироқ менинг ёзаётганларим асло панднома эмас, ишонч ортидаги ҳадик.

Бизнинг яшаш тарзимиз юриш-туришимизда, кийинишимизда ва ўзаро муомаламизда ўз аксини топади. Қисқа қилиб айтганда,



булар бизнинг маданиятимиз. Лекин кейинги йилларда виртуал ахборот алмашинув натижасида «оммавий маданият» кириб келди. Бу маданият жамиятнинг барча жабҳаларини ўз домига тортиб кетмоқда. Содда айтганда, миллий чегараларнинг «ювилиш» жараёни бошланди. Эндиликда, қачонлардир биз учун ахлоқсиз аталган хатти-ҳаракатлар одатийга айланиб қолди. Бу каби «маданият»лар спортга ҳам кириб келганига анча бўлди. Замон талаби – шу, нолишдан фойда йўқ. Лекин мазкур касалликнинг олдини олиш ва бу муаммога эътибор қаратиш ҳаммамизнинг оилавий бурчимиздир. Аниқ мақсадга кўчиб айтганда, маданиятимизни асрайлик! Фарзандларимизга замонавийлик маданиятсизлик эмаслигини тушунтирайлик. Билсангиз, спортнинг қай тури бўлмасин, спортчида ва мухлисда унинг маданияти мужассам бўлади. Ўша маданият орқали уларни дунё танийди. Ўзбекча кураш, японча дзюдо, хитойча кунгфу ҳайқириқларида кадриятнинг ўқ илдизи сезилади. Футболда ҳам шундай. Катта баннер-байроқ ва бошдаги улкан дўппилар ҳозирда ўзбек футбол мухлисларининг асосий катализатори. Катализатор дейишимнинг боиси шуки, футболчиларимиз қалбидаги ватанпарварлик ҳиссини янада чўғлантирадиган асосий кўриниш ўша. Бу бизга ёқади, лекин тушунарсиз бақириқлар эмас. Жазава керакмас, бизга. Биз бағрикенг, миллатпарвар халқмиз. Шарқона босиқлик бор, бизда. «Оммавий маданият»дан келадиган «оммавий мухлислик» ҳам керакмас. Бу ижобий хислатларимиз барқарорлигининг муҳим негизи эса маданиятимизда. Уни асраб-авайлайлик, келажак авлодга уни нафақат ўз ҳолида, балки янаям бойитиб, гўзал фазилатларга ва намуналарга тўлдириб қолдирайлик...»<sup>1</sup>

Бағрикенгликнинг ривожланмаганлиги, етарли даражада мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятига эга бўлмаслик, айниқса, ёшлар учун хавfli бўлиб, улардаги ёш даврларига доир қизикқонлик, барча муаммоларни дарҳол ҳал қилишга интилиш мазкур ижтимоий қатламга ғоят эҳтиёткороналик билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг анча катта қисми ёшлардан иборат бўлиб, бу доимо давлатимиз ва ҳукумат назоратидаги долзарб масалалардан бири бўлиб келган.

---

<sup>1</sup> Мақола 2012 йилнинг 15 майида Stadion.uz сайтида эълон қилинган.

Бутун дунёда ёшлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг кучаяётгани, уларнинг турли акселижтимоий ташкилотлар, оқимлар, ғоялар таъсирига тушаётгани ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари мутахассислари, олимлар, илмий жамоатчилик зиммасига бу борадаги муаммоларнинг илмий ечимларини топиш, механизмларини ишлаб чиқиш вазифасини юкламоқда.

Ҳозирги вақтда айрим яқин хориж мамлакатлари олимларининг терроризм, экстремизмга қарши мафкуравий кураш олиб боришга бағишланган илмий тадқиқотларида етарли даражада таҳлилий асосга эга бўлмаган хулосалар келтирилади. Уларда кўпроқ мазкур иллатни куч ишлатиш воситасида бартараф этишга кўпроқ урғу берилади. Бу ўша жамият аъзоларининг аксарият қисми онгида ушбу усул орқали курашишга нисбатан англолмаган мойилликнинг мавжудлиги билан изоҳланса керак.

Хориж ва ватанимиз психологларининг фикрича, инсоннинг санъатга интилиши, ўзини ҳар томонлама намоён қилишга ҳаракат қилиши ижод муҳитини шакллантиришга алоҳида восита сифатида муносабатда бўлишни тақозо этади. Инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш, энг аввало, шахсни ўраб турган ижтимоий муҳит шарт-шароитларига боғлиқ. Маълумки, мамлакатимизда қобилиятли ва истеъдодли ёшларнинг ижтимоий, табиий, техник, эстетик, жисмоний ва бошқа йўналишлар бўйича интеллектуал салоҳиятини намоён этиши ва ривожлантириши, жамиятнинг интеллектуал ресурсларини такомиллаштириш, ижодкор ва фаол шахсларнинг ижтимоий мавқеини кўтариш, умумтаълим ва ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари, талабаларининг ақлий қобилиятларини аниқлаш ва тўлақонли рўёбга чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Муҳит (табиий, ахборий, маданий, ижодий бўлишидан қатъи назар) нафақат ижтимоий феномен, балки тарбиявий ва ҳаётий аҳамиятга эга макон ҳисобланиб, унда шахс ижтимоийлашуви ва ўз имкониятларини намоён қилиш жараёни кўзга ташланади. Шахс ривожининг ҳар бир босқичида маълум бир вазифалар амалга оширилади.

Инсон такомиллашув жараёнида ўзининг ижтимоий-маданий муҳитдаги мавқеини ўзгартириб боради. Шу билан бирга ўзи мансуб ижтимоий-маданий муҳит тузилмасини ривожлантириш, ўзгартиришга ҳам ҳисса қўшиши мумкин. Ҳаракатчанлик, вазиятга тез мослашиш, ташкилотчилик ва ташаббускорлик сифатларига эга

инсонлар ўзларининг ижтимоий ва ижодий фаолликлари, интилишлари, қобилиятларини нисбатан тезроқ намоён этадилар.

Ижтимоий тажрибани репродуктив равишда ўзлаштириш ва ижодий маҳсулдорликка эришиш малакаларини эгаллашда муҳитнинг ижодий характерга эга эканлиги, шахслараро ва хизмат муносабатларининг мақсадга мувофиқ ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб шахснинг ижодий ўсишида маданий шарт-шароитлар, ижодий муҳит, зарурий индивидуал-психологик сифатлар мавжудлиги, тегишли даражада моддий таъминланганлик муҳим аҳамият касб этади.

Илмий ижодда эса маълум бир мавзу бўйича диққатни жамлаш, муаммо юзасидан тегишли маълумотларни тўплаш, йиғиш ва уларни бир тизимга солиш, хулосалар чиқариш, уларни умумлаштириш, маълумотлар ишончлилигини аниқлаш қобилияти тақозо этилади. Илмий ижод жараёни шахсдан ҳақиқатни ойдинлаштиришга, меҳнат қилишга интилиш, диққат, кузатувчанлик, танқидий тафаккур хислатларини талаб қилади. Асосийси, образли қилиб айтганда, илмий ижоднинг 1 фоизи илҳом бўлса, 99 фоизи кунт билан, тиришиб қилинган қаттиқ меҳнатдир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда хулоса қилинадиган бўлса, кенг маънода тушуниладиган санъат намуналари, ижод маҳсули (илмий, бадий) деструктив ҳолатларнинг намоён бўлишига қарши курашда қудратли қурол сифатида майдонга чиқиши мумкин. Ижод муҳитида бўлган инсонда бағрикенглик сифатлари, ўзига хос, мақсадга мувофиқ ҳаёт позицияси шаклланади. Деструктив ҳолатлар, экстремизм ва терроризмнинг ҳар қандай кўринишлари ижодкорда, ижод муҳитидаги инсонда салбий, нохуш кечинмаларни пайдо қилади.

#### **4.3. Бадий адабиёт намуналарини таҳлил қилишнинг илмий-психологик ва методик асослари**

Маълумки, ҳозирги даврда ҳукуратимиз томонидан маданий меросимизни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар томонлама ривожланган шахсни, баркамол авлодни камол топтиришда Шарқ мутафаккирлари, ўзбек ёзувчилари, ижодкорларининг ижодий меросидан унумли фойдаланиш, улар илгари

сурган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълум муддат мобайнида ёзувчилар, адибларнинг ҳаёти, фаолияти, ижоди асосан адабий танқид, адабиётшунослик, этика, эстетика, педагогика, фалсафа каби фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб қолган эди. Лекин бу масаланинг психологик жиҳати тўғрисидаги фикрлар кўплаб олимлар, жумладан Шеллинг, Бергсон, Фихте, Фрейд, Шомбар де Лов каби чет эл файласуф ва психологлари, Б.Г.Ананьев, А.Л.Андреев, Г.М.Андреева, М.М.Бахтин, Н.Б.Берхин, Л.С.Виготский, А.Г.Ковалев, И.С.Кон, А.Н.Леонтьев, Б.Ф.Ломов, Б.С.Мейлах, С.Л.Рубинштейн, И.В.Страхов, Б.М.Теплов, П.М.Якобсон, М.Г.Ярошевский сингари рус олимлари ва бошқаларнинг асарларида билдирилган.

Ғарб олимларидан Шеллинг, Фихте, Фрейд, Хосе Ортега и-Гассет, Бергсонлар ижод жараёнини инсоннинг онгсиз ҳолатдаги фаоллиги сифатида тушунтирадилар ва уни интуитив жараён сифатида баҳолайдилар.

XX аср психологиясидаги энг йирик йўналишлардан бири бўлган психоанализ таълимотининг асосчиси Зигмунд Фрейд ижодкор шахс психологияси ҳақидаги ўз қарашларини илгари суради. У ижод жараёнида онг ости фаолияти, онгсизликнинг ролига катта аҳамият беради. Фрейд назарияси адабий танқидчилар ва санъат намояндалари орасида кўплаб ўз мухлисларига эга. Бу назариянинг туб моҳияти шунда эдики, шахснинг барча хатти-ҳаракатларини онгости фаолиятидаги либидо, яъни шахвоний кўзғалиш, интилиш, ҳиссиёт бошқариб туради. Санъаткор ижоди, унинг санъат асарларини яратиш учун интилиши шу кўзғалиш энергиясининг сублимацияланиши, яъни муайян жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор меъёрларига мос фаолият кўринишига ўтишидир. Фрейдизм нуқтаи назаридан бадиий асарлар ўрганилганда асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракати, муаллифнинг шахсий сифатлари худди шу назарияга мос ҳолда таҳлил қилинади.

Ёки XIX аср немис мумтоз фалсафасининг вакили Фридрих Шеллингнинг фикрига қараганда ижодкор ихтиёрсиз, ҳатто ўз хоҳишига қарама-қарши равишда ижод жараёнига киришади<sup>1</sup>.

Фрейднинг издошлари К.Юнг, О.Ранк, Г.Сакс, Э.Фромм, Э.Крис, Ф.Александр кабилар психоанализни ривожлантириб,

---

<sup>1</sup> Шеллинг Ф.В. Философия искусства. М.: Мысль, 1966.

унинг қонуниятларини санъат, адабиёт намуналарини таҳлил қилишда қўладилар. Ҳозирги вақтда психоаналитик эстетика бир қанча йўналишларда иш олиб бормоқда. Бу биринчи навбатда бадиий ижодиёт психологияси ҳамда ижодкорнинг болалигини тадқиқ этиш (болаликда Фрейд таълимоти бўйича «Эдип комплекси»- яъни ижоднинг асосий қувват манбаи шаклланиши мумкин) масалаларини қамраб оладиган бадиий ижодиёт назарияси йўналишидир. Мазкур йўналишда олиб бориладиган ишларда ижодкор психологик хусусиятлари ва ҳаётӣ шарт-шароитларига боғлиқ ҳолда «Эдип комплекси» намоён бўлишининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилади.

Иккинчи йўналишда олиб бориладиган ишлар санъатнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва бадиий идрокнинг психоаналитик таҳлили масалаларига бағишланади. Бунда асар мазмунида мисол учун рамзий тасвирларда акс этадиган «Эдип комплекси» ҳолат, вазиятлари психоанализ нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Жаҳон адабиёти, санъати дурдоналари, масалан, Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Шекспирнинг «Ҳамлет», Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» асарлари шу комплекснинг ифодаси сифатида тушунтирилади.

Адабиёт, санъат намуналарининг психоаналитик шарҳи, бадиий асарнинг талқини ёки бошқача айтганда, психоаналитик адабий танқид психоаналитик эстетика тадқиқотларининг қолган йўналишларини ташкил этади.

Албатта, Фрейд ёки Шеллинг назарияларининг ўзига хос мунозарали томонлари ҳам мавжуд. Хусусан ҳозирги замон психология фанидаги санъат асарларининг яратилиш жараёнида ижодкор руҳиятини ўрганиш борасидаги ишларда шу нарса таъкидланмоқдаки, ижодкорнинг айнан онгли равишда, объектив борлиқни санъат асарларида акс эттиришга, ижодий жараёнга ўзига хос тарзда интилиши бутун ирода кучи ва ақлининг фаоллашувига олиб келади<sup>1</sup>. Уларда таъкидланишича, ижод жараёнига шундай ёндашувгина ижодкор санъат асарини яратиш жараёнида бажарадиган тафаккур операцияларининг мураккаб тузилиши ва кўпқирралигини, ижодкор маънавий қадриятлари йўналишини, дунёқарашининг муайян хусусиятларини тушунтириб бера олади.

XX аср жаҳон санъат фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири испан санъатшунос файласуфи Хосе Ортега и-

---

<sup>1</sup> Якобсон П.М. Психология художественного творчества. М.: Знание, 1971. С 7.

Гассетдир. У асосан испан адабиёти, тасвирий санъатини ўрганиб, шу йўналишлар асосида санъатнинг умумий масалаларини тадқиқ қилган. Унинг «Одам Ота жаннатда» асарида ёзилишича, ҳар бир санъат ўзини-ўзи ифодалашга бўлган туб эҳтиёжни фарқлаш жараёнида туғилади. Бу эҳтиёж инсоннинг табиатида азалдан мавжуд бўлади. Шу билан бирга инсон нимаики қилмасин, унинг ҳамма хатти-ҳаракати қалбида бўлган муаммо билан белгиланади. Санъат энг хуфя, энг ардоқли қатламга етиб боришга уринишдир<sup>1</sup>.

Файласуфнинг фикрларида Фрейд назариясининг онгсизлик, онгости фаолияти билан боғлиқ қарашларга ўхшаш жиҳатлар мавжуд.

Париж Жарроҳлар Академиясининг аъзоси, Техрон Озод Тибб университетининг кафедра мудири, Озарбайжон университетлари ва Миллий академиясининг фахрий профессори ва доктори, адабиётшунослик билан ярим асрдан буён шуғулланиб келаётган Жавод Ҳайъатнинг «Адабиётшунослик» китобида ахлоқий, ижтимоий, марксистик, психологик танқид, психоанализ, Фрейднинг санъат назарияси алоҳида-алоҳида таҳлил қилинади. Муаллиф психологик танқидда санъаткор, ёзувчи асарлари билан шахси ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлар экан: а) Асарни ойдинлаштирмақ мақсадида санъаткор ҳаёти ва шахсиятини тадқиқ этмоқ; б) Санъаткор психологияси ва шахсиятини ойдинлаштириш учун асарларини мисол қилиб келтирмақ лозимлигини уқтиради<sup>2</sup>.

Чет эл олимлари ижодкорларнинг ижодий фаолият мотивациясини ўрганиш хусусидаги тадқиқотларида уларни ижодий фаолиятга ундовчи мотивлар табиатини таҳлил қилганлар. 100 нафар ижодкордан уларни ижодга ундовчи қуйидаги дастлабки 10 та мотивни интервью воситасида аниқланган:

1. Қобилият ва маҳорат.
2. Англаш, тадқиқот олиб бориш, мавҳумликни бартараф этиш имконияти.
3. Эстетик қониқиш олиш.
4. Коммуникация ва иштирок.
5. Сиёсий ва эстетик эҳтиёжлар.
6. Жамоатчилик эътирофи.
7. Ҳиссий жиҳатдан ўзини намоён этиш ва сублимация.

---

<sup>1</sup> Хосе Ортега И-Гассет. Одам Ато жаннатда. //Тафаккур, 1996 й, 1-сон

<sup>2</sup> Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. Т.: Маънавият, 1998, 29-бет.

8. Эмоционал муаммоларни тушуниш ва ҳал қилиш.

9. Барҳаётлик.

10. Руҳий изланиш ва трансценденция.

Бу тадқиқотларда кўпроқ субъектнинг «ички» мотивациясига эътибор қаратилади. «Ташқи» омиллар, яъни жамоатчилик хайрихоҳлиги, маъқуллаш сингари ижтимоий шарт-шароитлар инобатга олинмайди<sup>1</sup>.

Бадиий адабиёт намуналари ҳам ижтимоий психологик жиҳатдан чет эл олимлари томонидан тадқиқ қилинган. Мисол учун француз ижтимоий психологи Шомбар де Лов<sup>2</sup> жамиятнинг ижтимоий-тарихий омиллари билан боғлиқ бўлиб, фақат маълум тарихий онлардагина маънога эга бўладиган болалик тимсолини адабиёт саҳифаларида ўрганди. Асосий услуб-контент таҳлил ёрдамида у тўрт мавзунга тадқиқ этди: бола тимсоли мазмун-моҳияти, бола ва катталар, бола ижтимоийлашуви ва экзентенция масалалари. Олим ўрганиб чиққан бадиий адабиёт намуналарида бола тимсоли оила ва аёл тимсолидан узоқда, яъни она тимсоли билан эмас, балки кўпроқ воқеалар оқимида акс эттирилганлигини таъкидлайди. Унинг хулосасига кўра, болалар адабиётида эркаклик (маскулинлик) образи оқимида аёллик (феминлик) хусусиятлари йўқ бўлиб кетган. Бу асарлар мазмунида жинслар мутаносиблиги, тенглигига кам эътибор берилиб, кўпроқ «унисек»- бир турдаги жинс тимсолига эътибор қаратилган.

Россиялик олим И.С.Кон бадиий асарлардаги болалик даври тимсолларини эстетик, социологик, этнологик, тарихий, психологик, идеологик (мафкуравий), биографик жиҳатдан ўрганиш мумкинлигини таъкидлайди<sup>3</sup>. У бадиий образ фақатгина қандайдир ижтимоий ва руҳий воқеликни акс эттириб қолмасдан, балки муаллифнинг ўй-хаёли ҳамда ҳис-туйғуларини ҳам ифодалашини қайд қилади. Яъни ижод моҳият-эътибори билан шахсий ҳодиса ҳисобланганлиги сабабли ижодкор ўз шахсиятини асарга сингдириб юборади.

Психолог Л.С.Виготский «Санъат психологияси» асарида бадиий адабиёт намуналарини психологик жиҳатдан таҳлил қилади. Бироқ бу асарида Виготский шахс тамойилига эътибор бермайди, яъни асарни яратувчи ижодкор психологиясига

<sup>1</sup> Mc.Niff S.A Motivation in art (Art Psychotherapy 1977, vol 4, p 125-136).

<sup>2</sup> Chombart de Lauwe . M-1. La femme dans la societe: Son image dans differents mill eux. - P.: 1963. -439 p.

<sup>3</sup> Кон И.С. Ребенок и общество. М.: Наука, 1988. С 10.

диққатини қаратмайди. «Санъат психологияси» китобида асосан бадиий идрокнинг психологик механизми ва бадиий асарнинг китобхонга таъсири ўрганилади. Бироқ Б.Г.Ананьев таъкидлаб ўтганидек, «Санъат психологияси ижодкор шахснинг таҳлилисиз мавжуд бўлмайди»<sup>1</sup>. Бундан келиб чиқадики, санъат асарларини, жумладан бадиий адабиёт намуналарини психологик таҳлил қилганда, диққатни ижодкорга, унинг шахс сифатидаги индивидуал хусусиятларига ва бу хусусиятларнинг ижоди маҳсулига таъсири масаласига ҳам қаратиш лозим. Шу билан бирга Ананьев бадиий асарлардаги инсон образи муайян бир шахс, турли ижтимоий гуруҳлар ва улардаги ижтимоий-психологик муносабатларнинг ўзига хос тарздаги бадиий модели эканлиги ҳақида ҳам фикр билдиради.

Умуман олганда кўпгина реалистик бадиий асарларни ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг ўзига хос баёни сифатида баҳолаша бўлади. Масалан, XIX асрдаги баъзи рус ва француз ёзувчиларининг, Э.Золя, Г.Успенский, А.Куприн, Л.Толстой, М.Горький, Ф.Достоевский каби адибларнинг, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Одил Ёқубов, Тоғай Мурод, Хайридин Султонов, Хуршид Даврон, Эркин Аъзам, Тоҳир Малик сингари ўзбек ижодкорларининг асарларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Ижтимоий психолог учун ижод маҳсули фақатгина бадиий моделлар, образлар коллекцияси сифатида эмас, балки турли давр ва ҳар хил ижтимоий тузумга мансуб муаллифлар шахсини, шунингдек, асар учун мўлжалланган аудитория (реципиент)ни англаш манбаи сифатида ҳам муҳимдир.

Б.Ф. Ломовнинг кўрсатишича, бадиий асарларни таҳлил қилиш орқали ёзувчи шахсининг таркибий қисми бўлган, шахс иерархиясининг бош компоненти ҳисобланган маънавий қадриятлар йўналишини аниқлаш, дунёқарашнинг ўзига хос томонларини ўрганиш имконияти туғилади<sup>2</sup>.

Психологларнинг таъкидлашларича, адиблар, мутафаккирлар, ёзувчиларнинг таржимаи ҳол шаклидаги эсдаликларини ёки асарларидаги муаллиф гапларини синчиклаб ўрганиш, асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш орқали уларнинг иқтидор, истеъдодини, маънавияти, қадриятларини, ҳис-туйғу, қизиқиш,

<sup>1</sup> Ананьев Б.Г. О принципах современного человекознания. М.: Наука, 1977. С 296.

<sup>2</sup> Ломов Б.Ф. Методологические и теоритические проблемы психологии. М.: Наука, 1994. С 311.



дунёқараш, эътиқоди, нафосати, ахлоқ-одоби бўйича маълумотлар юзасидан тушунча ҳосил қилиш мумкин.

Баъзи тадқиқотчилар санъат, бадиий ижод намуналарига мурожаат қилиб, бадиий асар қаҳрамонларидан психологик тадқиқот объекти, методи сифатида фойдаланиш вақти келганлигини таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

Бу ўринда кўпроқ Б.М.Теплов ишларига мурожаат қилинади. Олим «психология методлари кўламини бадиий адабиётни таҳлил қилиш билан бойитса бўлмасмикан?» деб ёзган эди<sup>2</sup>. Шу билан бирга унинг ўзи А.С.Пушкин асарларидаги қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, хулқ-атворини психолог сифатида таҳлил қилиб, ўрганиб ўз хулосаларини баён қилди.

М.Г.Ярошевскийнинг ёзишича<sup>3</sup>, бадиий ижод маҳсулига мурожаат қилиш билан ундан муҳим психологик ахборотларни олиш мумкин. Бунда шахс моҳияти англашиниб туради. Яъни, бу ахборотлар асар қаҳрамонлари ва уларга нисбатан ижодкорнинг чуқур шахсий муносабати ҳақида маълумот беради. Айтиш мумкинки, санъат намуналарида инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ва бошқа психик жараёнлар, айти замонда асар қаҳрамонларининг эмас, балки асарнинг яратувчиси, муаллифнинг ҳам характер хусусиятлари, хулқ-атвори, тафаккури, майл ва интилишлари акс этади.

Ёзувчи, умуман санъаткор ижодида, унинг яратган асарларида субъектив ва объектив категорияларнинг диалектик бирлиги хусусига оид масалаларнинг айрим қирралари А.Цейтлин, Б.С.Мейлах, П.М.Якобсон, И.В.Страхов каби олимларнинг асарларида ўрганилган.

Ўзбек олимларидан И.Султон, М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, В.Зохидов, А.Ҳайитметов, О.Шарафиддинов, У.Носиров, М.Нурмухамедов, С.Мамажонов, Ҳ.Умуров, У.Норматов, Н.Каримов, Н.Худойберганов, Ю.Бекмуродов, Н.Шодиев, И.Ғофуров, М.Абдурахмонова, И.Ҳаққулов, Ж.Жумабоева каби адабиётшунослар асарларида ижодкор психологияси, ижод жараёнининг табиати, хусусиятлари, адабиётда, шеърятда психологик тасвир масалалари адабиётшунослик фани нуқтаи назаридан ўрганилган.

---

<sup>1</sup> Братусь Б.С. О месте художественной литературы в построении научной психологии личности. // Вестник МГУ, сер. 14, психология, 1985, №2. С 23-34.

<sup>2</sup> Теплов Б.М. Избранные труды. Т 2. М.: Педагогика, 1985. -359 с.

<sup>3</sup> Ярошевский М.Г. Психология творчества и творчество в психологии. // Вопросы психологии. №6, 1985 -С 14-25.

Истеъдодли ёзувчининг интуицияси, тасаввури кўп ҳолларда ижтимоий воқеликни билишнинг мукамал воситаси сифатида майдонга келади ва кўпинча, ҳатто, назариётчи олимлар яратишга журъат этолмайдиган шахснинг турли типларини, ижтимоий муносабатларни ўтмишда (тарихий асарлар) ва келажакда (фантастика) амалга оширадилар. Бадиий адабиётнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий психологлар ижтимоий воқеликни билиш, ўрганиш мақсадида адабиётда тўпланган билимлар, ғоялар, тажрибаларга мурожаат этадилар.

Атоқли ёзувчимиз Асқад Мухтор ҳақиқий психолог ёзувчи сифатида ўз руҳий кечинмаларини тадқиқ қилади. У шундай ёзади: «Асар ёзувчидан униб чиқади, фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади... Асар ёзувчининг тақдири; керак бўлганда ёзувчи қурбон бўлишга ҳам тайёр. Унинг бу ғайритабиий садоқати, ёзмасдан туролмаслиги, руҳиятга, фалсафага, мушоҳадага мойиллиги, шахси, феъли, услуби, қарашлари, дарди, қийналишлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ёзувчи ўз шахси ва ўзгаларнинг шахси билан бирикиб кетган-асар унинг субъекти»<sup>1</sup>. Асқад Мухтор тасаввур салоҳияти ижодкор истеъдодининг жуда муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлайди. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини, уларнинг ҳаракат ва вазиятларини олдин тасаввур қилади, кейин тасвирлайди. Адибнинг фикрича, тасаввур салоҳияти ёзувчи истеъдодини фан билан яқинлаштиради.

Ёзувчи шахс сифатида ўзининг моҳиятини, руҳий ва ахлоқий мазмунини акс эттиришга интилади. Стефан Цвейг айтмоқчи, ижод жараёни оқибатида ижодкор учун унинг шахсияти томчима-томчи ўзгаларнинг қон томирига қуйилаётгандай бўлади, тақдири ўзгаларнинг тақдирига, ҳислари уларнинг ҳисларига, фикрлари уларнинг фикрларига сингади.

Асарнинг ғоявий, сиёсий, ижтимоий-психологик, ахлоқий йўналишини белгилашда ижодкорнинг муайян оқимга, синф ёки гуруҳга мансублиги муҳим аҳамият касб этади. Ижодкорнинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳам асарнинг мазмун-моҳиятига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, дунёга машҳур, кишиларни қийнаб, зўрлаб, бу ҳолатлардан роҳатланиш, лаззатланишни тарғиб қилган, садистик руҳдаги асарлари билан танилган маркиз де Сад маълум бўлишича, кейинчалик ўзининг

---

<sup>1</sup> Мухтор А. «Уйқу кочганда...» //Тафаккур, 1996, 1-сон. -Б 25-33.

номи билан аталган садизм касалига мойил бўлган экан. Ёки яна бир ёзувчи Захер-Мазох ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. «Мазохизм» касали атамаси унинг номидан олинган.

Ҳар қандай ҳаётий материал ёзувчи онги, тафаккури, ижодий лабораториясидан ўтиб қайта ишлангандан сўнггина санъат асарига айланади. Бунда ёзувчининг истеъдоди, идеаллари, дунёқараши катта роль ўйнайди. Ёзувчининг идеаллари, ҳаётга, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабати, унинг дунёқараши ҳақида асарларини таҳлил қилиш орқали муайян тушунча ҳосил қилиш мумкин. Ўзбек романчилик мактабининг асосчиси сифатида эътироф этилган Абдулла Қодирий адабий ўйларидан бирида бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Ёзувчини гарчи шахсан танилмаса ҳам, асарларини ўқиб қандай табиатли шахс эканини ғойибона билиш, тасаввур қилиш мумкин. Чунки, у асарларида асосан ўз табиатини, руҳини тасвирлайди»<sup>1</sup>.

Умуман олганда адабий-бадиий ижод психологияси йўналишида тадқиқот олиб борилганда қуйидаги дастурга риоя қилган ҳолда иш олиб борилгани мақсадга мувофиқ:

1. Ёзувчининг ижодий фаолияти ва ҳаёт йўли тарихи. (Бунда асосан ёзувчининг ҳаёт йўлига, таржимаи ҳолига оид маълумотлар таҳлил қилинади, оила, дўстлар давраси, ижтимоийлашув жараёнларига эътибор қаратилади, ижодий фаолияти, унга нисбатан ёзувчининг муносабати ўрганилади).

2. Ёзувчининг шахс сифатидаги хусусиятлари. (Ёзувчининг ҳаёт воқеаларидан таъсирланиши, кузатувчанлиги, хотираси, ижодий ҳаёл (тасаввур) кучи, табиат ва инсонларга муносабати, ишлаш қобилияти ўрганилади).

3. Ёзувчининг ижодига хос хусусиятлар. (Севимли жанри, асар яратишга ундаган сабаблар, мотивлар, асар режасининг тузилиши, ёзувчининг ишлаш услуби).

Шу нуқтаи назардан асарларни психологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, ёзувчилар биографиясини ўрганиш ҳамда респондентларнинг муайян асарларда турли йўналишдаги ғоялар, қарашларнинг ифодаланиши хусусидаги сўровнома саволларига берган жавобларини таҳлил қилиш тадқиқотда асосий ўрин эгаллаши зарур.

---

<sup>1</sup> Қодирийни кўмсаб. Хотиралар. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. -Б 73.

Бадиий асарни психология фани нуқтаи назаридан таҳлил қилганда, муайян, ўзига хос, индивидуал хусусиятларга эга бўлган шахс унинг яратувчиси эканлигини унутмаслик керак. Шунинг учун ижод жараёни маҳсули, ундаги воқеалар хусусияти ва динамикасида акс этадиган ёзувчининг шахсий сифат ва хусусиятлари ҳам тадқиқ этилади. Ёзувчи шахси, унинг фаолият маҳсули ҳисобланган адабий-бадиий асарлар ўрганилганда ижод жараёни, асарнинг жанр хусусиятлари, ёзилиш услубига таянган ҳолда ижодкорнинг характери, темпераменти, дунёқараши, теварак-атроф, олам, жамият, ўзини қуршаб турган инсонларга нисбатан муносабати, қарашлари ойдинлаштирилади.

Умуман олганда, асар ёзувчининг ҳаётга бўлган муносабатини кўрсатувчи воситадир. Одатда йирик эпик асар даврнинг муҳим томонларини, ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги асосий қарашларини умумлаштиради, маълум ижтимоий гуруҳ кайфиятини, психологиясини, интилишларини ифода этади.

Ёзувчининг асосий вазифаси асар қаҳрамонларининг ички руҳий дунёсини очиб бериш, уларнинг интилишлари ва характер хусусиятларини тасвирлаш, қаҳрамонлар хулқининг ички мотивларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бунинг учун эса ёзувчи психологияни пухта билиши, инсон руҳиятини тушуниш борасида муваффақиятларга эришган бўлиши лозим. Фақат шундагина у инсон онгини, психикасини, табиатини ҳақиқатдан ҳам адекват ифодалайди, ижтимоий кайфиятларни, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини, кучини, барқарорлигини, шахслараро муносабатларни тўғри кўрсата олади, ўзининг истеъдоди билан кишиларга таъсир қила билади, ўқувчини, китобхонни ўз мақсадига мувофиқ фикрлашга йўналтиради.

Шу маънода, ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий инсон руҳий оламини чуқур билган, инсон психикасини яхши тушунган ижодкор. Адиб асарларида қаҳрамонлар руҳиятини, характерини бутун мураккабликлари, ожиз ва кучли томонлари билан очиб беради. Муомала жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни шахслараро муносабатлар, халқнинг, этнопсихологик хусусиятлари, асар қаҳрамонларининг жинсига хос этнопсихологик хислатлар, турли, бир-бирига сира ўхшамайдиган образлар, уларнинг характерлари, дунёқарашлари, маслак-этиқодлари, айни замонда муаллифнинг давлат, жамият, бошқарув хусусидаги, оила ҳақидаги қарашлари,

фикрлари Абдулла Қодирий асарларида, романларида юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган.

Тўғри, Абдулла Қодирий ўз фикрлари, қарашларини тасдиқлаш учун бирор-бир илмий асар ёзган, ёхуд махсус тадқиқот ўтказган бўлмаса-да, бадиий асарларида, романларида акс этадиган адиб кузатишларидаги аналитик устиворлик фактологик материаллар, далиллар функциясини бажара олади.

Шу билан бирга, бадиий асарда образларнинг шахсий, эмоционал ҳаёти, ўзаро муносабатларидаги ўзига хос жиҳатлар акс этади ва уларнинг илмий-психологик тадқиқи психология фани учун қўшимча қимматли маълумотларни бериши мумкин.

Санъат ижтимоий онг шаклларида бири экан, унинг таркибий қисмларидан бири бўлган адабиёт ҳам инсонни унинг ижтимоий муносабатлари билан бирга, унинг борлиги ва фаолиятини умумлаштирган ҳолда акс эттиради. Жамият тараққий этиб ривожлана борган сари ижтимоий муносабатларда, турмушда маънавиятнинг роли, аҳамияти ортиб боради.

Ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида, ватанпарварлик, ватанга садоқат ҳиссини, юксак инсоний фазилатларни шакллантирган ҳолда мафкуравий-ғоявий жиҳатдан камол топтиришда бадиий адабиётнинг тутган ўрни бениҳоя каттадир.

Ёзувчи асари қахрамонлари характеридаги меҳр-мурувватлилик ва бошқа миллат кишилари билан дўстлашиш, сабртоқатлилик ва шижоат, ростгўйлик ва сахийлик, Ватанни ва ўз халқини севиш, дўстга содиқлик ва ўртоқлик, инсонпарварлик, соф муҳаббат ва унга садоқат, ҳалоллик ва поклик, ростгўйлик ва сахийлик сингари хислатлар китобхонларда ахлоқий фазилатларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутди, романларида акс этган миллий ва умуминсоний қадриятлар, бадиий ҳақиқат инсонларни маънавий-руҳий, ахлоқий жиҳатдан юксалтиришда, характер, иродани, эътиқод ва мақсадга интилиш хусусиятларини таркиб топтиришда шубҳасиз катта аҳамият касб этади.

Санъаткор ёзувчи томонидан ижод жараёнида намоён қилинадиган юксак маҳорат ва асарнинг ғоявий мазмуни, адиб дунёқарashi, айтмоқчи бўлган фикри ўқувчи томонидан идрок қилинади, тасвирланаётган ҳодисаларга китобхон маълум муносабатда бўлади.

М.Г.Ярошевский психология фани санъат асарлари образларидан куйидаги ўринларда фойдаланиши мумкинлигини таъкидлайди<sup>1</sup>:

1. Психологиянинг махсус методлари, усуллари орқали эришилган ҳолатларни намойиш қилиш учун;

2. Мазкур образларнинг санъаткор, ижодкор томонидан яратилиш жараёнини тушунтириш учун;

3. Образларнинг идрок қилувчилар (реципиентлар) томонидан қандай ҳис қилинишини ва англанишини таҳлил қилиш учун.

Маълумки, фикрнинг реаллиги тилда кўзга ташланар экан, нутқ мулоқот воситаси сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай ахборот нутқ воситасида коммуникатордан реципиентга узатилади. Коммуникатор (Абдулла Қодирий) ахборотларининг (романлари матнининг) реципиент (китобхон) томонидан идрок қилинишини ўрганиш мақсадида ижтимоий-психологик тадқиқот ўтказилди.

Абдулла Қодирий романларида ифодаланган ижтимоий-психологик қарашларни ўрганиш учун Тошкент ҳамда Сурхондарё вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтлари тингловчилари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети ва Термиз давлат университетлари профессор-ўқитувчилари орасидан 200 нафар респондент эксперт баҳоловчилар сифатида тадқиқотга жалб этилди.

Бунда эксперт баҳоловчилардан сўровномадаги ҳар бир гуруҳда кўрсатилган пунктлардаги мазмуннинг ёзувчи асарларида ёритилиш, ифодаланиш даражасини беш балли шкалада баҳолаш илтимос қилинди. Сўровномадаги саволларга жавоб берилаётганида образларга хос бўлган психологик хусусиятлар ва буларга муаллиф нуқтаи назаридан ёндашиш ҳисобга олиниши респондентларга тушунтирилди.

Сўровномадаги саволлар мазмунан, йўналиши жиҳатидан бир неча гуруҳга ажратилди. 1–гуруҳ саволлари Абдулла Қодирий-нинг бошқарув, раҳбар шахси психологик хусусиятлари ҳақидаги қарашларини ўрганишга бағишланган бўлса, 2–гуруҳ саволлари асар қаҳрамонлари характеридаги ахлоқий–этник хусусиятлар ва салбий хислатларнинг намоён бўлишини аниқлашга қаратилди. 3–гуруҳда ёзувчининг оилавий ҳаёт психологияси ва шахслараро муносабатлар хусусидаги қарашларининг романларида акс этиши

---

<sup>1</sup> Ярошевский М.Г. Психология творчества и творчество в психологии. // Вопросы психологии. №6, 1985, -с 14-25

юзасидан саволлар келтирилди. 4–гуруҳда ёзувчи асарларида рашк, низо, дўстлик, эмансипация сингари масалаларни ва ниҳоят 5–гуруҳда ўзбек халқига хос миллий-маънавий қадриятларга тааллуқли фикрларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилди.

Юқоридаги методика бўйича амалга оширилган тажриба натижалари муайян тартибга келтирилиб, сўнг статистика формулаларига асосланган ҳолда таҳлил қилинди. Бу жараён бир неча босқичда амалга оширилди, маълум қоидаларга риоя қилинган ҳолда математик статистика методларидан фойдаланилди. Бунинг учун даставвал тўпланган қийматлар, баллар тартибга солинди, уларнинг фоизи, ўртача арифметик қиймати аниқланди ва улар ўртасидаги корреляция коэффициенти ҳисоблаб чиқилди. Ана шу жараён бажарилгандан сўнг эмпирик маълумотларнинг ишончлилик даражаси аниқланди ҳамда статистик миқдор ва психологик сифат таҳлиллари ўтказилди.

Эксперт баҳоловчилар сифатида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари танлаганининг асосий сабаби шундаки, инсондаги инъикос жараёни соф маънодаги физикавий, кимёвий ёки оптик ҳодисаларга алоқадор эмас (масалан, ёруғлик нурларининг кўз тўр пардасига таъсир қилиши каби). Унинг субъекти турли кўринишдаги, ҳар хил алоқа ва муносабатлар иштирокчиси бўлган ижтимоий шахсдир. Шунинг учун энг аввало, куйидаги жиҳатга эътибор бериш керак, яъни бадиий асарни идрок қилиш ва тушуниш жараёнининг самарадорлиги субъектнинг ҳаётий тажрибасига, теварак-атрофга бўлган муносабатига, фаолиятига, мулоқот, маиший турмуш ва характер борасидаги билимларига, хуллас идрок қилинаётган объект моҳиятини акс эттирувчи маълумотларга кўп томонлама тегишлидир. Бунда маълум даражада апперцептив жиҳат, яъни идрокнинг шахс психик ҳаёти мазмунига, унинг шахсий хусусиятларига боғлиқлиги намоён бўлади.

Абдулла Қодирий романларида ифодаланган халқ миллий руҳи, этнопсихологик хусусиятлари, менталитетига хос мутаносиб жиҳатлар, масалан, оиладаги қатъий иерархия, оилада эркак мавқеининг устунлиги ўзга миллат вакиллари томонидан етарлича, адекват тарзда идрок қилинмаслиги мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида куйидаги мисолларни келтирамиз.

Роман бир неча тилларга таржима қилиниб, нашр этилгандан кейин ёзувчи уйига турли томонлардан уни ҳаёт билиб хатлар кела бошлаган. 1961 йили бир украин миллатига мансуб қиз ёзган хатда

у «Ўткан кунлар» романини ўқиб жуда қаттиқ таъсирлангани, бироқ муайян даврлардаги ўзбек халқига хос баъзи одатлар унга ғалати туюлгани, тушунмагани баён этилади. Хат муаллифи хусусан, Отабекнинг ота-онаси томонидан иккинчи марта уйланишга мажбур этилишини ўқиб аччиқланишини, ғазабланишини ёзади ва бунга зўравонлик, адолатсизлик сифатида баҳолайди<sup>1</sup>.

Ёки ёзувчи Ўткир Ҳошимов «Ўткан кунлар» романини ўқиган ленинградлик рус қизнинг Отабек бошқа аёлга уйлангач, Кумушнинг Отабек йўлига кўз тикиб ўтиришидан таажжубланганини айтади<sup>2</sup>.

Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, ёзувчи романларида акс этган миллий характер хусусиятларини, халқ руҳиятини, анъана, урф-одатларини, расм-русумларини, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини ўзбек миллатига мансуб китобхонларгина ўзига хос, тўлароқ, адекват тушуна олишлари мумкин. Шу сабабли илмий-тадқиқот ишида эксперт сифатида қатнашган ўқитувчиларнинг деярли барчаси ўзбек миллатига мансуб тил ва адабиёт фани бўйича мутахассис эдилар. Чунки мазкур фан ўқитувчиларига ёзувчи романларини баҳолашда энг объектив кўрсаткичларни намоён қилишлари мумкин эди. Зеро, респондентнинг бадиий асар мазмунидан нечоғли хабардор эканлиги ва уни таҳлил қила олиш, баҳолаш малакаси бунга ўхшаш тадқиқот ишларининг амалга оширилишида катта аҳамият касб этади.

Бадиий адабиёт таржимонлари ёш даврларининг психологик хусусиятларини ўрганган психолог олим Х.Алимовнинг таъкидлашича, бадиий адабиёт таржимонлари муомаласи, фаолияти ва шахсининг ўзига хослиги уларнинг ёш даврлари психологик хусусиятлари билан белгиланади<sup>3</sup>. Таржимон фаолиятига, таржима сифатига ёш даврлари психологик омиллари ҳам таъсир қилади, бошқача қилиб айтганда бадиий таржима жараёни маълум ёш даврларининг психологик қонун-қоидаларига бўйсунди. Бу ўз навбатида ёзувчи ва китобхонларга ҳам тааллуқлидир, чунки асар мавзуини танлаш ва идрок қилишда ёш ва индивидуал хусусиятларнинг таъсири бениҳоя каттадир. Масалан, ўсмир ёшидагилар саргузашт ва қаҳрамонлик йўналишидаги китобларга қизиқадилар,

<sup>1</sup> Қодирий Х. Отам ҳақида. Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1974, 132-бет.

<sup>2</sup> Норматов У. «Ўткан кунлар» хайрати. Т.: Ўқитувчи, 1996, 52-бет.

<sup>3</sup> Алимов Х. Бадиий адабиёт таржимонлари ёш даврларининг психологик хусусиятлари. Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.: 1995.



ўспиринларни эса интим-шахсий мавзулардаги адабиётлар ўзига жалб қилади, етуклик даврида эса китобхонлар асарларнинг ахлоқий-маънавий, фалсафий мазмунига, моҳиятига эътибор қаратадилар.

Бадиий асар ёзувчи ижодий фаолиятининг маҳсули, моддийлашган кўриниши тарзида зоҳир бўлар экан, ёзувчи асари ёрдамида ўй-фикрлари ва кечинмаларини, борлиқни онгида қай даражада акс эттирганлигини ўзга кишиларга билдиради. Асар мазмуни ва ғояси китобхон томонидан тўлиқ ва етарли даражада ўзлаштирилиши учун бу мазмун ўқувчи томонидан адекват идрок қилиниши ва таҳлил қилиниши зарур.

Бадиий асарнинг яратилиши мураккаб жараён бўлиб, бунда ёзувчининг теварак-атрофдаги, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш ёрдамида олган материаллари сўз ёрдамида тасвирланади, ўқувчига етказилади. Китобхон эса асарни ўқир экан, гўё ёзувчи ишининг тескариси кўзга ташланади, яъни сўз ёрдамида тасвирланган жисмлар, инсонлар, ижтимоий ҳаётдаги, табиатдаги воқеа-ҳодисалар ўқувчи томонидан жонли ҳаётлий образлар тарзида идрок этилади.

Умуман олганда, бадиий асарнинг идрок қилиниши, тушунилиши мураккаб ва ўзига хос жараёндир. Бунинг учун китобхондан муайян билим ва кўникмалар ҳамда асарни таҳлил қила олиш малакаси, тажрибаси талаб этилади. Баъзан шундай ҳам бўладики, асар ўқувчида чуқур таассурот қолдиради, бироқ у асарнинг ғоявий йўналишини тўлиқ тушуниб етмайди, ёзувчи етказмоқчи бўлган фикрга етарли даражада баҳо бера олмайди. Шу сабабли тадқиқотнинг экспериментал босқичида «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романини ўқиган кишилардангина эмас, балки мутахассис ўқитувчилардан сўровномаларга жавоблар олинди.

#### **4.4. Компьютер технологиялари ва интернетнинг шахс онгига кўрсатадиган таъсири**

Глобаллашув жараёни деб аталаётган ҳозирги кунда компьютер технологиялари, интернет ҳаётимизга шиддат билан кириб келиб, унинг ажралмас таркибий қисмларидан бири бўлиб қолди. Интернет мафкуравий муаммолар билан масалаларни ҳал этишда муҳим воситалардан бирига айланиб улгурди. Бироқ шу билан бирга унинг имкониятлари билан бирга жаҳон глобал ахборот

тўрининг аниқ, очиқ-ойдин тасаввур қилиш лозим бўлган таҳдид ва хавф-хатари мавжудлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиб бориши натижасида компьютердан иш фаолиятларида фойдаланувчилар билан бирга интернет ҳамда компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиб, *аддикт* сифатида шаклланиб қолган инсонлар сони ортиб бормоқда. Барча соҳалардаги янгиликларга энг аввало, ёшларнинг қизиқиш билдиришини назарда тутсак, айти пайтдаги компьютер технологиялари аддиктларининг аксариятини 10 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда.

Ғарб мамлакатларида расмий равишда «компьютердан патологик фойдаланиш» истилоҳидан фойдаланишади. Бугунги кунда ушбу атама, сўз бирикмаси (компьютердан патологик фойдаланиш) ҳали интернет ва компьютерга нисбатан юзага келадиган психологик қарамлик хусусида мутахассисларда яқдил фикр шаклланмаганлигига қарамай, компьютерни ижтимоий мақсадлардан ўзга мақсадлар учун ҳам узлуксиз қўлловчи шахсларга нисбатан ишлатилмоқда.

Умуман олганда, замонавий компьютер технологияларига қарамлик, тобелик (аддикция) икки хил кўринишда намоён бўлиши мумкин:

- интернет-қарамлик (интернет-аддикция);
- компьютер ўйинларига ҳаддан ташқари берилиш.

Бу иккала кўринишнинг умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд. Компьютер қарамлигининг умумий хусусиятлари сирасига ўзаро боғлиқ бир қатор психологик ва физиологик симптомларни киритиш мумкин.

Психологик белгилар қуйидагилар:

- компьютер қаршисида эйфория ҳолати ёки қулайликни ҳис этиш;
- компьютер билан ишлашдан ўзини тўхтатолмаслик;
- компьютер қаршисида ўтказилаётган вақтнинг тобора кўпайиб бориши;
- оила ва дўстлар, кишиларга нисбатан эътиборнинг камайиб бориши;
- компьютердан бошқа жойларда депрессия, аччиқланиш ҳиссининг кузатилиши;
- иш берувчилар ва оила аъзоларига ўз фаолияти юзасидан ёлғон маълумотларнинг берилиши;

-иш ёки ўқиш фаолияти билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги.

Жисмоний (физиологик) белгиларга қуйидагилар киради:

-карпаль канал синдроми (қўллар ва бармоқлардаги асаб толаларининг мускулларнинг зўриқиб ишлаши натижасида зарарланиши);

-кўзларнинг қуруқшаб қолиши;

-бошнинг баъзан қаттиқ оғриши;

-елка, орқадаги оғриқлар;

-ўз вақтида овқатланмаслик, овқатни баъзан қанда қилиш;

-шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик;

-уйқунинг бузилиши.

Компьютердан патологик фойдаланиш умуман олганда алкоголизм ёки гиёҳвандлик (кимёвий қарамлик, тобелик) сингари кишини тубанликка етакламаслиги мумкин. Бироқ, унинг киши шахси ривожига салбий таъсир этишини инкор қилиб бўлмайди.

Аддикция хусусида гап кетганда компьютер ўйинларининг шахс руҳиятига таъсири масаласи албатта таҳлил этилиши зарур. Айрим аддиктлар ва уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари билан суҳбат ўтказган тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, аддиктларда юқори даражадаги хавотир ва депрессия кўзга ташланиб туради. Аддиктларнинг яқинлари уларнинг ҳаддан ташқари жиззаки, жаҳлдор, ҳиссий жиҳатдан нотурғун эканликларини таъкидлайдилар.

Компьютер ўйинлари аддиктлари ўйинга нисбатан доимий эҳтиёжни ҳис қиладилар, бироқ шу билан бирга доимий равишда фрустрация ҳолатида бўлганликлари сабабли шу эҳтиёжни қондиrolмасликдан азият чекадилар. Бундай ғайритабиийлик, парадоксни тушунишда аддиктларнинг виртуал (хаёлий) ва реал оламга дахлдор психик хусусиятларининг тавсифи ёрдам беради.

Ушбу тавсифга кўра (дарвоқе, уни кўпчилик аддиктлар маъқуллашади), муаммони қуйидаги тарзда ёритиш мумкин: аддиктларнинг реал оламда доимий равишда фрустрация ва тушкун кайфият ҳолатида бўлганликлари уларда юқори даражадаги хавотирланиш ва депрессия ҳолатини келтириб чиқаради. Бу клиник-психопатологик метод ёрдамида аниқлаштирилган. Компьютер ўйинлари вақтида улар онгида қандай жараёнларнинг кечишини аниқлаш анча мураккабдир, чунки, ўйиндан чалғиш ёки чалғитишга бўлган ҳар қандай уриниш –бу, виртуал, хаёлий оламни тарк

этишни англатади. Бироқ, аддиктлар билан бўлган суҳбатлардан маълум бўлишича, ўйин жараёнида уларнинг кайфияти анча кўтарилади, чунки бу пайтда ижобий ҳиссиётлар кучаяди. Кайфиятнинг кўтарилиши боғлиқ равишда кечадиган ижобий ҳиссиётлар компьютерда ўйнаш қувончини кўз олдига келтириб олдиндан роҳатланиш билан ҳам боғлиқ бўлади. Бироқ, ўйиндан сўнг, яъни виртуал оламни тарк қилганларидан кейин улар яна илгаригидек тушкун, сўник кайфиятга қайтадилар.

Кўпчилик аддиктлар ижтимоий ҳаётга яхши мослаша олмайдиган кишилардир. Уларда кўпинча маиший, оилавий, иш фаолияти, қарама-қарши жинс вакиллари билан боғлиқ муаммолар учраб туради. Шунинг учун аддиктларга реал олам зерикарли, ёқимсиз, хавfli туюлади. Айни сабаб инсон қоидаларни ўзи белгилайдиган, барча нарсага рухсат этилган виртуал оламда яшашга интилади. Мантқан олганда ҳам, виртуал оламни тарк этиш аддикт учун ёқимсиз ҳолатдир, чунки у яна ўз хоҳламайдиган оламга қайтишга мажбур бўлади, яна кайфияти тушади, ўзини ҳар томонлама нохуш ҳис этади. Шунинг учун, аддиктларда кайфият ёмон бўлишининг сабаби бир томондан компьютер ўйинларига бўлган доимий эҳтиёжнинг мавжудлиги бўлса, иккинчи томондан шу эҳтиёжни қондириш имконининг йўқлигидир. Ҳиссий-эмоционал соҳада уларда оғишлар борлигининг яна бир сабаби субъектив даражада ўз фаолиятлари (компьютер ўйинлари)нинг фойдасизлигини англашлари ва психологик қарамлик олдида ўз ожизликларини ҳис қилишларидир. Бу ўзига хос когнитив диссонанс, яъни ижтимоий жиҳатдан маъқулланадиган ҳаёт билан аддиктнинг ҳаёти ўртасидаги номувофиқликни билдиради. Бошқача айтганда, аддиктлар мудом ўзларини ўзлари инкор қиладиган шароитда яшайдилар.

Бу жиҳат ғалати туюлса-да, ҳақиқатдан ҳам кўпчилик компьютер ўйинларининг ашаддий ишқибозлари ўз хатти-ҳаракатлари тўғрисида жиддий мулоҳаза юритадилар. «Қиладиган шунча ишим бор эди, мен эса тун билан компьютер ўйнадим» қабилидаги фикрлар уларни қийнайди. Айрим аддиктлар учунгина компьютер ўйинлари психологик ҳимоя вазифасини бажариши мумкин.

Таъкидланганидек, кўпчилик ҳолларда аддиктлар реал вазиятдаги дезадаптация (мослашолмаганлик) ҳолатларини виртуал оламдаги компьютер персонажлари ролига кириш орқали бартараф

қилишга ҳаракат қиладилар. Аддикт ўз виртуал «Мен»ини топишга интилади, чунки бу «Мен» кучлироқ, ақллироқ бўлиб, у қурол ишлатиши мумкин, унинг хоҳлаган нарсани сотиб олишга имкони етади. Лекин инсон ўзининг реал дунёда яшаётганини ҳам эсидан чиқармайди, шу тариқа ҳатто шахс онгининг иккига бўлиниши кузатилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан виртуал оламдаги ўта қудратли киёфасидан воз кечиб, ўз «Мен»ига қайтиш аддиктларни қаноатлантирадиган иш эмас.

РИА «Новости» агентлиги «Дружеский Рунет» фондининг 3500 дан кўпроқ ўсмир орасида ўтказган сўрови натижаларига таяниб хабар беришича, ҳозирги вақтда 15-17 ёш оралиғидаги мамлакат ёшларининг ярмидан кўпроғи интернетда деярли «яшаётганлиги» Россия Федерацияси психологларини қаттиқ ташвишлантирмоқда. Бу ёшларнинг 90% интернетга шахсий компьютерлардан уланишади. Статистикага кўра, 62% вояга етмаган фойдаланувчилар интернетдаги ҳар қандай мазмундаги сайтларга киришга интилишади. Бунда бола ёки ўсмир психикасини жароҳатловчи маълумотни учратиш эҳтимоли жуда каттадир.

Интернетдан фойдаланишда унинг салбий эмас, балки болалар қобилиятларини ўстириши, ақлий имкониятларини ошириши сингари ижобий жиҳатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ўсмирлик даврида ўсмирнинг «мен»и қайтадан шакллана боради. Унинг атрофидагиларга, айниқса ўз ўзига бўлган муносабати, қизиқишлари, қадриятлари йўналиши кескин ўзгаради. Унинг ўз шахсига бўлган эътибори кучаяди. Ўсмирлик даврида шахс эгоцентризми бошқа даврдагиларга қараганда энг юқори даражага етади. Бу даврда ўсмир ўз шахсиятини бошқалардан устун кўядиган, ўзига кўпроқ бино кўядиган бўлиб қолади. Шу даврда ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам шунчаки катталарга тақлид қилиб эмас, балки том маънода ўзининг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш, ўзининг юриш-туриши, кийиниши, ташқи кўринишига астойдил эътибор бериш, пардоз-андоз билан шуғулланиш каби ҳолатлар кузатилади. Шу даврда ўсмирнинг ташқи кўриниши, шахсиятига оид билдирилган арзимаган ножўя гап унинг учун жиддий салбий кечинмаларнинг кечинилишига асос бўлиши мумкин.

Ўсмирлик даврининг характерли хусусиятларидан яна бири - бу даврда ўсмирларда кузатиладиган ўсмирлик автономияси ҳолатидир<sup>1</sup>. Ўсмирлик автономиясининг ҳуқуқий автономия, эмоционал автономия, мақоний автономия каби турлари фарқланади.

Маълумки, бола дунёга келган кундан бошлаб кимнингдир қарамоғига муҳтож бўлади. Ота-онаси ва бошқа яқинлари уни озиклантиради, кийинтиради, тарбиялайди ва болани мунтазам назорат остида тутди. Улар болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турадилар ва бола бундай қўллаб-қувватлаш, далдаларга муҳтожлик ҳис этиб туради.

Ўсмирлик даврида эса бола ўз ҳаётини, хавфсизлигини таъминлаш борасида нисбатан мустақилликка эришади. Энди у ўзини ўзи ҳимоя қила олиши, лозим бўлса ўзи ўз имкониятлари даражасида меҳнат қилиб, етарли даражада даромад қилиши, ўз эҳтиёжларини мустақил равишда ўзи қондира олиши мумкин бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган ҳуқуқий автономия айни вақтда бола ўсмирлик ёшига етиши билан унга қатор ҳуқуқий имкониятлар берилиши билан характерланади. Муайян ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиш ва бундан ўсмирнинг хабардорлиги унда ҳуқуқий автономиянинг юзага келишини таъминлайди. Бундай автономияга эга бўлиш ўсмирда ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлик, масъулиятлилиқ ҳиссини юзага келтиради.

Ўсмирлик автономияларидан яна бири –ҳиссий-эмоционал автономиядир. Маълумки, бола дунёга келган ондан бошлаб у онаси ва атрофидагиларнинг эмоционал, ҳиссий қўллаб-қувватлашига, меҳр-муҳаббатини намоён қилишига, эркалашига эҳтиёж ҳис қилади. Шунинг учун ҳам илк болалик ёшидаги, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларни суюб, эркалаб уларни қучиб, бошини силаб, ёқимли гаплар ва муомала билан уларга ҳиссий яқинлик намоён қилинса, улар бундан қувониб, хурсанд бўладилар ва эркалаётган шахсга нисбатан талпинадилар. Буни ёш болаларнинг онасига суйкалиши, уларнинг пинжига суқилиши, уларга эркаланиши ҳолларида кузатишимиз мумкин. Шунингдек, болалар ўз тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида низо-тортишувларга дуч келганида ва айниқса тенгдошларидан «жабрланганда», «енгила бошлаганидан», ота-онасидан ва атрофидаги

---

<sup>1</sup> Оила психологияси. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. Тошкент, 2007. -Б 58.

яқинларидан эмоционал далда, ҳиссий кўллаб-қувватлаш кутади ва бу борада уларга мурожаат қилади. Агар ўз вақтида шу ҳиссий далдани ола олса, ўзини эркин, тетик, ғолиб ҳис қилади ва улар билан қувониб юради. Ўзининг кичкинагина ҳаётида дуч келган «муаммолари»ни ҳал қилишда катталар ёрдамига муҳтожликни ҳис қилади, улардан мунтазам фойдаланишга интилади.

Ўсмирлик даврида эса аксинча, ўсмир энди «ёш бола» эмас, энди у «катта одам» катта одам эса мустақил бўлиши, ўз муаммоларини ўзи ҳал қилиши керак. Бу даврда катталар ёрдамига мурожаат қилиш тенгдошлар томонидан қораланади. Ва бунини ўсмирнинг ўзи ҳам хоҳламайди. Бу даврда ўсмирларга катталар томонидан олдингидек кўрсатиладиган илтифот, эркалалашлар эриш туюлади. Энди улар ўзларини эркалаб, силаб сийпашларини, «арзимаган нарсалар» учун катталар томонидан билдирилладиган олқишларни «ёқтирмайди». Энди улар атрофдагиларни ҳиссий кўллаб-қувватлашларидан холироқ бўлишга, ўз муаммоларини ўзлари шахсан ҳал қилишга интиладилар. Олдинлари кўчада, боғчада, мактабда юз берган воқеалар ҳақида уйидагиларга шикоят қилиб ота-онасидан ёрдам сўраган бўлсалар, энди оиладан ташқарида биронтасидан дакки эшитиб, калтак еб келган тақдирда ҳам бу ҳақда ота-онасига билдирмасликка ҳаракат қилади ва имкон қадар ота-оналарини унинг «ишларига» аралашмасликларини хоҳлайди. Буларнинг барчаси ўсмирларда бевосита кузатиладиган эмоционал автономиянинг таъсиридир.

Ўсмирларда кузатиладиган автономия ҳолатининг яна бири маконий автономиядир. Бунга кўра ўсмирлар имкон қадар ўз хонасида ёлғиз қолишга, бирон бир ишни бажараётган ёки бирон бир жойда бўлган вақтларида имкон қадар ёлғиз бўлишга айниқса ўз ота-онаси, оила аъзолари назаридан четроқда бўлишга, ўз ўй ҳаёллари билан машғул бўлиб вақт ўтказишга интилиб қолади. Сухбатлашса ҳам асосан ўз тенгдошлари, яқин ўртоқлари билангина мулоқотда бўлиб ўз ота-онаси билан имкон қадар камроқ мулоқотда бўлишга интилиб ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Айни вақтда ўсмирда кузатилаётган бу ҳодисаларнинг асл сабабини тушунмаган айрим ота-оналар уларнинг бундай ҳолатидан хавотирланиб, улар билан олдингига қараганда кўпроқ қизиқиб қоладилар. Бошқача қилиб айтганда уларнинг автономиясига «бостириб кирадилар». Бунини эса ўсмирлар ёқтирмайди. Бундай ҳолатлар ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги ўзаро муносабатларида

келишмовчиликлар, низоларнинг юзага келишига асос бўлиши мумкин.

Кўпинча «ўткинчи» деб тавсифланадиган ўсмирлик даврида организм, асаб тизими оғир ва узоқ вақт давомида таъсир қиладиган таъсиротларга ҳали бардош бера олмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда асаб тизими тормозланиш ҳолатига ўтиши мумкин. Бу эса организмнинг ўзига хос ҳимоя механизми ҳисобланади. Мазкур даврнинг асосий фаолияти ўқиш бўлиб, ўсмирнинг нафақат билим, малакаларни эгаллаши, балки маслак, эътиқод, эҳтиёж ва мотивларни, ижтимоий мулоқот кўникмаларини шакллантириши ҳам муҳимдир. Интернет эса ҳозирги замонда ушбу жараёнда катта аҳамият касб этади.

Кишиларда ахборот кўрсатадиган таъсирга нисбатан жавоб, уни қабул қилиш реакцияси ҳар хилдир. Таъбир жоиз бўлса, ахборот, маълумотнинг психикага таъсири борасида энг «кучсиз» қатлам – ёшлар, дейиш мумкин.

Ҳозирги вақтда фаннинг янги тармоғи – ахборий (компьютер) психологияси йўналиши шиддат билан ривожланмоқда<sup>1</sup>.

Ушбу йўналишда қуйидаги муаммолар тадқиқ этилади:

- инсоннинг тобора такомиллашиб бораётган компьютер технологиялари, ахборий оқим олдидаги кўркуви (компьютерофобия);

- шахснинг инсонлар билан эмас, балки компьютер ва унинг воситасида мулоқот қилишга интилиши – «информомания»;

- компьютерда ишлаш жараёнида кишиларнинг толиқиши;

- компьютерга қаттиқ боғланиб қолишнинг олдини олиш.

Компьютер, интернетга қаттиқ боғланиб қолиш гиёҳвандлик сингари аста-секин, босқичма-босқич ривожланиб борадиган жараён дир. Бу касалликнинг уч босқичи мавжуд:

биринчи босқичда кўпинча муаммолардан чекиниш, уларни унутиш учун глобал тармоқ, интернетга ошиқилади.

Иккинчи босқичда шахснинг интернетдан узилиши жуда қийинлиги кўзга ташланади. Яъни, бу босқичда интернетда ўтказилаётган вақт миқдори тобора кўпайиб боради.

Учинчи босқич – тўлиқ қарамлик бўлиб, унда инсон интернетда ўтказётган вақти илгаригидан кўпроқ бўлмаса, оладиган

---

<sup>1</sup> Белинская Е. Жичкина А. Стратегии самопрезентации в Интернет и их связь с реальной идентичностью // <http://flogiston.ru/projects/articles/strategy.shtml>



хузур-халовати камаяётгандек бўлади. Буни гиёҳванд қабул қиладиган наркотик модда микдорининг кўпайиб боришига қиёсласа бўлади<sup>1</sup>. Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш, тушунтириш мумкин.

Инсоннинг ўзи ҳақида тасаввурлари шаклланиши ёш даврларига боғлиқ бўлиб, одатда ўсмирлик даврида «Мен» тимсоли тўла таркиб топмаган бўлади. Бундай ҳолларда виртуал, хаёлий тимсоллар ўсмирнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондиришга ёрдамга келади. Жамиятда тўла равишда ўзини ўзи намоён қилолмаган шахс виртуал реалликда, хаёлий маконда буни амалга оширишга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат интернет қарамликда юзага келади. Муомала, мулоқот, ижтимоийлашув жиҳатдан муаммолари бўлмаган шахс эса виртуал оламдаги фаолиятга эҳтиёж сезмайди.

Адабиётларда ёзилишича<sup>2</sup>, интернетга қарам кишиларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб шахсларнинг масалан, онлайн ўйин вақтида кайфиятлари кўтаринки бўлади. Улар гуруҳий ўйинларни ўйнашни хуш кўришиб, ўйинни ютган пайтларда бошқалар томонидан рағбатлантирилишни ёқтиришади. Мана шу нарса улар учун муҳим бўлиб, компьютер, интернет улар учун ижтимоий маъқулланиш воситасидир.

Иккинчи гуруҳга мансуб инсонлар эса ҳаётларидаги муайян бир қийинчиликлардан қочиш учун интернетга мурожаат қилишади. Интернет улар мисолида анча чуқур муаммо (масалан жисмоний камчиликлар, ўзини ўзи баҳолашнинг паст даражаси)нинг симптоми, белгиси ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан жинойтчилик ва интернет ўйинлари орасидаги боғлиқлик ҳам аниқланган. Ўйинчилар виртуал оламда қўлларидаги қурол билан маълум бир босқичга йўл олганларида уларнинг мияси худди реал оламда шу ҳаракатни бажарган каби муносабат билдиради, реакция кўрсатади. Интернет ўйинлардаги зўравонлик муаммоси тўғрисида кейинги вақтларда жуда кўп гапирилмоқда. Олимлар энг юқори муваффақият барча жонзотни ўлдириш билан баҳоланадиган компьютер ўйинларида аксарият вақтларини ўтказадиган болалар, инсонлар томонидан жамиятга эстетик, ахлоқий, маънавий зарар етказилишини таъкидлайдилар. Воқелиқдан чекинишни истайдиган кишилар

---

<sup>1</sup> Венгеров А.Б. Информационная ситуация может способствовать как прогрессу, так и деградации общества // Компьютер и право, № 1, 1994.

<sup>2</sup> Дружинина В.Н. Психология. -СПб: Питер, 2002.

меъёр деган тушунчани унутиб, жуда кўп вақтларини компьютер қаршида ўтказдилар. Натижада реал воқеликдан вақтинча эмас, бутунлай узилиб қолиш хавфи юзага келади. Компьютердаги ролли ўйинларнинг киши психикасига ижобий жиҳатини шундай таърифласа бўлади: шахс стрессдан халос бўлиш, муаммолардан чалғиш мақсадида маълум вақт мобайнида компьютерда ўйнаши мумкин. Патологик ҳолатларда эса бунинг тескариси кўзга ташланади, яъни инсон физиологик эҳтиёжларини қондириш, реал ҳаёт қандайлигини унутиб юбормаслик учунгина компьютердан зўр-базўр «узилади». Эҳтиёжларнинг қолган қисми хаёлий оламда қондирилади. Бундай киши, ўсмир учун реал олам хавфли туюла бошлайди. 3D-Action (уч ўлчамли) ўйинларга қаттиқ боғланиб қолган бир компьютер аддиктининг айтишича, компьютер ўйнашни тўхтатиб, кўчага чиққач, кўлида қурол етишмаётганини ҳис қилади. «Қуролсиз ўзимни ҳимоясиз ҳис қиламан ва тезроқ уйга қайтиб, яна компьютер ўйнашга киришаман», дейди у. Кўриниб турибдики реал воқеликдан қочишга интилиш бу ҳиснинг тобора кучайиб боришига сабаб бўлади.

Киберхавфсизлик масалаларига бутун дунёда алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Америка Қўшма Штатларида 2002 йилдаёқ «Киберхудуд хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Миллий стратегия» қабул қилинган эди. Белоруссияда 2010 йили «Интернетнинг миллий сегментидан фойдаланишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» фармон қабул қилинди. Буюк Британияда 2011 йили бўлиб ўтган тартибсизликларда ижтимоий тармоқларда бошқаларни вазиятни издан чиқаришга чақирган ёшлар аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Худди шу сингари Россия аҳолисида ҳам интернет ахборот, маълумот манбаси сифатида аҳолида энг кўп ишонч уйғотмоқда. Москва давлат университети экспертлари томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, 36,9 % респондент айнан интернет мамлакат ва дунёда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳаққоний, тўлиқ маълумот беришига ишонади. Иккинчи ўринни федерал телевидение маълумотлари эгаллаган (34,1 %). Учинчи-тўртинчи ўринларни (27,4%) ахборотнинг норасмий манбалари – қариндош-уруғлар, дўстлар, ҳамкасблар, шу билан бирга таълим муассасалари педагоглари, маҳаллий нашрлар маълумотлари ташкил этади.

18 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг баҳолари ҳам Россия аҳолисининг умумий баҳосидан унчалик кўп фарк қилмайди. Бироқ, айнан интернет орқали ёшлар онгига фаол тарғиб қилинаётган турли деструктив ғоялар сингиши эҳтимоли кўплигини 48 % респондент ушбу манбани биринчи ўринга қўйиш орқали тасдиқлаган. Иккинчи ўринни диний таълим берадиган шахслар (34,2 %), учинчи ўринни дўстлар ва қўшнилар (17,6 %) эгаллаган. Деструктив ғоялар манбаси сифатида кейинги ўринларда турли брошюра, мақола ва адабиётлар (10,5%), хорижда таълим олиш (9,8 %), таълим муассасалари (8,0%), қариндош-уруғлар (8,0%), ҳар хил радиостанциялар (5,3 %) омиллари кўрсатилган<sup>1</sup>.

Сўровга жалб этилган россияликларнинг деярли ярми (46,2 %) интернетда деструктив ғоялар тарғиб этилаётган материалларни доимо учратишларини, 20,6 % кўпинча, 25,6 % аксарият ҳолларда дуч келишларини билдиришган.

Бироқ, ёддан чиқармаслик керакки, деструктив ғояларни тарғиб қилиш усуллари хилма-хил бўлиб, уларда доим ҳам мавжуд тузумга қарши очикдан-очик ҳаракат қилиш унсурлари ифодаланмаслиги мумкин. Хусусан, терроризмнинг охириги йилларда турли кўринишлари вужудга келди ва интернетда эълон қилинаётган ушбу мазмундаги материаллар одатланилган, шаклий мезонларга жавоб бермаслиги эҳтимоли мавжуд. Масалан, аҳоли онгига таъсир кўрсатиш учун жамиятда мавжуд турли муаммоларга ирқий, диний, миллий тус берилади ва уларни бартараф этишда радикал хатти-ҳаракатларга эътибор қаратиш лозимлигига урғу берилади. Ёки деструктив ғояларни тарғиб қилишнинг нисбатан пайқаш мумкин бўлган шакли–мазкур ҳаракатларни оқлаш, уларни легитимлаштиришга уриниш.

Деструктив тарғибот-ташвиқотнинг ўзгача кўринишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

-муайян ирқ, дин, миллат вакилларига, ижтимоий гуруҳга нисбатан салбий установкаларни, адоват туйғусини шакллантириш;

-муайян деструктив хатти-ҳаракатларга нисбатан хайрихоҳликни таркиб топтириш (уларга масалан, суицидни тарғиб қилувчи ёки экстремистик ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи сайтлар фаолияти мисол бўла олади).

---

<sup>1</sup> «Вестник Кавказа» газетаси, 2011 йил 25 октябрь.

Албатта, интернетнинг имкониятлари фақат салбий жиҳатларда акс этмайди. Унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Улар сирасига маълумотга дарҳол эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот имкониятининг мавжудлиги, таълим борасида интернет имкониятларини кўрсатиш мумкин. Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар куни турли ижтимоий тармоқлар («Facebook», «MySpace», «Twitter», «Habbo Hotel», «Friendster», «Tagged.com», «Одноклассники», «Мой мир», «В контакте», «В кругу друзей», «Менинг оламим», «Синфдош» ва ҳ.к.лар)да миллиардлаб инсонлар бир-бирлари билан виртуал мулоқотга киришмоқдалар, турли сайтларга кирмоқдалар, блогларда ўз фикрларини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқдалар. Ёшларда деструктив ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмаганлигини, уларнинг эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёндир.

Ахборий-психологик хавфсизлик борасидаги бундай таҳдидларга қарши курашишда энг аввало, ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу борадаги таҳдидлар доим ҳам мамлакат ичкарисидан чиқавермаслигини, уларнинг четдан туриб ташкиллаштиришга уриниш ҳоллари мавжудлигини ҳам унутмаслик зарур.

Психологлар томонидан ҳозирги кунда «ахборий-қўпоровчи омил» деган тушунча истеъмолга киритилган. Ҳақиқатдан ҳам интернетдан тарқатилаётган қўпоровчилик руҳидаги ахборотлар баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширгандан ҳам кўпроқ самара бериши мумкин. Хусусан мазкур ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- кишиларнинг ахлоқий-психологик ҳолатини, дунёқарашини, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга нисбатан қаратилган ахборий босим, хуруж;
- нотўлиқ, атайлаб бузилган, нотўғри маълумот ва ахборотларнинг тарқатилиши;

- тўғри маълумотнинг кишилар томонидан нотўғри идрок этилишини таъминлашга интилиш<sup>1</sup>.

Ахборий таъсирнинг фойда ёки зарари унинг ўзи эмас, балки кўрсатиши мумкин бўлган натижаси билан тавсифланади. Зеро, ахборий таъсир моҳияти унинг муайян жараёнларни бошқаришга нисбатан имкониятида намоён бўлади.

Аниқланишича, хаёлий оламда кўп вақт ўтказувчилар гипнозга берилувчан шахслар бўлишади. Компьютер ўйинлари дастурини маълум мақсадлар асосида, кишини «зомбилаштириш»га хизмат қиладиган сўзлар воситасида тузиш эса мутахассислар учун мураккаб иш эмас.

Умуман олганда, назаримизда ўсмирлар, ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш учун бир қатор ишларни амалга ошириш зарур.

Энг аввало, меъёрга амал қилиш керак, яъни боланинг компьютер олдида ўтказадиган вақтини белгилаб, чегаралаб бериш лозим. Унинг ўрнига турли бадий, илмий китобларни ўқиш, мусиқа, спорт билан шуғулланишга ундаш мақсадга мувофиқ. Врачларнинг тавсиясига кўра, биринчи синф ўқувчилари кунига 10 дақиқа, иккинчи-бешинчи синф ўқувчилари 15 дақиқагача компьютерда ишлашлари мумкин. Ўрта умумтаълим мактабларининг 6-9 синф ўқувчилари 20-25 дақиқагача, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ярим соатдан бир соатгача кунига компьютер қаршисида ўтиришлари тавсия этилади.

Шу билан бирга, интернетнинг маълум бир сайтлари ва порталларига киришни чегараловчи дастурлардан фойдаланилгани ҳам маъқул. Бу ишларни амалга ошириш орқали интернетнинг ўсмирлар психикасига кўрсатадиган салбий таъсирини камайтириш мумкин.

---

<sup>1</sup> Крол Эд. Все об Internet: Руководство и каталог / Пер. с англ. Тимачева С.М. - Киев: BNV, 1995. -С 19.

## ХУЛОСА

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларнинг турли деструктив гуруҳлар, ғоялар томонидан тарғиб қилинаётган кадриятлар таъсирига тушиб қолиш хавфи тобора ортиб бормокда. Зеро, керакли, муҳим ҳаётий кадриятларни ва йўналишларни шакллантириш анча мураккаб жараён бўлиб, у иродавий зўр бериш ёки кўрсатмалар орқали эмас, балки мавжуд анъаналар ва тартиблар асосида таркиб топтиради. Ёшларнинг муҳим ҳаётий режалари улар учун асосий ҳисобланган, ҳаётий аҳамиятга молик йўналишлар характерига боғлиқ бўлади. Ҳаётий аҳамиятга молик йўналишлар йигит ва қизлар ён-атрофидаги муҳит, яқинларига хос кадриятлар тизими асосида шаклланади. Ёшларга яқин муҳит, шахслар эса ўзига хос, замонавий ёшлар субмаданияти кўринишларини эгаллаган шахслардир. Ёшлар субмаданиятининг ижтимоий-фалсафий моҳияти, кадриятлар тузилмасининг хусусиятлари қай даражада чуқур ўрганилганлиги, шунингдек, ҳаётий йўналишларининг эҳтимолий деформацияланишуви жиҳатлари қанчалик таҳлил қилинганлигига қараб уларга мақсадга мувофиқ психологик-педагогик таъсир кўрсатиш ҳамда психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Замонавий ёшлар ҳар хил кадриятлар ва йўналишларга эга бўлиб, уларнинг вужудга келишида йигит ва қизларнинг ижтимоийлашуви, тарбияси сингари бир қатор ташқи омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бундай шароитда турли шахсларда ҳар хил ҳаётий позиция шаклланиши мумкин. Айрим ёшлар жуда осонлик билан ижтимоий ҳаётга мақсадга мувофиқ тарзда мослашсалар, бошқаларида бу жуда қийинлик билан кечади.

Ёш авлод вакиллари психологик-педагогик таъсир кўрсатиш, уларни психологик-педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бир қатор жиҳатларига кўра муҳимдир. Энг аввало, таъкидлаш лозимки, ёшлар барча жамиятларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, истиқболдир. Ёшлар шахсининг шаклланиши бутун дунёда мураккаб сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар кечаётган бир пайтга тўғри келаётган экан, уларни тўғри тарбиялашда албатта, катта авлоднинг кўмаги зарур бўлади. Йигит ва қизларга зарурий психологик-педагогик маслаҳат, ёрдам кўрсатиш, уларда тегишли хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, куч-ғайратини тўғри ўзганга йўналтириш, онгини деструктив ғоялар таъсиридан муҳо-

фаза қилиш шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Расмий ёшлар уюшмалари, ташкилотларига йигит ва қизлар, ўсмир, ўспиринларни кўпроқ жалб этиш уларни тўғри тарбиялаш, адекват, мақсадга мувофиқ психологик-педагогик йўналтиришда катта аҳамиятга эга.

Психологик-педагогик таъсир доирасида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ:

- ёшларнинг касбий, когнитив, ижтимоий фаолият соҳаларида муҳим стратегик йўналишларни аниқлаб олишларига ёрдам берадиган кадриятлар тизимини шакллантириш;

- ижтимоий такомиллашув ва масъулият ҳиссини таркиб топтиришга кўмаклашувчи маънавий юксалиш, тафаккур маданияти кўникмаларини ривожлантириш;

- ёш авлод мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ вакилларида жамиятга фойда келтириш билан боғлиқ фаолият турлари билан шуғулланишни назарда тутадиган кадриятлар тизимини, йўл-йўриқларни таркиб топтириш.

Ёшлар билан олиб бориладиган психологик-педагогик таъсир йўналишлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- мазмуний йўналиш (расмий ёшлар ташкилотлари, уюшмалари фаолиятига татбиқ этиш мумкин бўлган, амалий характердаги, кадрият аҳамиятига эга педагогик компонентлар мазмуни, шакл, усулларини яратиш);

- ижтимоий-педагогик йўналиш (замонавий ёшларнинг турли қатламларига мўлжалланган маънавий-маърифий, педагогик тадбирларни амалга оширишни назарда тутадиган тизимни ҳаётга татбиқ этиш);

- дастурий-тузилмавий йўналиш (ёшларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган чоратадбирларни амалга ошириш);

- иқтисодий йўналиш (спорт жамоалари, клублари, конструктив мазмунда фаолият олиб борадиган расмий ва норасмий ёшлар ташкилотларини моддий рағбатлантирувчи ва молиялаштирувчи манбаларни аниқлаштириш);

- инновацион йўналиш (назорат шаклидаги одатий педагогик таълим-тарбия усулидан фаол фуқаролик позициясини, юксак ахлоқий онг, ижобий ҳаётий кадриятларни шакллантиришга қаратилган ривожланиш моделини яратиш).

Ёшларда муваффақиятга эришиш борасида мақсадга мувофиқ стереотипларни шакллантиришда жамоат ташкилотлари, педагоглар, таълим муассасалари, оила, оммавий ахборот воситалари, ота-оналар тегишли тарзда биргаликда фаолият олиб боришлари лозим. Ота-она (оила), таълим муассасаси ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган педагогик ўзаро алоқа модели тизимли йўлга қўйилиши зарур. Ушбу модел конкрет муассаса, ташкилотлар ҳамда давлат ва жамиятнинг турли тузилмалари, бўғинлари даражасида фаолият олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: «Ўзбекистон», 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. – Тошкент. 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент, «Ўзбекистон» , 1997.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.– Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
8. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Тошкент, «Ўзбекистон», 1999.
9. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.- Тошкент, «Ўзбекистон», 2000.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.– Тошкент, «Маънавият», 2008.
11. Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади (Ҳикматли сўзлар ва иборалар тўплами).– Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти), 2010.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.– Тошкент, Ўзбекистон, 2011.
13. Абдураззоқова М. Дин ва сиёсат //Фан ва турмуш.-2000.-№2. -Б10-11.
14. Абдухалилов А. Диний экстремизм: кеча ва бугун //Жамият ва бошқарув.-2002.-№2.-Б.66-68.
15. Алимов Х. Бадиий адабиёт таржимонлари ёш даврларининг психологик хусусиятлари. Психол. фан. номз. дисс. Т.: 1995.
16. Ананьев Б.Г. О принципах современного человекознания. М.: Наука, 1977.
17. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания.–СПб.: Питер, 2001.
18. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969..

19. Анатолий Тарас «Методы и приёмы психологической войны.»-»АСТ», «Харвест». 2006
20. Аронсон Э., Пратканис Э. Эпоха пропаганды: механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление. -СПб., 2002.
21. Аронсон Э., Пратканис Э.Р. Эпоха пропаганды: Механизмы убеждения, повседневное использование и злоупотребление. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2003.
22. Бассин Ф.В. Проблема бессознательного в неосознаваемых формах высшей нервной деятельности. . – М.: Медицина, 1968.
23. Бахур В.Т. Это неповторимое «Я». -М.: Знание, 1986.
24. Берн Э. Введение в психиатрию и психоанализ для непосвященных. –СПб .: МФИН, 1992.
25. Берн Э. Трансакционный анализ и психотерапия. -СПб., 1992;
26. Бети Реадон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси. - Алматы, 2002.
27. Блэкборн Р. Психология криминального поведения. -СПб.: Питер, 2004;
28. Богданова М.В. Психологические защитные механизмы (к пониманию взаимозависимости защитных систем: психологической и иммунной) // Вестник ТюмГУ.- 2005.- № 3.- С. 14-18.
29. Богомолов А.М., Портнова А.Г. Связь интенсивности психологической защиты личности с процессом самореализации // Психологическая наука и образование. –2004. –№2. –С.27-31
30. Братусь Б.С. О месте художественной литературы в построении научной психологии личности.// Вестник МГУ, сер. 14, психология, 1985, №2. -С 23-34.Бутовская М.Л. Агрессия и примирение как проявление социальности у приматов и человека. // Общественные науки и современность. 1998. № 6.
31. Быкова О.Н. Языковое манипулирование общественным сознанием. –Красноярск: Изд-во Красноярского ун-та, 1999.
32. Венгеров А.Б. Информационная ситуация может способствовать как прогрессу, так и деградации общества // Компьютер и право, № 1, 1994.
33. Волков Е. Н. Преступный вызов практической психологии: феномен деструктивных культов и контроля сознания (введение в проблему) // Журнал практического психолога. М.: Фолиум. 1996. № 2.

34. Волков Е.Н. Критерии, признаки, определения и классификации вредящего психологического воздействия: психологическое травмирование, психологическая агрессия и психологическое насилие // Журнал практического психолога. 2002 № 6.
35. Волков Е.Н. Методы вербовки и контроля сознания в деструктивных культах // Журнал практического психолога. – М., 1996. № 3.
36. Воловик В.М., Вид В.Д. «Психологическая защита» как механизм компенсации и ее значение в психотерапии больных шизофренией // Психологические проблемы психогигиены, психо-профилактики и медицинской деонтологии / Ред. М.М. Кабанов. – Л., 1976.
37. Геген Н. Психология манипуляции и подчинения. –Спб. : Питер, 2005.
38. Грачев Г.В. Мельник И.К. Манипулирование личностью. Организация, способы технологии информационно-психологического воздействия. -М., 2002.
39. Грачев Г.С., Мельник И.К. Манипулирование личностью. М., 2002;
40. Гримак Л.П. Тайны гипноза: современный взгляд. -СПб., 2004.
41. Демина Л.Д., Ральникова И.А.. Психическое здоровье и защитные механизмы личности. Учебное пособие: изд-во Алтайского государственного университета. 2000.
42. Диний-экстремистик ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва мақсадлари тўғрисида. –Тошкент. 2004.
43. Доценко Е.Л. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. -М.: Изд. МГУ, 2000.
44. Дьюсбери Д. Поведение животных. Сравнительные аспекты. -М.: Мир, 1981.
45. Евгеньева Т.В. Технологии социальных манипуляций и методы противодействия им. -Спб.: Питер, 2007.
46. Жўраев С., Абдусаматов А. Терроризм - халқаро хавфсизликка таҳдид //Қонун ҳимоясида.-2001.-№9.-Б.21-25.
47. Информационная и психологическая безопасность в СМИ / Под ред. А.И.Донцова, Я.Н. Засурского, Л.В. Матвеевой, А.И. Подольского. М., 2002.
48. Ислом. Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
49. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием: 2-е изд., испр. -М.: Эксмо, 2003.

50. Каримова В. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Тошкент: ЎАЖБНТ, 2002.
51. Кветной И.М. Вездесущие гормоны. -М.: Молодая гвардия, 1988.
52. Кириченко А.В. Психологические технологии влияния на личность в профессиональных целях. -Минск, 2003.
53. Киришбаум Э.И., Еремеева А.И. Психологическая защита. 2-е изд. -М.: Смысл, 2000.
54. Клейберг Ю.А. Психология девиантного поведения: Учеб. пособие для вузов. - М: Сфера, 2001.
55. Кон И.С. Ребенок и общество. -М.: Наука, 1988.
56. Кондратьев Ф. Проблема религиозных культовых новообразований («сект») в психолого-психиатрическом аспекте. – Москва: 2000.
57. Крол Эд. Все об Internet: Руководство и каталог / Пер. с англ. Тимачева С.М. - Киев: BNV, 1995.
58. Лалаянц И. Убийство начинается в нейроне.// Литературная газета. 1994. 31 августа (N35). С.12.
59. Лекции для индивидуальной пропагандистской деятельности, отдельные образцы пропагандистских материалов. -Ростов-на-Дону, «Южный федеральный университет», 2010.
60. Леонгард К. Акцентуированные личности. -Ростов н/Д: Феникс, 2000.
61. Лифтон Р. Технология «промывки мозгов». Психология тоталитаризма. -СПб., 2005.
62. Лифтон Роберт Джей. Технология «Промывки мозгов». Психология тоталитаризма. Перевод с англ. - СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2005.
63. Ломов Б.Ф. Методологические и теоретические проблемы психологии. -М.: Наука, 1984.
64. Лоренц К. Обратная сторона зеркала. -М.: Республика, 1998.
65. Майерс Д. Социальная психология. -СПб.: Питер, 1997.
66. Марказий Осиё, ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар /С.Отамуродов, С.Мамашокиров, А.Холбеков ва бошқ.) -Т.: Ижод дунёси, 2002.
67. Меннинг О. Поведение животных. Вводный курс. -М.: Мир, 1982;
68. Миссионерлик ва прозелитизм: мақсадлар, вазифалар, усуллар. Етакчига ёрдам. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши нашри. - Тошкент, 2007 йил, 8-сон.

69. Мустафаева Ш.Ф.. «Психологические особенности манипулятивного воздействия в деструктивных культовых организациях (на примере молодежных групп)». Психол. фан. номз. дисс. автореф. - Тошкент, 2012 йил.
70. Мустафо Ҳилмий. Ал-Хавориж. –Қоҳира, 1977
71. Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. - Тошкент:, 1996.
72. Мухтор А. Уйқу қочганда... //Тафаккур, 1996, 1-сон.
73. Насиновская Е.Е., Якубовская М.Я. Психологический барьер как защитный механизм личности в конфликтной ситуации. – М. Изд. Моск. ун-та, 1984.
74. Никитин Е.П., Харламенкова Н.Е. Самоутверждение человека. //Вопросы философии. 1997. N 9.
75. Никольская И.М., Грановская Р.М. Психологическая защита у детей. – СПб.: Речь, 2006.
76. Норматов У. «Ўткан кунлар» хайрати. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
77. Норқулов Ҳ. Д.. «Ота-оналарнинг ғоявий-тарбиявий билимларини оширишнинг ижтимоий-педагогик асослари». Пед. фан. номз. дисс. -Тошкент, 2007.
78. Норқулов Ҳ. Оилада ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишнинг ижтимоий-педагогик технологияси.- Тошкент: 2005.
79. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. -Тошкент, 2011.
80. Ольшанский Д.В. Психология терроризма. -СПб: Издательский дом. «Питер».
81. Орёл Н. Психологические механизмы влияния тоталитарных групп на личность: профилактика и преодоление зависимости. Хрестоматия. Контроль сознания и методы подавления личности. – М.-Минск: Харверст АСТ, 2001.
82. Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний кадриятлар. - Тошкент: Ўзбекистон.1997.
83. Пахритдинов Ш. Ижтимоий таҳдидларни англаш зарурати //Тафаккур.-1999-№4.-Б.104.-106.
84. Почепцов Г.Г. Информационные войны. – М.: «Рефл – бук», К.: «Ваклер», 2001.
85. Психология. / Под редакцией Крыловой Н.Р. - М.: Академия, 2003.
86. Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. -Т.: Маънавият, 1998.

87. Раҳмонов А. Умумбашарият хавфсизлиги ва диний экстремизм: Дин ва жамият // Ҳаёт ва қонун.-2000.-№3.-Б.63-66.
88. Ремшмидт Х. Подростковый и юношеский возраст: Проблемы становления личности М.: Мир – М.: Мир, 1994. .
89. Романова Е.С., Гребенников Л.Р., Механизмы психологической защиты. Генезис. Функционирование. Диагностика.- г. Мытищи, Изд-во «Талант», 1990. .
90. Саифназаров И., Каримов Т., Мухторов А. Халқимизнинг ҳамжихатлиги терроризмга қарши қафолатдир. -Тошкент: Янги аср авлоди. -2004.
91. Самаров Р. Сиёсий психология. Ўқув қўлланма. -Т.: «Университет», 2008.
92. Самаров Р., Қодиров У. «Шахснинг психологик ҳимояси – барқарорликни таъминлаш асоси». «Таълим муаммолари» журнали, 2010, №1. Самаров Р., Қодиров У. Ҳарбийлик –шарафли касб. Ўқув-услубий қўлланма, -Тошкент, «Фан» нашриёти, 2006.
93. Самаров Р., Қодиров У. Профессионально-психологический отбор в Вооруженных Силах Республики Узбекистан. Методическое пособие. –Ташкент, 2006.
94. Самаров Р., Қодиров У. Барқарорлик-миллий тараққиётнинг асосий шарти. «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш тажрибаси ва илмий-назарий асоси» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, -Тошкент, 2010 йил.
95. Сафаров М. «Оммавий маданият» – маънавият қушандаси. «Маърифат» газетаси, 2003 йил 23 январь.
96. Смирнова С.В. Социально-психологическая профилактика молодёжной криминальной агрессивности. Автореф. дисс. канд. наук. –М.: 2007.
97. Соғинов Н.А. Аёлларни асранг, эркақлар.// «Оила ва жамият», 1996, -№46.
98. Соғинов Н.А. Инсон бахти ва психологик хизмат. //Мақтаб ва ҳаёт. 2002, -№1.
99. Соғинов Н.А. Ўзбекистонда психологик хизмат истиқболлари. /Ўзбекистонда амалий психологиянинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент. 2008.
100. Столин В.В. Самосознание личности. – М.. Изд-во Моск. ун-та. 1983.

101. Столяренко Л.Д. Основы психологии.– Ростов-на-Дону: «Феникс», 2000. .
102. Теплов Б.М. Избранные труды. Т 2. -М.: Педагогика, 1985.
103. Толипов Ф. Терроризминг миллий ва минтақавий хавфсизликка солаётган таҳдиди //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2001.- №3.-Б.22-31.
104. Тошқуватова Р.Ш. «Глобализация шароитида сиёсий ва диний экстремизм муаммоларининг нисбати». Фалсафа фан. номз. дисс. автореф. -Тошкент, 2012 йил.
105. Умаров Б., Қодиров У. Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. Ўқув қўлланма, -Тошкент, «Янги аср авлоди» нашриёти, 2005.
106. Фарфиева К. Миллий ғоя ва ёшлар тарбияси. // «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманнинг тезис ва мақолалар тўплами (2008 йил 3-5 апрель). – Т., 2008.
107. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. -М.: Республика, 1994.
108. Хассен С. Освобождение от психологического насилия. Деструктивные культы, контроль сознания, методы помощи. -СПб., 2002.
109. Хўжамуродов И., Якубов Ю.. Ислом: жамият ва шахс. ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007.
110. Шовен Р. Поведение животных. -М.: Мир, 1972.
111. Шостром Э. Анти-Карнеги, или человек-манипулятор. -Минск: Полифакт, 1992.
112. Шоумаров Ш.Б., Шоумаров Ғ.Б. Муҳаббат ва оила. -Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси, 1995.
113. Штроо В.А. Исследование групповых защитных механизмов // Психологический журнал.- 2001.- №1
114. Штроо В.А. Защитные механизмы: от личности к группе // Вопросы психологии. - 2005. - № 2.
115. Якобсон П.М. Психология художественного творчества. -М.: Знание, 1971, с 7.
116. Қодирий Абдулла. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён». -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994.
117. Қодиров У. Бошқарув руҳияти. «Фан ва турмуш» журнали, 1999 йил, 3-сон.

118. Қодиров У. Бадиий ижодиёт намуналарининг психологик таҳлили. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2000.
119. Қодиров У. Муҳит гирдобидаги инсон. «Тафаккур» журнали, 2000, №3.
120. Қодиров У. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида шахс инфор­ма­цион-психологик хавфсизлиги масалалари. ТКТИ да бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман материаллари. Тўплам, -Т.: 2005.
121. Қодиров У. Ёшларни деструктив гуруҳлар таъсиридан ҳимоя­лашнинг айрим жиҳатлари. Ўзбекистонда психологик хизматнинг долзарб муаммолари». Республика илмий-амалий анжумани материаллари, -Тошкент, 2010.
122. Қодиров У. Ёшларда ассертив хулқни таркиб топтиришнинг айрим масалалари. «Касбий таълим: муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги республика илмий-амалий семинари материаллари, - Тошкент, 2011.
123. Қодиров У. Ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан ҳимоя-лаш­долзарб муаммо. «Олий таълим тизимида психология фанларини ўқитишнинг илмий-услубий муаммолари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари, -Тошкент, 2011.
124. Қодиров У. Ёшларни деструктив гуруҳлар таъсиридан ҳимоя­лашнинг долзарб муаммолари. «Психология» журнали, 2011 йил №1, 65-70 бетлар.
125. Қодиров У. Ёшлик даврига хос ижтимоий-психологик ва социологик ёндашувлар. «Жамият тараққиётида оиланинг ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг мате­риаллари тўплами. -Тошкент, 2012.
126. Қодиров У. Инсон психик саломатлиги ва шахснинг ҳимоя механизмлари. «Оила барқарорлиги: муаммолар, тажрибалар, истиқболлар» мавзусидаги республика илмий-амалий конфе­ренциясининг материаллари тўплами (Қарши, 2012 йил 16 май). – Тошкент, «Yurist-media» маркази нашриёти, 2012.
127. Қодиров У. Шахснинг ижтимоий-психологик тузилмасига оид айрим мулоҳазалар. //Таълим муаммолари, 2012 йил, -№2.
128. Қодиров У. Глобаллашув шароитида деструктив таҳдидлар олдини олишнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари //Таълим муаммолари. – Тошкент, 2012. -№4.
129. Қуронов М. Миллий истиқлол ғояси. Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавр босқичи учун дарслик //Ҳаммуаллиф. Ғоявий



иммунитетни шакллантириш хавфсизлик ва барқарорлик омили. 92-115 б – Тошкент: Академия, 2005.

130. Қуронов М. Эзгу ғоялар рўёби. -Тошкент, «Маънавият», 2011.

131. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.

132. 1001 саволга психологнинг 1001 жавоби./ Психология фанлари доктори, профессор Ғ.Б.Шоумаров умумий таҳрири остида. – Тошкент, «Меҳнат», 2001.

133. Adler A. Superiority and Social Interest: A Collection of Later Writings. H.L.& R.R. Ansbacher (Eds.). Evanston, IL: Northwestern University Press., 1964;

134. Bolton R. Aggression and Hypoglycemia among the Quolla: a Study in Psychobiological Anthropology.// Ethnology. 1973.N 3. P.227-259 Wilder J. Sugar Metabolism in its Relation to Criminality.// Handbook of Correctional Psychology. New York, 1947.

135. Chombart de Lauwe . M-1. La femme dans la societe: Son image dans differents milieux.- P.: 1963.

136. Lifton R.J. The Nazi Doctors: Medical Killing and the Psychology of Genocide, 1986. N.Y.

137. Maslow A.H. Motivation and Personality. New York: Harper and Row, 1987.

138. Mc.Niff S.A Motivation in art (Art Psychotherapy 1977, vol 4, p 125-136).

139. Nishida T., Haraiwa-Hasegawa M., Takahata Y. Group Extinction and Female Transfer in Wild Chimpanzees in the Mahale National Park, Tanzania. // Zeitschrift fur Tierpsychologie. 1985.

140. Rogers C.R. A Theory of Therapy, Personality and Interpersonal Relationships, as Developed in the Client-centered Framework.//Koch S. Psychology: A Study of a Science. Vol.3. New York: McGraw-Hill, 1959.

141. <http://flogiston.ru/projects/articles/strategy.shtml>

142. <http://psychodefence.ru/archives/category/strukturnaya-teoriya-mexanizmov-psixologicheskoy-zashchity>

143. <http://www.voppsy.ru/issues/1991/916/916069.htm>

144. [http://psypm.narod.ru/K10\\_6.htm](http://psypm.narod.ru/K10_6.htm)

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

### I боб. ЁШЛАРНИ ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

1.1. Шахс деструктив фаолиятига оид биологик ва ижтимоий-психологик ёндашувлар.....	5
1.2. Шахснинг ижтимоий-психологик тузилмаси ҳамда ёшлик даврига хос айрим ижтимоий-психологик ва социологик қарашлар.....	22
1.3. Ёшлик даврига хос шахс хусусиятлари ва психологик ҳимоя.....	27

### II боб. ДЕСТРУКТИВЛИК ТУШУНЧАСИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

2.1. Деструктив гуруҳларда аъзоларни ёллаш ва онгни назорат қилиш.....	36
2.2. Деструктив гуруҳларнинг ҳаракат қилиш стратегияси, тактикаси ва усуллари.....	53
2.3. Ёшлар муҳитида экстремизм ва терроризм профилактикаси.....	68
2.4. Аксилэкстремистик онг ва ёшлар субмаданияти.....	96

### III боб. ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯСИ – БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИ

3.1. Инсон психик саломатлиги ва шахснинг ҳимоя механизмлари.....	113
3.2. Оилада аксилтеррористик қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган психологик амалиёт.....	131
3.3. Ёшларда экстремистик кайфиятларнинг шаклланиши профилактикасига доир амалий ишланмалар.....	145

### IV боб. САНЪАТ ВА ИЖОД НАМУНАЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»НИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

4.1. Санъат ҳамда ижод намуналари деструктив ғояларга қарши қадриятлар ва бағрикенгликни шакллантирувчи восита сифатида.....	168
4.2. Санъат, ижоддаги айрим йўналишлар ҳамда «оммавий маданият»нинг шахс маънавий юксалишига кўрсатадиган салбий таъсири.....	179
4.3. Бадиий адабиёт намуналарини таҳлил қилишнинг илмий-психологик ва методик асослари.....	195
4.4. Компьютер технологиялари ва интернетнинг шахс онгига кўрсатадиган таъсири.....	209

Хулоса.....	222
Фойдаланилган адабиётлар.....	225

**УМАРАЛИ ҚОДИРОВ**

**ЁШЛАРНИ ДЕСТРУКТИВ  
ТАЪСИРЛАРДАН ҲИМОЯЛАШНИНГ  
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013**

Муҳаррир: Ф.Исмоилова  
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов  
Мусаввир: Э.Мажидов  
Мусахҳиҳа: М.Ҳайитова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АIN№149, 14.08.09. Босишга руҳсат этилди 30.04.2013 йил.  
Бичими 60x84<sup>1/16</sup>. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табағи 15,0. Нашр босма табағи 14,75.  
Тиражи 500. Буюртма №49.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.  
100066, Toshkent shahri, Olmazor kўchasi, 171-uy.**